

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Божхона институти**

Д.Мусаев Д.Саттаров А.Муминов



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2020

ДБК Божхона институтининг 2020 йил “ _____ ” _____ даги Илмий кенгашининг _____-сонли қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

Такризчилар:

Ф.Хайитбоев - Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўлим бошлиғи, ю.ф.н., доцент.

Р.Акрамов - ДБК Халқаро божхона ҳамкорлиги бошқармаси бошлиғи.

Ушбу китоб халқаро ҳуқуқ фани бўйича дарслик сифатида тавсия этилмоқда. Унда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши, унинг асосий тушунча ва принциплари, институтлари ва соҳаларининг тараққиёт қонунлари ўз аксини топган.

Ўқув қўлланмани ўқитишдан асосий мақсад курсантларга, тингловчиларга ва амалиётчи ходимларга ҳозирги замон халқаро ҳуқуқнинг қоидалари, ташкилотлари ва соҳаларини ўрганишда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Мазкур ўқув қўлланма халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари ва тармоқларига доир маълумотлар бериб, халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари ва давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тажрибаларига баҳо бериш кабиларни ўзида мужассамлаштирган.

Ўқув қўлланма институт курсантлари, тингловчилари, ўқитувчилари ва халқаро муносабатлар соҳасига ихтисослашган бошқа идора ва ташкилотлар ходимлари учун ҳамда халқаро ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Кириш

XXI аср инсоният жамияти ҳаётининг байналминаллашувидек тарихий қонуниятнинг кучайиш ҳаракати билан ажралиб туради. Давлат чегараларининг мавжудлиги ва ҳар хиллигига қарамай, ягона халқаро жамиятда мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ўсиб бормоқда. Халқаро муносабатлар нафақат давлатлар ҳаётига, балки ҳар бир алоҳида одамга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро муносабатлар тизими ҳуқуқнинг муайян соҳаси - халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинади. У кўп ёки оз даражада давлатларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг турли-туман алоқаларига таъсир қилади. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ ва давлат ички ҳаётига ҳам таъсири кучаймоқда.

Шу боис, халқаро ҳуқуқни билиш нафақат халқаро муносабатлар билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар, балки жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида, тадбиркорликда йўл топиш, оддий фуқаролар ва сайёҳлар учун ҳам анча аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормалари аста-секин миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисмига айланиб бормоқда, унинг асосларини билиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқларини мамлакат ичида ҳимоя қилишлари учун зарурдир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” белгилаб берилган:

давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини ҳал этиш.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини жорий 2018-Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик масалаларига катта эътибор қаратилган.

Халқаро муносабатлар тизими ҳуқуқнинг муаян соҳаси – Халқаро ҳуқуқ билан муаян тартибга солинади. Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқ ва давлат ички ҳаётига таъсири кучаймоқда. Халқаро ҳуқуқни билиш нафақат Халқаро

ҳуқуқ билан бевосита шуғулланувчи мутахассислар, балки жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида, тадбиркорликда йўл топиш, оддий фуқаролар ҳамда бўлажак божхона ходимлари учун ҳам анча аҳамиятли бўлиб бормоқда. Халқаро ҳуқуқнинг асосларини бўлажак божхона ходимлари мукамал билишлари лозим бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ички ва ташқи муносабатларда ҳимоя қилишлари учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олинishi алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги ва унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши белгилаб қўйилган.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиёдаги Минтақавий Иқтисодий Ҳамкорлик, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Ҳамжамияти ва Евробожхона каби халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган божхона ишига оид қатор халқаро шартномаларнинг фаол иштирокчиси эканлигидан далолат беради.

1-мавзу. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, предмети ва тизими

Режа:

1.1. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари

1.2. Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари

Таянч иборалар:

Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, унинг моҳияти ва ижтимоий муҳити. Халқаро тизим: тушунча, таркибий қисм. Халқаро ҳуқуқ функцияларини мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, таъминлаш ва химоя. Халқаро ҳуқуқ давлатлар ва халқаро ҳуқуқ тизимининг субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими. Соҳанинг асосий тамойиллари ва халқаро ҳуқуқ институтлари.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг ўзаро мутаносиблиги.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи: мутаносиблик ва ўзаро таъсир. Дуаликтика ва монистик назариялар. Халқаро ҳуқуқ нормаларини ички давлат ҳуқуқида қўлланилиши назарияси. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар.

1.1. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари

Халқаро оммавий ҳуқуқ - ўз субъектларининг халқаро муносабатларини юридик нормалар воситасида тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий тизим. Ушбу нормалар субъектлар ўртасида қайд этилган (шартнома) ёки одатга таянган ҳолда битим тузиш йўли билан таркиб топтирилади ва мажбурлов орқали таъминланади. Мажбурлов шакли, хусусияти ва чегаралари давлатлараро битимда белгилаб қўйилади.

Ҳуқуқнинг ҳар қандай тармоғи моҳияти унинг предмети, объекти ва методи билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар, яъни кенг маънода глобал давлатлараро тизимнинг таркибий қисми бўлган давлатлараро муносабатлар ташкил этади. Давлатлар, халқлар (миллатлар), халқаро ташкилотлар ва халқаро органлар (масалан, суд органлари) бундай тизимнинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Моддий ва номоддий неъматлар, муайян ҳаракатлар ёки ҳаракатлардан ўзини тийиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш объектидир. Халқаро муносабатлар мураккаблашиши натижасида янги-янги соҳалар, чунончи, космик фазо, атом энергияси ва жаҳон океани сувларидан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ объектига айланмоқда.

Халқаро ҳуқуқ методи мавжуд ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш учун амалдаги халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда ва

тегишли халқаро шартномалар доирасида мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини назарда тутлади.

Хозирги замон халқаро ҳуқуқининг ижтимоий моҳияти шундан иборатки, у тинчликни сақлаш ва давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларда куч ишлатмаслик учун шарт-шароит яратади, қуролсизланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ечишга қўмаклашади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни тартибга солувчи асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга ошиши учун замин хозирлайди.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятлари у давлат ички ҳуқуқи билан солиштирилганда намоён бўлади.

Нормаларнинг таркиб топиш усулига кўра. Давлат ички ҳуқуқи нормалари давлатларнинг миллий органлари томонидан таркиб топтиради. Халқаро ҳуқуқ нормаларини эса унинг субъектлари, аввало, давлатлар битим тузиш йўли билан амалга оширади. Ушбу битимнинг моҳияти давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хоҳиш-иродасини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари давлат ички ҳуқуқининг кўпгина тармоқларида бўлганидек, ягона кодексга бирлаштирилмаган. Давлат ички ҳуқуқи нормалари муайян давлатнинг ижтимоий моҳиятига мувофиқ унинг давлат органлари томонидан белгиланади. Давлатлараро тизимда ягона орган мавжуд эмас, шу сабабли халқаро ҳуқуқ нормалари субъектлар томонидан шартнома тузиш йўли билан таркиб топтиради. Ушбу шартномаларда давлатларнинг мувофиқлаштирилган хоҳиш-иродаси мустаҳкамлаб қўйилади.

Давлатларнинг умумий келишуви халқаро ҳуқуқнинг негизи бўлиб, у ўз моҳиятига кўра, умумдемократик хусусиятга эга ва юридик жихатдан мажбурийдир. Ушбу ҳуқуқ тизими субъектларига ҳеч ким уларнинг розилигисиз муайян ҳулқ-атвор қоидаларини белгилаши мумкин эмас.

Субъектларга кўра. Давлат ички ҳуқуқининг субъектлари - фуқаролар ва юридик шахслар, давлат органлари бўлса, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари суверен давлатлар, мустақил давлат қуриш учун кураш олиб бораётган миллат ва халқлар, шунингдек, халқаро ҳуқуматлараро (БМТга ухшаган) ташкилотлар ва айрим давлат тузилмаларидир (масалан, Ватикан).

Аммо “халқаро ҳуқуқ субъектлари” тушунчаси давлатлараро тизим доирасида иш олиб борувчи барча халқаро аҳамиятга эга халқаро ташкилот бўлмаган давлатлар бирлашмаларини (масалан, “Қўшилмаслик ҳаракати”, “77-гуруҳ” ва бошқалар), шунингдек, халқаро комиссиялар, халқаро судлар ва арбитражларни қамраб олмайди. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмаган ҳолда, улар ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилади.

Тартибга солиш предметига кўра. Давлат ички ҳуқуқининг вазифаси муайян давлатлар миллий ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини кенг маънодаги давлатлараро муносабатлардан иборат.

Ҳуқуқ манбаларига кўра. Халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи нормалари турли юридик шаклларга эга. Давлатнинг ички нормалари қонунлар, қарор, фармонлар кўринишида бўлса, халқаро ҳуқуқ нормалари

халқаро шартномалар, одатлар, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, халқаро конференция ва кенгашларнинг ҳужжатлари шаклида бўлади.

Нормаларни амалга ошириш усулига кўра. Миллий ҳуқуқ нормалари бажарилиши давлатнинг мажбурият кучи билан назорат қилинади. Халқаро ҳуқуқий нормалар бажарилиши халқаро ҳуқуқий субъектлар устида турадиган муайян тузилма мавжуд эмаслиги туфайли халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзлари (якка тартибда ёки жамоа бўлиб) томонидан назорат қилинади.

Халқаро ҳуқуқ функциялари - унинг ижтимоий муҳитга таъсир кўрсатиш фаолиятининг асосий йўналиш бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти билан белгиланади. Халқаро ҳуқуқ функциялари хилма-хил бўлиб, улар мураккаблашиб боради. Халқаро ҳуқуқнинг дастлабки вазифаси мустақил давлатларга тинч-тотув яшаш имконини берувчи оддий тартиб ўрнатишдан иборат эди. Шунинг учун тартиб ўрнатиш узок вақтгача халқаро ҳуқуқнинг асосий функцияси деб келинди. Холбуки, халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига халқаро тизимга бўлган зарурат туртки берган.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳуқуқнинг бош ижтимоий функцияси - мавжуд халқаро муносабатлар тизимини мустаҳкамлаш бўлиб, бунга мазкур тизимда тартиб ўрнатиш билан эришилади. Ҳуқуқнинг бош юридик функцияси - халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқаро муносабатларда давлатларни мажбурлаш механизми мавжуд эмас. Зарур ҳолда халқаро ҳуқуқий тартибот сақланишини давлатлар жамоа бўлиб таъминлайди.

Иккала функция ҳам барқарорлаштирувчи, муҳофаза қилувчи хусусиятга эга, чунки улар тизимда тартиб ўрнатишга қаратилган. Яъни тартибни сақлаш халқаро муносабатларнинг, халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига қараб, ушбу тараққиётга кўмаклашиш функцияси тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётир. У аввалги халқаро ҳуқуқдан шу жиҳати билан тубдан фарқ қилади.

Халқаро ҳуқуқ халқаро муносабатларда мувофиқлаштириш функциясини бажаради. Халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида давлатлар ўзаро муносабатларнинг турли соҳаларида умумий мақбул ҳуқ-атвор стандартларини белгилайди. Халқаро ҳуқуқнинг тартибга солиш функцияси давлатлараро алоқа ва ҳамкорликнинг қатъий белгиланган қоидаларини қабул қилишида намоён бўлади. Халқаро ҳуқуқ шундай нормаларга эгаки, давлатларни муайян ҳуқ-атвор қоидаларига риоя қилишга даъват этади. Бунда халқаро ҳуқуқнинг таъминлаш функцияси намоён бўлади. Нихоят, халқаро ҳуқуқда давлатларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилувчи механизмлар шаклланган бўлиб, бу унинг муҳофаза қилиш функцияси тўғрисида сўз юритиш имконини беради.

Халқаро ҳуқуқ ўз мақсад ва тамойилларига зид бўлган янги муносабат ҳамда институтларнинг вужудга келишига қаршилик кўрсатиш функциясига ҳам эга. Масалан, халқаро ҳуқуқда куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан кўрқитиш, мустамлакачилик, ирқчилик кабилар қонунга зид деб эълон қилинган. Халқаро ҲУҚУҚ давлатлараро муносабатларда юзага келадиган

муаммоларни хал килишга ёрдам бериб, можаролар руй беришининг олдини олади.

Халқаро ҳуқуқнинг байналмилаллашув (интернационализация) функцияси давлатлар уртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутди. Ушбу функция халқаро ҳуқуқнинг ижтимоий негизи - халқаро ҳамжамиятни янада мустахкамлайди. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ амал қиладиган шарт-шароитлар ҳам яхшиланади.

Халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг ахборот-тарбиявий функцияси жуда муҳим роль ўйнайди. Унинг вазифаси халқаро ҳуқуқий онгни шакллантириш, уни оммавий тарзда қўллаб-қувватлашни таъминлашдан иборатдир. БМТ халқаро ҳуқуқнинг ўн йиллиги дастури халқаро ҳуқуқий билимларни тарқатишга алоҳида эътибор бераётгани бежиз эмас.

Халқаро ҳуқуқ функциялари тарихий тараққиёт жараёнида халқаро муносабатларда ўта индивидуалистик элементар тартиб ўрнатилишидан бутун жаҳонда тинчлик ва тараққиётга кўмаклашиш, нафақат алоҳида давлатларнинг, балки бутун халқаро ҳамжамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилишгача бўлган йўлни босиб ўтди.

1.2. Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқ ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари

Ҳуқуқ тизими - ҳуқуқнинг муайян тармоғи тамойиллари, норма ва институтлари айтилиш вақтида нисбатан мустақил қисмлар (тармоқлар, кичик тармоқлар, институтлар)га бўлиниш билан тавсифланган юридик нормалар мажмуидир. Халқаро муносабатлар тизими халқаро ҳуқуқ учун тизим ҳосил қилувчи моддий омил бўлиб хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқнинг мақсад ва тамойиллари юридик ҳамда маънавий-сиёсий тизим ҳосил қилувчи асосий омил ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ тизими мураккаб, нисбатан янги ҳодиса бўлиб, шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шу боисдан умумий эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тизими мавжуд эмас. Халқаро ҳуқуқ тизими ўзига хос тузилишга эга. Тузилиш деганда тизим таркибий қисмларининг жойлашуви, улар ўртасидаги алоқаларнинг хусусияти тушунилади.

Ушбу тизим ўзагини барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро ҳуқуқ ташкил этади. Бундан ташқари, давлатлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро ҳуқуқий мажмуалар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ тизимининг бирламчи унсури - норма муайян халқаро муносабат модели ҳисобланади. Ушбу моделлар халқаро муносабатларни ўз мазмунига мумкин қадар яқинлаштириш мақсадида уларга таъсир кўрсатади. Тизим муносабатларни тартибга солиши мумкин, чунки унинг таркибидаги нормаларнинг муайян гуруҳлари ўз вазифаларини хал қиладди. Нормалар бири-бирига таъсир кўрсатади ва бир-бирини тақозо этади.

Шу боис тизим ичдан мувофиқлаштирилган бўлиши лозим, унинг қисмлари ўзаро тўқнашмаслиги керак. Халқаро ҳуқуқдек ўта мураккаб ходиса учун бу жуда мушкул вазифадир.

Халқаро ҳуқуқ институти - халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий тартибга солиш муайян объект бўйича муносабатларига тегишли бўлган, муайян ҳудуд, соҳа, макон ёки бошқа объектнинг халқаро ҳуқуқий мақоми, ундан фойдаланиш тартибини белгилайдиган халқаро ҳуқуқий нормалар мажмуи (масалан, ҳудудий денгиздан кемалар тинч ўтиши институти, дипломатик иммунитет ва имтиёзлар институти).

Халқаро ҳуқуқ институтлари халқаро ҳуқуқ тармоқларига бирлашади. Халқаро ҳуқуқ тармоғи - халқаро шартномаларда кодекслаштирилган, халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро ҳамкорликнинг муайян кенг соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормалар мажмуи (масалан, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз, ҳаво, космос ҳуқуқи, халқаро ҳавфсизлик ҳуқуқи ва б.).

Халқаро ҳуқуққа бир пайтнинг ўзида ҳам табақаланиш (дифференциация), ҳам интеграциялашув жараёнлари ҳосилдир. Халқаро ҳуқуқнинг айрим институтлари ва тармоқлари юз йиллар муқаддам вужудга келган. Халқаро шартномалар ҳуқуқи, қуролли можаролар давридаги халқаро ҳуқуқ шулар жумласидандир. Халқаро ҳуқуқнинг баъзи институтлари нисбатан яқинда, яъни XX аср боши ёки ўрталарида вужудга келган (масалан, халқаро экология ҳуқуқи, оммавий қиргин қуролларини тақиқлаш институти ва б.). Ҳамкорликнинг янги соҳалари кўпгина янги институт ва тармоқларнинг вужудга келиши, қоида тариқасида, фан-техника тараққиёти билан боғлиқдир.

Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтларининг такрор турли ҳуқуқий тизимларда ҳар хил номланиши, муайян мезонларга кўра кичик тармоқларга ажратилиши мумкин.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ тизими мақсад ва тамойиллар мажмуига таянади, ўзига ҳос тузилишга, шаклланиш ва амал қилишнинг муайян усулларига эга, ўзига ҳос қонуниятларга кўра ривожланади. Ушбу тизимнинг мавжудлиги объектив белгиланган, чунки ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи анча уюшган тизим сифатидагина ўз функцияларини бажаришга қодирдир. Халқаро ҳуқуқ тизими объектив хусусиятга эга бўлса, халқаро ҳуқуқ фани тизими субъектив хусусиятга эгадир.

Тизимнинг ўзагини барча давлатлар учун мажбурий бўлган умумий халқаро ҳуқуқ ташкил этади. Бундан ташқари, давлатлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи минтақавий халқаро ҳуқуқий мажмуалар ҳам мавжуд. Жуда кўп нормалар икки тарафлама муносабатларни тартибга солади. Минтақавий ва икки тарафлама нормалар умумий халқаро ҳуқуққа мос келиши лозим, бириккан ҳолда улар глобал халқаро ҳуқуқий тизимини ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ мақсади - субъектлар баҳамжихат амалга оширишга аҳд қилган ва унга юридик куч берган келажақдаги мақбул ҳолатнинг модели демак. Мақсадлар халқаро ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, улар тизим ҳосил қилувчи ва тизимни уюштирувчи омил ҳисобланади. Мақсадлар тизим унсури сифатида амал қилади,

тамойиллар ва нормаларнинг мақсадларга мослиги устидан назорат олиб бориш воситаларининг мавжудлигини назарда тутати.

Тамойил ва нормалар мақсадларга эришиш воситалари ҳисобланади. Мақсад ва воситаларнинг оқилона нисбатига эришиш халқаро ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ҳамда амалиётининг асосий вазифаларидан биридир. Воситаларнинг хусусияти кўп жихатдан мақсад билан белгиланади. Аммо бу мақсад воситаларни оқлайди деган фикрни билдирмайди. Воситалар мақсадга мувофиқ бўлиши лозим, уни танлаш тамойиллар билан белгиланади.

Мақсадларни мувофиқлаштириш - халқаро ҳуқуқ умумсиёсатининг оламшумул муаммоси. Моҳият-эътибори билан давлатларнинг сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари механизми мақсадларни мувофиқлаштириш мажмуасини ташкил этади.

Халқаро ҳуқуқнинг бош ижтимоий-сиёсий мақсади - мавжуд халқаро муносабатлар тизими нормал амал қилиши ва ривожланишини таъминлашдан иборат. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш унинг бош мақсадларидан бирига айланди.

БМТ - универсал халқаро ташкилот. БМТ Уставида кўрсатилган мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсадларига мос келади. Уставда ушбу мақсадлар қуйидагича таърифланган:

- тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш;
- дўстона муносабатларни ривожлантириш;
- иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳадаги халқаро муаммоларни ҳал қилишда, инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни рағбатлантириш ҳамда ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш;

- одиллик тамойилларига риоя қилиниши, шартнома ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан ижобий шарт-шароитлар яратиш.

Қолган мақсадларни амалга ошириш учун халқаро қонунийликни таъминлашдан иборат бўлган сўнгги мақсаднинг ахамияти давлат раҳбарлари томонидан алоҳида таъкидланади.

Санаб ўтилган мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг асосий мақсадларидир.

Халқаро шартномаларда мақсадларга катта эътибор берилаётгани, уларга оид муқаддималар кенгайиб бораётгани, баъзан у шартнома асосий қисмининг моддаларида мустаҳкамланаётгани ҳам мақсадларнинг амалий ахамияти ошиб бораётганидан далолат беради.

Умумий ахамиятга молик норма ҳисобланувчи мақсад ўзига хос хусусиятга эга. Муайян нормадан фарқи ўлароқ, мақсадга кўп ёки оз даражада эришилиши мумкин. Шу боис мақсадга эришиш халқаро стандарга муҳим ахамият касб этади. Мақсадлар ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида ҳам муҳим роль уйнайди. Нормалар халқаро ҳуқуқнинг императив хусусиятга эга бўлган мақсадларидан келиб чиқиб таркиб топтиради. Шу боис муайян нормалар ва ҳужжатлар халқаро ҳуқуқ мақсадларига мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим.

Мақсадлар халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Самарадорлик эришилган натижа қўйилган мақсадга қай даражада мувофиқлигига қараб аниқланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси ва аҳамияти деганда нимани тушунасиз?
2. Фаннинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнини тушунтиринг?
3. Халқаро ҳуқуқнинг моҳияти нимада?
4. Халқаро ҳуқуққа таъриф беринг.
5. Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи нисбати нимада?
6. Халқаро оммавий ҳуқуқ билан халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида ўзаро алоқадорлик борми?
7. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш жараёни қандай амалга оширилади?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
10. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

2-мавзу. Ҳозирги замон ҳалқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши, асосий принциплари

Режа:

2.1. Ҳалқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари

2.1. Ҳалқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тушунчаси

Таянч иборалар:

Ҳалқаро ҳуқуқ асосий тамойиллари – ҳалқаро ҳамкорлик, ҳавфсизлик ва тинчликни таъминлаш муҳим ўрин тутадиган умумий нормалар. Тамойилларнинг универсаллик тушунчаси. Асосий тамойилларнинг ўзаро ҳамбарчаслиги. Уларнинг тизими. БМТнинг Ҳалқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларация (1970 й). Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг ҳалқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларация ҳақида Хельсинки яқунловчи ҳужжати.

Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили: тушунча, мазмуни ва ривожланиши.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили. Агрессия тушунчаси, урушни тарғиб қилишни тақиқлаш. Куч ишлатмаслик тамойили ва ўзини муҳофаа қилиш ҳуқуқи, куч ишлатмаслик тамойили ва колониал қарамликдан миллий озодлик учун кураш.

1.1. Ҳалқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари

Ҳалқаро ҳуқуқ муайян шахслар, гуруҳлар, синфлар хоҳиш-истаги билан эмас, балки реал ижтимоий жараёнлар натижасида вужудга келган. Тарихий материаллар ибтидоий жамоалар ривожланишининг илк босқичларида ҳам алоҳида яшамагани, ёзилмаган уруғдошлик қонунлари уларни бирлаштириб турганидан далолат беради.

“Ҳалқаро ҳуқуқ” тушунчасининг халқлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи (**jus inter gentes**) деган дастлабки маъносидан келиб чиқилса, илк одат нормалари давлатчилик шаклланишидан анча олдин, ибтидоий жамоа тузуми даврида вужудга келган, деб тахмин қилиш мумкин.

Археология маълумотлари қабилаларнинг иттифоқчилик алоқалари ташқи химоя ҳақида қайгуришдан иборат бўлмаганини, балки бошқа жуда кўп хулқ-атвор нормаларини ўз ичига олганини, бу нормалар вақт ўтиши билан мустаҳкамланиб, одат шаклидаги ҳуқуқнинг вужудга келишига олиб келганини кўрсатади.

“Ҳалқаро ҳуқуқ” тушунчасини давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқи сифатида талқин қиладиган бўлсак, у давлатчилик шаклланиш жараёни билан бир вақтда вужудга келгани ва бунга сезиларли таъсир кўрсатганини таъкидлаш зарур.

Яна бир ёндашувга кўра, халқаро ҳуқуқ фақат у хизмат қиладиган давлатлараро муносабатларда тегишли шарт-шароитлар яратилган тақдирдагина вужудга келиши мумкин. Зеро суверен давлатлар ўз миллий манфаатлари йўлида юридик кучга эга бўлган нормаларга бўйсуниб зарурлигини англаб етишлари учун халқаро муносабатлар тараққиётнинг анча юқори босқичига кўтарилиши зарур. Шу нуқтаи назардан Қараганда, халқаро ҳуқуқ ўрта асрлар охирида вужудга келган.

Қабилалар орасидаги муносабатлар давлатлараро муносабатларга асос бўлибгина қолмасдан, узоқ вақт уларнинг таркибий қисми сифатида амал қилган. Қулдорлик давлатлари икки минг йилдан ортиқ (яъни, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг “ёши”дан кўпроқ) давр мобайнида ибтидоий жамоа дунёси қуршовида ривожланган.

Халқаро ҳуқуқ - ижтимоий амалиёт натижаси. Одамлар (гурух, синф) ўз моддий манфаатини (айниқса, муттасил ўзгариб турган халқаро муносабатлар таъсирида) англаб етиш усули сифатида вужудга келган халқаро ҳуқуқ давлатлар ва халқларнинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди ва кўрсатмоқда. Инсониятнинг деярли бутун тарихи давомида халқаро ҳуқуқ ишлаб чиқариш усуллариининг ўзгариши билан нафақат ривожланиб борди, балки уларга муайян даражада таъсир ҳам кўрсатди.

Шу боисдан халқаро ҳуқуқ табиий-объектив ахамиятга эга. Халқаро ҳуқуқ шаклланишининг умумий шарти давлатнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки инсоният моддий ҳаётининг шароитлари, инсоннинг ўз тарихий тараққиёти жараёнида ўзини қуршаган дунё билан муносабатлари, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши, давлатларнинг вужудга келиши ва халқлардир. Давлат хоҳиш-иродасининг ўзи ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ ҳам бизни қуршаган ижтимоий ғоялар дунёсининг бир қисми бўлиб, у инсоният тараққиётининг манбаларидан бири ҳисобланади.

Хар бир янги давлат халқаро муносабатларга киришар экан, ўзига қадар яратилган нарсалар, шу жумладан, халқаро ҳуқуқ унинг норма ва тамойиллари билан алоқага киришади. Бу халқаро фаолият доирасини кўп жихатдан белгилаб беради, ҳуқуқий онга муайян таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ устқурма категориядир. Лекин уни фақат иқтисодий базис (давлатлар иқтисодий тизими ёки халқаро иқтисодий муносабатлар) устқурмаси дейиш ўринли эмас. Бу халқаро муносабатлар, чунончи, иқтисодий, сиёсий, харбий каби муносабатлардан юқори турадиган ўзига хос устқурмадир.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш тарихини тўрт даврга ажратиш мумкин:

- халқаро ҳуқуқнинг илк (қадимги асрлардан ўрта асрлар охиригача) даври;

- халқаро муносабатларнинг такомиллашуви ва халқаро майдонда давлат ролини англаш даври;

- классик халқаро ҳуқуқ (ўрта асрлар охиридан Миллатлар лигаси статутини қабул қилингунга қадар) даври - янги давр ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши;

- классик халқаро ҳуқуқдан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига ўтиш (Миллатлар лигаси статутидан БМТ Устави қабул қилингунга қадар) даври - Биринчи жаҳон урушидан кейин давлатларнинг халқаро муносабатларни тартибга солиш янги механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини тушуниб етиши;

- ҳозирги замон халқаро ҳуқуқдаги даври - БМТ Устави ҳуқуқи ва унинг зиддиятли жихатлари.

1. Халқаро ҳуқуқнинг илк даври. Қадимги асрлар. Халқаро муносабатлар субъектини белгилашнинг икки асосий варианты мавжуд бўлган. Қадимги шарқ деспотияларида ҳукмдор (подшо, фиръавн, рожа, ван ва х.к.) халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган. Юнон, айникса, Рим дунёсида “субъект” тушунчаси нисбатан формаллаштирилган: *polis* (давлатнинг эркин фуқаролари) ёки *populus romanus* (Рим халқи).

Халқаро муносабатларнинг бундай тизимида шартнома икки давлат ўртасидаги низоларни хал қилиш ва алоқаларни нормаллаштиришнинг иккинчи даражали воситаси сифатида амал қиларди, чунки уруш натижасида давлатлар заифлаш иши ва ташқи муносабатлардаги олдинги мавқеи йўқолиши мумкин эди.

Одатда, шартнома урушдан кейин тузилган. Давлатлараро муносабатларни норматив тартибга солиш мумкинлиги исботланди. Норматив тартибга солиш шакллари - одат ва шартномалар ишлаб чиқилди. Шартномалар шаклан ҳозирги халқаро ҳуқуқий шартномалардан кам фарқ қиларди.

Ўрта асрлар (VI-XVI асрлар). Тарихий шарт-шароитларга кўра, халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига замин яратган бош минтақа Европа бўлди. IX асрдан халқаро муносабатларга қадимги Рус давлати қўшилди. Харбий юришлардан сўнг Византия билан тузилган шартномалар, Киев князлари ва княжналарининг халқаро никохлари ҳам бунинг далилидир.

Ўрта асрларда дипломатик муносабатлар соҳасида, музокаралар олиб бориш, халқаро савдо (айникса, денгиз савдоси), уруш олиб бориш ва сулҳ тузиш амалиётида муайян анъаналар вужудга келди. Буларнинг барчаси пировард натижада халқаро ҳуқуқнинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ деганда дипломатия ва ташқи сиёсат ҳам тушунилар эди.

2. Классик халқаро ҳуқуқ. Уйғониш даврида халқаро ҳуқуқ фан сифатида шакллана бошлади. Бу фанга давлат ҳуқуқи тўғрисидаги таълимот муаллифи Гуго Гроций асос солди. У 1625 йилда “халқаро ҳуқуқ” тушунчасини муомалага киритди (Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида рисола). Классик халқаро ҳуқуқ шу даврдан шаклланиб, халқаро ҳуқуқ доктринаси вужудга келди, халқаро ҳуқуқий онг шакллана бошлади. Кўпгина халқаро нормалар ҳуқуқийлик тусини олди. Дипломатияда юридик далиллаш усуллари тобора кўпроқ қўлланила бошланди.

Буюк француз инқилоби халқаро ҳуқуқ ривожланишида катта бурилиш ясади. “Умумий тинчлик ва одиллик тамойиллари”, босқинчилик мақсадидаги хар қандай урушлардан воз кечиш Франция ташқи сиёсатининг асоси, деб

эълон қилинди. Халқаро ҳуқуқ кўпгина халқаро муносабатларни тартибга солишнинг муҳим воситасига айланди.

3. Классик халқаро ҳуқуқдан ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига ўтиш (1919-1946 йиллар). 1919 йилда Биринчи жаҳон урушида ғалаба қозонган давлатлар Миллатлар лигасини тузишга қарор қилиб, унинг низоми - Статутини қабул қилдилар. Тинчлик ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни таъминлашдан иборат бўлган умумжаҳон аҳамиятига молик биринчи сиёсий ташкилот тузилди.

1943 йилда Москвада бўлиб ўтган Англия, СССР ва АҚШ иштирокидаги конференцияда суверен тенглик тамойилига асосланган умумжаҳон халқаро ташкилот тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1945 йилда июнда Сан-Францискода чақирилган Бирлашган Миллатлар конференцияси БМТ Уставини қабул қилди. Ушбу Устав ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига асос солди.

4. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. БМТ Устави ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг пойдевори бўлди. Сиёсий нуқтаи назардан Устав қоидалари янгича фикрлаш тарзини ақс эттирар эди. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи замирида ҳамкорлик тамойили ётади. У асрлар мобайнида етакчилик қилган куч устуворлиги концепциясидан воз кечиб, уни ҳуқуқнинг устуворлиги концепциясига алмаштиришни назарда тутди. Инсон ҳуқуқларининг ҳамма нарсдан устун қўйилиши ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Халқаро ҳуқуқ нормалар мажмуидан, ягона мақсад ва тамойилларга асосланган тизимга айланди.

2.2. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тушунчаси

Асосий принциплар халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларини ақс эттиради, унинг бош (асосий) мазмунини ва ўзига хос жиҳатларини бегилаб олий, сиёсий ахлоқий ва юридик авторетига эга.

Принциплар халқаро ҳуқуқ субъектларининг алоҳида жиҳатларини ва улар ўзаро ҳаракатининг тизимини ифодалайди ҳамда мустаҳкамлайди. Бу самара биринчи навбатда субъектлар ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш орқали қўлга киритилади. Ўз мажмуига кўра принциплар давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларининг хартиясини (ёрлигини) ифодалайди. Улар умумий халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади ва субъектлар хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа мослигининг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқ принциплари-ижтимоий амалиёт натижасида вужудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик муҳокамланган асослари бўлиб, ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатининг раҳбарий қоидалари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг бир қатор меъёрларини, гарчи улар халқаро ҳуқуқ меъёрлари бўлсада, принциплар деб номланади.

Принциплар ичида ҳозирги давр халқаро ҳуқуқий тартиботнинг асосини ташкил этувчи халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ажралиб туради. Давлатнинг қандайдир асосий принципни бузиши халқаро ҳамжамият томонидан бутун халқаро ҳуқуқий тартибога тажовуз қилиш деб тушунилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ принципи-аввалом бор халқаро ҳуқуқ меъёридир. Халқаро ҳуқуқ принциплари одатий ва шартнома усуллари орқали шаклланади. Улар бир пайтнинг ўзида икки хил функцияни бажаради:

биринчидан, халқаро муносабатларни уларнинг маълум меъёрий доиралар билан чегралаш орқали барқарорлаштиришга кўмаклашади;

иккинчидан, халқаро муносабатлар амалиётида вужудга келадиган барча Янги ҳолатларни мустаҳкамлайди.

Халқаро ҳуқуқ принципларининг ўзига хослиги уларнинг универсаллигидир. Яъни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари принципларга қатъиян риоя қилишлари лозим, чунки мазкур принципларни ҳар қандай тарзда бузиш муқаррар равишда халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилишга олиб келади. Халқаро ҳуқуқ принциплари бутун халқаро-ҳуқуқий меъёрлари тизимининг қонунийлик мезони ҳисобланади.

Принципларнинг олий юридик авторитети шундаки, улар императив нормалар (*jus cogens*) тоифасига киритилган, яъни улар давлатлар томонидан бекор қилиниши мумкин бўлмаган олий даражадаги мажбуриятлар саналади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи бош мазмунини ифодаловчи ва унинг мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи энг муҳим ва универсал мажбурий меъёрларидир. Умум эътироф принциплар деб жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланадиган ва тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган принциплар ҳисобланади.

БМТ Устави қабул қилингунча халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари масаласи асосан халқаро ҳуқуқ доктринасида кўриб чиқилар эди. Ҳозирги вақтда эса халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари эълон қилинган ва ушбу принциплар БМТ Уставидек муҳим ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилган. Бу принциплар Уставнинг 2-моддасида қисқа ва лўнда қилиб баён этилган. Ушбу принциплар БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли 1970 йил халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда (ЕХХК)нинг яқунловчи ҳужжатида батафсил ёритиб берилган (1975 йил 1 август).

Умуман эътироф этилган принциплар ва меъёрлар у ёки бу шаклида кўп давлатларнинг Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Қонунчилик, шунингдек, ижро ва суд ҳокимиятлари уларга мувофиқ келиши лозим. Мазкур принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тўртинчи бобида мустаҳкалаб қўйилган.

Халқаро ҳуқуқда унинг умум эътироф этилган принцип ва меъёрларини баён қилиб берувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Агар БМТ Уставида беш принципнинг номи келтирилган бўлса, халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда уларнинг еттитаси ифодалаб берилган. Улар қуйидагилардир:

- 1) куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;
- 2) давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- 3) низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 4) давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги;

- 5) халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- 6) давлатларнинг халқаро мажбуриятларини виждонан бажариш принципи;
- 7) давлатларнинг суверен тенглиги.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида мазкур принципларга яна учтасини қўшган. Булар:

- 1) чегара дахлсизлиги;
- 2) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- 3) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдир.

Жаҳон ҳамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этиш заруриятини ифода этувчи янги принципларни ҳам (масалан, атроф муҳитни ҳимоя қилиш мажбурияти шаклланмоқда.

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияда ва ЕХХК нинг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида келтириб ўтилган бўлиб улар қуйидагилардир:

Давлатларнинг суверен тенглиги принципи. Давлатларнинг суверен тенглиги ҳозирги давр халқаро муносабатларининг асосини, халқаро ҳамкорлик базасини ташкил қилади. Суверен танглик принципининг асосий мақсади-барча давлатларни, уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки бошқа хусусиятларидан қатъий назар, халқаро муносабатларда юридик тенг асосларда қатнашишни таъминлашдир. 1976 йил Декларациясига мувофиқ суверенитет тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

биринчидан, барча давлатлар юридик тенгдирлар;

иккинчидан, ҳар бир давлат тўлиқ суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади;

учинчидан, ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ лаёқатини ҳурмат қилмоғи лозим;

тўртинчидан, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;

бешинчидан, ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин асосларда танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир;

олтинчидан, ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариши лозим.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик принципи. Илк бор ушбу объектив қонунийлик халқаро ҳуқуқ принципи сифатида БМТ Уставида мустаҳкамланган. Уставнинг 2-модда 4-бўлимига мувофиқ «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни қўллашдан ўзларини тийиб турадилар».

ЕХХКнинг Яқунловчи Ҳужжатида иштирокчи-давлатларнинг ўзаро муносабатларида “бошқа иштирокчи-давлатни мажбур қилиш мақсадида куч ишлатишнинг ҳар қандай кўринишларидан” шунингдек, “ҳар қандай иқтисодий мажбур этиш хатти-ҳаракатларидан ўзини тийиб туриш” бевосита кўрсатиб ўтилган.

БМТ Уставининг 42-47 ва 51-моддаларида қуроли кучлардан қонуний фойдалана олиш мумкин бўлган ҳолатлар айтиб ўтилган бўлиб, унда фақат иккита ҳолат назарда тутилади:

Биринчидан, ўзини мудофаа қилиш мақсадида (52-модда);

Иккинчидан, тинчликка хавф туғилганда, тинчлик бузилганда ёки босқинчилик ҳаракати содир бўлганида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан (39 ва 42-моддалар);

Бу ерда шуни эсда тутиш лозимки, БМТ Уставида (2-модда, 4-бўлим) таърифланган “куч” тушунчаси мазмуни нафақат кураш кучни, балки мажбурлашнинг қолган шакллари ҳам кўзда тутади.

Давлат чегараларининг дахлсизлик принципи. Ушбу принцип ЕХХКнинг 1997 йилги Яқунловчи ҳужжатида таърифлаб берилган: «Иштирокчи давлатлар бир-бирларига тегишли, шунингдек, Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун улар ҳозир ва келажакда Ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуз қилишдан ўзларини тийдилар».

Ушбу принципни тан олиш ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечишни ҳам англайди.

Чегаралар дахлсизлиги ва бузилмаслиги принципининг асосий мазмунини қуйидаги уч элемент билан ифодалаш мумкин;

Биринчидан, мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда юридик белгиланган деб тан олиш;

Иккинчидан, ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаблардан воз кечиш;

Учинчидан, ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай бошқа тажовузлардан воз кечиш;

Ушбу принципга мувофиқ давлатлар умумий чегараларнинг, шунингдек бошқа давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини тан оладилар. Улар ҳар қандай давлат ҳудудининг маълум бир қисми ёки унинг бутун ҳудудини босиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ва ҳаракатлардан уларини тийиш мажбуриятини оладилар.

Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги принципи 1970 йилги Декларацияда БМТ Уставининг 2-модда 4-бўлими мазмунини ёритишда бу ерда бевосита ҳудудий яхлитлик принципининг ўзи тилга олинмасдан, унинг кўпгина элементлари ўз аксини топган. Ҳар бир давлат:

Биринчидан, “бошқа давлатнинг миллий бирлиги ва ҳудудий дахлсизлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши керак”;

Иккинчидан, “давлат ҳудуди Устав қоидаларини бузиш орқали куч ишлатиш натижаси ҳарбий босиб олиш объекти булмаслиги лозим”;

Учинчидан, «давлат ҳудуди куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш натижасида бошқа давлат томонидан эгаллаб олиниш объекти булиши мумкин эмас”.

БМТ Устави ҳар қандай давлатнинг сиёсий мустақиллиги ва ҳудудий дахлсизлигига (яхлитлигига) қарши куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлайди.

Мазкур принципи ривожлантиришнинг кейинги босқичи 1975 йилги ЕХХКнинг Яқунловчи Хужжати бўлди. Ушбу ҳужжатда ҳудудий яхлитлик принципнинг тўлиқ таърифи берилган, яъни: «Иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи-давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади. Унга мувофиқ улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави мақсад ва принципларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан: ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ёки ҳар қандай иштирокчи-давлатларнинг бирлигига қарши, хусусан, куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишни англатувчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийиб турадилар. Шунингдек, давлатлар бир бирларининг ерларини босиб олиш объекти ёки халқаро ҳуқуққа хилоф равишда бевосита ёки билвосита куч ишлатиш ва шундай чоралар ёрдамида ёки уни амалга ошириш таҳдиди остида эгаллаб олиш объектига айланган ўзларини тийиб турадилар, бу тарзда босиб олиш ёки эгаллаб олиш қонуний деб ҳисобланмайди».

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи. БМТ Уставига 2-модда 3-бўлимига мувофиқ “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро низоларини халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этадилар, яъни музокаралар, текшириш ўтказиш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, судда ишни кўриш ёки ўз хоҳишига кўра бошқа воситалар ёрдамида” ҳал этадилар.

1970 йили Декларацияда айтилишича: “Ҳар бир давлат ўзининг бошқа давлатлар билан мавжуд халқаро низоларини, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этади”.

Низодаги тарафлар тинч ҳал этишдан воз кечишга ҳақли эмаслар.

Низоларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш мажбурийлиги принципи БМТ Уставининг VI-боб 2-модда 3-бўлимида баён қилинган.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи. Бу принцип БМТ Уставининг 2-моддаси 7-бўлимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги Декларация, ЕХХКнинг Яқунловчи ҳужжати, давлатларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўйиб бермаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТ Резолюцияси каби халқаро ҳужжатларда ўзининг янада аниқ баёнини топган.

БМТ Устави 2-моддаси 7-бўлимига мувофиқ Ташкилот «ўз моҳияти бўйича ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралашиш ҳуқуқига эга эмас». Бу ҳолат умумтан олинган нормани ифодалаб, у халқаро ҳуқуқ субъектларини аралашидан тийилишига мажбур қилади.

Бироқ истисно сифатида, давлат ҳудудида доирасида юз бераётган баъзи ҳаракатлар Хавфсизлик Кенгаши томонидан фақат муайян давлатнинг ички иши эмас деб баҳоланиши мумкин.

Аралашмаслик концепцияси давлатлар ҳар қандай масалаларни ихтиёрий равишда ўз ваколатлари доирасида киритиб олишини англамайди. Давлатларнинг халқаро мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг БМТ Уставидан келиб чиқувчи мажбуриятлари мазкур масалаларни тўғри ҳал этишга ёндошишида мезон бўлиб хизмат қилади.

Ушбу принципнинг умум тан олиниши давлатларнинг бошқа давлат ички ваколатига кирувчи масалаларга нисбатан қаратилган ҳар қандай; бевосита ёки билвосита, яққа тартибда ёки жамоа тарзида аралашидан воз кечишга келишмаганликларини англатади.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи. БМТ уставининг 1-моддасида Ташкилот аъзоларининг мақсади сифатида уларнинг ирқи, тили, жинси ва динидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳурмат қилишни ривожлантиришда” давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида сўз беради. Уставнинг 55-моддасида шундай дейилади:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти -

Биринчидан, аҳолининг яшаш даржаси юксалишига, тўлиқ бандлигига иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларига;

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ва риоя этишга кўмаклашади.

БМТ Уставида келтирилган умумий қоидалар қуйидаги ҳужжатларда ойдинлаштирилган:

- 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси;

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йилги халқаро пакт;

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йилги Халқаро пакт;

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар қуйидаги хусусиятларга эга:

а) универсал хусусиятга, яъни, инсон ҳуқуқлари ва барча асосий эркинликлари ҳурмат қилинади;

б) умумий хусусиятга, яъни барча давлатларда уларга риоя қилишга ҳаракат қилинади;

в) ирқи, тили, жинси ва динидан қатъий назар, барчага нисбатан бир ҳил жорий этилади;

г) ушбу масала юзасидан қонунчиликнинг миллий моделларини ишлаб чиқиш учун бошланғич асос ҳисобланади;

д) инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро нормалар давлатлар доирасида амалда бўлса-да, давлатлар миллий қонун ҳужжатларини қабул қилишга муҳтождирлар.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг асосий мақсади миллий қонунчиликни бир хил қилиш эмас, балки давлатлар учун миллий қонунчиликни ишлаб чиқишда бошланғич нуқта вазифасини ўташга хизмат қилувчи стандартларни яратишдир.

Халқаро ва миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи. Ушбу принцип БМТ Устави қабул қилинганидан сўнг мажбурий меъёр сифатида ривожланмоқда БМТнинг асосий мақсадларидан бири - “давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи асосида ривожлантириш”дир.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи мустамлака каби халқлар муаммоларини ҳал этишга асос бўлиб хизмат қилади.

1970 йилги Декларация шундай дейилади: “Суверен ва мустақил давлатларнинг тузилиши, мустақил давлатга бирлашиши ёки у билан қўшилиши ёки халқ томонидан эркин бегиланган ҳар қандай сиёсий

мақомнинг ўрнатилиши мазкур халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш шакллари ҳисобланади”.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг субъектлари нафақат тобе давлатлар, балки суверен миллат ва халқлар ҳам саналади.

Халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи мажбурий эмас, ҳуқуқлар, шу сабабли у кўп қиррали бўлиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги принципи. Халқаро ҳамкорлик ғояси БМТ Устави ташкил этувчи меъёрлар тизимида асосий ҳисобланади. Ҳамкорлик принципи кўпгина халқаро ташкилотлар Уставларида, халқаро шартномаларда, кўп сонли резолюцияларда ҳамда декларацияларда акс эттирилган. БМТ Уставига мувофиқ давлатлар «иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар мазмундаги халқаро муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликни амалга оширишлари” лозим, шунингдек, улар «халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашлари ва шу мақсадда самарали коллектив чоралар қабул қилиш”га мажбурдирлар.

Ҳамкорликнинг аниқ шакли ва унинг ҳажми давлатларнинг ўзига, уларнинг талаб ва моддий заҳираларига, ички қонунчилик ва улар қабул қилган халқаро мажбуриятларга боғлиқдир.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи. Бошқа принциплардан фарқли равишда бу принцип халқаро ҳуқуқ билан бирга юзага келди. Бу принципсиз халқаро ҳуқуқ ҳисобланмас эди, айнан мана шунда халқаро юридик кучининг манбаси жойлашган.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи давлатчиликнинг илк босқичларида халқаро-ҳуқуқий одат шакли сифатида - *pacta sunt servanda* - вужудга келди.

Ушбу принцип БМТ Устави Муқаддимасида қайд этилган: «шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан адолатли ва ҳурматли муносабатда бўла олишни таъминлашга хизмат қилувчи шароитларни яратиш» ни БМТ аъзолари қатъийлик билан тўқидлайдилар.

–Ўзбекистон Республикаси Конституциясида юқорида кўриб ўтилган принциплар белгилаб қўйилган ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини устунлиги тан олинган.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқ қандай пайдо бўлган?
2. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тушунчаси ҳақида нималарни биласиз?
3. Принципларни ўзида акс эттирган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида гапириб беринг.
4. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ҳақида тушунча беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида принципларнинг намоён бўлиши ҳақида нималарни биласиз?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
10. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
11. М.Рафиқова, А.Ачилов. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услугий қўлланма. -Т. 2016 йил.

3-мавзу. Халқаро ҳуқуқ субъектлари, халқаро ҳуқуқда тан олиш ҳуқуқи

Режа:

- 3.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари тушунчаси ва уларнинг турлари
- 3.2. Давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида
- 3.3. Озодлик учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги
- 3.4. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги.
- 3.5. Халқаро ҳуқуқда давлатсифат тузилмалар
- 3.6. Халқаро ҳуқуқда тан олиш тушунчаси
- 3.7. Тан олишнинг турлари ва усуллари

Таянч иборалар:

Халқаро ҳуқуқ субъектлари. Давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти. Озодлик учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги. Халқаро ҳуқуқда давлатсифат тузилмалар. Халқаро ҳуқуқда тан олиш ҳуқуқи. Халқаро ҳуқуқда тан олиш назарияси. Халқаро ҳуқуқда тан олиш шакллари. Де факто (de facto) ва де юре (de jure) ва ад хок (ad hoc). Халқаро ҳуқуқда тан олишнинг турлари.

3.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари тушунчаси ва уларнинг турлари

«Халқаро ҳуқуқ субъектлари» деганда юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва шу сабабдан халқаро-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш лаёқатига эга шахслар тушунилади. Бунда улар қуйидаги асосий белгиларга эга бўладилар: ташқи чегараланганлик, ягона шахс сифатида муомала лаёқатига эгалик, мустақил иродасини ифодалаш ва амалга ошириш, халқаро ҳуқуқ нормаларини қабул қилишда иштирок этиш ва ҳ.к. Таъкидлаш жоизки, бунда юқоридаги барча белгилар халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қўлга киритилади.

«Халқаро ҳуқуқ субъекти» тушунчасидан «ҳуқуқий муносабатлар субъекти» тушунчасини ажрата билиш керак. Агар биринчи тушунча халқаро-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш лаёқатига эга бўлган шахсни билдирса, иккинчи тушунча мазкур муносабатларнинг ҳаққоний иштирокчисини ифодалайди. Халқаро-ҳуқуқий субъектликнинг реал (ҳаққоний) халқаро-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ўзаро боғлиқлиги тегишли акторларнинг¹ юридик мақоми ёки ҳуқуқий мавқеи тушунчасини вужудга келтиради. Бу, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқнинг кўп сонли субъектларини чекланган миқдордаги тоифага, яъни суверен давлатлар, халқаро давлатлараро

¹ Халқаро-ҳуқуқий таълимотда «халқаро ҳуқуқ субъектлари» тушунчасининг синоними сифатида «акторлар» ибораси қўлланади (лотинча «actus» – қилмиш, фаолият).

(хукуматлараро²) ташкилотлар, ўз мустақиллиги учун курашувчи халқлар, давлатларга ўхшаш (давлатсифат) тузилмалар³, шунингдек халқаро-ҳуқуқий субъектлик ҳажми акторларнинг аввалги тоифаларига нисбатан сезиларли даражада чекланган жисмоний ва юридик шахслар.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий субъектлиги ўз хусусиятига кўра умумий, тармоқли ва махсус турларга бўлинади:

- умумий ҳуқуқий субъектлик – акторларнинг умуман халқаро субъект хусусиятига эга бўлиш қобилиятидир (бундай ҳуқуқий субъектликка халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари – ўз мустақиллиги учун курашаётган давлат, миллат ва элатлар эга бўлади);

- тармоқли ҳуқуқий субъектлик – акторларнинг халқаро муносабатларнинг у ёки бу соҳасида юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш қобилияти (бундай ҳуқуқий субъектликка ўз фаолиятида таъсис ҳужжатларида чегараланган доирадан чиқа олмайдиган давлатлараро ташкилотлар эгадирлар);

- махсус ҳуқуқий субъектлик – акторларнинг халқаро ҳуқуқнинг у ёки бу алоҳида доирасида махсус турдаги ҳуқуқий муносабатларнинг томонлари бўла олиш қобилияти (масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқий субъектлиги шундан иборатдир).

Юқорида айтиб ўтилганлар асосида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: ***халқаро ҳуқуқ субъектлари – халқаро ҳуқуқда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга халқаро ҳуқуқ муносабатлари иштирокчиларидир.***

Қуйидагилар халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланадилар:

1) давлатлар;

2) ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширувчи миллат ва халқлар;

3) халқаро (хукуматлараро) ташкилотлар;

4) давлат типига тузилмалар.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинган муносабатларда мустақил равишда иштирок этиш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан бевосита алоқага киришиш учун юридик лаёқатга эга бўлишлари лозим. Ҳеч кимга ҳуқуқий бўйсунмаслиги билан бир қаторда, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўз фаолиятида давлат ички ҳуқуқ тартиботига эмас, аксинча, халқаро ҳуқуққа бўйсунди.

Жамоат тузилмаси сифатида халқаро ҳуқуқнинг узвий бирлиги халқаро ҳуқуқнинг барча субъектларига хосдир. Чунончи, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш қобилияти ва халқаро муомала лаёқати, яъни ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳуқуққа эга бўлиш ва ўзи учун юридик мажбуриятлар яратиш, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлиш қобилиятига эга бўлмаган субъектлар халқаро ҳуқуқда умуман йўқ.

² Давлатлараро (хукуматлараро) ташкилотларни халқаро-ҳуқуқий субъектликка эга бўлмаган нохукумат халқаро ташкилотлардан фарқлаш лозим.

³ Ҳуқуқий адабиётларда «давлатсифат» иборасининг бошқача ифодаланиши ҳам учрайди // Международное право / Под ред. Ю.М. Колосова и В.И. Кузнецова. – М.: Международные отношения, 1998. – С. 57-62.

Шу боис, субъектнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилашда, одатда, ҳуқуқий муомала лаёқати ибораси қўлланади, бунда унинг мазмунида субъектнинг мустақил ҳаракатлари ҳам назарда тутилади. Чунончи, 1969 йилги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясида айтилишича, «ҳар қандай давлат шартномалар тузиш бўйича ҳуқуқий муомала лаёқатига эгадир».

Юқорида айтиб ўтилганлар халқаро ҳуқуқ субъектларида ҳуқуқий лаёқат (субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлиш қобилияти), фаолият кўрсатиш лаёқати (ўзида бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни онгли равишда адо этиш лаёқати), шунингдек деликт қобилияти (содир этилган ҳуқуқбузарлик, етказилган ҳар қандай зарар учун қонун олдида жавоб бериш қобилияти) мавжудлигидан далолат беради.

У ёки бу субъектнинг халқаро-ҳуқуқий лаёқати мазмуни ва ҳажми халқаро ҳуқуқ томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи билан белгиланади. Мазкур ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи умумий халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан барча турдаги субъектларнинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари: ушбу субъектнинг икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларда иштирок этиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари (масалан, у ёки бу муайян давлат)да акс этади.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектларига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлар халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига мувофиқ равишда белгиланади (қаранг: 6-модда). Мазкур «умумсубъектли» ҳуқуқ ва мажбуриятлар у ёки бу турдаги субъектлар ёки халқаро ҳуқуқнинг алоҳида субъектининг халқаро мақоми ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда конкретлаштирилади.

3.2. Давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида

Халқаро ҳуқуқ нормалари асосан давлатлараро муносабатлар, яъни давлатлар орасидаги муносабатларни тартибга солади. Зеро, айнан давлатлар бир қатор муҳим хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларида учрамайди.

Давлатнинг алоҳида сиёсий-ҳуқуқий хусусияти унинг суверенитети (мустақиллиги) ҳисобланади.

Давлат суверенитети – давлатнинг ўз ҳудудида тўла ҳукмронлиги ҳамда халқаро муносабатлар соҳасидаги мустақиллигидир. Булар фақат давлатларга хос бўлиб, давлатларнинг халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Суверенитет мамлакат (жуғрофий тушунча)га эмас, балки давлатга тегишлидир. У маълум ижтимоий мазмунга ҳам эга.

Халқаро муносабат соҳасида давлатларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормалари давлатлар томонидан келишув (ирода билдириш) йўли билан тузилади ҳамда халқаро муносабатларда давлат суверенитетига қатъий риоя қилишга қаратилган бўлади. Ҳар қандай давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, барча давлатларнинг суверен тенглигини тан

олиш ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принциплари жумласига киради.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи халқаро муносабатларда давлат суверенитетини чеклаш эмас, аксинча, тасдиқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. У ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар суверенитетини қатъий ҳурмат қилиш, халқаро муносабатларни давлатларнинг суверен тенглиги асосида қуриш мажбуриятини юклайди.

Чунончи, давлатларнинг суверен тенглиги барча давлатлар юридик тенг ҳуқуқли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тизимларидаги тафовутлардан қатъий назар, халқаро ҳамжамият аъзолари сифатида бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликларини билдиради. Барча давлатлар халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотларда қарор қабул қилишда тенг овозга эга бўладилар, халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратишда тенг асосда иштирок этадилар.

Ҳар қандай давлатга, у пайдо бўлган вақтдан эътиборан, мустақиллик хосдир. Суверен давлатлар ўзининг мавжудлиги жиҳатидан халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланадилар. Давлатнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги у ёки бу акт (ҳужжат) ёки халқаро муносабатлар иштирокчилари хоҳиш-иродасининг бошқа шаклларига боғлиқ бўлмайди.

Давлат тузилишига кўра унитар ёки мураккаб бўлиши мумкин. У ёки бу тузилиш шаклини танлаш, давлат ҳудудининг ҳажми, тарихий ва бошқа сабаблардан келиб чиқади ва қайси бир шаклда бўлишидан қатъий назар, барча давлатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиши мумкин.

Унитар давлат халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида қатнашади. Шу боис, унитар давлатнинг таркибий қисмлари (маъмурий-ҳудудий бирликлар)нинг ҳуқуқий субъектлиги билан боғлиқ масала юзага келмайди.

Ҳозирги вақтда **федерациялар** мураккаб (уюшмавий) давлатлар бўлиб, уларнинг таркибига бир қатор давлатлар ва давлат тузилмалари киради. Бунда федерация аъзолари (республикалар, штатлар, кантонлар, ҳудудлар ва ҳ.к.) муайян мустақиллигини сақлаб қолади, бироқ ташқи муносабатларда мустақил иштирок этиш бўйича конституциявий ҳуқуққа эга бўлмаганликлари сабабли халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлиб ҳисобланмайди. Бундай ҳолларда федерация халқаро ҳуқуқнинг ягона субъекти сифатида халқаро муносабатларда иштирок этади.

Федерация сўзи латинча foederatio сўзидан олинган бўлиб, ўзбекча иттифоқ, бирлашма маъноларини англатади.

Федерация – бу икки ёки ундан ортиқ давлатнинг барқарор иттифоқидир.

Федерациядан ташқари тарихга давлатларнинг мураккаб бирлашмаси бўлган **конфедерация** маълум бўлиб, у мустақил давлатларнинг умумий мақсадларни кўзлаб (масалан, ўзаро муҳофаа, ташқи алоқалар ва ҳ.к.) тузилган уюшмасидан иборатдир.

Конфедерация сўзи латинча соn ва foederatio сўзларидан олинган бўлиб, ўзбек тилида юқори турувчи иттифоқ маъносини англатади. Юқори турувчи иттифоқ дейилишига сабаб, конфедерация федерацияга нисбатан ўзининг

демократик институтлари бўйича (энг аввало конфедерацияга кириш ва ундан чиқиш тартиби назарда тутилади) юқори туради.

Конфедерация – бу икки ёки ундан ортиқ давлатнинг ўзаро манфаатларни кўзлаб ёки бирор-бир муддатга тузган иттифоқидир.

Конфедерация олдига қўйилган мақсадлар уни таъсис этиш ҳақидаги битимда белгиланади. Конфедерация, агар унга аъзо давлатлар конфедерацияга халқаро муносабатлар соҳасида муайян вазифаларни амалга оширишни юклаган бўлса, бошқа аъзо давлатлар қаторида халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин. Ўтмишда, масалан, Швейцария, АҚШ, Германия конфедерация ҳисобланган.

Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган давлатлар орасида доимий **бетараф (нейтрал)** давлатлар алоҳида ажралиб туради. Доимий бетарафлик (нейтралитет) давлатнинг махсус халқаро-ҳуқуқий мақоми бўлиб, унга мувофиқ давлат ҳеч қандай давлат тарафида урушга киришмаслиги ҳамда уруш олиб бораётган тарафларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслиги зарур. Доимий бетарафлик мақоми мазкур давлатга тинчлик вақтида ҳам маълум мажбуриятларни юклайди. Масалан, бу каби давлатлар бошқа давлатлар билан ҳеч қандай ҳарбий уюшмаларга қўшилмаслиги, ўз худудидан ҳарбий мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслиги зарур.

Ҳозирги вақтда Швейцария, Австрия, Лаос, Мальта ва Туркменистон доимий бетараф давлат мақомига эга. Швейцариянинг доимий бетарафлиги Вена конгресси қарорлари (1814-1815 йиллар) ҳамда 1815 йил 8(20) ноябрдаги Швейцариянинг доимий бетарафлиги ҳамда худудий дахлсизлигини тан олиш ва кафолатлаш тўғрисидаги Париж актига биноан тасдиқланган¹. Австрия 1955 йил 15 майдаги Мустақил ва демократик Австрияни тиклаш тўғрисидаги давлат шартномаси ҳамда 1955 йил 26 октябрдаги Австрия бетарафлиги ҳақидаги федерал конституциявий қонунга кўра доимий бетараф давлат ҳисобланади. Мазкур қонунда айтилишича, «Австрия ўзининг бетарафлигини ихтиёрий равишда эълон қилади. Австрия ўз бетарафлигини қўл остидаги барча қурол ва воситалар билан ҳимоя қилади. Шу мақсадда Австрия кейинчалик ҳеч қандай ҳарбий уюшмаларга қўшилмайди ҳамда бегона давлат ҳарбий таянч пунктларининг яратилишига йўл қўймайди»². Шунингдек, Мальта 1981 йилдан бошлаб доимий бетараф давлат ҳисобланади.

Доимий бетарафлик мақоми бундай мақомга эга давлатни БМТ Уставининг 51-моддасига биноан ўзини ўзи мудофаа қилиш билан боғлиқ ажралмас ҳуқуқдан маҳрум этмайди, шу билан бирга, мазкур давлатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолигига тўсқинлик қилмайди. Ўз бетарафлигини эълон қилган давлатнинг суверен хоҳиш-иродаси бошқа давлатлар томонидан тан олинishi ва қадрланиши керак.

¹ Международное право в документах. – М., 1982. – С. 467-468.

² Ўша жойда. – 469-бет.

3.3. Озодлик учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий принципларидан бири миллат ва халқларнинг халқаро ҳуқуқда мустақамланган тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ҳисобланади. Чунончи, 1945 йил 26 июнда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида БМТ мақсадларидан бири сифатида «миллатлар тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини ҳурмат қилиш асосида» дўстона муносабатларни ривожлантириши эътироф этилган. Мазкур принцип БМТ Бош Ассамблеясининг бошқа қатор ҳужжатларида эътироф этилди ва ривожлантирилди. Чунончи, 1960 йил 14 декабрда қабул қилинган Мустамлакадаги мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш ҳақидаги тарихий декларациянинг қабул қилиниши ҳамда 1970 йил 24 октябрдаги БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар орасида дўстона муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ принципларга тегишли Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация ва ҳоказо.

Давлатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши принципи кенг қамровли хусусиятининг тасдиғи сифатида, 1960 йилдаги Декларацияда «барча миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга; мазкур ҳуқуқдан келиб чиққан ҳолда, улар ўз сиёсий мақомларини эркин равишда ўрнатадилар ҳамда иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни амалга оширадилар», дейилган.

1970 йилдаги Декларация миллатлар тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципининг норматив мазмунини баён этади. Унда таъкидланишича, «эркинлиги эътироф этилган миллат томонидан мустақил суверен давлатнинг ташкил этилиши, мустақил давлатга эркин тарзда бирлашиш ёки бошқа сиёсий мақомнинг ўрнатилиши мазкур миллат томонидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш усуллари ҳисобланади.»

Мазкур Декларацияга мувофиқ, дунёдаги ҳар бир давлат ўзаро келишилган ёки мустақил ҳаракатлар ёрдамида миллатлар тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини амалга оширишда кўмаклашишга мажбурдир; у шунингдек миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш, озодлиги ва мустақиллигидан маҳрум қилувчи ҳар қандай зўравонлик хатти-ҳаракатларидан ўзини тийиши лозим.

Ҳозирги кунда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши 1966 йилдаги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактлар – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда эътироф этилган. Чунончи, мазкур пактлар 1-моддасининг 2-бандида барча миллатлар ўз мақсадларига эришиш учун табиий бойликлари ва ресурсларидан эркин фойдаланишлари ҳамда ҳеч қайси миллат ўзига тегишли бўлган ҳаёт кечириш воситаларидан маҳрум қилинмаслиги таъкидланади.

Демак, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олиш ва эътироф этиш орқали ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ҳақиқий миллий озодликка эришиш учун зарур халқаро ҳуқуқлар мажмуини

белгилайди. Шунингдек, халқаро ҳуқуқ бошқа давлатларга миллат ва халқларнинг мазкур ҳуқуқини ҳурмат қилиш, уни тўсиқсиз амалга оширишга кўмаклашиш юзасидан мажбуриятлар юклайди. Бинобарин, миллатлар ва халқлар ўз тақдирларини ўзлари белгилашлари билан боғлиқ ажралмас ҳуқуқларини амалга оширишлари жараёнида, уларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги тан олинади ва тасдиқланади. Бундан ташқари, мазкур ҳуқуқий субъектликнинг мазмун-моҳияти кенгайди, зеро у фақат алоҳида мустақил давлатни яратиш вазифаси билан чекланмайди, аксинча миллат ва элатлар томонидан ўз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушини эркин амалга оширишни назарда тутди.

Миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши билан боғлиқ ҳуқуқининг сиёсий-ҳуқуқий асоси уларга тегишли миллий мустақилликдан иборат бўлиб, у ҳар бир миллат томонидан ҳам сиёсий, ҳам эркин ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳар тарафлама ривожланиш нуқтаи назаридан озод ва мустақил ҳаёт кечириш ҳуқуқининг амалга оширилишини билдиради. Миллий мустақиллик дахлсиз ва ажралмасдир. Шу боис, миллат ва элатларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги халқаро муносабатлар иштирокчиларининг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас.

Миллат ва халқларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги ҳақида гапирилганда, энг аввало мустамлака истибдодида бўлган, империалистик метрополия-давлатлар томонидан зулм ўтказилаётган ва, энг асосийси, ўз миллий давлатчилигига эга бўлмаган халқлар назарда тугилади. Мазкур миллат ва халқлар уларга сиёсий мустақиллик берилишини дарҳол талаб қилиш ва ўзида мавжуд барча воситалар билан кўзланган мақсадларига эришиш, ҳаттоки қуролланган миллий-озодлик курашини олиб боришга ҳақлидирлар. Мустамлакачи давлат қисқа муддат ичида мазлум миллатларнинг мазкур талабларини, у қандай шаклда билдирилган бўлмасин, қондириши шарт. Зўравонлик билан мустамлака ҳукмронлигини сақлаб туриш, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига биноан, мустамлакачи давлатнинг халқаро жавобгарлигини келтириб чиқарувчи оғир халқаро жинойт ҳисобланади.

1970 йилги Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга биноан, мамлакатнинг эркин иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш ҳуқуқи умум эътироф этилган норма ҳисобланиб, у миллат ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципнинг таркибига киради.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назариясига кўра, Фаластин озодлик учун кураш олиб бораётган халқ сифатида халқаро-ҳуқуқий мақомга эга.

3.4. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар XIX асрга келиб пайдо бўла бошлади. Ҳозирги кунда улар халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда (ҳам бутунжаҳон, ҳам минтақавий миқёсда), сиёсий, иқтисодий ва халқаро муносабатларда фаол иштирок этмоқда.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (кейинги ўринларда – халқаро ташкилотлар) бошқа давлатлар уларга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг берилишига розилик берганликлари сабабли ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи субъектлари ҳисобланадилар. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари эса, таъсис ҳужжатлари (уставлар, статутлар ва бошқалар)да акс эттирилган бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига тўлиқ мос келади.

Шундай қилиб, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги ясама хусусиятга эгадир, зеро улар давлатларнинг хоҳиш-иродасига биноан вужудга келади.

Халқаро ташкилотлар, уларнинг таъсис ҳужжатлари ташкилотлар ва аъзо давлатлар орасидаги муносабатлар, яъни ўз хусусиятига кўра халқаро муносабатларни тартибга солганликлари сабабли халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадилар. Мазкур таъсис ҳужжатлари энг аввало ташкилотга аъзоликни тасдиқлайди, бироқ улар ташкилотнинг мақсад ва вазифалари, органларининг ваколатлари, ташкилотнинг аъзо давлатлар билан ўзаро алоқа қилиш тартибини белгиловчи нормалар, баъзи ҳолларда эса, мазкур ташкилотнинг аъзо бўлмаган давлатлар ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро алоқаларига тегишли нормаларни ўз ичига олади. БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки турли халқаро ташкилотлар ўртасида халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқи ҳақидаги моддалар лойиҳасини ишлаб чиқди. Мазкур лойиҳа асосида 1986 йилда давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасида шартнома тузиш ҳуқуқи бўйича БМТнинг Вена конвенцияси қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан, халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий лаёқати мазкур ташкилот томонидан тартибга солинади.

Бироқ, у ёки бу халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий лаёқати қанчалик кенг бўлмасин, мазкур махсус ҳуқуқий лаёқат халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлган давлатларнинг универсал халқаро-ҳуқуқий лаёқатидан тубдан фарқ қилади.

3.5. Халқаро ҳуқуқда давлат типидagi тузилмалар

Давлатлараро шартномаларга мувофиқ, ўтмишда ва ҳозирги вақтда ҳам баъзи нодавлат тузилмаларнинг махсус халқаро-ҳуқуқий мақоми назарда тутилган бўлиб, унга кўра мазкур тузилмалар халқаро муносабатларда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар ҳамда халқаро ҳуқуқ субъектларига айланадилар. Бироқ, мазкур сиёсий-ҳудудий бирликларнинг халқаро-ҳуқуқий лаёқати тегишли шартномаларнинг қоидалари билан тартибга солиниши боис, у чекланган ҳисобланади ҳамда давлатларнинг универсал ҳуқуқий лаёқатига тенглаштирилмайди.

Ўтмишда махсус халқаро-ҳуқуқий мақом ўзига хос *эркин шаҳарлар*: Краков, Данциг (Гданьск)га тегишли бўлган. Ҳозирги вақтда эркин шаҳарлар йўқ.

Шунингдек, эркин шаҳарларга яқин бўлган мақом *эркин ҳудудларга* нисбатан ўрнатилган. Бунга мисол қилиб Триест ҳудудини келтиришимиз мумкин. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Триест ҳудуди Италия ва Югославия ўртасидаги сулҳ битимида биноан эркин ҳудуд деб эълон қилинган. Аммо

бундай мақом кўп давом этмаган, 1954 йили Триест ҳудуди деярли бутунлай Италия таркибига киритилган. Тарихда эркин ҳудудлар бошқа учрамайди.

Ватикан «шаҳар-давлати»нинг махсус халқаро-ҳуқуқий мақоми 1984 йили Италия ва «Муқаддас тахт» ўртасидаги битимга асосан белгиланган (Ватикан халқаро ҳужжатларда шундай деб аталади). Ватикан кўпгина давлатлар (асосан, католицизмнинг таъсири кучли бўлган давлатлар) билан ташқи алоқаларни амалга оширади, у мазкур давлатларда папа нунциялари ва легатлари томонидан бошқариладиган доимий ваколатхоналарини таъсис этади. Ватикан делегацияси кўпгина халқаро конференцияларда, шунингдек кўп томонлама кодификациялашган конвенцияларни тузиш бўйича БМТ ташаббуси билан чақирилган халқаро конференцияларда қатнашади. У шунингдек қатор халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади (Бутунжаҳон почта уюшмаси, АЭКХА, Электр алоқа халқаро уюшмаси), баъзи ташкилотларда доимий ваколатхоналарига, айрим ташкилот ва конференцияларда эса кузатувчи сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ғарб халқаро ҳуқуқ назариясида Мальта орденининг ҳуқуқий субъектлиги илгари сурилади.

Мальта ордени расман 1889 йили Италиянинг Рим шаҳрида, инсонпарварлик ноҳуқумат ташкилоти сифатида ташкил этилган. Аммо Мальта орденининг тарихи олис XII асрга бориб тақалади.

3.6. Халқаро ҳуқуқда тан олиш тушунчаси

Халқаро ҳуқуқда тан олиш деганда, давлатнинг (ёки бошқа халқаро ҳуқуқ субъекти, хусусан, халқаро ташкилотнинг) халқаро муносабатдаги маълум юридик муҳим факт ёки вазиятнинг мавжудлигини қайд этадиган бир томонлама юридик акти тушунилади. Тан олиш аниқ ифодаланган бўлиши (оғзаки ёки ёзма баённома билан) ёки хатти-ҳаракатдан (ҳаракат ёки ҳаракат қилишдан ўзини тийиб туришдан) келиб чиқадиган сукутли шаклда бўлиши мумкин.

Тан олиш мажбурияти мавжуд эмас. Бу – давлатнинг ҳуқуқидир. Табиийки, ошқора сиёсий қарашлардан келиб чиққан ва халқаро ҳаётнинг воқеликларини инкор қиладиган узоқ муддатли тан олмаслик давлатлараро муносабатларни жиддий кескинлаштирувчи омил бўлиши мумкин. Ғарчи тарихда бундай ҳоллар учраган бўлса-да, тан олишни ортга қайтариб олиб бўлмайди. 1918 йилда Франция Финляндияни тан олишини ортга қайтариб олган. Бунга сабаб – Финляндия тахтига Вилгельм II нинг қариндошини ўтқизиш режаси ҳақида Франциянинг хабар топганлиги бўлган. Кейинчалик Финляндияда республика ўрнатишга қарор қилинган, Франция уни такроран тан олди.

Тан олишга зид акт «протест» деб номланади. Унинг мазмуни халқаро-ғайриҳуқуқий қилмиш сифатида тасниф этилган ҳолда, тегишли юридик муҳим факт ёки ҳодисанинг ҳуқуқий эканлигига рози бўлмасликдан иборат. Протест аниқ ифодаланган бўлиши ва у тегишли давлат эътиборига у ёки бу даражада етказилган бўлиши керак.

Тан олиш ва протест ўз-ўзидан давлатлараро муносабатлардаги сиёсий акт ҳисобланади, чунки улар тан олиш ёки протестнинг объекти бўлган ҳодиса мазмунини ўзгартира олмайди. Лекин, баъзи ҳолларда улар сезиларли халқаро-ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Тан олиш ёки тан олишни рад этиш – одатий ҳолдир. Бироқ халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан бу актлар белгилаб берилмаган. Чунки тан олиш ёки протест объекти бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳодисаларни амалда олдиндан кўриб, боз устига уларнинг ҳуқуқийлиги шартларини аниқлаб бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда бу масала юзасидан ҳар хил қарашлар мавжуд. Улар тан олиш актининг юридик аҳамиятини тўла инкор этишдан тортиб, кўриб чиқиладиган ҳодисанинг ҳуқуқийлигини қайд этиш ишида унга ҳал қилувчи аҳамият беришга қадар бир-биридан фарқ қилади.

Шундай қилиб, *тан олиш – давлатнинг бир томонлама ихтиёрий акти бўлиб, унда давлат бошқа давлатга халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида қарайди ва у билан расмий муносабатларга киришиши нияти ёки давлатда ёхуд унинг ҳудудининг бир қисмида конституцияга зид йўл билан ўрнатилган ҳокимият ушбу давлат ёки тегишли ҳудуд аҳолисининг халқаро муносабатларда вакил сифатида етарлича самарали чиқиши ҳақида бевосита ёки билвосита баён қилади.*

Тан олиш назариялари

Халқаро ҳуқуқ доктринасида тан олишнинг иккита асосий назарияси мавжуд: *конститутив ва декларатив тан олиш.*

Конститутив назарияга мувофиқ, фақат тан олиш тан олиш дестинаторига (адресатига) тегишли сифатни беради, яъни давлатга – халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиш, ҳукуматга – давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиш қобилиятини беради. Бу назариянинг заиф жойи шундан иборатки, биринчидан, дестинаторга эслатиб ўтилган сифатни бериш учун тан олишларнинг қанча сони зарур бўлиши ноаниқ, иккинчидан, амалиётнинг кўрсатишича, давлатлар расман тан олишсиз ҳам мавжуд бўлиши ва бошқа давлатлар билан у ёки бу алоқаларга киришиши, конституцияга зид йўл билан ҳокимиятга келган ҳукуматлар эса самарали равишда халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлишлари мумкин.

Декларатив назарияга кўра, тан олиш дестинаторга тегишли сифатни хабар қилмайди, балки унинг пайдо бўлганлигини қайд этади ва дестинатор билан алоқаларни амалга оширишни енгиллаштирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Декларатив назария халқаро ҳаёт воқеликларида кўпроқ жавоб беради, деган фикр кенг тарқалган. Бироқ, объектив жиҳатдан халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўла олмайдиган тузилмалар (маслан, Мальта ордени) халқаро ҳуқуқ субъекти деб тан олинган ҳолларда тан олиш конститутив ёки, аниқроқ айтганда, квазиконститутив (ёлғон конститутив) тусга эга бўлади. Бунда тан олувчи дестинаторда кўришни орзу қиладиган сифатлар бордек тасаввур қилинади.

Шунингдек, юқоридаги сингари тез-тез ишлатиб турилмаса-да, Лотин Америкасида мавжуд бўлган Эстрада ва Тобаро доктриналари ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Тобаро доктринаси 1907 йили Эквадор ташқи ишлар вазири К. Тобаро томонидан илгари сурилган эди. Бу доктринанинг мазмуни шундан иборатки, ички давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган ҳукуматлар ўз мамлакатлари аҳолиси томонидан «тан олинмагунича» бошқа давлатлар томонидан ҳукумат сифатида тан олинмаслиги лозим.

Эстрада доктринаси 1930 йил 27 сентябрда Мексика ташқи ишлар вазири Х.Эстрада томонидан янги ҳукуматларни тан олиш масаласи юзасидан коммюникеда баён қилинган эди. Ушбу доктринага мувофиқ, бу мамлакат ҳукуматыни тан олишнинг алоҳида акти зарурлиги инкор қилинади, тан олишнинг фақат бир усулига – дипломатик муносабатларни сақлаб қолиш ёки ўрнатишга йўл қўйилади.

Тан олиш шакллари

Расман тан олишнинг қуйидаги шакллари мавжуд: де-факто (de facto), де-юре (de jure) ва ад хок (ad hoc).

Юқоридаги тан олиш шакллари давлатлар ва ҳукуматларни тан олишда қўлланилади. Улар орасидаги фарқ тан оладиган ва тан олинмаган тарафларнинг ўзаро муносабатларида келтириб чиқарадиган оқибатларнинг ҳажмида билинади: де-факто тан олишда ҳукукий оқибатларнинг ҳажми қисқароқ бўлади.

Де-факто тан олиш – маълум давлат ёки ҳукуматнинг узоқ яшаши ва ҳаётий қобилиятига унчалик ишонмасликни намойён қилишдир. Де-факто тан олиш консуллик муносабатлари ўрнатилишига сабаб бўлиши мумкин, лекин бу мажбурий тарзда бўлмайди. Де-факто тан олиш кейинчалик де-юре тан олишга айланиб кетиши мумкин, бу ҳолни дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва дипломатик ваколатхоналарни очишда кузатишимиз мумкин.

Де-юре тан олиш – тўла, узил-кесил тан олишдир. У, қоида тариқасида, дипломатик муносабатлар ўрнатилишига сабаб бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши де-юре тан олишни билдиради, деб ҳисобланади. Де-юре тан олиш давлат бошлиқлари ўртасида табрик хатлари ва ташқи ишлар вазирликлари ўртасида махсус ноталар алмашиш ҳамда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) орқали бир-бирини кутлаш билан изоҳланади.

Давлатлар, ҳукуматлар (ёки бошқа ҳокимиятлар) ўзаро уруш ҳолати ёки зиддиятда бўлсалар-да, маълум масалаларни ҳал қилиш учун бир-бирлари билан мажбурий алоқага киришадилар, аммо бундай алоқага киришиш улар бир-бирларини тан олганликларини аниқлатмайди. Бундай ҳолда *ад хок тан олиш* (ad hoc – ушбу вазиятда, аниқ ҳолат бўйича) ҳақида гапирилади, яъни урушаётган ёки зиддиятда бўлган давлатлар ёки ҳукуматларнинг музокара олиб бориш ёки битимни имзолаш учун бир-бирлари билан алоқа юритаётган вақтларида, улар бир-бирларини худди шу вазият ёки воқеа доирасида тан олишмоқда деб тахмин қилинади. Масалан, 1998 йили Афғонистон бўйича Тошкентда бўлиб 6+2 форматдаги йиғилишда, Афғонистонда урушаётган томонлар бир маротабалик музокаралар столига ўтиришган. Яъни, улар бир-бирини, мазкур йиғилиш доирасида томон сифатида эътироф этишган. Тан олишнинг мавжуд эмаслиги бундай ҳолларда шартноманинг юридик томонига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

3.7. Тан олишнинг турлари ва усуллари

Тан олиш турлари тан олишнинг дестинаторларига қараб фарқланади. Тан олишнинг анъанавий турлари (давлатлар ва ҳукуматларни) ва оралиқ тан олиш (миллатларни тан олиш, кўзғолон кўтарган ёки урушаётган томонларни, қаршилик кўрсатиш ташкилотлари ва қувғиндаги ҳукуматларни тан олиш)ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Олдиндан тан олиш ё янги давлатнинг ташкил топиши (миллатни тан олишда)га ёки янги ҳукуматнинг ҳокимияти конституцияга зид йўл билан амалга оширилган мамлакатда ҳолатнинг барқарорлигига олиб келиши мумкин бўлган воқеаларнинг келгусида ривожланишини кутаётганда қўлланилади.

Тан олишнинг бу турлари ўртасида аниқ чегара ўтказиш анча қийин. Масалан, ўз озодлиги учун курашаётган миллат урушаётган томон сифатида тан олиниши мумкин; мамлакат ҳудудининг катта қисмида ўрнатилган ва урушаётган томон сифатида тан олинган ҳокимият қуролли куч ёрдамида ўзидан олдинги ҳукуматни ағдарган анъанавий тушунишдаги ҳукуматдан кам фарқ қилади. Бу ерда кўп нарса муайян шарт-шароит, тан олувчининг сиёсий башорат қила билиши ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб белгиланади.

Давлатни тан олиш масаласи бир неча давлатнинг бирлашиши натижасида, бир давлатнинг таркибидан бошқа давлат мустақил бўлиб ажралиб чиқиши натижасида ёки бир давлатнинг тарқалиб кетиши натижасида унинг ўрнида бир неча давлатлар пайдо бўлганда юзага келиши мумкин. Мисол учун, СССРни 15 та мустақил давлатларга бўлиниб кетиши.

Давлатни тан олиш масаласи инқилоб натижасида ҳам, давлат ва ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгариши мавжуд бўлганда ҳам юзага келиши мумкин. Бироқ, амалиётда бундай вазиятларда, агар инқилоб жиддий ҳудудий ўзгаришларни келтириб чиқарган бўлмаса, кўпинча янги ҳукумат тан олинади. Масалан, 1949 йили Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган, СССР ХХРни эмас, балки ХХР ҳукуматини тан олди.

Конституцияга зид йўл билан ҳокимият тепасига келган ҳукуматни тан олиш мезонларини ишлаб чиқишга уриниш муваффақиятли чиқмади. Агар тан олинувчи ҳукумат мамлакат ҳудуди ёки унинг катта қисмида ҳокимиятни самарали амалга ошираётган, мамлакатдаги вазиятни назорат қилиб турган бўлса, бундай тан олишни асосли деб ҳисоблаш қабул қилинган. Агар давлат тўнтариши натижасида бошқариш шакли ўзгарса, масалан, монархия бошқарув шакли республика бошқарувига айланса ва тегишли равишда давлатнинг номи ўзгарса, янги ҳукуматни тан олиш давлатни тан олиш шаклида амалга оширилади. Ҳукуматни тан олиш уни қўллаб-қувватлаш сифатида хато изоҳланиши мумкинлиги туфайли, баъзи давлатлар ҳукуматларни у ёки бу даражада расман тан олишдан ўзини тийиб туриш сиёсатига амал қила бошладилар. Бу сиёсат Эстрада доктринаси деб (1930 йилда уни ифодалаб берган Мексика Ташқи ишлар вазири номи билан) атала бошланди. Амалиётнинг кўрсатишича, бундай ҳолларда, мазмунан сукутли ёки ички эътироф билан тан олиш ҳақида гап боради, чунки бундай

вазиятларда янги ҳукумат билан дипломатик муносабатлар ёки расмий муносабатларнинг бошқа шакллари сақланиб қолади.

Миллатни (ёки халқни) тан олиш оралиқ тан олишнинг бир тури сифатида Биринчи жаҳон уруши даврида юзага келди. Унда Антанта давлатлари ўзларининг ҳарбий ва сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб (Антанта қуролли кучлари таркибида чех, словак, поляк ва жанубий славян ҳарбий қисмларининг қатнашишини ошкоралаштириш мақсадида), чехлар, словаклар, поляклар ва ш.к. миллатларни «иттифоқчи» ёки «биргаликда жанг қилаётган»лар сифатида тан олган эдилар.

Колониал тизимни тугатиш даврида ҳам алоҳида давлатлар, ҳам давлатлараро ташкилотлар, авваламбор, уларга кузатувчи мақомини берган БМТ томонидан *миллий озодлик ҳаракатларини тан олиш* амалиёти кенг тарқалди. Бундай тан олишнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бу тан олиш миллатларга ёки халқларга эмас, балки миллий-озодлик ҳаракатларига бериларди. Бунда мазкур атама ушбу ҳаракатларнинг ўзини номлаш учун эмас, балки уларга раҳбарлик қиладиган ва кураш олиб бораётган ташкилотларни номлаш учун ишлатиларди.

Кўзғолон кўтарган ёки урушаётган томон сифатида тан олиш XIX асрда ва қай даражададир XX асрнинг биринчи ярмида қўлланган. Кўзғолон кўтарган ва урушаётган томон тушунчаларини аниқ чегаралаш мавжуд эмас. Бундай тан олишнинг асосий мақсадларидан бири – тан олувчининг кўзғолончилар назорат қиладиган ҳудуддаги манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини таъминлашдир. 1823 йилдаёқ Буюк Британия Туркияга қарши ўз давлатини тузиш учун курашаётган грекларни урушаётган томон сифатида тан олган эди.

Шунингдек, таъкидлаш зарурки, халқаро ҳуқуқда тан олишнинг икки: *аниқ ифодаланган ва назарда тутиладиган тан олиш усуллари* мавжуд. Биринчисига кўра, тан олиш фаол ҳаракатлар билан амалга оширилади, иккинчисига кўра эса, бундай ҳаракатларнинг бўлиши мажбурий эмас.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари давлатларнинг ички (миллий) ҳуқуқи субъектларидан нималар билан фарқ қилади.
2. “Халқаро ҳуқуқ субъекти” тушунчаси нимани англатади?
3. Халқаро ҳуқуқ субъектлари гуруҳларга кўра қандай ҳуқуқий субъектликка эга?
4. Давлат – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий субъекти. Унинг шу хусусиятдаги тавсифий белгилари.
5. Оддий ва мураккаб давлатлар ҳамда уларнинг иттифоқлари деганда нимани тушунасиз?
6. Уларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
7. Халқаро ҳуқуқда суверенитет масаласи қандай аҳамиятга эга?
8. Миллатлар ва халқлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
9. Давлатга ўхшаш тузилмалар ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?

10. Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ролида иштирок эта оладими?
11. Халқаро ҳуқуқнинг бирламчи ва ҳосила субъектлари ўртасидаги асосий фарқлар.
12. Халқаро ҳуқуқда тан олиш – давлатларнинг ҳуқуқий субъектлигининг асосий элементи сифатида.
13. Давлатлар ва ҳукуматларни тан олишнинг ўзига хосликлари ҳақида сўзлаб беринг.
14. Тан олишда асосий ва қўшимча назариялар тушунчаси.
15. Тан олишнинг халқаро муносабатларга кўрсатадиган таъсири нимада?
16. Халқаро ҳуқуқий тан олиш нимани англатади?
17. Халқаро ҳуқуқий тан олишнинг қандай шакллари мавжуд?
18. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатидаги мақоми нималарда намоён бўлади?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
10. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
11. М.Рафиқова, А.Ачилов. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016 йил.

4-мавзу. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд ва аҳоли

Режа:

4.1. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар

4.2. Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари. Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги

4.3. Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва кўриқлаш тартиби

4.4. Халқаро дарёлар. Дунайда кема қатнови тартиби тўғрисидаги 1948 йил 18 август Конвенцияси

4.5. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш

4.6. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари

4.7. Чет элликлар учун белгиланган режим

4.8. Бошпана бериш ҳуқуқи

Таянч иборалар:

Халқаро ҳуқуқда ҳудуд. Давлат ҳудуди. Давлатга тегишли бўлмаган ҳудуд. Халқаро денгиз ҳуқуқи. Ички денгиз сувлари. Ҳудудий денгиз. Халқаро ҳаво ҳуқуқи. Халқаро ҳуқуқда аҳоли. Аҳолининг ҳуқуқий катего-риялари. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик ва унинг халқаро муносабатларидаги ўрни. Икки фуқаролик ва фуқаросизлик. Чет эл фуқароларининг ҳуқуқи. Қочоқлар иши бўйича Бош комиссариат. Қочоқлар мақомига тааллуқли протокол. Сиёсий бошпана.

4.1. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар

Халқаро ҳуқуқда ҳудуд институти энг муҳим бўлган институтлардан бири ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд деганда (кенг маънода) Ер қуррасининг куруқлик ва сувдаги турли майдонлари, ер ости ва ҳаво бўшлиғи - инсон яшайдиган табиий ва моддий муҳит, шунингдек, фазо бўшлиғи (космос) ва ундаги осмон жисмлари тушунилади.

Бутун ҳудуд мавжуд ҳуқуқий режимга мувофиқ уч турга бўлинади:

- давлат ҳудуди;
- халқаро режим амал қиладиган ҳудуд;
- аралаш режимли ҳудуд.

Муайян давлатнинг суверенитети остидаги, яъни муайян давлатга қарашли бўлган ҳудуд *давлат ҳудуди* ҳисобланади. Бу ҳудуд доирасида давлат ўз ҳудудий устунлигини амалга оширади. Ҳарбий оккупация рўй берган ва ҳудуд халқаро ҳуқуқий ижарага олинган ҳолларда бу қоида айрим вақтинчалик истиснолар бўлиши мумкин.

Халқаро режим амал қиладиган ҳудудларга давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган, муайян бир давлатга қарашли бўлмаган, балки барча давлатлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ фойдаланадиган ер майдонлари киради. Бу, аввало,

очик денгиз, унинг устидаги ҳаво бўшлиғи ва континентал шельфдан ташқаридаги денгизнинг чуқур тубларидир.

Аралаш режимли ҳудудлар - бир пайтнинг ўзида ҳам халқаро ҳуқуқ нормалари, ҳам миллий ҳуқуқ нормалари амал қиладиган ҳудудлардир. Аралаш режимли ҳудудларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга континентал шельф ва иқтисодий зона киради.

Бу ҳудудлар давлатлар суверенитети остида бўлмайди ва давлат ҳудудлари таркибига кирмайди, лекин денгиз соҳилида жойлашган ҳар бир давлат ўзига туташ континентал шельф ва денгиз иқтисодий зонасидаги табиий ресурсларни текшириш ва қазиб олиш, шунингдек, бу ҳудудларнинг табиий муҳитини қўриқлаш суверен ҳуқуқларига эга бўлади.

Шу ҳуқуқлар доирасида ҳар бир давлат кўрсатилган фаолият турларини тартибга солувчи қонун ва қоидалар қабул қилади. Қолган ҳолларда континентал шельф ва иқтисодий зонада халқаро денгиз ҳуқуқи тамойиллари ва нормалари амал қилади. Иккинчи гуруҳга - қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудий сувлари қўйиладиган халқаро дарёлар ва бўғозлар ҳамда қирғоқбўйи давлатлари ҳудуди таркибига кирувчи халқаро каналлар киради.

1959 йил Антарктика шартномасига кўра, Антарктикада алоҳида халқаро ҳуқуқий режим ўрнатилган. Ушбу шартномага биноан, Антарктика тўлиқ демилитаризация қилинган ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун барча мамлакатларга очикдир. Антарктиканинг биронта ҳам қисми бирон давлат суверенитети остида эмас. Лекин, шунга қарамай, айрим давлатларнинг Антарктика ерларига даъвогарлиги сақланиб қолаётир.

Космик бўшлиқ ер ҳудуди доирасидан ташқарида жойлашган ва унинг ҳуқуқий режими халқаро космик ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари, хусусан, 1967 йил 27 январда қабул қилинган Космик бўшлиқ, шу жумладан Ой ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлар фаолиятининг тамойиллари тўғрисидаги шартнома билан белгиланади. Космик бўшлиқни ҳеч ким бирон-бир тарзда миллий ўзлаштириши мумкин эмас. У барча давлатлар тадқиқ қилиши ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида фойдаланиши учун очикдир.

Ҳудудни демилитаризация қилиш - шундай бир халқаро ҳуқуқий режимки, унга мувофиқ ҳудудда ҳарбий фаолиятнинг муайян турлари ҳамда шакллари, чунончи, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни жойлаштириш ҳамда сақлаш, ҳарбий иншоот ва базалар куриш, ҳарбий машқлар ва манёврлар ўтказиш тақиқланади ёки чекланади.

Демилитаризация тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин, унинг ҳажми халқаро шартномада белгилаб қўйилади.

Тўлиқ демилитаризация қилиш - эски ҳарбий иншоотлар ва истехкомларни бузиб ташлаш ҳамда янгиларини куришни тақиқлаш; ички тартибни сақлаш учун зарур полициячиларнинг оз сонли отрядларидан ташқари, қуролли кучлар сақлашни тақиқлаш; ҳарбий материалларни ташиш ва олиб кириш, ҳарбий таълим ва ҳарбий хизматга олишни тақиқлаш; демилитаризация қилинган ҳудуд устидан ҳарбий самолётлар учиб ўтишини тақиқлаш.

Қисман демилитаризация қилиш куйидаги тадбирлар ўтказилишини назарда тутати: муайян ҳарбий объектларни тугатиш, янги ҳарбий иншоотлар қуришни тақиқлаш; қуролли кучлар сони ва айрим турдаги қуроллар қувватини чеклаш (масалан, оммавий қирғин қуролини жойлаштиришни тақиқлаш) ва ҳ.к.

Ҳудудни нейтралзация қилиш - халқаро шартнома билан белгиланган муайян ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш ёки бу ҳудуддан ҳарбий ҳаракатлар олиб боришда фойдаланишнинг тақиқланиши.

Давлат чегаралари четида жойлашган муайян ҳудудлар демилитаризация ва нейтралзация қилинади. Кўпинча бундай зоналар сулҳ тузиш чоғида белгиланадиган муваққат демаркация чизиқларининг икки тарафида ташкил этилади (масалан, 1953 йил - Кореяда, 1954 йил - Вьетнамда сулҳ битими тўзишда ташкил этилган).

Кема қатнови эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида айрим халқаро сув йўллари демилитаризация қилинади. 1888 йил Константинополь конвенциясига биноан, Сувайш канали нейтралзация қилинган ҳисобланади, чунки у ерда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш мумкин эмас.

Айни вақтда, бу канал демилитаризация қилинган ҳисобланади, чунки унинг иккала қирғоғида 3 денгиз миляси доирасида ҳарбий истехкомлар қуриш тақиқланган. 1903 йил АҚШ ва Панама ўртасида тузилган Шартномага биноан Панама канали доимий нейтрал деб эълон қилинган. Бу қоида АҚШ ва Панама ўртасида 1977 йил тузилган янги шартномаларда ҳам тасдиқланган.

Айрим орол ва архипелагларни демилитаризация ҳамда нейтралзация қилиш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, Шпицберген архипелаги демилитаризация ва нейтралзация қилинган. 1920 йил 9 февралда имзоланган шартномага биноан, архипелаг устидан Норвегиянинг суверенитети тан олинган, архипелагнинг

ўзи эса демилитаризация ва нейтралзация қилинган ҳудуд деб эълон қилинган. Фан-техника тараққиёти натижасида демилитаризация ва нейтралзация қилиш институтининг қуйидаги янги шакллари вужудга келди:

а) ядро қуролидан холи зоналар ташкил этиш;

б) космик бўшлиқни, шу жумладан, Ой ва бошқа осмон жисмларини демилитаризация ва нейтралзация қилиш;

в) денгиз ҳамда океанлар тубини демилитаризация ва нейтралзация қилиш.

Ядро қуролидан холи зона шундай бир ҳудудки, унда халқаро шартномага асосан, ядро қуролини жойлаштириш, ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва қўллаш тақиқланади.

Ядро қуролидан холи зона қисман демилитаризация қилинган ҳисобланади, чунки унинг доирасида ядро қуроли жойлаштирилиши мумкин эмас. Айни вақтда, у қисман нейтралзация қилинган ҳисобланади, чунки қуролли можаро рўй берган ҳолда, бу ерда ядро қуролини қўллаш тақиқланади.

Космик бўшлиқни қисман демилитаризация қилиш 1963 йил Уч муҳитда ядро синовлари ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома билан белгиланади. Мазкур шартнома ўз иштирокчиларига космик бўшлиқда ядро

қуроли портлатилишини тақиқлаш, бунинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик мажбуриятини юклайди.

Космос тўғрисидаги шартнома (1967 йил) ўз иштирокчиларига ер яқинидаги орбитага ядро қуролига эга объектларни ёки оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини чиқармаслик, осмон жисмларида ядро қуролини ўрнатмаслик, уни космик бўшлиқда бирон-бир тарзда жойлаштирмаслик мажбуриятини юклайди.

Космос тўғрисидаги Шартномада Ой ва бошқа осмон жисмлари тўлиқ демилитаризация қилиниши қайд этилган, яъни давлатларга Ой ва бошқа осмон жисмларидан фақат тинчлик мақсадида фойдаланиш мажбурияти юкланган, осмон жисмларида ҳарбий базалар, иншоотлар ва истехкомлар қуриш, Ҳар қандай қуролни синовдан ўтказиш ва ҳарбий машқлар ўтказиш тақиқланган.

1971 йилги Денгиз туби тўғрисидаги шартномага мувофиқ, **денгиз ва океанлар туби қисман демилитаризация қилинган**, чунки 12 денгиз миляси (территориал сувлар) доирасидан ташқарида ядро қуролини ва оммавий қирғин қуролининг барча турларини жойлаштириш тақиқланади.

1967 йилда Лотин Америкаси мамлакатлари бу минтақада ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида Шартнома (Тлателолко Шартномаси) имзоладилар. Ушбу Шартнома давлатларга ўз ҳудудида ядро қуролини сақлаш, ундан фойдаланиш, уни синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга йўл қўймаслик, шунингдек, бу қуролни ҳеч кимдан олмаслик мажбуриятини юклайди.

1985 йил августда Тинч океанининг жанубий қисмида жойлашган 13 давлат томонидан мазкур ҳудудни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги Шартнома (Раротонг Шартномаси)ни имзоланди.

Ушбу Шартномага биноан тарафлар ҳар қандай ядро қурилмаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва синовдан ўтказишдан воз кечишларини эълон қилди; ядро қуролини ўз ҳудудига олиб кириш; ҳар қандай ядро портлашларини амалга ошириш, шунингдек, бу ҳудудга радиоактив чиқиндиларни ташлаш ва кўмиш қатъиян ман этилди.

Шартнома ушбу ҳудудда кема қатнови эркинлигини кафолатлайди; минтақа давлатларининг портларига бортида ядро қуроли бўлган чет эл кемаларининг кириши тўғрисидаги масала шартномага аъзо ҳар бир мамлакат билан алоҳида ҳал қилинади.

2006 йили Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги Семипалатинск шартномаси Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан имзоланди ва кўп ўтмай минтақа давлатлари томонидан ратификация қилинди. 2014 йилга келиб, мазкур Шартноманинг кафолати, яъни ушбу минтақанинг ядросиз ҳудуд эканлигини кафолатловчи протокол бешта ядровий давлатлар, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой томонидан ратификация қилинди.

4.2. Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари.

Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги

Давлат ҳудуди - давлатнинг суверенитети остида бўлган, яъни муайян давлатга қарашли бўлган ҳудуд - Давлат ўз ҳудудида ўзининг ҳудудий устунлигини амалга оширади. Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик ва сув, унинг ер ости бойликлари, қуруқлик ва сув устидаги ҳаво бўшлиғи киради. Уларнинг доираси давлат чегараси билан белгиланади.

Давлат чегаралари доирасидаги бутун қуруқлик давлатнинг **қуруқликдаги ҳудуди ҳисобланади**. Давлатнинг **сув ҳудудини** ички (миллий) сувлар ва территориал денгиз ташкил этади. Бу икки сув ҳудудининг фарқи чет эл ноҳарбий ва ҳарбий кемалари қатновининг режимлари билан белгиланади. 1982 йилги Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги БМТ Конвенциясига биноан, **ички сувларга** қуйидагилар киради:

- территориал денгиз кенглигини ҳисоблаш учун қабул қилинган тўғри асосий чизиқлардан қирғоқ тарафда жойлашган денгиз сувлари, шу жумладан, архипелаг давлатлар сувлари;

- порт сувлари;

- қирғоқлари бир давлатга қарашли бўлган кўрфазларнинг сувлари, башарти, уларнинг кенлиги 24 денгиз милясидан ошмаса, шунингдек, тарихий кўрфазлар.

Бир давлат ҳудуди доирасида жойлашган дарёлар, кўл ва бошқа сув хавзаларининг сувлари ҳам ички сувлар ҳисобланади. Қирғоқбўйи денгиз сувлари минтақаси территориал денгиз ҳисобланади. Бу минтақа кенлиги 1982 йилги Конвенцияга биноан 12 денгиз милясидан ошмаслиги лозим.

Давлат ўз ҳудуди доирасида ҳудудий устунликни амалга оширади. Бу устунлик давлатлар суверенитетининг таркибий қисми ҳисобланади. Давлатнинг устунлиги мазкур давлат ҳокимияти унинг ҳудуди доирасида жойлашган барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан олий ҳокимият ҳисобланишини, давлат ҳудудида бошқа давлатнинг ҳокимияти амалга оширилиши мумкин эмаслигини аниқлатади. Давлатнинг олий ҳокимияти унинг ҳудуди доирасида қонунчилик, ижро, маъмурий ва суд соҳаларидаги давлат органлари тизими томонидан амалга оширилади.

Ҳудудий устунлик яна шунда намоён бўладики, давлат ўз ҳудуди доирасида, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ўз фуқаролари ва чет эл фуқароларига нисбатан ҳокимият йўли билан мажбурлашнинг барча қонуний воситаларини қўллаши мумкин.

Бир давлат қонунлари унинг ҳудудидан ташқарида амал қилиши мумкин бўлса, ҳокимият йўли билан мажбурлаш воситаларини қўллаш, қоида тариқасида, фақат давлатнинг ўз ҳудуди доираси билан чекланади. Бирон-бир давлат ўз ҳокимияти йўли билан мажбурлаш воситаларини чет давлат ҳудудида қўллаши мумкин эмас.

Ҳудудий устунлик, табиийки, давлат юрисдикциясини, яъни суд ва маъмурий органларнинг ушбу ҳудудда барча ишларни ўз ваколати доирасида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ҳуқуқларини ҳам қамраб олади. “Ҳудудий

устунлик” тушунчаси “юрисдикция” тушунчасидан анча кенг, чунки у давлат ҳокимиятини унинг барча конституциявий шаклларида тўлиқ ифодалайди.

Лекин давлатнинг тўлиқ ва мутлақ ҳокимияти унинг ҳудуди доираси билан чекланса, давлат юрисдикцияси айрим ҳолларда унинг ҳудудидан ташқарида ҳам амал қилади.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, давлат юрисдикцияси унинг территориал денгизи доирасидан, бинобарин, унинг ҳудудидан ташқаридаги денгиз сувларида бўлиб турган шахслар, қурилмалар, иншоот ва транспорт воситаларига нисбатан татбиқ этилади. Давлат очик денгиздаги ўз ҳарбий кемалари, чет давлат ҳудудидан ташқаридаги, айрим ҳолларда, чет давлат ҳудудидаги ўз ҳаво кемалари, ўзи космосга учирган объектлар ва уларнинг экипажлари устидан мутлақ юрисдикцияни амалга оширади.

Давлат ҳудуди нафақат ушбу давлатнинг олий ҳокимияти амалга ошириладиган макон, балки қуруқлик ва сувлар, ҳаво бўшлиғи ва ер остидан иборат табиий муҳит ҳамдир.

Бу муҳит саноат ва қишлоқ хўжалигида, инсоннинг одатдаги кундалик фаолиятида фойдаланиладиган табиий ресурсларни ҳам ўз ичига олади. Буларнинг барчаси давлат ҳудудининг моддий мазмунини ташкил этади ва халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ўзи жойлашган давлатга қарашли бўлади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига асосан, ҳеч ким давлатни унга қарашли бўлган ҳудуддан ва унга тегишли бўлган табиий ресурслардан зўрлик ишлатиш йўли билан маҳрум этишга ҳақли эмас. Давлат ҳудудининг дахлсизлиги ва яхлитлиги, давлат чегараларининг дахлсизлиги ва бузилмаслиги тамойиллари шундан далолат беради.

БМТ Устави ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги (дахлсизлиги) ва сиёсий мустақиллигига қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишни тақиқлайди. 1970 йилги халқаро ҳуқуқнинг БМТ Уставига мувофиқ, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда БМТ Устави 2-моддаси тўртинчи бандига берилган шарҳда ҳудудий яхлитлик (дахлсизлик) тамойилининг кўпгина унсурлари ўз аксини топган.

Хусусан, ҳар бир давлат “бошқа ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг миллий бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши лозим”лиги белгилаб қўйилган.

“Давлат ҳудуди Устав қоидаларини бузган ҳолда куч ишлатиш натижаси бўлган ҳарбий оккупация объекти бўлиши мумкин эмас”лиги қайд этилган. Шу муносабат билан куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш воситасида эгалланган ҳудудлар қонуний деб тан олиниши мумкин эмас.

Лекин, маълумки, қонун қайтар кучга эга эмас. Шу боис Декларацияда юқорида келтирилган қоидалар БМТ Устави қоидаларига ёки Устав қабул қилинганга қадар тузилган ва халқаро ҳуқуққа биноан юридик кучга эга бўлган ҳар қандай халқаро битимларга зид деб шарҳланмаслиги лозимлиги айтиб қўйилган.

1975 йил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг якуний ҳужжатида давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига тўлақонли таъриф

берилган: “Иштирокчи давлатлар ҳар бир иштирокчи давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қиладилар.

Шунга мувофиқ улар БМТ Уставининг мақсадлари ва тамойилларига мос келмайдиган, ҳар қандай иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан, хусусан, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитишдан иборат бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тиядилар.

Иштирокчи давлатлар бир-бирининг ҳудудини халқаро ҳуқуқ қоидаларига зид равишда ҳарбий оккупация ёки куч қўллаш билан боғлиқ бошқа бевосита ёки билвосита чора-тадбирлар объектига ёхуд шундай чора-тадбирлар ёрдамида ёки уларни амалга ошириш билан қўрқитиб эгаллаш объектига айлантиришдан тенг асосда ўзларини тиядилар. Бундай оккупация ёки эгаллаш қонуний деб тан олинмайди”.

ЕХҲКнинг яқуний ҳужжатида биноан, бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олган давлатлар “БМТ Уставининг мақсадлари ва тамойилларига мос келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари лозим”. Бу ерда ҳудудий яхлитлик ёки дахлсизликка қарши ҳар қандай ҳаракатлар тўғрисида сўз юритилмоқда.

Масалан, ҳудудий суверен розилигисиз чет эл ҳудудидан ҳар қандай транспорт воситаларининг ўтиши (транзити) нафақат чегаралар дахлсизлигини, балки давлат ҳудудининг дахлсизлигини бузиш ҳисобланади, чунки транзит учун айнан шу ҳудуддан фойдаланилади.

Барча табиий ресурслар давлат ҳудудининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Бинобарин, ҳудуд дахлсиз бўлса, унинг таркибий қисмлари, яъни табиий ресурслари ҳам табиий кўринишда дахлсиз бўлади. Шу боис чет давлатлар ёки чет эллик шахслар ҳудудий сувереннинг розилигисиз бу ресурсларни эгаллаши ҳам ҳудудий дахлсизликни бузиш ҳисобланади.

Кўшни давлатлар билан ҳамкорлик жараёнида баъзан давлат ҳудудини унга чет элдан бирон-бир таъсир кўрсатилиши натижасида зарар етиши хавфи, яъни ушбу ҳудуд ёки унинг муайян таркибий қисмлари табиий ҳолатининг ёмонлашиши хавфи пайдо бўлади. Давлатнинг ўз ҳудудидан фойдаланиши бошқа давлат ҳудудининг табиий ҳолатига зиён етказмаслиги керак.

4.3. Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва қўриқлаш тартиби

Муайян давлат ҳудудини мазкур давлатнинг суверенитети амал қилмайдиган бошқа ҳудуддан ажратиб турадиган чизик ва бу чизик бўйлаб ўтган вертикал текислик давлат чегараси ҳисобланади. Давлат ҳудудининг қуруқлик, сув ва ҳаводаги чегаралари фарқланади. Қуруқликдаги чегаралар чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномалар асосида белгиланади ва шу шартномаларга асосан ҳудудда қайд этилади. Қуруқликдаги чегараларнинг уч тури мавжуд:

- орфографик чегаралар - жой рельефидан келиб чиқиб ўтказилади;
- геометрик чегаралар - икки нуқта ўртасида тортилган тўғри чизик бўйлаб ўтказилади;

- астрономик чегаралар - меридианлар ва параллеллар бўйлаб ўтказилади. Сув чегаралари дарё, кўл, денгиз ҳамда бошқа сув ҳавзалари чегараларига бўлинади.

Дарё чегаралари қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади ва тальвег чизиғи (энг катта чуқурликдаги чизик) бўйича ёки дарё ўртасидан, кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегараси кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри чизик бўйича ўтказилади.

Давлатнинг денгиздаги чегаралари - давлат территориал денгизининг ташқи чегаралари ёки кўшни давлатлар денгиз ҳудудларини ажратувчи чизиқлар. Территориал денгизнинг ташқи чегаралари қирғоқбўйи давлатининг конун ҳужжатлари билан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормаларига мувофиқ белгиланади.

1982 йилги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенциясида ҳар бир давлат ўз территориал денгизи кенглигини 12 денгиз милясигача чегарада белгилаши мумкинлиги қайд этилган.

Кўшни давлатлар ўртасида территориал денгиз чегаралари уларнинг келишувига биноан белгиланади. Бунда бир қанча халқаро қоидалар амал қилади. Масалан, башарти икки давлат ўртасида бошқача тартиб назарда тутилган битим тузилмаган бўлса, улар ўз территориал денгизи чегарасини ўрта чизикдан нарига ўтказишга ҳақли эмас. Лекин тарихан таркиб топган ёки бошқа алоҳида ҳолатларга кўра, чегарани бошқача тартибда ўтказиш зарур бўлган ҳолларда бу қоида амал қилмайди.

Ҳаводаги чегаралар - баландликдаги (96 км. баландликдаги горизонтал текислик) ва ёнлама (қуруқлик ёки денгиз бўйлаб ўтган давлат чегараси чизиғи устидан ўтувчи вертикал текислик) чегаралар. Денгиз сатҳи устида давлатнинг ёнлама ҳаво чегаралари доирасида белгиланади.

Ҳозирги даврда қуруқлик ва сувдаги чегаралар, қоида тариқасида, чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномага биноан белгиланади ва шартномага кўра белгиланган чегаралар деб аталади. Бундай ҳолларда қуруқликдаги (қисман сувдаги) чегара чизиғининг ўтиши халқаро шартномада муфассал тавсифланади ва чегара чизиғининг шу тавсифга мос келадиган ҳолати ҳаритада қайд этилади.

Ушбу ҳарита мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шартномага кўра, чегарани белгилаш жараёни делимитация деб аталади. Чегаранинг қуруқликдаги чизиғини жойда белгилаш учун чегарадош давлатлар кўшма комиссия тузадилар. Бу комиссия чегаранинг жойдаги ҳолатини махсус чегара белгилари ўрнатиш (чегарани демаркация қилиш) йўли билан белгилайди.

Шартномага кўра, белгиланадиган чегаралардан ташқари тарихан таркиб топган чегаралар, яъни аниқ ҳолати чегарадош давлатлар ўртасида тузилган шартномада белгиланмаган ва мустаҳкамлаб қўйилмаган, лекин узоқ давр мобайнида улар шу жойда риоя қилиб келган ва чегарадош давлатлар томонидан муайян тарзда тан олинган чегаралар ҳам мавжуд.

Бундай тан олиш мазкур чегаранинг ҳолатига нисбатан халқаро ҳуқуқий одатни вужудга келтиради ва шу асосда уни чегарадош давлатлар учун юридик

жихатдан мажбурий қилиб қўяди. Бундай чегараларнинг ҳолати чегарадош давлатларнинг турли битимларида, шу жумладан, демаркация тўғрисидаги битимларда тасдиқланиши мумкин.

Чегарадош давлатлар ўз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш учун ўзаро чегараларининг муайян режимини белгилашлари мумкин. Ушбу режим жойдаги чегара чизиқларини лозим даражада сақлаш бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, шунингдек, уни кесиб ўтиш тартибини ҳам ўз ичига олади. Чегара режими давлатлар ўртасида тузиладиган битимлар, уларнинг ички қонун ҳужжатлари билан ҳам белгиланиши мумкин.

Чегара режими тўғрисидаги шартномалар одатда жойдаги чегара чизиғининг келиб чиқиши ва белгиланиши, чегара белгиларига қараб туриш, чегарани текшириш бўйича қўшма комиссиялар, чегара вакиллари (комиссарлари), чегара бўйлаб ўтган сувлардан ва чегарани кесиб ўтувчи темир йўл ҳамда шосселардан фойдаланиш тўғрисидаги қоидаларни, шунингдек, давлат чегараси яқинида ов қилиш, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги ҳамда кончилик иши тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Давлат чегараси ўзгаришининг қуйидаги асослари мавжуд:

- миллат ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириши, миллатлар ва халқларнинг бўлиниши ёки тикланиши натижасида янги чегараларнинг белгиланиши ёхуд эски чегараларнинг тикланиши;

- чегарадош давлатлар чегаралар қулайроқ жойлашиши учун давлат ҳудудларининг кичик участкаларини алмашиши;

- чегарани демаркация қилиш жараёнида кичик участкаларни алмашиш.

Давлат чегараси қуйидаги йўллар билан белгиланади:

- демаркация қилиш - табиий ёки тарихий омиллар натижасида ўзгарган ёки ўзгариши мумкин бўлган чегара чизиғига чегарадош давлатлар томонидан аниқлик киритиш йўли билан. (Редемаркация - аввал демаркация қилинган чегарани илгари ўрнатилган чегара белгиларини таъмирлаш орқали текшириш.);

- делимитация қилиш - давлатлар ўртасида чегараларни биринчи марта белгилаш йўли билан.

Чегараларнинг дахлсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш, уларни қўриқлаш мақсадида чегарадош давлатларнинг ички қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ махсус чегара режими белгиланади. Бу режим:

- давлат чегарасини сақлаш;

- давлат чегарасидан шахслар ва транспорт воситалари кесиб ўтиши;

- давлат чегарасидан товар ва хайвонларни олиб ўтиш;

- давлат чегарасидан шахслар, транспорт воситалари, товар ва хайвонларни ўтказиш;

- давлат чегарасида хўжалик, саноат ва бошқа фаолият олиб бориш;

- чет давлатлар билан кўрсатилган қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартибини назарда тутати.

1999 йил 20 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан,

давлат чегарасини кўриқлаш мамлакат хавфсизлигини таъминлаш давлат тизимининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш давлат бошқарув органлари, чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа органлар томонидан амалга оширилади. Бу органларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш борасидаги ваколатлари юқорида зикр этилган Қонунда белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, давлат чегараси Қуйидагича белгиланади: куруқликда - ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиқлари ёки аниқ кўриниб турган жойлар бўйича; кема қатнайдиغان дарёларда - дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема қатнамайдиغان дарё ва жилғаларда - уларнинг ўртаси ёки дарё асосий ўзинининг ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув хавзаларида - Давлат чегараси кўл ёки бошқа сув хавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизиқ бўйича.

Дарё, жилка, кўл ёки бошқа сув хавзаси орқали ўтадиган давлат чегараси улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатхи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими муайян томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади; сув омборларида ва бошқа сунъий сув хавзаларида - улар сув билан тўлдирилгунга қадар Давлат чегарасининг мазкур жойдан ўтган чизиғига мувофиқ равишда; дарёлар, жилғалар, кўллар ва бошқа сув хавзалари орқали ўтувчи кўприкда, тўғон ва бошқа иншоотларда - давлат чегараси сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

4.4. Халқаро дарёлар.

Халқаро дарёлар - икки ёки ундан ортиқ давлат ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар. Халқаро дарёлар таснифи:

одатга кўра, бир неча давлатлар ҳудудларини кесиб ўтадиган, халқаро кема қатнови учун очиқ бўлган халқаро дарёлар;

одатга кўра, бир неча давлатлар ҳудудларини бўлиб турадиган чегара дарёлар.

Бироқ, бу классификация шартлидир, чунки, у дарё ҳам бу дарё ҳам бир вақтнинг ўзида бир жойда бир неча давлат ҳудудидан кесиб ўтиши, бошқа жойда эса, уларнинг ҳудудларини чегара сифатида бўлиши мумкин.

Халқаро дарёлар бўйлаб кема қатнови масалалари халқаро дарёлар тўғрисидаги масаланинг халқаро ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этади.

Лекин халқаро кема қатнови ҳозирги даврда халқаро дарёларнинг ягона мезони ҳисобланмайди, чунки ушбу дарёларнинг сувларидан саноат ва кишлоқ хўжалиги мақсадларида кенг фойдаланилади.

Халқаро дарёлар бир неча давлатлар ҳудудидан ўтиши ёки уларни ажратиши қирғоқбўйи давлатлари манфаатларининг кесишувини вужудга

келтирадики, бу уларнинг мазкур дарёга оид ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Бу ерда асосий қоида шундан иборатки, қирғоқ бўйида жойлашган ҳар қандай давлат халқаро дарё сувидан шундай фойдаланиши керакки, бошқа қирғоқбўйи давлатларининг шу дарё сувидан фойдаланиш ҳуқуқларига жиддий зарар етмасин.

Барча қирғоқбўйи давлатлари халқаро дарёлар сувидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Бундай ҳолат барча қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тегишли шартнома тузишни тақозо этади.

Халқаро дарёлар, қоида тариқасида, бир неча давлатлар орқали ўтадиган халқаро кема қатнови учун - очиқ дарёларга ва бир неча давлатлар худудини ажратадиган - чегараолди дарёларига бўлиниши мумкин.

Лекин бу тасниф шартлидир, чунки айти бир дарё маълум участкада бир неча давлат худудини кесиб ўтиши, бошқа участкада эса уларни ажратиши мумкин. Худди шунингдек, халқаро кема қатнови режими ҳам чегараолди дарёсида мавжуд бўлиши ва бир неча давлат худудидан ўтувчи дарёда мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Лекин барча ҳолларда бу дарёлар халқаро дарёлар ҳисобланади, чунки халқаро шартнома бўлмаган тақдирда ҳам қирғоқбўйи давлатлари ушбу дарёлардан ҳар қандай тарзда фойдаланишга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғланади.

Халқаро дарёлар бўйлаб кема қатнови тартиби қирғоқбўйи давлатлари томонидан белгиланиши лозим. Фақат қирғоқбўйи давлатлари бошқа давлат худуди таркибига кирувчи дарё сувлари орқали ва фақат қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тузилган шартномага асосан ўз кемаларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

Айти вақтда, қирғоқбўйи давлатлари кўпинча ўз савдо фаолияти манфаатини кўзлаб барча мамлакатларнинг савдо кемаларига қатнаш эркинлигини беради. Лекин бу уларнинг бурчи эмас, балки ҳуқуқидир. Шу боис ноқирғоқбўйи мамлакатларининг кемалари, агар халқаро шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, халқаро дарёлар орқали ўтиш ҳуқуқига эга эмас.

1921 йилда қабул қилинган халқаро аҳамиятга молик Навигация сув йўлларининг режими тўғрисидаги Барселона конвенцияси ва Статутида халқаро дарёлар бўйлаб кема қатновига оид бир қанча қоидалар белгилаб кўйилди. Лекин бу қоидалар кенг тарқалмаган. Халқаро ҳуқуқ уюшмаси бу қоидаларни қайта кўриш ташаббуси билан чиқди.

1966 йил ўзининг Хельсинкидаги конференциясида халқаро дарёлар сувидан фойдаланишнинг турлари ҳақидаги моддалар лойихаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан ҳар бир қирғоқбўйи давлати халқаро дарё бўйлаб эркин кема қатнови ҳуқуқига эга.

Қирғоқбўйи давлатлари бундай ҳуқуқни ноқирғоқбўйи давлатларига беришлари ҳам мумкин. Хельсинки қоидалари давлатлар учун мажбурий расмий конвенция ҳисобланмайди. Лекин уларнинг аксарияти халқаро ҳуқуқнинг ривожланиш анъаналарини акс эттиради.

Халқаро дарёлардан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилади, хусусан, гидроэлектростанциялар ва суғориш учун тўғонлар қуриш, ишлаб чиқариш сувларини оқизиш, балиқчилик, ёғоч оқизиш. Сўнгги йилларда халқаро дарёлардан фойдаланишнинг бундай турлари кенг тарқалмоқда.

Халқаро дарёлардан кема қатнови билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ барча масалалар қирғоқбўйи давлатлари ўртасида тузилган битимларга асосан ҳал қилинади ёки ҳал қилиниши лозим. Бу соҳада ягона умумий ҳужжат - 1966 йил Хельсинки қоидалари бўлиб, уларда дарё сувларини тақсимлаш, унинг ифлосланишининг олдини олиш, ёғоч оқизишга оид моддалар жамланган.

Халқаро дарёларда гидроэлектростанциялар қуриш пайтида юзага келадиган масалаларни тартибга солишнинг умумий қоидалари 1923 йил қабул қилинган. Бир неча давлатлар аҳамиятига молик Оқар сувлар гидроэнергияси тўғрисидаги Женева конвенциясида белгилаб қўйилган.

Хусусан, бошқа давлатнинг ҳудудидаги жойнинг физик ўзгаришига олиб келиши ёки унга жиддий зарар етказиши мумкин бўлган гидроэнергиядан фойдаланиш билан боғлиқ барча ишлар манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган битимга асосан бажарилиши лозим. Халқаро амалиёт ҳам шу йўлдан боради.

Сувдан оқилона фойдаланиш тамойилига мувофиқ қирғоқбўйи давлати бошқа давлатга жиддий зиён етказиши мумкин бўлган сув ифлосланишининг ёки мавжуд ифлосланиш кўпайишининг барча шаклларига барҳам бериши лозим. Бу тамойилга оид жуда кўп битимлар тузилган.

Дарё сувларидан кема қатнови билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишнинг барча турлари бошқа давлатнинг чегаралари доирасидаги балиқ ресурсларига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис қирғоқбўйи давлатлари ўртасида мазкур масала юзасидан низо чиқиши мумкин бўлган ҳолларда улар ҳам тегишли битимлар тузишлари лозим.

Дунай - узунлиги жиҳатидан Европада (Волгадан кейин) иккинчи ўринда турадиган дарё. У Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Югославия, Болгария, Руминия, Украина орқали оқиб ўтади. Дунайнинг ҳукукий ҳолати 1948 йил 18 августда Белградда тузилган Дунайда кема қатнови режими тўғрисидаги Конвенция ва 1998 йил 26 мартда қабул қилинган Конвенцияга қўшимча баённома билан белгиланади.

Дунайда кема қатнови эркинлигининг асосий тамойили Конвенциянинг 1-моддасида қайд этилган: “Дунайда навигация порт ва навигация йиғимларига ҳамда савдо кемалари қатнови шартларига нисбатан барча давлатларнинг фуқаролари, савдо кемалари ва товарлари учун эркин ва очиқ бўлиши лозим”.

Дунай комиссияси, доимий ишлайдиган орган сифатида, Белград Конвенциясига биноан тузилган бўлиб, 1949 йил ноябрдан бошлаб фаолият кўрсатиб келади. Ушбу ҳукуматлараро ташкилот Будапештда жойлашган.

Дунай комиссиясига 11 давлат - Дунай бўйида жойлашган барча давлатлар ҳамда Россия Федерацияси аъзо.

ГФР ҳудуди орқали ўтадиган Майн-Дунай бирлаштирувчи канали Германиянинг ички сув йўли ҳисобланади. У миллий йўл мақомига эга бўлиб,

канал бўйлаб кема қатнови учун рухсат олиш талаб этилади. Ушбу каналда ҳам, Майн дарёсининг каналлаштирилган участкасида ҳам қатнов учун ундириладиган йиғим кемаларнинг тоифалари (юк кемаси, йўловчи кема ва х.к.) бўйича белгиланган.

Яна бир катта халқаро дарё - Рейн дарёси бўлиб, унда кема қатнови Рейн бўйлаб кема қатнови тўғрисидаги қайта кўрилган Мангейм конвенцияси (1868 йил) билан тартибга солинади.

Ушбу ҳужжатнинг 1-моддасига биноан, барча мамлакатларнинг савдо кемалари учун Базелдан очик денгизгача бўлган узунликда кема қатнови эркинлиги Рейн бўйлаб кема қатнови режимининг асосий тамойили ҳисобланади.

Лекин ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида Рейн дарёси хавзасида жойлашган мамлакатлар қаторига кирмайдиган учинчи мамлакатларнинг кемалари учун мазкур дарё бўйлаб қатнаш шартлари анча қатъийлашди.

4.5. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш

“Аҳоли” тушунчаси. “Аҳоли” деганда муайян давлат ҳудудида истиқомат қилувчи одамлар мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай давлатнинг аҳолиси шу давлат фуқароларидан, чет эл фуқаролари (одатдаги чет эл фуқаролари, яъни иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланувчи фуқаролар) ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташкил топади. Аҳолининг айрим оралиқ тоифалари ҳам мавжуд бўлиб, улар юқорида зикр этилган асосий тоифалардан бирига киради (масалан, қўшфуқароликка эга бўлган шахслар тегишли давлатларнинг фуқаролари қаторига киради).

Ижтимоий-иқтисодий шароит давлат, миллат, халқ каби муайян қонуниятларга мувофиқ ривожланадиган ва фаолият олиб борадиган доимий бирликлар пайдо бўлишига олиб келади. Бу бирликлар доирасида одамлар ўртасидаги алоқалар тизимли хусусият касб этади.

4.6. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари

“Фуқаролик” тушунчаси. Фуқаролик шахе билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларида ифодаланади. Баъзан фуқаролик шахснинг давлатга мансублиги деб аталади. Фуқаролик - доимий ҳуқуқий алоқа, чунки фуқаро чет элга чиқиб кетганида ҳам унинг фуқаролиги, қоида тариқасида, ўз-ўзидан барҳам топмайди.

Айрим давлатлар қонунчилигида шахсларнинг давлатга мансублигини ифодалаш учун турли атамалар қўлланилади. Республика бошқарув шакли амал қиладиган мамлакатларда, одатда, “фуқаролик” атамаси қўлланади, монархик бошқарув шакли амал қиладиган мамлакатларда “табаалик” атамаси ҳам учраб туради. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа айрим давлатларнинг қонунчилигида шахснинг давлатга мансублигини ифодаловчи жуда кўп атамалар мавжуд.

Масалан, англиз-америка назарияси ва амалиётида “citizen” (фуқаро) ва “subject” (табаа) атамалари билан бир қаторда, “national” атамаси ҳам кенг тарқалган бўлиб, уни “муайян миллатга мансуб шахс” (юридик маънода) деб таржима қилиш мумкин. Ҳозирги вақтда моҳияти - эътибори билан бир хил маънони англатадиган атамаларнинг кўплиги ўтмиш мустамлакачилик тузумлари билан боғлиқ. Мустамлака давлатлар амалиётида “фуқаролик” атамаси дастлаб сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига тўла ҳажмда эга бўлган шахсларга нисбатангина қўлланган. Мустамлакаларнинг туб аҳолиси айтилган давлатга юридик жиҳатдан мансуб (nationals, ressortissants ва ҳ.к.) деб ҳисобланган. Мустамлакачиликка бардам берилиши натижасида юқорида зикр этилган атамаларнинг дастлабки маъносида ўзгаришлар рўй берди. Уларнинг айримлари умуман муомаладан чиқарилди, лекин уларнинг кўп сонлилиги ханузгача сақланиб келмоқда.

Фуқаролик, умуман олганда, давлат ички қонунчилиги билан тартибга солинади. Муайян давлатда фуқаролик тўғрисида қонун бўлмаслиги ҳам мумкин. Лекин бу ерда гап фуқароликни расман тартибга солиш ҳақида кетаётгани йўқ. Фуқаролик - давлатчилик билан ўзвий боғлиқ бўлган тушунча. Фуқаролик тўғрисида қонуннинг йўқлиги ташқи алоқалар соҳасидаги фаолиятни муайян даражада мураккаблаштириши мумкин бўлсада, лекин фуқаролик йўқлигини англатмайди. Нима бўлганда ҳам, фуқароликни тартибга солиш - ички масала, давлатнинг ички ваколати соҳаси.

Фуқароликни олиш ва йўқотиш қоидалари давлатнинг ички қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ҳар бир давлат бу соҳада мустақил иш олиб борганлиги учун турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари тўқнашиши (коллизияси) муқаррардир. Бундай тўқнашувлар халқаро аҳамиятга молик ихтилофлар ва можароларга сабаб бўлиши мумкин.

Уларга барҳам бериш ёки олдини олиш учун давлатлар кўпинча халқаро шартнома тузадилар, яъни халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқадилар.

Фуқароликни олиш ва йўқотиш. Фуқароликни олишни шартли равишда икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ умумий тартибда, иккинчи гуруҳ эса фавқулодда тартибда фуқароликни олиш усулларини қамраб олади. Умумий тартибда фуқароликни олиш усуллари муайян даражада доимий, давлатлар қонунчилиги учун одатий ҳисобланади.

Уларга: а) тутилганда фуқароликни олиш, б) муайян давлат фуқаролигига қабул қилиниш (натурализация) натижасида фуқароликни олиш киради. Давлатлар амалиётида кам учрайдиган фуқароликни тухфа қилиш ҳам шу гуруҳга киради.

Фавқулодда тартибда фуқароликни олиш усулларига қуйидагилар киради: шахслар гуруҳига фуқаролик бериш ёки жамоавий натурализация (муайян кўриниши - трансферт), оптация (фуқароликни танлаш), реинтеграция (фуқароликни тиклаш).

Туғилганда фуқаролик олиш фуқароликни олишнинг энг оддий, кенг тарқалган усулидир. Турли давлатларнинг қонунчилиги ушбу масала бўйича қуйидаги икки тамойилдан бирига: қон ҳуқуқига (*jus sanguinis*) ёки замин ҳуқуқига (*jus soli*) асосланади. Баъзан доктринада қон ҳуқуқи бўйича

фуқароликни олиш келиб чиқишига кўра фуқароликни олиш деб, замин ҳуқуқи бўйича фуқароликни олиш эса туғилганда фуқароликни олиш деб аталади.

Қон ҳуқуқи - шахс туғилган жойидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигини олишини англатади; замин ҳуқуқи - шахс ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, туғилган жойининг фуқаролигини олишини англатади. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида қон ҳуқуқи бўйича фуқароликни олиш тамойили амал қилади.

Ўзбекистон қонунчилиги ҳам умуман олганда қон ҳуқуқига асосланади. Одатда, умуман қон ҳуқуқига асосланадиган давлатлар айрим ҳолларда замин ҳуқуқидан ҳам келиб чиқади.

Замин ҳуқуқи АҚШ ва Лотин Америкаси давлатлари қонунчилигига хос. Лекин унда қон ҳуқуқи ҳам муайян даражада амал қилади (одатда, тегишли давлатлар фуқароларининг чет элда туғилган фарзандларига нисбатан).

Давлатлар ўз фуқаролигини аралаш никоҳлардан туғилган шахслар олиши имкониятларини чеклайдиган нормаларни ўз қонунчилигига киритишга ҳаракат қилади. Бу турли сабаблар билан, хусусан, ўз фуқаролари чет давлат фуқаролигини олиши, яъни қўшфуқароликнинг вужудга келишига (бу давлатлараро муносабатларда муаммолар туғилишига олиб келиши мумкин) йўл қўймасликка интилиш билан изоҳланади.

Қон ҳуқуқи тамойилига амал қиладиган давлатлар кўпинча ўз фуқаролигини чет элда у ерда доимий яшайдиган фуқаро лардан тушган шахслар (айниқса, отаси ёки онаси чет эл фуқароси бўлса) олиши имкониятини ҳам чеклайди. Натурализация (тублашиш) - манфаатдор шахснинг илтимосига кўра, уни яқка тартибда фуқароликка қабул қилиш.

Миллий қонунчиликда бу атама қўлланмайди, лекин халқаро ҳуқуқ назариясида умумэтироф этилган. Натурализация - ихтиёрий тадбир. Мажбурий натурализация халқаро ҳуқуқда зид бўлиб, уни амалга оширишга уринишлар доим қаршилик нотаси билдирилишига сабаб бўлган.

Амалиётда бундай воқеалар бўлган. Хусусан, Лотин Америкасидаги айрим мамлакатлар ўтган асрда ўз ҳудудида ўзоқ вақт яшаб келаётган чет элликларга ўз фуқаролигини мажбурий тартибда беришга ҳаракат қилишган.

Натурализация, одатда, жуда кўп давлатларда қонунда назарда тутилган муайян шартлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Шахснинг мазкур давлат ҳудудида муайян вақт (5, 7, баъзан 10 йил) яшаши, қоида тариқасида, энг муҳим шартдир.

Натурализациянинг бошқа шартлари, масалан, мулкӣ ҳолат билан боғлиқ шартлар ҳам назарда тутилади. Агар манфаатдор шахс мазкур давлатга муайян хизматлар кўрсатган, унинг қуролли кучларида хизмат қилган, давлат хизматида муайян вазифани бажарган бўлса, натурализация имконияти анча енгиллашади.

Фуқароликка қабул қилиш таомили давлатларнинг ички қонунчилиги билан белгиланади. Натурализация таомилининг тўрт турини қайд этиш мумкин:

1) давлат ҳокимияти олий органлари томонидан амалга ошириладиган натурализация;

2) давлат бошқаруви органлари, чунончи, ҳукумат ёки давлат бошқарувининг марказий тармоқ органлари (одатда, ички ишлар идоралари) томонидан амалга ошириладиган натурализация;

3) давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан амалга ошириладиган натурализация (жуда кам учрайди);

4) суд тартибда натурализация қилиш (бу ҳам жуда кам учрайди).

Айрим давлатлар қонунчилигида назарда тутиладиган муайян шахсларга фуқаролик беришнинг соддалаштирилган тартиби рўйхатга олиш (ўз фуқаролигини тасдиқлаш тўғрисида сўз юритилмаган ҳолларда), фарзандликка олиш, никоҳ тузиш натижасида фуқароликни олиш натурализациянинг турлари ҳисобланади. Сўнгги икки усул баъзан фуқаролик олишнинг оилавий усули деб ҳам аталади. Ота-онаси натурализация қилиниши муносабати билан вояга етмаган болаларнинг ўз-ўзидан фуқароликни олиши ҳам шу усулга киради.

Кўпгина давлатларда никоҳга кирган аёл дарҳол ўз эрининг фуқаролигини олишига рухсат этилмайди. Бу ҳолат 1957 йил Эрли хотиннинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенцияда ўз аксини топган.

Фуқароликни тухфа қилиш, натурализациядан фарқли ўлароқ манфаатдор шахснинг илтимосига кўра эмас, давлат ҳокимиятининг ваколатли органлари ташаббусига биноан амалга оширилади. Одатда фуқаролик давлат олдида алоҳида хизматлар кўрсатган шахсларга тухфа қилинади.

Фавқулодда тартибда фуқароликни олиш ўз номига кўра фуқаролик олишнинг умумий, доимий тартибидан истисно тариқасида амал қилади. Бундай фавқулодда тартиб ё халқаро шартномаларда, ё махсус қонунларда назарда тутилади.

У муайян муддатга белгиланади ва қоида тариқасида, фақат шахсларнинг муайян тоифаларига тегишли бўлади. Тажриба шуни кўрсатадики, фавқулодда тартибда фуқаролик бериш оммавий кўчишга олиб келадиган ҳолат, шунингдек, ҳудудий ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Шахслар гуруҳига фуқаролик бериш - муайян ҳудуд аҳолисига соддалаштирилган тартибда фуқаролик бериш ёхуд кўчириб келинган шахсларга соддалаштирилган тартибда фуқаролик бериш.

Трансферт - муайян ҳудуд аҳолисининг у яшаётган ҳудуд бошқа давлатга топширилиши муносабати билан бир давлат фуқаролигидан бошқа давлат фуқаролигига ўтиши шахслар гуруҳига фуқаролик беришнинг алоҳида туридир.

Ўз-ўзидан трансферт қилиш топширилаётган ҳудуд аҳолисининг муайян қисмида эътироз уйғотиши мумкин, шу боис унга, одатда, оптация (фуқароликни танлаш) ҳуқуқи берилади.

Оптация (фуқароликни танлаш) доим ҳам фуқаролик олиш усули сифатида амал қилавермайди. Масалан, кўшфуқаролик тўғрисидаги конвенцияларда оптация имконияти назарда тутилади. Агар бирор давлат фуқароси бир вақтнинг ўзида чет эл фуқароси ҳам бўлса, унга икки фуқароликдан бирини танлаш ҳуқуқи берилади.

Айни ҳолда у фуқароликни олмайди, чунки бу ерда оптация фақат фуқароликлардан бирининг йўқолишига олиб келади. Лекин айрим ҳолларда оптация фуқаролик олишнинг мустақил усули сифатида амал қилади.

Ниҳоят, фавқулодда тартибда фуқаролик олиш усулларида бири - реинтеграция ёки фуқароликни тиклаш. Муайян ҳолатда фуқароликни тиклашнинг алоҳида тартиби тўғрисида махсус қонунлар қабул қилинади. Айрим мамлакатларда фуқароликни тиклаш имконияти фуқаролик тўғрисидаги махсус қонун ҳужжатларида эмас, балки умумий қонунчиликда назарда тутилади.

Бу ҳолда фуқароликни тиклаш фуқаролик олишнинг мустақил усули сифатида амал қилмайди, балки натурализациянинг соддалаштирилган тартиби ҳисобланади.

Фуқароликни йўқотиш масаласига келсак, унинг уч шаклини қайд этиш мумкин: фуқароликни ўз-ўзидан йўқотиш; фуқароликдан чиқиш; фуқароликдан маҳрум қилиш.

Фуқароликни ўз-ўзидан йўқотиш миллий амалиётда фақат халқаро битимларда ва махсус қонун ҳужжатларида учрайди. Вахоланки, АҚШда бу фуқароликни йўқотишнинг одатдаги шаклидир. АҚШда экспатриация эркинлиги доктринаси амал қилади.

Агар АҚШ фуқароси бўлган муайян шахс чет элда натурализация қилинган бўлса, у ўз-ўзидан Қўшма Штатлар фуқаролигини йўқотади. АҚШ қонунчилигида фуқароликни ўз-ўзидан йўқотишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилган (масалан, АҚШ фуқароси чет давлатдаги сайловда иштирок этгани ҳолда).

Гарб доктринасида экспатриация эркинлиги халқаро ҳуқуқий нормадир, деган ёндашув мавжуд. Унга кўра, бирон-бир давлатда натурализация қилинган шахс ўзининг олдинги фуқаролигини йўқотган деб ҳисобланиши лозим. Лекин амалиёт буни рад этади. Экспатриация эркинлиги жуда кўп давлатларда тан олинмаган.

Буюк Британия 1948 йилда ундан воз кечди. Халқаро ҳуқуқий норма сифатида у фақат халқаро шартномада назарда тутилган тақдирда амал қилади (шартнома иштирокчилари учун).

Фуқароликдан чиқиш - манфаатдор шахснинг илтимосига кўра давлатнинг ваколатли органлари қабул қилган қарорга асосан фуқароликни йўқотиш. Фуқароликни йўқотишнинг ушбу шакли Ўзбекистон қонунчилигига ҳам хосдир.

Фуқароликдан маҳрум қилишда жазо унсурлари мужассамлашади. Фуқароликдан чиқишдан фарқли улароқ, фуқароликдан маҳрум қилиш давлат органларининг ташаббусига биноан ва қоида тариқасида, мазкур давлатга душманлик руҳидаги фаолият билан шуғулланган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Фуқароликдан маҳрум қилиш: умумий қонунчиликда назарда тутилган муайян шароитда (масалан, алдаш йўли билан фуқаролик олинган ҳолда); муайян шахсга ёки шахслар тоифасига тегишли махсус ҳужжатга асосан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фуқароликдан маҳрум қилиш имконияти назарда тутилмаган.

Кўшфуқаролик - муайян шахс икки ёки ундан ортиқ давлатнинг фуқаролигига эгаллиги. Шундай қилиб, бу атама кўшфуқаролиликни ҳам камраб олади. Кўшфуқаролик турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги (масалан, қон ҳуқуқи ва замин ҳуқуқига асосланган) қонунлари тўқнашуви натижасида вужудга келади.

Амалиётда давлат суверенитетидан келиб чиқадиган қоида шаклланган бўлиб, унга асосан фуқароси чет эл фуқаролигига ҳам эга бўлган давлат унга фақат ўз фуқароси деб қарайди. Бунда мазкур давлат унинг фуқароси чет эл фуқаролигини олишига ижобий ёки салбий муносабатда бўлиши аҳамият касб этмайди.

Айрим давлатлар кўшфуқароликни маъқуллайди (одатда, сиёсий нуқтаи назардан). Масалан, Россия Федерацияси Конституцияси 2-моддаси биринчи қисмида шундай деб қайд этилган: “Россия Федерацияси фуқароси Россия Федерациясининг федерал қонуни ёки халқаро шартномасига мувофиқ чет давлат фуқаролигига (кўшфуқароликка) эга бўлиши мумкин”.

Кўшфуқаролик муайян салбий оқибатларга ҳам олиб келади. Улар орасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

а) кўшфуқароликка эга шахсларга дипломатик ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ натижалар;

б) кўшфуқароликка эга шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ натижалар.

Биринчи ҳолда икки вазият юзага келиши мумкин. Биринчи вазият; кўшфуқароликка эга бўлган шахсни дипломатик ҳимоя қилишни мазкур шахс фуқароси бўлган давлатлардан бири, иккинчи давлатга қарши амалга оширишга ҳаракат қилади. Бу ҳолда дипломатик ҳимоя масаласи ўз-ўзидан бекор бўлади. Аниқроғи, бундай ёрдам кўрсатишга уриниш мумкин, лекин у тегишли шахс ҳимоя амалга оширилаётган давлат фуқароси эканлигига асосланган ҳолда рад этилади. Иккинчи вазият; кўшфуқароликка эга шахс учинчи давлат ҳудудида яшамокда ва бу ерда мазкур шахсга у фуқароси бўлган давлатларнинг дипломатик ҳимояси талаб этилмокда.

Шахс яшаб турган давлатнинг ҳокимият органлари одатда бундай вазиятда кўшфуқароликка эга шахс амалда яқинроқ алоқага (самарали фуқаролик тамойили) эга бўлган давлатнинг фуқаролиги билан ҳисоблашади (масалан, мазкур шахс доимий яшайдиган ёки тилида сўзлашадиган давлат фуқаролиги ва ҳ.к.).

Бу мезонлар мукамал эмас. Ҳуқуқий нуқтаи назардан бу вазиятни ҳал қилиш мумкин эмас. Фақат бир йўл бор - икки тарафлама ёки кўп тарафлама халқаро битим тузиш. Халқаро суд органлари ёки арбитражларнинг бундай масалалар бўйича самарали фуқаролик тамойилига асосланган қарорлари Ғарб давлатлари амалиётида тарқалган эди, лекин улар умумий қоидага айланиб қолмади. Бундай қарорлар айрим ҳолатларга тегишли бўлиб, иккала манфаатдор давлат суд ёки арбитражга мурожаат этиши натижасида қабул қилиниши мумкин.

Иккинчи ҳолга келсак, бу ерда муаммо кўшфуқароликка эга эркаклар, қоида тариқасида, ўзи фуқаролигини олган ҳар бир давлатда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ. Амалда бунинг иложи йўқ. шундай қилиб, ўзи

фуқаролигини олган давлатлардан бирида мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган кўшфуқароликка эга шахс бошқа давлат ҳудудида муқаррар равишда ҳарбий мажбуриятни ўташдан бўйин товлагани учун, ё чет давлат армиясида рухсатсиз хизмат қилгани учун, ё иккала қилмиши учун бирваракайига жиноий жавобгарликка тортилади. Бу муаммони фақат бир йўл - халқаро битим тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Кўшфуқаролик масалаларига бағишланган халқаро шартномаларнинг икки тури мавжуд:

Биринчиси - кўшфуқароликнинг оқибатларини тугатишга қаратилган шартномалар (дипломатик ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматни ўташ муносабати билан). Бундай битимлар кўшфуқароликка чек қўймайди.

1930 йил Фуқаролик тўғрисидаги қонунлар тўкнашувига оид баъзи бир масалалар тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1963 йил Кўпфуқаролик тўғрисидаги Страсбург кўп тарафлама конвенциясининг II боби ва бир қанча икки тарафлама шартномалар шулар жумласидандир.

Ҳарбий Европа давлатларининг аксариятида шундай икки тарафлама шартномалар амал қилади. Уларнинг кўпчилиги фақат бир масалага - кўшфуқароликка эга шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташига бағишланади.

Кўрсатилган шартномаларнинг барчаси оралик вазифани бажаради, яъни давлатларнинг фуқаролик соҳасидаги манфаатлари тўкнашувининг сабабини эмас, балки оқибатини бартараф этади.

Иккала ҳолда ҳам тарафлар ўз фуқароларининг бошқа тараф фуқаролигини олиш ҳуқуқини тан олишга рози бўлди. Улар, шунингдек, иккала тарафнинг фуқаролигига эга бўлган шахслар ўзлари доимий яшаётган мамлакатда мажбурий ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида келишиб олдилар.

Бундан ташқари, иккала тараф фуқаролигига эга бўлган шахслар ҳар бир тарафнинг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланишга ҳақли эканлиги назарда тутилади. Учинчи давлатда бундай шахсларни улар ҳудудида доимий яшаётган тараф ёки уларнинг илтимосига кўра, бошқа тараф ўз ҳимояси ва ҳомийлигига олади.

Иккала тарафнинг фуқаролигига эга бўлган шахслар ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ фойдаланишлари, шунингдек, ўзи ҳудудида доимий яшаётган мамлакатда бурчларини бажаришлари битимда ҳам, шартномада ҳам назарда тутилган.

Кўшфуқаролик тўғрисидаги шартномаларнинг иккинчи тури - кўшфуқароликка барҳам беришга қаратилган шартномалар.

Ушбу конвенцияларга асосан, кўшфуқароликка эга бўлган шахс муайян вақт ичида шу фуқароликлардан бирини танлаши мумкин эди. Агар белгиланган муддат ичида шахс ўз танлаш ҳуқуқини амалга оширмаган бўлса, у ҳудудида доимий равишда яшайдиган мамлакат фуқаролигини сақлаб қоларди.

Тўғри, айрим ҳолларда муайян конвенциялар муддати узайтириларди, лекин бу муаммони ҳал қилмасди. Конвенцияларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг аралаш никоҳлар тузилишда давом этар, улардан кўшфуқароликка эга бўлган болалар туғиларди.

Бу шартномалар деярли бир типли бўлиб, кўшфуқароликка эга шахсларга оптация ҳуқуқини берарди. Вояга етмаганлар учун фуқароликни уларнинг ота-оналари танларди. Тегишли шартнома кучга кирганидан сўнг аралаш никоҳлардан туғилган болаларнинг фуқаролигини ҳам уларнинг ота-оналари танлаши мумкин эди.

1996 йил 19 январда МДХга аъзо мамлакатлар ўртасида тузилган конвенцияда бир тараф ҳудудига доимий яшаш учун кўчиб ўтган бошқа тараф фуқаролари фуқаролик олишининг соддалаштирилган (регистрацион) тартиби ҳамда улар тарк этаётган тараф фуқаролигидан чиқишнинг соддалаштирилган (регистрацион) тартиби (муайян шартларга риоя қилинган ҳолда) назарда тутилган.

Фуқароликка эга эмаслик. Бирор давлатнинг фуқаролигига эга бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар сифатида тан олинади. Фуқароликка эга эмаслик ҳолати мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин.

Фуқароликка мутлақо эга эмаслик - туғилгандан бошлаб фуқароликка эга эмаслик. Фуқароликка нисбий эга эмаслик - фуқароликни йўқотиш натижасида вужудга келган фуқароликка эга эмаслик. Фуқароликка эга эмаслик ҳолати ҳуқуқий аномалия ҳисобланади. Давлатлар унга қарши кураш олиб борадилар, уни чеклашга ҳаракат қиладилар.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар (апатридлар) ҳуқуқсиз бўлмасликлари керак. Умуман олганда, уларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзлари яшаб турган давлат қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Барча давлатлар инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари ва шунга мувофиқ, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун тегишли режимни таъминлашлари лозим. Ҳар бир давлатда бундай режим ўзига хос хусусиятга эгадир.

Фуқаролиги бўлмаган шахсларга бағишланган икки кўп тарафлама конвенция; Апатридлар мақоми тўғрисидаги конвенция (1954 йил) ва Фуқароликка эга эмаслик ҳолатларини камайтириш тўғрисидаги конвенция (1961 йил) мавжуд.

1954 йилги Конвенциясининг мақсади фуқароликка эга эмаслик ҳолатларига барҳам беришдан эмас, балки аъзо давлатлар ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахслар учун муайян режим ўрнатишдан иборатдир. У мазкур шахсларнинг мақомини, мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилади, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун тадбиркорлик эркинлиги, таълим олиш, ишга жойлашиш каби соҳаларда маълум имтиёзларни назарда тутди.

1961 йил Конвенцияни ишлаб чиқиш чоғида манфаатдор давлатлар ўртасида ихтилофлар шу қадар кучли бўлдики, натижада ушбу ҳужжатнинг амал қилиш соҳаси анча тор бўлиб қолди.

Конвенциянинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда фуқаролиги бўлмаган шахслар Конвенция иштирокчилари унинг қарорларини бажармаганлиги устидан шикоят билан бевосита мурожаат этишлари мумкин бўлган халқаро орган ташкил этиш назарда тутилган қоидалар мавжуд. БМТ Бош ассамблеясининг қарорига биноан, кўрсатилган орган вазифалари БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари зиммасига юкланган.

Фуқаролик мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигининг далиллари. Шахсда муайян давлат фуқаролиги мавжудлигининг далили сифатида қайси хужжат ва фактлар хизмат қилиши мумкинлиги ички қонун хужжатлари билан белгиланади. Кўпгина мамлакатларда, айниқса, ички паспортлар мавжуд бўлмаган мамлакатларда фуқаролик масалалари суд тартибида ҳал қилинади.

Қочоқлар ва кўчирилган шахслар. Қочоқлар - таъқиб, ҳарбий ҳаракат ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида ўзлари доимий яшаб турган мамлакатни (кўпинча ўзлари фуқароси бўлган мамлакатни) тарк этган шахслар. Халқаро ҳуқуқ соҳасига “қочоқлар” тушунчаси Биринчи жаҳон урушидан кейин кирди.

Қочоқлар муаммоси бир қанча халқаро шартномаларда ўз аксини топган. БМТ доирасида бу муаммони ҳал қилишга кўмаклашиш учун Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси тузилган. Бошқарма Устави БМТ Бош ассамблеясининг 1950 йил 14 декабрдаги 428 (V) - сон резолюциясига биноан қабул қилинган, 1951 йил 28 июлда қочоқлар мақоми тўғрисида кўп тарафлама Конвенция қабул қилинган.

1966 йил 16 декабрда Бош ассамблея қочоқлар мақомига тааллуқли Баённома қабул қилди. Ушбу хужжатда Конвенцияга айрим ўзгартишлар киритиш назарда тутилган. Бу Баённома 1967 йил 4 ноябрда кучга кирди.

Қочоқлар муаммоси билан регионал миқёсда шуғулланадиган халқаро органлар ҳам мавжуд. Улар доимий ва муваққат асосда тузилиши мумкин.

“Қочоқлар” атамаси халқаро ташкилотлар резолюция ва шартномаларида ҳар хил маънода қўлланади. У, масалан, ўз фуқаролиги мамлакатини ёки одатдаги яшаш жойини табиий офат натижасида тарк этган шахсларга тегишли бўлмаслиги мумкин.

1951 йилги Конвенцияда “қочоқлар” тушунчасига нисбатан айрим чеклашлар назарда тутилган бўлиб, улар тегишли шахслар ўз фуқаролиги мамлакати ёки одатдаги яшаш жойини тарк этишига сабаб бўлган воқеаларнинг рўй бериш вақти билан боғлиқ (1951 йил 1 январга қадар). 1967 йил Баённомасида бу тушунча кенгайтирилган.

Конвенция ва Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармасининг Уставида “қочоқлар” тушунчасига ирқи, дини, фуқаролиги, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги ёки сиёсий эътиқодига кўра таъқиб қурбони бўлишдан кўрқиб, ўз мамлакатини тарк этган шахслар киритилган. Улар кўпинча *de facto* - фуқаролиги бўлмаган шахслар деб аталади, чунки уларнинг мақоми амалда фуқаролиги бўлмаган шахслар мақомидан фарқ қилмайди.

Сиёсий қочоқлар тоифасига мансублик сиёсий бошпана олишга даъвогар бўлиш учун асос сифатида қаралиши мумкин. Лекин, пировард натижада мазкур масала қандай тартибга солиниши қочоқлар турган давлатнинг қонунчилиги ва сиёсатига боғлиқ бўлади.

Кўчирилган шахслар - Иккинчи жаҳон уруши йилларида гитлерчилар ва уларнинг малайлари томонидан оккупация қилинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун зўравонлик йўли билан олиб кетилган шахслар. Уруш тугаганидан сўнг Совет Иттифоқи бир қанча давлатлар билан кўчирилган совет фуқароларини репатриация қилиш тўғрисида битимлар тузди.

Қочоқлар муаммосини ҳал қилиш ва улар ўз Ватанларига қайтишига кўмаклашиш учун 1946 йил Қочоқлар ишлари бўйича халқаро ташкилот тузилди. У Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси тузилиши муносабати билан тугатилди.

1961 йилги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенцияда “кўчирилган шахслар” атамаси учрамайди. Сўнгги йилларда Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси амалиётида бу атамани “ички” қочоқлар, яъни ўз мамлакатининг муайян қисмини ноихтиёр равишда тарк этган ва унинг бошқа бир қисмига кўчишга мажбур бўлган шахсларнинг айрим тоифаларига нисбатан қўллаш ҳолатлари кузатилмоқда. Баъзан бундай шахслар “кўчишга мажбур бўлганлар” деб аталади.

4.7. Чет элликлар учун белгиланган режим

“Чет эллик” тушунчаси. Чет элликлар учун махсус режим давлатларнинг ички қонун ҳужжатлари билан уларнинг халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб белгиланади.

“Чет эллик” тушунчасининг икки хил таърифи мавжуд. Уларнинг биринчиси умумий, назарий хусусиятга эга. Чет эллик - исталган давлат ҳудудида бўлиб, бу давлатнинг фуқароси бўлмаган ва бошқа давлат фуқаролигига эга бўлган шахс. Амалиёт давлат доирасида бу таъриф тўлиқ эмаслигини кўрсатади.

Чет эл фуқароси бўлиши ва ўзи яшаб турган давлат ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланиши мумкин. Иккинчи таъриф одатда давлатнинг ички ҳуқуқда учрайди. У соф амалий, ички аҳамиятга молик, чунки муайян давлатда қайси шахслар чет эллик ҳисобланишини белгилайди. Бу таърифнинг модификациялари жуда кўп.

Иккинчи таъриф қуйидаги мазмунга эга. Яшаб турган мамлакати фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигининг далиллари мавжуд бўлган шахслар чет эл фуқаролари деб тан олинади.

“Чет эллик” атамаси ўрнига “чет эл фуқароси” атамасининг қўлланиши ўринлидир, чунки бир қанча давлатларнинг қонунчилик амалиётида “чет эллик” атамаси кенг маънода қўлланади ва нафақат чет эл фуқароларини, балки фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қамраб олади.

Юқорида келтирилган таърифлар ўртасидаги фарқ эътиборни тортади. Муайян шахсни чет эл фуқаролари қаторига киритиш учун у, ўзи яшаб турган мамлакат фуқароси бўлмаган ҳолда, чет давлат фуқаролигига эга бўлишининг ўзи кифоя эмас, у мазкур фуқароликка эга эканлигининг далиллари, аввало, амалдаги чет эл паспорти ёки унга тенглаштирилган шахсий гувоҳномага ҳам эга бўлиши лозим.

Бундай далилларга эга бўлмаган шахс чет эл фуқароси сифатида қараладиган ҳолатлар ҳам мавжуд (масалан, у ҳужжатларини ўғирлатган бўлса). Лекин бундай ҳолатлар жуда кам учрайди.

Агар чет эл фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаган ва унинг эгаси бу муддатни узайтириш имқониятига эга бўлмаса, бундай шахс ўзи яшаб турган давлат ҳудудида фуқаролиги бўлмаган шахс

сифатида тан олиниши мумкин (одатда у мазкур давлатда доимий яшашга рухсат олган тақдирда).

Чет эллик ўз фуқаролиги давлатининг дипломатик ҳимоясига умид қилишга ҳақлидир. Унинг бошқа давлат ҳудудида қонуний яшаётгани бундай ҳимояни олишини енгиллаштиради. Агар чет эллик бошқа давлат ҳудудида ноқонуний яшаётган бўлса, бу давлат мазкур шахсда чет эл фуқаролиги амалда мавжудлигига шубҳа қилишга, шунингдек, уни ўз ҳудудидан чиқариб юбориш, ўз ҳудудига ноқонуний киргани учун жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

Чет элликлар учун белгиланган “режим” тушунчаси ва унинг турлари. Чет элликлар учун белгиланган режим (чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати) одатда, чет элликларнинг муайян давлат дағи ҳуқуқ ва бурчлари мажмуи сифатида таърифланади.

Анъанага кўра, чет элликлар учун белгиланадиган режимнинг уч тури фарқланади: миллий режим, мумкин қадар қулайлик бериш режими ва махсус режим.

Миллий режим муайян соҳада чет элликларни улар яшаб турган давлат фуқароларига тенглаштиришни англатади.

Мумкин қадар қулайлик бериш режими муайян соҳада чет элликларга мазкур давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан энг қулай ҳолатдағи ҳар қандай учинчи давлат фуқароларига назарда тутилган ҳуқуқлар бериш ва (ёки) бурчларни белгилашни англатади. Мумкин қадар қулайлик бериш тўғрисидағи клаузула, одат да, савдо шартномаларида учрайди. Мумкин қадар қулайлик бериш режими амалда ҳавола хусусиятига эга бўлиб, пировард натижада, ё махсус, ё миллий режимнинг белгиланишида ўз ифодасини топади.

Махсус режим чет элликларга шу соҳада тегишли давлат фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқ ва бурчлардан фарқ қиладиган ҳуқуқларнинг берилиши ва (ёки) бурчларнинг белгиланишини англатади. Кўпинча бу тегишли ҳуқуқ ва бурчларни санаш йўли билан амалга оширилади.

Масалан, миллий амалиётда чегарадош давлатлар билан тузилган айрим шартномаларда чегараолди ҳудуди аҳолиси ўз қариндошлари билан кўришиш учун давлат чегарасидан ўтишининг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган.

Махсус режим салбий хусусиятга ҳам эга, яъни фақат чет элликларга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуқий чеклашлар мажмуидан иборат бўлиши мумкин (масалан, чет элликларни ҳаво кемаси экипажи таркибига киритишни тақиқлаш).

Бирон-бир давлатда чет элликлар режимининг фақат бир тури мавжуд эмас. Унинг ҳар хил турлари доимо уйғунликда учрайди: бир соҳада - миллий режим, бошқа соҳада - махсус режим.

Чет элликларнинг ўз фуқаролиги давлати ва яшаб турган давлати билан муносабатларининг умумий тавсифи. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан чет эл фуқароси ҳолатининг мураккаблиги шундан иборатки, у икки тарафга; ўзи яшаб турган давлатнинг ҳуқуқий тартиботига ва ўз фуқаролиги давлатининг қонунларига буйсунади.

Чет эллик яшаб турган давлатнинг қонунлари ва у фуқаролигига эга давлатнинг қонунлари бирон-бир масалада бир-бирига зид бўлган ҳолларда муайян қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу ҳолда мазкур асосларнинг рақобати (рақобатлашувчи юрисдикция) юзага келади.

Чет эллик ҳуқуқлардан фойдаланиши ёки ўз фуқаролигидан келиб чиқадиган (яъни, ўз фуқаролиги давлатининг қонунчилигида назарда тутилган) бурчларни фақат ўзи яшаб турган давлатда йўл қўйилган, унинг суверенитети ва хавфсизлигига зид келмайдиган даражада бажариши мумкин. Бошқа томондан, у яшаб турган давлат, чет элликлар учун режимни белгилар экан, халқаро ҳуқуқнинг ва у имзо чеккан шартномаларнинг умумэтироф этилган тамойилларини бузмаслиги лозим.

Назария ва амалиётда “чет элликлар билан муомала қилишнинг минимал халқаро стандарти” тушунчаси учрайди. Унга чет элликларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган ҳар қандай давлатнинг қонунчилиги мос келиши лозим бўлган ҳуқуқий андоза сифатида қаралади. У анча номуайян бўлиб, мос келадиган шартнома амалиёти ва халқаро одатлар билан белгиланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин минимал халқаро стандартни инсон ҳуқуқлари билан боғлашга уриниш кузатилади ва у чет элликлар режимини белгилашда инсон ҳуқуқларини камситмасликни талаб қилади.

Чет элликлар режимига халқаро ҳуқуқ таъсирининг энг муҳим жиҳатлари: чет элликларнинг сиёсий ҳуқуқлари, чет элликларнинг ҳарбий хизмати, чет элликларнинг кириши ва чиқишини тартибга солиш, чет элликларга нисбатан давлатнинг жиноий юрисдикцияси чегараларининг белгиланиши, чет элликларнинг фуқаролиги давлати, уларга кўрсатадиган дипломатик ҳимояга тегишли бўлган ҳолларида намоён бўлади.

Чет элликларнинг сиёсий ҳуқуқлари. Баъзан чет эллик ўзи яшаб турган мамлакатда сиёсий ҳуқуқлардан қай даражада фойдаланади, деган савол туғилади. Бу ерда, аввало, сўз сайлов ҳуқуқи тўғрисида юритилмоқда: одатда бу ҳуқуқ чет элликларга берилмайди. Лекин уларга сайлов ҳуқуқини бериш халқаро ҳуқуқда зид эмас, чунки бу ҳуқуқдан фойдаланиш фақат чет элликларнинг ўзига боғлиқ ҳеч ким уларни бу ҳуқуқидан амалда фойдаланишга мажбурлай олмайди. Амалиёт бунини тасдиқлайди. Чет элликларга сайлов ҳуқуқи берилган ҳолатлар тарихда маълум.

Бошқа сиёсий ҳуқуқларга келсак, уларни чет элликларга бериш давлат суверенитети ва хавфсизлиги билан белгиланади.

Чет элликларнинг ҳарбий хизматни ўташи. Чет элликлар ҳарбий хизматга мажбур ҳисобланмайди, чунки бу халқаро ҳуқуқда зиддир. Бунда чет эллик ўз хоҳиш-иродасига зид равишда, ўз ватанига қарши қурол кўтариладиган вазиятга тушиб қолиши мумкин, деган тахминдан келиб чиқилади. Лекин айрим давлатлар қонунчилигида вақти-вақти билан бу қоидадан чекиниш кузатилади.

Чет элликларнинг айрим тоифаларини мажбурий ҳарбий хизматга жалб қилиш манфаатдор давлатларда эътироз туғдирмайдиган ҳолатлар учрайди, лекин бундай амалиёт ё одатларга, ё шартномаларга асосланади.

Чет эл қуролли кучларида ихтиёрий равишда хизмат қилиш халқаро ҳуқуққа зид эмас. Тўғри, чет эл армиясида ихтиёрий равишда хизмат қилган

шахслар ўз фуқаролиги давлатида бунинг учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Лекин бу масала халқаро ҳуқуқ соҳасига кирмайди. Кўнгиллилар, агар улар чет эл армиясида хизмат қилишга ўз фуқаролиги давлатидан рухсат олмаган бўлсалар, жавобгарликка тортилиш хавфини била туриб иш кўрадилар.

Давлатлар, суверенитет ташувчилари сифатида, ўз ҳудудига кириш ва ундан чиқиш масалаларини мустақил ҳал қиладилар, бунинг учун ички хусусиятга эга бўлган чоралар кўрилади.

Давлатга кириш ва ундан чиқиш тартиби. Ҳозирги даврда деярли барча давлатларда ўз фуқароларининг ва чет элликларнинг мамлакатга кириши ҳамда чиқишига рухсат берадиган тартиб амал қилади. Баъзан бу тартиб халқаро шартномалар асосида анча соддалаштирилади, лекин бу мазкур тартиб бекор қилинган, деган маънони англатмайди. Турли мамлакатларда кириш ва чиқишга рухсат олишнинг турли таомили белгиланган.

Кириш ва чиқишга рухсат берувчи тартиб мамлакатга кириш ёки ундан чиқишда чет элликка ҳам, ўз фуқаросига ҳам давлат рад этиши мумкинлигини назарда тутди. Бир қарашда, давлатнинг ўз фуқаролари ва чет элликлар ўртасида жиддий фарқ йўқдек туюлади.

Лекин бу фарқ давлатнинг ички қонунчилигида кириш ёки чиқишга илтимосномалар бериш тартиби, Хужжатлар шакллари, рад этиш учун асослар ва шу кабиларда намоён бўлиши мумкин. Халқаро ҳуқуқ соҳасида ўз фуқаролари ва чет элликларнинг кириши ва чиқиши ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлиб, у давлатнинг ички ҳуқуқида доим ҳам ўз аксини топавермайди, лекин давлатларнинг ташқи алоқалари соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари билан белгиланади.

Бу фарқ шундан иборатки, давлатнинг ваколатли органлари ўз фуқароларининг чет элга чиқиш тўғрисидаги илтимосномасини белгиланган тартибда кўриб чиқар экан, чиқишга рухсат беришни такрор-такрор рад этишлари мумкин.

Бу давлатнинг ички ишидир, чунки айти пайтда унинг ўз фуқаролари билан муносабатлари тўғрисида сўз юритилмоқда. Чиқишни рад этиш давлат томонидан белгиланган муайян муддат (масалан, олти ой) давомида амал қилиши лозим. Чет элга чиқишни доимий рад этиш мумкин эмас. Бундай қонунчиликда умумий шаклда мустаҳкамланишига инсон ҳуқуқларини (хусусан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқини) бузилиши сифатида қараш мумкин. Лекин айти ҳолда муайян шахсларнинг чет элга чиқиши тўғрисида сўз юритилаётгани ва ҳар бир рад жавоби муайян муддат ичида амал қилгани учун давлат бундай ҳолларда қандай иш тутишни мустақил ҳал қилишга ҳақлидир.

Чет элга чиқиш тўғрисида илтимос билан мазкур давлат ҳудудида яшаётган чет эллик мурожаат қилганда вазият ўзгаради. Давлат унга ўз ҳудудидан чиқишни сурункали равишда рад эта олмайди, чунки чет эллик шахс фуқаролигига эга бўлган давлатнинг дипломатик ваколатхонаси муқаррар равишда унга чиқиш имкониятини беришни ёки ҳеч бўлмаса рад этиш сабабларини асосли тарзда тушунтиришни талаб қилади.

Чет элликнинг чет элга чиқиши фақат у суд ёки тергов остида бўлган ёхуд ўзи яшаб турган давлат билан уруш ҳолатида бўлган давлатнинг фуқароси ҳисобланган ҳолда ёки бошқа баъзи сабабларга кўра кечиктирилиши мумкин. Шундай қилиб, чет элликнинг чиқишига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти, юқорида зикр этилган ҳолатлардан ташқари, давлатда чет элликларнинг ўзига нисбатан эмас, балки уларнинг фуқаролиги давлатига нисбатан мавжуд бўлади.

Чет элликнинг ўз ҳудудига кириш ҳақидаги илтимосини кўриб чиқар экан, давлат унга буни такрор-такрор рад этиши мумкин, чунки давлат фуқаролигига эга бўлмаган шахсларни ўз ҳудудига киритишга мажбур эмас. Бошқа бирон-бир давлат ҳам бундай киритишни талаб қилишга ҳақли эмас, чунки бу чет элликка киришга руҳсат бермаётган давлатнинг ички ишларига аралашиб ҳисобланади.

Давлат чет элда бўлиб турган ўз фуқароларига ҳам ўз ҳудудига киришни рад этиши мумкин (агар бундай рад этиш унинг қонунчилигида назарда тутилган бўлса). Лекин бу бошқа давлатлар унинг фуқаролари ўз ҳудудида бўлишига эътироз билдиргунга қадар давом этиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда шаклланган одат нормасига кўра, давлат ўз фуқаросини қабул қилиши шарт, башарти бошқа давлатлар унга муайян сабабларга кўра ўз ҳудудида бўлиб туришга руҳсат бермаётган бўлса. Бу мажбурият мазкур фуқарога нисбатан эмас, балки у ҳудудида бўлиб турган давлатга нисбатан амал қилади.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Яқуний ҳужжати қабул қилинганидан сўнг кириш ва чиқиш тартибининг соддалашуви ҳамда эркинлашуви кузатилмоқда. Бу жараёнга бир қанча халқаро ҳужжатлар имконият яратмоқда. Лекин бу Ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳам юридик жиҳатдан мажбурий эмас.

Улар кириш ва чиқишга руҳсат олиш тартибини бекор қилиш мақсадини кўзламаган ҳолда, кишилар мамлакатлар бўйлаб ўз ихтиёрига кўра ҳаракатланиш имкониятларини мумкин қадар кенгайтиришга қаратилгандир.

Кириш ва чиқишни енгиллаштиришга интилиш, аввало, давлатларнинг ўз фуқароларига нисбатан сезилади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ, мамлакатни, шу жумладан, ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқи фақат қонунга асосан ва давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи ёки маънавиятини ёхуд бошқаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш учун чекланиши мумкин.

Лекин Пактнинг бу чекловчи қоидалари ҳаддан ташқари кенг шархланиши мумкин. БМТ доирасида бундай шархлашга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватловчилар кўпаймоқда.

Ҳозирги даврда чиқишни рад этиш учун асослар қонунда муайян тарзда ва аниқ кўрсатилиши лозимлиги умумэтироф этилган. Бу масалани ҳал қилиш давлатнинг муайян органлари эътиборига ҳавола қилиниши мумкин эмас.

Пактда фуқароларни ўз мамлакатига киришдан ўзбошимчалик билан маҳрум қилиш мумкин эмаслиги ҳам кайд этилган. БМТ материаллари бу

қоида ўз фуқароларини ўз ҳудудига киритишнинг визали тартиби номақбуллигини тан олиш сифатида шарҳланаётганидан далолат беради.

Жиноий юрисдикция. Ҳар бир давлат ўз фуқароларига нисбатан ўз жиноий юрисдикцияси чегараларини мустақил белгилайди. Давлатлар ўз фуқароларини улар ўз ҳудудида, айрим ҳолларда эса чет элда содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортади. Чет элликлар, умуман олганда, ўзлари яшаб турган давлат ҳудудида содир этган барча жиноятлар учун шу давлат қонунига кўра жавобгар бўлади.

Баъзан сиёсий фикр-мулоҳазаларга кўра, чет элликлар ўзлари яшаб турган мамлакатда жазоланмайди ва ундан чиқариб юборилади.

Айни вақтда, халқаро ҳуқуқда мавжуд умумэтироф этилган одат нормасига кўра, чет эллик бошқа давлатда содир этган жиноят учун ўзи яшаб турган давлат ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, башарти, бу жиноятлар у яшаб турган давлатга дахлдор бўлмаса. Бу ҳолда уни бошқа давлатга топшириш тўғрисидаги масала юзага келиши мумкин. Лекин жиноятчиларни топшириш мажбурияти фақат шартномалар асосида мавжуд бўлади. Ҳарбий жиноятчиларни топшириш бундан мустасно бўлиб, у нафақат шартномаларда, балки одатда ҳам мустаҳкамланган тамойилларга асосланади.

Чет элликларга уларнинг фуқаролиги давлати тақдим этадиган дипломатик ҳимоя. Фуқароларни чет элда дипломатик ҳимоя қилиш - ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг муҳим институти. Дипломатик ҳимоя кенг маънога эга ҳуқуқий атамадир.

У дипломатик ҳимояни айнан дипломатик ваколатхона тақдим этиши лозимлигини англамайди. Давлатнинг ўз фуқароларини ҳимоя қилиши, одатда, консуллик муассасаларининг вазифаси ҳисобланади.

Дипломатик ҳимоя нафақат давлатнинг ўз фуқароларини чет элда ҳимоя қилишини ўз ичига олади, балки манфаатдор давлатнинг тегишли ваколатхона орқали мазкур давлат фуқароси содир этишда айбланаётган ҳаракатлар ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини ҳам назарда тутади.

Тўғри, дипломатик ҳимоя тақдим этаётган давлат маҳаллий қонунчилик доирасидан четга чиқиши мумкин эмас. Дипломатик ҳимоя ўз фуқаросини, агар у айбдор бўлса, жазодан озод қилишни чексиз талаб қилиш ҳуқуқини англамайди.

Дипломатик ҳимоя, аввало, муайян шахс ёки шахсларга нисбатан чет элликлар режимига риоя қилинишини таъминлаш воситаси ҳисобланади. Агар чет эллик ўзи яшаб турган давлат қонунларини чиндан ҳам бузган бўлса, дипломатик ҳимоя ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши ҳолатларини аниқлаш, зарур ҳолда адвокатларни танлаш ва ҳ.к.дан иборат бўлади.

Агар дипломатик ҳимоя қилиш чоғида муайян шахс ёки шахсларга нисбатан улар яшаб турган давлатнинг қонунларига зид иш тутилгани аниқланган бўлса, манфаатдор давлат тегишли қонун ҳужжатларига риоя қилишни ва зарур ҳолда айбдорларни жазолаш, жабрланувчига компенсация тўлаш ва ҳ.к.ни талаб қилишга ҳақлидир.

Шу ўринда савол туғилади: давлат ўз фуқаросига дипломатик ҳимоя тақдим этиши шартми ёки у бунга ҳақлими? Давлат ички ҳуқуқи институти

сифатидаги дипломатик ҳимояни ва халқаро ҳуқуқ институти сифатидаги дипломатик ҳимояни фарқлаш лозим.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат ўзининг чет элда бўлиб турган фуқаросига дипломатик ҳимоя тақдим этишга ҳақлидир. Бошқа давлатлар бу ҳуқуқий ҳурмат қилишлари шарт. Муайян давлат ўзининг бу ҳуқуқидан фойдаланадими, йўқми, бу аввало, унинг қонунчилигига ва сиёсий фикр-мулоҳазаларига боғлиқ. Давлат ички ҳуқуқи нуқтаи назаридан вазиятлар ҳар хил бўлиши мумкин.

Давлатнинг ички ҳуқуқида чет элда бўлиб турган фуқаронинг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, унга ҳимоя тақдим этиш назарда тутилиши мумкин. Лекин давлатнинг ички ҳуқуқи дипломатик ҳимоя тақдим этиш масаласини ҳал қилишни дипломатик ва консуллик муассасалари эътиборига ҳавола этиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ички ҳуқуқ нуқтаи назаридан давлат ўзининг чет элдаги фуқароларига дипломатик ҳимоя тақдим этишга мажбур эмас.

4.8. Бошпана бериш ҳуқуқи

«Сиёсий бошпана» тушунчаси ва уни бериш шартлари. “Сиёсий бошпана” деганда давлат муайян шахс ёки шахсларга ўз фуқаролиги мамлакатада ёки одатдаги яшаш жойида сиёсий сабабларга кўра амалга оширилган таъқиблардан яшириниш имкониятини бериши тушунилади. Сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилиш деганда нафақат сиёсий эътиқодлари учун, балки ижтимоий фаолияти, диний эътиқоди, муайян ирқ ёки миллатга мансублиги ва шу кабилар учун таъқиб қилиш тушунилади.

Ҳудудий ва дипломатик бошпана фарқланади. Ҳудудий бошпана - муайян шахс ёки шахсларга сиёсий таъқиблардан ўз ҳудудида яшириниш имкониятини бериш. Дипломатик бошпана - муайян шахс ёки шахсларга сиёсий таъқиблардан чет давлатнинг дипломатик ваколатхонаси, консуллик ваколатхонаси биносига ёки чет давлатнинг ҳарбий кемасида яшириниш имкониятини бериш.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида шаклланган умумий қоидага кўра, дипломатик бошпана бериш тақиқланади, лекин Лотин Америкасида бундай бошпана бериш имконияти тан олинади.

Халқаро ҳуқуқ институти сифатидаги бошпана бериш ҳуқуқи ва давлат ички ҳуқуқи сифатидаги бошпана бериш ҳуқуқини фарқлаш лозим. Биринчи ҳолда сиёсий бошпана бериш билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий нормалар, иккинчи ҳолда давлат ички нормалари мажмуи тўғрисида сўз юритилади.

Шундай қилиб, тегишли юридик нормаларни қабул қилган давлатлар сони қанча бўлса, сиёсий бошпана бериш давлат ички ҳуқуқи институтлари сони ҳам шунчадир.

Сиёсий бошпана сўраб мурожаат этиш ўз холича бундай бошпана ўз-ўзидан берилишини англатмайди.

Халқаро ҳуқуқда сиёсий бошпана бериш институти, асосан, одат ҳуқуқи билан боғлиқ БМТ доирасида бу нормаларни кодекслаштиришга ҳаракат қилинган. БМТ Бош ассамблеяси 1967 йил 14 декабрда ҳудудий бошпана тўғрисида Декларация (2312/ XXII сон резолюция) қабул қилган.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳудудий бошпана беришга тааллуқли энг муҳим қоидаси қуйидаги мазмунга эга (у Декларация 1-моддасининг биринчи бандида мустаҳкамлаб қўйилган): муайян давлат ўз суверенитетини амалга ошириш тартибида тақдим этадиган бошпана қолган барча давлатлар томонидан ҳурмат қилиниши лозим.

Бошқача айтганда, бошпана бериш - давлатнинг суверен ҳуқуқи. У муайян шахс ёки шахсларга бошпана бериши ҳам, бошпана беришни рад этиши ҳам мумкин. Лекин давлат муайян шахс ёки шахсларга бошпана бериб, ўзининг бошпана бериш ҳуқуқидан фойдаланган бўлса, бу ҳолат бир қанча халқаро ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Сиёсий бошпана бериш учун асослар ва унинг таомили (суд таомили, маъмурий таомил), шунингдек, бошпана олган шахсларнинг мақоми давлатнинг ички қонунчилигига боғлиқ бўлади.

Сиёсий бошпана бериш асослари ички қонунчиликка боғлиқ бўлса, давлатларнинг муайян тоифага мансуб шахсларга бундай бошпана бермаслик мажбурияти халқаро ҳуқуқ нормалари (тамойиллари, шартнома ва одат нормалари)да назарда тутилади.

Бу қоида ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларация 1-моддаси иккинчи бандида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, тинчликка қарши жиноят, ҳарбий жиноят ёки инсониятга қарши жиноят содир этган деб ҳисоблаш учун жиддий асослар мавжуд бўлган шахснинг бошпана қидириш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи тан олинмайди.

“Ҳарбий жиноятчилар” ва “инсониятга қарши жиноятда айбдор шахслар” тушунчалари бир қанча халқаро ҳужжатларда, хусусан, 1968 йил ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан муддатлар ўтиши қоидаси қўлланмаслиги тўғрисидаги қонвенцияда ва 1945 йил 8 августда имзоланган Лондон битимининг узвий қисми ҳисобланган Нюрнберг трибунали Уставида акс эттирилган. Устав тамойиллари Бош Ассамблеянинг 1946 йил 11 декабрь резолюциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари сифатида қайд этилган.

Сиёсий бошпана беришнинг халқаро ҳуқуқий оқибатлари. Сиёсий бошпана беришнинг асосий халқаро ҳуқуқий оқибати давлатнинг бундай бошпана олган шахсни топширмаслик мажбуриятидир. Ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда давлат бу мажбуриятни халқаро ҳамжамият олдида бажариши қайд этилган.

Бу ерда сиёсий бошпана беришни муайян шахсга маълум давлат ҳудудида доимий яшашга рухсат бериш билан адаштирмаслик керак. Сўнгги ҳолатда давлат ўз зиммасига ҳеч қандай халқаро ҳуқуқий мажбурият олмайди.

Кўпинча сиёсий бошпанага ўзи ташлаб кетган давлатда сиёсий жиноятчи ҳисобланадиган шахс даъвогар бўлади. Шу муносабат билан мазкур шахс сиёсий жиноятчи эканлиги ёки бундай эмаслигини, у сиёсий бошпана олишга даъвогар бўла олиш-олмаслигини баҳолаш ҳуқуқига ким эга бўлади, деган савол туғилади. Бу ерда кўпинча низоли ҳолатлар юзага келади. Ҳудудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда мустаҳкамланган тамойилга кўра, бу масалани бошпана бераётган давлат ҳал қилади.

Умумий жиноят содир этган шахсга бошпана берилиши мумкин эмас, деган қонидани унда эътироф этилган.

Кўпгина халқаро шартномаларда белгиланган қоидага мувофиқ, давлат бошлиғини ўлдирган ёки унинг жонига қасд қилган шахс сиёсий жиноятчи ҳисобланмайди, яъни топширилиши мумкин. Тўғри, бу норма фақат шартнома билан белгилаб қўйилган тақдирда амал қилади. Баъзан у ички қонунчиликда ҳам мустаҳкамлаб қўйилади.

1957 йил Фарбий Европа давлатлари жиноятчиларни топшириш тўғрисида Европа қонвенциясини туздилар. Юқорида зикр этилган норма шу қонвенцияда ўз аксини топди. Илгари у 1937 йилги Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Қонвенцияда мустаҳкамлаб қўйилган эди (бу Қонвенция кучга кирмай қолди).

Сиёсий бошпана беришнинг иккинчи халқаро ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, муайян шахсга бундай бошпана берган давлат мазкур шахснинг ҳуқуқлари чет элда бузилган ҳолда уни квазидипломатик ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу масала, айтайлик, муайян сабабларга кўра бошпана олган шахс учинчи мамлакатга вақтинчалик чиққан ҳолларда юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда шахснинг ўзи квазидипломатик ҳимоя олиш ҳуқуқига эга бўладими, йўқми - бу тегишли давлатнинг ички қонунчилигига боғлиқ, лекин бошпана берган давлат халқаро ҳуқуқий маънода, яъни мазкур шахснинг ҳуқуқлари бузилган давлатга нисбатан ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўрсатилган ҳимоя квазидипломатик деб аталишининг сабаби шундаки, у сиртдан (давлат ўз фуқароларига кўрсатадиган) дипломатик ҳимояга ўхшаш бўлиб, ундан айнан унинг ўз фуқароларига кўрсатилмаслиги билан фарқ қилади. У манфаатдор шахсларнинг фуқаролиги билан эмас, балки махсус мақоми билан белгиланади.

Бошпана олган шахсга ҳатто у тарк этишга мажбур бўлган давлатга нисбатан, масалан, уни мазкур давлат агентлари ўғирлаганида квазидипломатик ҳимоя тақдим этиш масаласи туғилган ҳолатлар амалиётда учрайди.

Сиёсий бошпана беришнинг учинчи халқаро ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, муайян шахсга сиёсий бошпана берган давлат унинг фаолияти учун жавобгар бўлади. Бошқача айтганда, у бундай шахслар сиёсий бошпана олган шахслар мақомидан фойдаланаётган даврда ўзлари қочиб келган давлатларга нисбатан зўравонлик ҳаракатлари содир этишига йўл қўймаслиги шарт.

Бу мазкур шахслар ўзлари тарк этган давлат тузумини танқид қилмасликлари керак деган маънони англатмайди. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари бундай танқидга йўл қўяди ва у бошпана берган давлатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Худудий бошпана тўғрисидаги Декларацияда (4-модда) сиёсий бошпана олган шахслар муайян ҳаракатлар содир этиши мумкин эмаслиги ҳақидаги фикр кенгрок таърифланган: “Бошпана берган давлат бошпана олган шахсларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсадлари ва тамойилларига зид бўлган фаолият билан шуғулланишига руҳсат бермаслиги лозим”.

Бошпана олиш ҳуқуқи шахсларга бевосита халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан берилмайди. У шахсларнинг ҳуқуқи сифатида давлат ички ҳуқуқи доирасида мавжуд бўлади. Халқаро ҳуқуқ нормалари фақат давлатнинг муайян тоифага мансуб шахсларга сиёсий бошпана бериш ҳуқуқини ва бошқа давлатларнинг бу ҳуқуқни ҳурмат қилиш бурчини мустаҳкамлаб қўяди.

Сиёсий эмигрантни бошпана излашга мажбур қилган ҳолатлар барҳам топган ёки сиёсий эмигрант ўзига бошпана берган давлатнинг фуқаролигини олган тақдирда сиёсий бошпана тугатилади. Сиёсий эмигрант ўзига бошпана берган давлатнинг фуқаролигини олган ҳолда мазкур давлат унда ўз ҳудудидан бошпана олган шахсларга берадиган муайян имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ҳуқуқда “ҳудуд” тушунчаси моҳияти?
2. Давлат ҳудуди қандай турларга бўлинади?
3. Давлат ҳудуди таркибига нималар киради?
4. Давлат ҳудудининг юридик ҳолати қандай белгиланади?
5. “Давлат чегараси” ибораси орқали нима тушунилади?
6. Давлат чегараларининг қандай турлари мавжуд?
7. Давлат чегараларини ўзгартириш халқаро ҳуқуқда белгиланганми?
8. Қандай ҳолатларда ҳудудий низолар вужудга келиши мумкин ва улар қандай ҳал этилади?
9. Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий мақоми қандай белгиланади?
10. Қуролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) ҳудудлар ҳуқуқий мақоми қандай?
11. Антарктиканинг ҳуқуқий мақоми қандай?
12. “Халқаро денгиз майдони” тушунчаси ва таркиби қандай?
13. Халқаро ҳаво майдони нима?
14. Халқаро ҳуқуқда “аҳоли” тушунчаси нимани англатади?
15. Халқаро ҳуқуқда “фуқаролик институтлари”нинг аҳамияти қандай?
16. Фуқароликни қабул қилиш ва тугатишнинг қандай усуллари мавжуд?
17. Икки фуқаролик мавжудми?
18. “Фуқаросизлик” нима?
19. Қандай ҳужжатлар билан фуқароликни олиш, фуқароликнинг йўқлиги тасдиқланади?
20. Қочоқлар тоифаси нимани билдиради?
21. Кўчирилган шахслар кимлар?
22. Чет элликлар тоифасига кимлар киради?
23. Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай?
24. Чет элликларнинг ўз давлати ва ҳудудида турган давлат билан ўзаро муносабатлари қандай?
25. Давлатга кириш ва ундан чиқиб кетиш тартиби қандай белгиланади?
26. “Сиёсий бошпана” тушунчаси нимани англатади?
27. “Сиёсий бошпана” беришнинг қандай шартлари мавжуд?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
10. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
11. М.Рафиқова, А.Ачилов. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016 йил.

5-мавзу. Ҳалқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик ва жавобгарлик

Режа:

- 5.1. Ҳалқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик тушунчаси
- 5.2. Ҳалқаро шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги
- 5.3. Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворислик
- 5.4. Давлат архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик
- 5.5. Давлат қарзлари борасида ҳуқуқий ворислик
- 5.6. Ҳалқаро-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва халқаро-ҳуқуқий асослари
- 5.7. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги турлари ва шакллари
- 5.8. Ҳалқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги
- 5.9. Жисмоний шахсларнинг халқаро жиной жавобгарлиги

Таянч иборалар:

Ҳалқаро ҳуқуқий ворислик. Ҳалқаро шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик. Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворислик. Архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик. Давлат қарзлари борасида ҳуқуқий ворислик.

Ҳалқаро-ҳуқуқий жавобгарлик. давлатларнинг жавобгарлиги. Ҳалқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги. Жисмоний шахсларнинг халқаро жиной жавобгарлиги.

5.1. Ҳалқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик тушунчаси

Ҳуқуқий ворислик – ҳуқуқда белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ, бир субъектга тегишли ҳуқуқларнинг бошқа субъектга ўтишидир.

Демак, ҳуқуқий ворислик ҳуқуқда назарда тутилган ҳуқуқий (юримдик) аҳамиятга эга бўлган юримдик ҳодиса, яъни юримдик фактдан келиб чиқадиган юримдик оқибатларни ифодалайдиган тушунчадир, деган хулоса келиб чиқади. Шубҳасиз, бунда бир субъектга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа субъектга ўтиши билан боғлиқ таркибий ўзгаришлар ҳақида гап кетяпти. Бундай ҳол ҳуқуқ субъекти ўз фаолиятини тугатиши, янги субъектнинг вужудга келиши муносабати билан бошқа субъект билан бирлашиши, икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ субъектларига ажралиши натижасида содир бўлади.

Ҳуқуқ субъектининг мазкур таркибий ўзгаришларидан келиб чиқадиган юримдик оқибатлар унга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг (тўла ёки қисман) бошқа субъектга ўтиши ҳуқуқий ворисликка сабаб бўлади.

Ҳалқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуққа нисбатан ҳуқуқий ворислик деганда, халқаро ҳуқуқда белгиланган ҳолатларда халқаро ҳуқуқ субъектига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа субъектга ўтишини тушуниш лозим.

Ҳалқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари давлатлар ҳисобланади. Демак, халқаро ҳуқуқда энг аввало уларнинг ҳуқуқий ворислиги ҳақида сўз юритилади. Бу ҳақда кенг халқаро амалиёт ҳам далолат беради.

Халқаро ҳуқуқнинг бошқа умум эътироф этилган субъектлари халқаро (давлатлараро) ташкилотлар ҳисобланади. Уларга нисбатан ҳуқуқий ворислик муаммоси, юзага келадими деган ўринли савол туғилади.

Умуман олганда, бундай муаммо мазкур ташкилотларнинг фаолияти тугаганида юзага келади. Бироқ, ўз фаолиятини тугатган халқаро ташкилотга у ёки бу даражада алоқадор бўлган янги халқаро ташкилот билан бундай муаммо вужудга келмайди.

Одатда, ўз фаолиятини тугатган халқаро ташкилотга тегишли мулкни тугатиш, архив ҳужжатларини сақлаш билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Улар ташкилотнинг аъзо давлатлари ўртасида тузилган битим асосида ҳал қилинади ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ, ҳуқуқий ворисликка тегишли бўлмайди.

Пировард натижада халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ворисликка тенглаштирилади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига биноан, давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги уч турдаги ҳуқуқий ҳодисалар (юридик фактлар)ни вужудга келтиради: ўзаро келишувга кўра бир давлатга тегишли ҳудуднинг бир қисмини бошқа давлатга ўтказиш; собиқ мустамлака ҳудудда янги мустақил давлатнинг пайдо бўлиши; давлатларнинг ягона давлатга бирлашиши ёки бир бутун давлатнинг бир нечта мустақил давлатларга бўлиниши ва ҳоказо.

Бу каби ўзгаришлар билан боғлиқ йирик ҳодисалар тарихда кўп учрайди. Масалан: 1990 йилда ГДРнинг ФРГ таркибига кириши, яъни Германиянинг қайта бирлашиши, 1991 йилда собиқ ССРИ таркибидан Латвия, Литва ва Эстония давлатларининг ажралиб чиқиши, кейинчалик эса 12 та мустақил давлатларнинг вужудга келиши; 1992 йилда собиқ Югославия Социалистик Федератив Республикаси ҳудудида мустақил Босния, Герцеговина, Македония, Словения, Хорватиянинг вужудга келиши, шунингдек Сербия ва Черногориянинг Югославия Иттифоқ Республикасига бирлашиши, 1993 йилда собиқ Чехословакия ўрнида мустақил Чехия ва Словакиянинг вужудга келиши ва ҳоказо. Юқоридаги барча ҳолларда ўзгаришларнинг халқаро мажбуриятларга таъсири, мулк тақдири, бошқача айтганда, ҳуқуқий ворислик муаммоси вужудга келади.

Ҳодиса (юридик факт)нинг моҳиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқий ворислик турлар ва тоифаларга бўлинади. Ўз навбатида, бу 1978 ва 1983 йилги Вена конвенцияларидаги ҳуқуқий ворислик тоифаларининг дифференциацияланиши (табақаланиши)га асос бўлди.

БМТ ташаббуси билан ҳуқуқий ворислик тўғрисида иккита конвенция қабул қилинган. Булар: 1978 йилги Халқаро шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1983 йилги Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги Вена конвенцияси.

Мазкур конвенциялар «халқаро муносабатларнинг энг ишончли ҳуқуқий асоси» сифатида яратилган бўлса-да, зарур ратификациялар сонига (15 та) эга бўлмаганлиги сабабли кучга кирмай қолди. Шундай бўлса-да, мазкур конвенциялар бу соҳада энг нуфузли ҳужжатлар бўлганлиги боис, ҳуқуқий

ворислик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда умумий кўрсатмалар мавқеига эгадир.

5.2. Халқаро шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги

Шартномалар масаласига келсак, ҳуқуқий ворислик чегаралар ва чегара тартибини белгилашга доир шартномалар, шунингдек чет давлат фойдасига ҳар қандай ҳудуддан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятларга тегишли эмас. Чунончи, Германиянинг бирлашишида 1950 йилда Польша ва ГДР ўртасида шартнома билан белгиланган Одер-Нейседан ўтадиган чегара шубҳа остига олинмаган.

Бир давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудудига ўтишида шартнома бўйича чегараларнинг силжиш принципи амал қилиб, унга мувофиқ, шартноманинг амал қилиш чегаралари давлат чегаралари билан бирга қисқаради ёки кенгаяди. Ёки, бошқача айтганда, чегарани топширувчи давлат шартномаси ўз кучини йўқотади, қабул қилиб олувчи давлат шартномаси эса кучга киради. Давлатларнинг бирлашишида уларнинг барча шартномалари ўз кучини сақлаб қолади, бироқ ҳуқуқий ворислик даврида таъсир доирасидаги ҳудуддагина амал қилади.

Сурия ва Миср Бирлашган Араб Республикасига қўшилганда мазкур қоида 1958 йилги БАРнинг Муваққат конституциясида мустаҳкамланган: битим ва шартномалар, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, «ратификация қилиш пайтида белгиланган минтақавий доирада амал қилади».¹ Мазкур қарорнинг қонунийлиги бошқа давлатлар томонидан тан олинди. Чунончи, 1960 йили ССРИ ва БАР билан иқтисодий ва техник ҳамкорлик тўғрисидаги Совет-Сурия битимини амалга ошириш масалалари юзасидан баёнот қабул қилинди. Унда мазкур масалалар фақат Сурия минтақасида амалга оширилиши назарда тутилган.

Мазкур мисоллар бир давлат бошқасига қўшилганда ўз ҳуқуқий субъектлигини сақлаб қолиши ҳолларига ҳам тегишлидир. Масалан, ГДР ФРГ таркибига кирганда, ГДР ўз ҳуқуқий субъектлигини йўқотган, ГФР эса сақлаб қолган. Масаланинг мураккаб томони мазкур давлатларнинг турли ижтимоий-сиёсий тизимга мансублиги бўлган.

Шу боис, бошқа манфаатдор давлатлар билан келишилган ҳолда қоида қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ГДР томонидан тузилган халқаро-ҳуқуқий шартномалар шериклар томонидан ўзаро ишонччилик, иштирокчи давлатлар ва ФРГнинг шартнома мажбуриятлари нуқтаи назаридан, шунингдек Европа кенгашининг ваколатини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Бундан ташқари, уларнинг эркин, демократик ва ҳуқуқий давлат тузилиши принципларига мувофиқлиги ҳам ҳисобга олинishi зарур. Мазкур қайта кўриш натижасида ГДР шартномаларининг айримлари сақлаб қолинган, қайта кўриб чиқилган ёки бекор қилинган. ФРГ шартномаларига келсак, улар ўз кучини сақлаб қолди ва ўз таъсирини собиқ ГДР ҳудудига ўткази бошлади.

¹ ООН в документах. – М.: Международные отношения, 1995.

Мазкур қоидалар 1990 йилги Германиянинг бирлашиши тўғрисидаги шартномада мустаҳкамланган.

Башарти, давлат бўлинганида, улардан бири аввалги давлат ҳолида қолса, унинг шартномавий муносабатларида ўзгаришлар юз бермайди. Бошқа давлатга ўтиб кетган ҳудудда амалда бўлган шартномалар бундан мустаснодир. Айтилган ҳолат БМТга аъзоликка ҳам тегишли. Ажралиб чиққан ҳудудда пайдо бўлган давлатга келсак, унга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Биринчиси – бу анъанавий ёндашув бўлиб, унга биноан янги давлат аввалги давлат шартномаларига нисбатан мажбуриятларга эга бўлмайди.

1947 йили Ҳиндистондан Покистон ажралиб чиқди. Шу муносабат билан БМТ Котибияти қуйидаги қарорни қабул қилди: «...Ҳиндистоннинг халқаро мақомида ўзгаришлар йўқ; у барча шартномаларга кўра барча шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятларга, шунингдек БМТ аъзоси мажбуриятларига ҳам эга. Ажралиб чиққан ҳудуд – Покистон янги давлатга айланади; у аввалги давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлмайди ва шу сабабли БМТ аъзоси бўлмайди».

Шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик ҳақидаги конвенцияда бошқача фикр илгари сурилган. Аввалги давлатнинг шартномалари ажралиб чиққан давлатга ҳам таъсир қилади (1978 йилги Конвенциянинг 34-моддаси, 1-банди).

Югославия парчаланганидан сўнг, янги пайдо бўлган давлатлар БМТ аъзолигига қабул қилинди. «Югославия» номини иккита республика – Сербия ва Черногориянинг федерацияси сақлаб қолди. Унинг ҳудуди ва аҳолисининг сони аввалги Югославия ҳудуди ва аҳолиси сонининг тахминан ярмини ташкил қилади. Шу боис, Белград ўз навбатида БМТда Югославиянинг ўрнини эгаллаш ҳуқуқини изҳор этди. Бунинг учун етарлича ҳуқуқий асослар ҳамда БМТнинг мувофиқ амалиёти мавжуд эди.

Ҳудуд ҳамда аҳолига нисбатан ўзгаришлар давлатнинг ҳуқуқий субъектлигига таъсир қилмайди. Шундай бўлса-да, Сербияни босқинчилик ва ҳарбий ҳужумларни амалга оширганликда айблаган қатор мамлакатлар вакилларининг талаби билан Югославиянинг бундай талаби рад этилди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1992 йил 30 майдаги қарорида айтилишича, «Югославия Федератив Республикаси (Сербия ва Черногория) нинг БМТда собиқ Югославия Социалистик Федератив Республикаси ўрнини эгаллаш ҳақидаги талаби умум эътироф этилган деб ҳисобланмайди». Бошқа қарорда Кенгаш «аввал Югославия Социалистик Федератив Республикаси деб аталган давлат ўз фаолиятини тугатган» деб ҳисоблайди. Бу ҳуқуқий ворислик масалаларини ҳал қилишда сиёсий омиллар ролини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳуқуқий ворислик шартномада белгиланган чет давлат ёки давлатлар гуруҳининг ҳар қандай ҳудуддан фойдаланиш ёки уни чеклаш билан боғлиқ мажбуриятлар, шунингдек, у ёки бу ҳудуд, давлатлар гуруҳи, ёки барча давлатларнинг чет давлат ҳудудидан фойдаланиш билан боғлиқ мажбуриятларга тегишли эмас.

5.3. Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворислик

Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворислик масаласига доир асосий нормалар 1983 йилги Давлат мулки ва давлат архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги Вена конвенциясида ўз аксини топган. Мазкур нормалар аввалги давлатнинг мулкига тегишлидир.

Ҳуқуқий ворислик тартиби жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлмайди. Ҳуқуқий ворисликка кўра давлат мулки деганда «давлатга ички ҳуқуққа биноан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги даврида тегишли бўлган мол-мулк, ҳуқуқ ва манфаатлар» назарда тутилади (1983 йилги Вена конвенциясининг 8-моддаси).

Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворисликда қабул қилиб олувчи давлатга мулк учун компенсация тўлаш муаммоси мавжуд. Конвенцияда назарда тутилишича, бундай қабул қилиш, башарти у манфаатдор давлат билан келишилмаган ёки тегишли халқаро орган томонидан назарда тутилмаган бўлса, компенсацияни тўламасдан амалга оширилиши керак (1983 йилги Конвенциянинг 11-моддаси).

Ҳуқуқий ворислик нормалари томонидан кўчар ва кўчмас мулкнинг бир шахсдан бошқасига ўтиши учун бир хил бўлмаган режим ўрнатилади. Давлатлар бирлашганда бу жуда оддий бўлади – ўтмишдош давлатнинг барча мулки ворис давлатга ўтади. Давлатнинг бўлиниши натижасида унинг ҳудудида икки ёки ундан ортиқ давлат вужудга келадиган бўлса, қуйидаги ҳолатлар содир бўлади:

- ўтмишдош давлатнинг кўчмас мулки шу ҳудудда жойлашган ворис давлатлар ихтиёрига ўтади;

- ўтмишдош давлатнинг ҳудудидан ташқарида жойлашган кўчмас мулки, Конвенцияда кўрсатилганидек, «адолатли ҳиссаларда» ворис давлатлар ихтиёрига ўтади;

- ўтмишдош давлатнинг ҳудудга нисбатан фаолияти билан боғлиқ, ҳуқуқий ворислик объекти бўлган кўчар мулки тегишли ворис давлатга ўтади; бошқа кўчар мулклар ворисларга «тенг ҳисса» асосида ўтади.

Бир давлат ҳудудининг бир қисми бошқа давлат мулкига ўтадиган бўлса, бу ушбу давлатлар ўртасидаги битимлар билан тартибга солинади. Ядро қуроли ҳам шундай мулклардан ҳисобланиб, Давлат мулкининг мерос бўлиб ўтиши тўғрисидаги қоидалар уларга нисбатан қўлланилмайди. 1968 йилги Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага мувофиқ, ядро қуролига эга давлатлардан ҳар бири (Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ёки Хитойми – қатъий назар) ҳеч кимга ядро қуролини ёки ядро портлатиш қурилмаларини бермаслик мажбуриятини олади, ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар эса, ўз навбатида, ҳеч кимдан ядро қуроли ёки ядро портлатиш қурилмаларини олмаслик мажбуриятини олади. Бу қоидалар ядро қуролига нисбатан ҳуқуқий ворисликни истисно қилади.

Собиқ ССРИнинг давлат мулкига нисбатан МДҲ доирасидаги ҳуқуқий ворислик масалалари юзасидан қабул қилинган битимлар ва қарорлардан, авваламбор, бу мулкнинг хорижда жойлашган қисми тартибга солиш предмети бўлгани кўринади.

МДХ давлатлари раҳбарларининг 1991 йил 30 декабрдаги битими ва 1992 йил 30 декабрдаги собиқ ССРИнинг бутун мулкни тақсимлаш тўғрисидаги битимга биноан уларнинг қатнашчилари ҳар бир томоннинг ўзига тегишли бўлган улушга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга доир ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек ҳудудида ушбу улуш жумласига кирадиган мол-мулк жойлашган давлатларнинг қонунига риоя қилишни қайд этдилар.

5.4. Давлат архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик

Давлат архивлари масаласига келганда, шуни айтиш мумкинки, ўтмишдош давлатнинг давлат архивлари деганда ушбу давлат томонидан унинг фаолияти давомида ишлаб чиқилган ёки қўлга киритилган ҳар қандай муддатли (ҳуқуқий ворислик даврига келиб, унинг ички ҳуқуқига мувофиқ архив сифатида турли мақсадларда унинг назорати остида бўлган) ҳужжатлар тушунилади.

Конвенцияда ўтмишдош давлатнинг ворис давлатга ўтаётган архивларига зарар етиши ёки йўқотилишининг олдини олиш юзасидан чора кўриш мажбурияти назарда тутилади.

Ўтмишдош давлат ҳудудида жойлашган, лекин ўтмишдош давлатнинг ички ҳуқуқига биноан учинчи давлатга тегишли бўлган архивларга нисбатан ҳуқуқий ворислик жорий этилмайди (1983 йилги Конвенциянинг 24-моддаси).

Давлат ўрнида бир нечта ворис давлатлар вужудга келиб, давлат бўлиниб кетганида ўтмишдош давлат ҳудудида жойлашиши зарур бўлган архивларнинг бир қисми ушбу ҳудудни нормал бошқариш мақсадида ушбу ҳудудда архивлар жойлашадиган ворис давлатга берилади. Шунингдек, архивларнинг бу давлат ҳудудига бевосита тааллуқли бўлган қисми ҳам унга ўтади.

Давлат ҳудудининг бир қисми ажралиб, унда янги давлат ташкил топадиган бўлса, архивларнинг ажралиб чиқаётган давлат ҳудудида жойлашиши керак бўлган қисми ажралиб чиқаётган давлатни нормал бошқариш мақсадида ворис давлатга ўтади.

Давлатнинг ажралиб чиқаётган қисми бошқа давлат билан бирлашадиган бўлганда ҳам шундай қоидалар қўлланилади. Ўтмишдош давлат ва ворис давлат ўртасидаги шартномалар юзасидан давлат архивларининг ҳуқуқий ворислигига нисбатан бошқа қоидалар ўрнатилиши мумкин. Лекин бунда ушбу давлатлар халқларининг ўз тарихи ва маданий меросини ривожлантириш ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи бузилмаслиги керак.

ССРИ давлат архивларининг тақдири бу давлат тугатилиши муносабати билан унинг ҳудудида пайдо бўлган МДХ давлатлари ўртасида тартибга солинди. 1992 йил 6 июлда ушбу давлатлар ўртасида тузилган собиқ ССРИ давлат архивларининг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги битим собиқ Россия империяси ва ССРИ олий давлат тузилмаларининг фаолияти натижасида ташкил қилинган ва битим иштирокчилари бўлган давлатларнинг ҳудудидан ташқарида жойлашган фондларнинг яхлитлиги ва бўлинмаслиги

принципларидан келиб чиқади. Бу давлатлар ушбу ҳужжатларга эга бўлишга даъвогарлик қилмайдилар.

Шу билан бирга, битим иштирокчилари ўзларининг қонунларига мувофиқ амалга оширилган давлат архивлари ва иттифоқ миқёсидаги бошқа архивларнинг (жумладан, собиқ ССРИнинг тармоқ архивларининг ҳам) ўз юрисдикциясига ўтказилишини ўзаро тан оладилар. Бу давлатлар МДХнинг бошқа давлатларидаги архив муассасаларидан берилган архив маълумотномаларини тан оладилар.

5.5. Давлат қарзлари борасида ҳуқуқий ворислик

1983 йилги Вена конвенцияси давлат қарзлари борасидаги ҳуқуқий ворислик муносабатларини ҳам тартибга солади. Ҳуқуқий ворисликни тартибга солиш мақсадлари учун давлат қарзлари ўтмишдош давлатнинг ҳар қандай молиявий мажбурияти ҳисобланади.

Бу молиявий мажбурият халқаро ҳуқуққа биноан юзага келган бошқа давлатга, халқаро ташкилотга ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектига нисбатан олинган бўлади. Давлат қарзлари борасидаги ҳуқуқий ворислик кредиторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига жорий этилмайди (1983 йилги Конвенциянинг 36-моддаси).

Бошқача айтганда, алоҳида ҳолатларни истино этганда, ҳуқуқий ворислик кредит берган субъектларнинг ҳуқуқларига зарар етказмайди. Агар манфаатдор давлатларнинг шартномаларида ёки тегишли халқаро органнинг қароридида бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, ворис давлатга қарзнинг ўтиши санаси ҳуқуқий ворислик юзага келган пайт ҳисобланади.

Давлатлар бирлашиб, ягона ворис давлат ташкил қилсалар, ўтмишдош давлатларнинг давлат қарзлари унга ўтади.

Давлат бир неча қисмларга бўлиниб кетса ва ворис давлатлар бошқача келишиб олган бўлмасалар, давлат қарзи адолатли ҳисса ҳолида ворис давлатларга ўтади. Бунда Давлат қарзи муносабати билан ўтаётган мол-мулк, манфаатлар ва ҳуқуқлар ҳам ҳисобга олинади. Шунга ўхшаш қоида куйидаги ҳолда ҳам қўлланилади: давлат ҳудудидининг бир қисми ажралиб чиқаётганда ва унда ворис давлат ташкил топаётганда; ҳудуднинг ажралиб чиққан қисми бошқа давлат билан бирлашаётганда; шунингдек ҳудуднинг бир қисми бир давлат томонидан бошқасига берилаётганда.

Собиқ иттифоқдош республикалар ўртасида ССРИнинг давлат қарзи борасидаги ҳуқуқий ворисликка оид бир қатор кўп томонлама ва икки томонлама битимлар тузилди. Улардан асосийси 1991 йилги ССРИ ташқи давлат қарзи ва активлари борасидаги ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги кўп томонлама шартнома бўлди. У давлат ташқи қарзи ва активлари тушунчасини белгилаб берди. Лекин муаммони мутаносиб тақсимлаш билан ҳал қилишнинг иложи бўлмади.

Муаммонинг ечилмаганлиги хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан молиявий муносабатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, 1993 йилда Россия мақбул қарорни илгари сурди. Унда икки томонлама битим тузиш учун асос бўладиган принциплар таклиф

қилинди. 1993 йил 17 майдаги ҳукумат қарорида бу принциплар қуйидагича баён қилинди.

Собиқ иттифоқдош республикаларнинг ҳиссаси 1991 йилги Шартномани имзолаган давлатларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқиб белгиланади. Демак, шартномада қатнашмаётган давлатларнинг ҳиссаси иштирокчилар ўртасида тақсимланади. Республикалар ушбу давлатларнинг қарзини тўлаш мажбуриятини Россия Федерациясига берадилар. Харажатларни қоплаш (компенсация) мақсадида республикалар Россияга собиқ ССРИнинг активларидаги ўз улушларини берадилар. Ўзбекистон Республикаси худди шундай амалиётни қўллади.

Вена конвенциясида янги мустақил давлат учун алоҳида режим ўрнатилган. Ўтмишдош давлатнинг ҳеч қандай давлат қарзи унга ўтмайди. Бошқача тартиб фақат ўзаро келишув асосидагина ўрнатилиши мумкин.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, ҳуқуқий ворислик бўйча жаҳон амалиёти яхши йўлга қўйилган. БМТнинг барча учун умумий бўлган қоидаларни киритишга бўлган уринишлари ҳозирча қўллаб-қувватланмади. Шунга қарамай, ҳуқуқий ворисликка оид Вена конвенциялари декларатив қоғоз бўлиб қолгани йўқ. Улар қуйидаги принципларга асосланади: Конвенцияларнинг қоидалари томонлар ўртасида ҳуқуқий ворисликка тегишли битимлар бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Моҳиятан, улар зарур ратификациялар бўлмаганда ҳам амалда бўлаверади (шартнома нормалари эмас, балки одатдаги нормалар сифатида).

5.6. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва асослари

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик – бу халқаро ҳуқуқ нормаларини ва ўз халқаро мажбуриятларини бузган халқаро ҳуқуқ субъекти учун келиб чиқадиган юридик оқибатдир. Айни пайтда, бу мазкур нормалар ва келтирилган зарарни қоплашни таъминлашнинг юридик воситаларидан биридир¹.

Халқаро ҳуқуқнинг шартномавий ёки одат нормаларини бузишнинг юридик оқибатлари ҳуқуқбузар давлатга, зарар кўргон давлат ёки давлатлар гуруҳига ҳамда бошқа давлат ва халқаро ташкилотларга таъсир қилиши мумкин. Бу оқибатлар ҳамда жавобгарлик шакллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улар ҳуқуқбузарликнинг табиати ва хавфлилиқ даражасига боғлиқ бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

а) агрессия, геноцид, ирқий кам ситиш, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик беришдан бош тортиш, уруш қонунлари ва одатларини бузганлик учун жавобгарлик;

б) ҳуқуқбузар давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларига, алоҳида ҳолатларда уларнинг юридик ва жисмоний шахсларига етказган зарарини қоплаш жавобгарлиги;

¹ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Колосов Ю.М. Ответственность в международном праве. – М., 1975; Ушаков Н.А. Основания международной ответственности государств. – М., 1970.

в) халқаро ҳуқуққа асосан ҳуқуқбузар давлатга нисбатан унинг ҳуқуқбузарлигига жавобан БМТ кўшинларини ишга солишгача бўлган мажбурлов чораларини қўллаш (масалан, БМТ Уставининг 42-моддаси бўйича) ва бошқ.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги институти анча вақтдан бери маълум. Шу билан бирга классик халқаро ҳуқуқ фанида, давлатнинг ўзига етказилган зарарни қоплаш нормаларининг мавжудлигига қарамасдан, жавобгарлик фақат шахсга ва чет элликларнинг мулкига етказилган зарарни қоплаш билан чегаралинб қолган эди (масалан, 1907 йилги халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги Гаага конвенцияси). Бироқ XX асргача мавжуд бўлган халқаро ҳуқуқда агрессия тушунчаси бўлмай, «уруш учун жавобгарлик»ни билмас ва урушнинг юридик оқибатларини унинг пайдо бўлиш сабаблари билан боғлай олмас эди.

Мустамлакачиликнинг йўқотилиши ва кўплаб ривожланаётган давлатларнинг пайдо бўлиши халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик институтида сифат ўзгаришларга олиб келди. Аҳамиятига кўра агрессия, геноцид, апартеид, ирқий кам ситиш учун, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик беришдан бош тортиш ва колониал тартибни мажбуран жорий қилиш учун жавобгарлик биринчи ўринга чиқарилди.

Уруш қонунлари ва одатларини бузганлик учун жавобгарлик сезиларли даражада қатъий тус олди. «Уруш очиш ҳуқуқи» ва «ғолиб ҳуқуқи» кабилар тарихда қолди, ҳуқуқбузар давлатларга нисбатан қўлланадиган мажбурлов чораларининг табиати ўзгарди, янги халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик субъектлари – ҳукуматлараро ташкилотлар пайдо бўлди.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги масалалари БМТ Уставида, геноцид, ирқий кам ситишни тақиқловчи Конвенцияларда, 1949 йилги уруш қурбонларини химоялаш бўйича Женева конвенциялари ва уларнинг 1977 йилги протоколларида, 1982 йилги БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенция ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланди.

Тинчлик ва инсониятга қарши, ҳарбий ҳамда бошқа халқаро жиноятлар учун жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги халқаро миқёсда эътироф этилди ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланди.

Жавобгарлик алоҳида шахсларнинг хатти-ҳаракатлари давлатнинг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда кучга киради. Бундай жавобгарлик 1945 ва 1946 йиллардаги Нюрнберг ва Токио Халқаро ҳарбий трибунал қарорларида ва халқаро характердаги жиноий ҳаракатларга таалукли халқаро конвенцияларда ўз аксини топди.

Халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги пайдо бўлишига у томонидан халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилиши асос бўлади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик – бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқ нормалари ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бузувчи ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ёки субъектлари гуруҳига ёхуд бутун халқаро ҳамжамиятга моддий ва номоддий зарар етказувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидир (масалан, агрессия акти, суверенитетни ноқонуний чеклаш, ҳудудий яхлитлик ва сиёсий мустақилликка тажовуз қилиш, шартномалардаги мажбуриятларни бузиш ва бошқ.). Бунда мажбуриятлар қачонки, халқаро ҳуқуқ субъектининг

хуқуққа зид ҳаракати ва етказилган зарар ўртасида сабабли боғланиш мавжуд бўлганда кучга киради.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқбузарликнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка олиб келувчи таркибий унсурлари қуйидагилардан иборат: субъектларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини бузувчи ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги; ҳуқуқбузарликни субъект бўйнига қўйилганлиги; халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъекти ёки субъектлар гуруҳига зарар етказилганлиги.

Давлатлар халқаро ҳуқуқ нормаларининг бузилишига ва зарар етишига олиб келган ўз ҳаракатларини оқлаш учун ҳеч қандай миллий қонун ва қоидаларга мурожаат эта олмайдилар. Шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларини билмаслик ёки уларни тушунмай нотўғри қўллаганлик ваз ж бўла олмайди. Деярли барча халқаро ҳуқуқбузарликлар онгли равишда, бирор мақсад йўлида, айбли равишда содир этилади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти халқаро-ҳуқуқий жавобгарлигининг пайдо бўлишига олиб келувчи ҳуқуққа зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлик давлат органлари (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимидаги ўрнидан қатъий назар), давлатнинг топшириғи билан ёки унинг номидан иш кўрувчи ҳокимёвд ваколатлари берилган мансабдор шахслар ва давлат номидан иш кўрувчи махсус давлат органлари томонидан содир этилиши мумкин.

Давлат жавобгарлиги ўзи иштирок этган халқаро шартнома нормаларига зид келувчи бирор қонун ёки бошқа норматив ҳужжатни қабул қилиши ёки аксинча, ўз халқаро мажбуриятларига кўра қабул қилиши шарт бўлган ва содир бўлган халқаро ҳуқуққа зид ҳаракат ёки ҳодисанинг олдини олиши мумкин бўлган қонунни қабул қилмаслиги билан кучга киради.

Давлат жавобгарлиги ҳокимият органларининг ўз вақтидаги аралашуви билан халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатнинг олдини олиб қолиш мумкин бўлган ҳолатлардаги ҳаракатсизлиги оқибатида ҳам келиб чиқади.

Давлат жавобгарлиги хорижий давлат ёки унинг органлари томонидан бошқа бир давлат ҳудудида ёки унинг ҳудуди орқали содир этилган халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатлар натижасида ҳам юзага келади. Бунда хорижий давлатнинг ҳаракатлари ўша давлатнинг кўз ўнгида ва розилиги билан амалга оширилган бўлса, ўша давлат ҳам хорижий давлатнинг халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатлари иштирокчисига айланади.

Лекин бундай ҳаракатлар ўша давлатга билдирилмасдан ва унинг розилигисиз амалга оширилган бўлса, у фақат ўз органларининг зийракликни йўқотиши натижасида хорижий давлат амалга оширган ҳуқуқбузарликнинг олдини ололмаганлиги учун жавобгар бўлиши мумкин.

Ўз ҳудудидан хорижий ҳарбий базалар яратиш ёки қуроллар ўрнатиш учун жой берган давлатлар масаласи бошқача ҳал этилади: уларнинг содир бўлиши мумкин бўлган барча хатарли оқибатлар учун жавобгарлик биргина юридик факт – ҳарбий база ташкил этиш ёки қурол жойлаштиришга рухсат билан кучга киради.

Давлатнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги ўшбу давлат органи ёки мансабдор шахсларининг ўз ваколатларини суи истеъмол қилиши натижасида хорижий давлат ёки унинг юридик ва жисмоний шахсларига зарар етказилганида ҳам пайдо бўлади. Масалан, давлат очиқ денгиздаги нефт

танкерининг ҳалокатига алоқадор бўлса ва унинг кўрган чоралари идан ортиқ бўлиб қир'оқнинг нефт билан ифлосланиш хавфини олдини олиш, камайтириш ёки йўқотиш учун зарур чоралардан ортиб кетган тақдирда зарарни қоплаши шарт¹.

1949 йилги уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси ва бошқа халқаро конвенцияларнинг уруш олиб бориш воситалари ва усуллари тартибга солувчи нормаларининг бузилишига олиб келган ҳаракатлари учун жавобгарлик давлат органи, ҳарбий қисм ёки бўлинма мансуб бўлган давлатга юклатилади.

Давлат амалдаги конвенция ва битимларда мустаҳкамланган уруш қонунлари ва одатларини ўзининг барча давлат органлари, ҳарбий қўшилмалари ва ҳарбийлари томонидан аниқ бажарилишини таъминлаш учун барча қонун чиқарувчи, маъмурий ва бошқа чораларни кўриши шарт.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлигина фақат халқаро ҳуқуқ нормалари ёки шартномавий мажбуриятларини бузганлик учун, балки халқаро ҳуқуққа зид бўлмаган ҳаракати зарарли оқибатларга олиб келиши натижасида ҳам юзага келади. Бундай ҳолат қўлланиши халқаро ҳуқуқ билан тақиқланмаган ўта хавфли манба воситасида моддий зарар етказилганда вужудга келиши мумкин.

Хавфи юқори даражада бўлган манбаларга ядровий энергетик қурилмалар (ЯЭҚ)га эга кемалар, коинотга учирилган фазовий объектлар киради. ЯЭҚга эга кемалар ўз фаолиятини очик денгизда кемалар қатнови эркинлиги доирасида олиб борадилар, фазовий объектлар эса, Давлатларнинг коинотни, шу жумладан Ой ва бошқа осмон таналарини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги 1967 йилги Шартномага мувофиқ учирилади.

Юқори даражали хавф-хатар туғдирувчи манбалардан фойдаланиш масаласида давлатлар шартнома тартибида моддий зарарни қоплаш мажбуриятини унинг ҳуқуқбузарлик натижасида пайдо бўлувчи омил сифатида эмас, балки ўша зарарнинг етказилганлиги факти асосида тан олишга келишиб олганлар (айбсиз жавобгарлик).

Фазовий объектлар томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги 1972 йилги Конвенциянинг 2-моддасида айтилишича, учирувчи давлат «ўзининг фазовий объекти томонидан Ер юзасига ёки парвоздаги ҳаво кемасига етказган моддий зарарни қоплаш учун мутлақ жавобгардир».

¹ Ст.ст. I, VI Международной конвенции относительно вмешательства в открытом море в случаях аварии, приводящих к загрязнению нефтью 1969 г.

5.7. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги турлари ва шакллари

Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги турлари иккита: сиёсий ва моддий.

Сиёсий жавобгарлик учун одатда ҳуқуқбузар давлатга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланади ва моддий жавобгарлик билан уйғунлашиб кетади. Сиёсий жавобгарликнинг энг кенг тарқалган шакли санкциялардир.

Санкциялар – бу ҳуқуқбузар давлатга нисбатан қўриладиган чоралардир. Улар халқаро ташкилотлар (универсал ва минтақавий), бир гуруҳ давлатлар ёки алоҳида давлат томонидан қўлланиши мумкин. Санкцияларнинг ҳажми ва турлари жинойтнинг оғирлиги даражасига боғлиқ.

Масалан, агрессор давлатга нисбатан қуйидаги мажбурлов чораларини қўллаш мумкин: суверенитетини вақтинча чеклаб қўйиш; худудининг бир қисмини ажратиб олиш; урушдан кейинги оккупация; (ҳарбий кучлардан маҳрум қилиш) ва қуролли кучлар таркибини қисқартириш ёки уларга эга бўлишни тақиқлаш; агрессор давлатнинг тинчлик ва инсониятга қарши ҳарбий жинойтларни содир этганликда айбдор жисмоний шахсларни одил судловга тортиш бўйича юрисдикциясини чеклаб қўйиш ва бошқ.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солганлик учун санкциялар ва уларни қўллаш тартиби БМТ Уставининг 39, 41 ва 42-моддаларида назарда тутилган.

Санкциялар мажбурлашнинг шакли сифатида фақатгина оғир халқаро жинойт содир этилган ҳолда қўлланилади. Уларни бошқа ҳолатларда қўллаш тўғри бўлмайди, чунки, аслида санкциялар халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатларни қасддан содир этганлик ёки қасддан зарар етказганликка қарши жавобдир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг агрессор давлатларга нисбатан сиёсий ва моддий жавобгарликнинг алоҳида турлари қўлланган.

Масалан, Германия бутутнлай таслим бўлганидан кейин, 1945 йил 5 июн Декларациясига мувофиқ, иттифоқдош давлатлар олий ҳокимият вазифасини ўз зиммаларига олиб, уни қуролсизлантирдилар ва вақтинчалик қуролли кучларга эга бўлишни тақиқладилар, нацист ташкилотларини тугатдилар ва келажақда фаолият юритишини тақиқладилар. Германияда оккупацион тартиб ўрнатилди.

Моддий (иқтисодий) жавобгарлик давлат томонидан моддий зарар етказишга олиб келувчи халқаро мажбуриятнинг бузилиши билан вужудга келади. У репарация, реституция ва субституция шаклларида ифодаланиши мумкин.

Репарация – бу моддий зарарни пул ифодасида, товар ва хизмат қўринишларида қоплашдир. Репарацияларнинг ҳажми ва тури одатда халқаро шартномалар асосида белгиланади. Репарация суммаси одатда уруш туфайли етказилган зарар ҳажмидан анча кам бўлади. 1945 йилги Ялта (Қрим) конференциясининг қарорига кўра Германиядан олинадиган репарация 20 млрд. долларни ташкил этган.

Реституция – бу урушаётган давлат томонидан халқаро ҳуқуққа зид равишда тортиб олинган ва рақиб ҳудудидан олиб чиқиб кетилган мулкни ўз аслида қайтариш. Масалан, 1947 йил 10 февралдаги Иттифокдош давлатлар ва Италия ўртасидаги Тинчлик битимининг 75-моддасига кўра, Италия «мумкин қадар қисқа муддатда Бирлашган Миллатларнинг ҳар қандай ҳудудидан олиб кетилган мулкни» қайтариш мажбуриятини ўз бўйнига олган.

Уруш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, тинчлик даврида халқаро ҳуқуққа зид равишда олиб қўйилган ёки ушлаб турилган мулкни қайтариш ҳам реституция объекти бўлиши мумкин.

Реституциянинг бир кўриниши субституциядир. У халқаро ҳуқуққа зид равишда йўқ қилинган ёки зарар етказилган мулк, бино, транспорт воситаси, санъат асарлари, хусусий мулк ва шу кабиларни алмаштириш ёки ўрнини қоплашдан иборат.

Сиёсий жавобгарлик турларига халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва имтиёзларини тўхтатиб қўйиш (овоз бериш, асосий органларда вакилга эга бўлиш, ёрдам ва хизматдан фойдаланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш) ва сўнги чора сифатида – ташкилотга аъзоликдан чиқариш кабилар киради.

Халқаро деликтлар (масалан, дипломатик одобни бузиш, носамимий акт, хорижликлар тартибини бузиш кабилар) учун давлатга нисбатан реторсия, репрессалия, сатисфакция, ресторация каби сиёсий жавобгарлик шакллари қўлланиши мумкин.

Реторсия деб бир давлат томонидан бошқа бир давлатга нисбатан унинг манфаатларига зиён етказгани учун халқаро ҳуқуққа мос мажбурлов чораларини қўллашга айтилади. Реторсия ўзга давлатнинг муайян нодўстона ҳаракатларига қарши бузилган ҳуқуқларни тиклашга йўналтирилган аниқ бир давлатнинг жавоби бўлиши ҳам мумкин.

Реторсияга нодўстона актни содир этган давлатдан элчини чақириб олиш, мамлакатга киришни тақиқлаш ёки делегатлар ташрифини бекор қилиш кабилар киради.

Репрессалия (ҳарбий бўлмаган) – бу бир давлатнинг иккинчи давлатга нисбатан қўллашга ҳақли мажбурлов ҳаракатлари. Репрессалия бир давлат томонидан иккинчи бир давлатнинг ҳуқуққа зид ҳаракатларига қарши бузилган ҳуқуқларни тиклаш мақсадида қўлланади. У етказилган зарар билан мос келиши ва мажбурлов қониқтирадиган даражада бўлиши лозим.

Репрессалиялар иқтисодий муносабатлар, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, радио ва бошқа алоқа турларининг тўлиқ ёки қисман узилиши ҳамда дипломатик, савдо ва бошқа алоқаларнинг узилиши, товар ва хом ашёни ҳуқуқбузар давлат ҳудудидан олиб чиқишга эмбарго қўйиш шаклларида ифодаланиши мумкин.

Қониқиш ҳосил қилинганч репрессалиялар тугатилиши керак. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи низо ва келишмовчиликларни ҳал этиш учун қуролли репрессалиялар қўллашни ман қилади (БМТ Устави 2-модда 3-банди).

Сатисфакция (қониқиш) – бу ҳуқуқбузар давлат томонидан жабрланувчи давлатга унинг шаъни ва гурурига етказган зарари учун қониқиш ҳосил қилдиришидир. Сатисфакция расмий тарзда афсусланиш ёки таъзия билдириш;

кечирим сўраш; келгусида бу каби халқаро ҳуқуққа зид ҳаракатларнинг содир этилмаслигига ишонтириш; тегишли тантанали вазиятда жабрланувчи давлат байроғига иззат-ҳурмат кўрсатиш ёки унинг мадҳиясини ижро этиш ва бошқа йўллар билан ифодаланиши мумкин.

Амалиётда ресторация деб номланувчи жавобгарлик шакли ҳам учрайди. У ҳуқуқбузар давлат томонидан бирор-бир моддий объектнинг аввалги ҳолатининг тикланишини назарда тутуди (масалан, унинг айби билан ифлосланган сувнинг аввалги сифатини тиклаш каби).

5.8. Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги

Халқаро ташкилотлар жавобгарлиги уларнинг ҳуқуқий субъектлигига асосланади ва бевосита ундан келиб чиқади. Халқаро ташкилотлар жавобгарлиги кўлами ва чегаралари улардаги ҳуқуқий субъектлик кўбилиятининг кўлами ва унинг табиатига боғлиқ.

Ҳозирги кунда қатор шартномаларда халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги ҳолатлар ўз ифодасини топган. Масалан, БМТ Уставининг 57-моддаси 1-банди ихтисослашган муассасаларнинг тегишли соҳалардаги (иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) жавобгарлигини назарда тутуди.

Коинот тўғрисидаги 1967 йилги Шартномага мувофиқ, халқаро ташкилот фазода тегишли фаолиятни амалга ошираётган бўлса, у мазкур шартнома қоидаларини бажаришга мажбурдир (VI модда). Фазовий объектлар томонидан етказилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги 1972 йилги Конвенциянинг V ва XII моддаларига асосан, фазовий объектни учурувчи ёки учуришни ташкиллаштирувчи ташкилот ўша объект томонидан етказилган ҳар қандай зарар учун жавобгар бўлади. Уни ташкиллаштиришда иштирок этган давлатлар ҳам жавобгар бўладилар.

Халқаро ташкилот ёки унинг органи томонидан халқаро ҳуқуқ нормалари ёки ташкилотнинг ички юридик нормалари ёхуд давлатнинг ички ҳуқуқи бузилишидан қатъий назар, ташкилот жавобгарлиги ҳуқуқбузарлик содир этилиши билан пайдо бўлади.

Халқаро ташкилотлар халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича жавобгарлик субъектига айланишлари мумкин. Халқаро ташкилотга жавобгарликни юклаш учун унинг айби бўлиши ва халқаро-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган мажбуриятни бузганлик ҳолати бўлиши керак.

Халқаро ташкилотларга ҳам сиёсий, ҳам моддий жавобгарликни юклаш мумкин. Масалан, сиёсий жавобгарлик ташкилот бирор давлатнинг суверен ҳуқуқларини камситувчи ёки унинг суверенитетини бузувчи қарор қабул қилганда; давлат билан ташкилот қароргоҳи мақоми тўғрисидаги шартнома ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни бузганда пайдо бўлади.

Халқаро ташкилотнинг моддий жавобгарлиги бирор фаолият, масалан, фазодаги фаолият натижасида зарар етказилганда, халқаро мажбуриятлар бажарилмаганда; хавфи юқори бўлган манбалар (масалан, автомобил, кема

кабилар) орқали зарар келтирилганда; контрактлар бузилганда; санитария нормаларига риоя қилинмаганда келиб чиқиши мумкин.

Лекин бунда давлатларга нисбатан қўлланувчи жавобгарлик шакллари халқаро ташкилотларга шунчаки кўчириб қўйиш мумкин эмас; улар ўзига хос хусусиятларга эга: сиёсий ва моддий жавобгарликнинг муайян шакллари ривожланмаган; моддий жавобгарлик пайдо бўлганда халқаро ташкилот билан бир қаторда, ўша ташкилотга аъзо-давлатлар ҳам жавобгар бўладилар.

Халқаро ташкилот ўз қароргоҳи жойлашган давлат қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин. Кўпчилик давлатлар ҳукуматлари халқаро ташкилотлар ва уларнинг хизматчилари мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қабул қилганлар ва уларни бузган ташкилотлар моддий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Халқаро ташкилот ўз ижроия органлари ва ходимларининг ҳуқуққа зид ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Масалан, 1965-1967 йилларда БМТ Бельгия, Греция, Италия, Люксембург ва Швейцария билан БМТнинг Конгодаги ҳарбий кучлари операциялари натижасида ушбу давлат фуқаролари ва уларнинг мулкига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида битим тузилди.

5.9. Жисмоний шахсларнинг халқаро жиноий жавобгарлиги

Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахслар (давлат фуқаролари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва бошқ.) шу жиноятлари учун бериладиган жазони назарда тутувчи амалдаги халқаро битимларга мувофиқ халқаро жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Жисмоний шахсларнинг халқаро жиноят (агрессия, колониализм, ирқчилик, геноцид ва бошқ.) учун жавобгарлиги шахснинг жиноий хатти-ҳаракатлари давлатнинг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда пайдо бўлади.

Жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги халқаро характерга эга бўлан жиноятларга (қароқчилик, пул белгиларини қалбакилаштириш, самолётларни олиб қочиш ва бошқ.) нисбатан ҳам жорий этилади. Мазкур жиноятлар учун жисмоний шахслар, кўпинча жиноий гуруҳлар, давлатдан мустақил равишда жавобгар бўладилар. Мансабдор шахслар ёки органларнинг бундай жиноятлардаги иштироки оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Халқаро жиноят субъекти бўлган жисмоний шахслар орасида бош жиноятчилар алоҳида ўрин тутуди. Уларнинг қаторига давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлик ва муассаса раҳбарлари, олий ҳарбий қўмондонлик кабилар кириши мумкин. Бу каби жиноятчиларнинг рўйхати содир этилган жиноятнинг оғирлиги ёки кўламини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Бош жиноятчилардан ташқари, халқаро жиноий жавобгарликка жиноий буйруқларни берган ёки ижро этган шахслар ва шу билан бир қаторда ўз ташаббуси билан жиноятни содир этган шахслар ҳам тортилиши мумкин¹.

Нюрнберг Халқаро ҳарбий трибунали Низомида ва мазкур трибуналнинг ҳукмида баён қилинган халқаро ҳуқуқ принциплари БМТ Бош Ассамблеяси

¹ Ст. 8 Устава Нюрнбергского международного военного трибунала 1945 г.

томонидан 1946 йил 11 декабрдаги Резолюция билан тасдиқланган ҳамда тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар Кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган.

Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахсларни жазолаш ҳуқуқи ва мажбурияти одатда жиноят қайси давлат ҳудудида содир этилган бўлса, ўша давлатга тегишли бўлади. Бу ҳақда гитлерчиларнинг содир этган ёвузликлари учун жавобгарлиги тўғрисидаги 1943 йилги Декларацияда, Бош ҳарбий жиноятчиларни суд тартибида таъқиб этиш ва жазолаш тўғрисидаги 1945 йилги Европа мамлакатлари Битими, Геноцид жиноятини олдини ва олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1948 йилги Конвенциянинг VI моддасида қайд этилган.

Бир қатор халқаро ҳужжатлар халқаро характерга эга бўлган жиноятларни содир этган шахсларни ҳар қандай давлат томонидан ўз ички ҳуқуқига асосан жазолай олишини назарда тутади.

Баъзан ҳудудида жиноят содир этилган давлат юрисдикцияси махсус ташкил этилган халқаро жиноят суди юрисдикцияси билан тўлдирилади. Геноцидни содир этишда айбланувчи шахслар, дейилади Геноцид жиноятини олдини ва олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенциянинг VI моддасида, агар ушбу Конвенция қатнашчилари мазкур суднинг юрисдикциясини тан олсалар, халқаро жиноят суди томонидан судланишлари мумкин. Айнан шундай ҳолат 1973 йилги Аппартеид жиноятини олдини ва олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенциянинг V моддасида ҳам мустаҳкамланган.

Манфаатдор давлатлар томонидан жиноий ёки бошқа турдаги жавобгарликка тортилувчи шахсларни топшириш (экстрадиция) бевосита махсус битимни имзолаш ёки аввал тузилган битимлар, шу жумладан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг халқаро жиноят содир этганлиги учун халқаро жиноий жавобгарлиги халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим нормаларини (агрессив урушларни таъқиқлаш ва ҳарбий жиноятчиларни жазолаш, халқаро характерга эга бўлган жиноятларга қарши курашиш ва шу жиноятларни содир этишда айбдорларни жазолаш ва бошқ.) самарали таъминлашга кўмак берувчи ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг институти сифатида умум эътироф этилган.

Ҳозирги кунда жиддий халқаро ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун жавобгар шахсларни таъқиб қилувчи икки турдаги халқаро жиноий суд фаолият кўрсатмоқда. Булар 1993-1994 йилларда ташкил этилган собиқ Югославия ва Руанда учун халқаро трибуналлардир. Бундан ташқари, 1998 йилда Италия (Рим)да Халқаро жиноят суди Статути қабул қилинган бўлиб, у 2002 йилнинг июлида 62 давлат томонидан ратификация қилинган кучга кирди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳуқуқий ворислик қайси ҳолатларда вужудга келади?
2. Нима сабабдан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги 1978 ва 1983 йиллардаги конвенциялар кучга кирмай келмоқда?

3. Собик иттифоқнинг парчаланиши натижасида ҳуқуқий ворислик қандай кечди?
4. Халқаро шартномалар, давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан ҳуқуқий ворисликнинг ўзига хосликларини кўрсатиб беринг.
5. Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси ва унинг субъектлари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг турлари ва шакллари.
7. Давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги фарқлари нимада?
8. Индивидлар (мансабдор шахслар)нинг халқаро жиноий жавобгарлиги асослари. Халқаро жиноят судлари ва трибуналлар. Халқаро жиноят судининг фаолият юритмаётганлигини асосий сабаблари ва ҳал этиш йўллари қандай?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Xalqaro huquq. Mualliflar jamoasi. Darslik. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Хакимов Р.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Ўзбекистан. Т., «Ўзбекистон», 1997.
10. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
11. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
12. М.Рафиқова, А.Ачилов. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016 йил.

6-мавзу. Халқаро шартномалар ҳуқуқи

Режа:

- 6.1. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси, унинг кодификацияси ва манбалари
 - 6.2. Халқаро шартнома тушунчаси, объекти ва мақсадлари
 - 6.3. Халқаро шартноманинг томонлари
 - 6.4. Халқаро шартномаларнинг таснифи
 - 6.5. Халқаро шартномаларнинг шакли, тузилиши ва номланиши.
- Шартноманинг тили
- 6.6. Халқаро шартномани тузиш

Таянч иборалар:

Халқаро шартнома. Халқаро шартномаларнинг кодификацияси. Халқаро шартноманинг томонлари. Жентельмен шартномаси. Ратификация. Пролонгация. Халқаро шартномаларнинг депозитарийси. Халқаро шартномани тузиш.

6.1. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси, унинг кодификацияси ва манбалари

Халқаро шартномалар ҳуқуқи – давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро шартномалар тузиши, уларнинг амал қилиши ва уларни тугатиши борасидаги муносабатларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормаларининг йиғиндисини ифодалайдиган халқаро ҳуқуқ тармоғидир.

Халқаро шартнома – халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи ва давлатларнинг ташқи функциясини амалга оширишнинг муҳим воситасидир. Халқаро шартномалар ҳуқуқида содир бўлаётган ўзгаришлар муқаррар равишда халқаро ҳуқуқнинг қолган соҳаларига ҳам таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам халқаро шартномалар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқ тизимининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, бу тизимда алоҳида ўрин эгаллайди¹. Ҳозирги вақтда дунёда 30 мингдан ортиқ халқаро шартномалар мавжуд.

Халқаро шартномалар ҳуқуқининг объекти халқаро шартномаларнинг ўзидир.

«Халқаро шартномалар – халқаро ҳуқуқнинг икки ёки бир қанча субъектлари ўртасида уларнинг муносабатларини сиёсий, иқтисодий, фан-техника, маданият ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини яратиш йўли билан тузган аниқ ифодаланган битимларидир»¹.

Халқаро шартномалар ҳуқуқини кодификация қилиш кўп сонли нормаларни халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари асосида келишилган тизимга келтиришдир.

¹ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Талалаев А. Н. Право международных договоров. – М., 1980.

¹ Дипломатический словарь. Т. 1. – М, 1996. – С. 343.

Шартнома нормаларини кодификациялаштиришга илк уринишлар Миллатлар Лигаси томонидан қилинган эди. Бироқ фақат БМТ ташкил этилганидан сўнггина халқаро шартномалар ҳуқуқининг асосий манбалари бўлган қатор муҳим универсал шартномаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мумкин бўлди. БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси ўз фаолиятини бошлагандан буён халқаро шартномалар ҳуқуқининг кодификацияси ва илғор ривожланиши билан анча фаол ва муваффақиятли шуғулланиб келмоқда. У халқаро шартномалар ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи бир қатор халқаро ҳужжатларни ишлаб чиққан. 1969 йил 23 майдаги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси шулар жумласидандир².

У халқаро шартномаларнинг, давлатлар ижтимоий-иқтисодий тизимлари ўртасидаги фарқларидан қатъий назар, улар ўртасидаги тинч ҳамкорлик воситаси сифатидаги муҳим ролини таъкидлайди, халқаро шартнома тузиш тартиби, халқаро шартноманинг учинчи томон учун аҳамияти, шартномаларни бекор қилиш учун асослар, эслатма бериш ҳуқуқи каби шартнома ҳуқуқининг турли масалаларини кўриб чиқади, бир-бирини тан олмайдиган давлатларнинг шартномада қатнашуви, давлатнинг универсал шартномаларда қатнашиш ҳуқуқи, шартномаларни қўллаш оқибатида келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби, депозитарийнинг вазифалари каби янги ҳолатларлар ва халқаро шартномалар ҳуқуқининг бошқа муҳим масалаларини таъкидлайди.

1969 йилги конвенция халқаро шартномалар ҳуқуқининг асосий манбаидир.

*1978 йил 23 августдаги Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена Конвенцияси*¹. Бу конвенцияда давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислигига тегишли нормалар ҳам кодификациялаштирилган ва ривожлантирилган эди. У асосан ҳуқуқий ворисликнинг кўп томонли шартномалар, шунингдек халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ва халқаро ташкилотлар доирасида қабул қилинган шартномаларга нисбатан турли хил жиҳатларини тартибга солади. Конвенцияда ҳуқуқий ворислик институтларининг халқаро муносабатларни ҳуқуқий мустаҳкамлаш воситаси сифатидаги аҳамияти таъкидланади.

*1986 йил 21 мартдаги БМТнинг Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси*². Конвенция давлатлар (бир ёки бир неча) ва халқаро ташкилотлар (бир ёки бир неча) ўртасидаги ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномаларга нисбатан қўлланилади. У халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари шаклидаги ҳужжатлар бўлган шартномалар ва халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган ҳар қандай шартномаларга ҳам қўлланилади.

Конвенция бу шартномаларга тегишли бўлган, уларнинг тузилиши ва кучга кириши, шартномалар қабул қилиниши тартиби, кўрсатилган шартномаларга риоя қилиш, уларни изоҳлаш каби масалаларни тартибга

² Международное право в документах. – М., 1996. – С. 69-99.

¹ Международное право в документах. – М., 1996. – С. 32-43.

² Док. ООН. A/Conf/ 129/15, 21 March 1986.

солади. Бу конвенция 1969 йилги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясини тўлдиради дейиш мумкин.

6.2. Халқаро шартнома тушунчаси, объекти ва мақсадлари

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 2-моддаси ҳамда Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги 1986 йилги Вена конвенциясига кўра, *халқаро шартнома – давлатлар ва халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан бир, икки ёки бир неча ўзаро боғлиқ ҳужжатларда бўлишидан ҳамда унинг аниқ номидан қатъий назар, ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган битимдир.*

Таърифда оғзаки шаклдаги шартномалар тўғрисида айтилмаса-да давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўзаро келишувга кўра 1969 ва 1986 йиллардаги Вена конвенцияларининг қоидаларини оғзаки шартномаларга ҳам жорий этишлари мумкин.

Халқаро амалиётда халқаро муносабатларнинг турли масалалари бўйича давлатларнинг келишилган нуқтаи назарларини акс эттирувчи бошқа ёзма ҳужжатлар ҳам қўлланилади. Мисол учун, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Якуний акти ва 1989 йилги Янги Европа учун Париж Хартияси каби ёзма ҳужжатлар амалдадир.

Бу ҳужжатлар ташқаридан шартномаларни эслатса-да, ЕХХКга аъзо давлатлар уларга шартномалар шаклини беришни хоҳламадилар. Бу нарса, айниқса, ҳужжатлар БМТ Котибиятида қайд этилмаганлиги билан ҳам тасдиқланади. Шунга қарамай, БМТ Уставининг 102-моддасида бундай талаб мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг моддий ва номоддий манфаатлари, ҳаракатлари ва ҳаракатлардан ўзини тийишлари борасидаги муносабатлари халқаро ҳуқуқнинг объектидир. Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай объекти халқаро шартнома объекти бўлиши мумкин.

Давлатларнинг ўзлари нима халқаро шартнома объекти бўлишини белгилашлари керак. Халқаро амалиётга кўра, халқаро ишларга тааллуқли бўлган, шунингдек давлатнинг ички ишларига кирувчи ҳар қандай масала халқаро шартнома объекти бўлиши мумкин.

Бироқ давлатлар давлатнинг ички ҳуқуқи доирасига кирувчи масалаларни шартнома объекти қилишдан ўзларини тиядилар.

Одатда, шартноманинг объекти шартнома номида акс этади.

Халқаро шартноманинг мақсади деганда халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома тузиш билан амалга оширишга ёки эришишга интилган нарсалар тушунилади. Шартнома давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзлари олдига қўйган мақсадига эришиш воситасидир.

Одатда мақсад шартнома Муқаддимаси ёки унинг биринчи моддаларида белгиланади. Мисол учун, БМТ Уставининг Муқаддимаси ва 1 -моддасида Уставни қабул қилиш ва БМТни тузиш мақсадлари айтиб ўтилган.

6.3. Халқаро шартноманинг томонлари

Фақат халқаро ҳуқуқ субъектларигина халқаро шартномаларнинг томонлари ёки субъектлари бўлишлари мумкин.

1969 йилги Вена конвенциясининг 6-моддасига кўра, «ҳар бир давлат шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадир». Ўз навбатида, халқаро ташкилотнинг шартномалар туза олиш ҳуқуқи «шу ташкилотнинг қоидалари билан тартибга солинади» (1986 йилги Вена конвенциясининг 6-моддаси).

Қоидалар деганда хусусан «ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари, уларга асосланиб қабул қилинган қарор ва резолюциялар, шунингдек шу ташкилотнинг қарор топган амалиёти тушунилади» (1986 йилги Вена конвенцияси 1-моддасининг 1-параграфи). Бошқача айтганда, давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий лаёқати ҳеч нарса билан чекланмаган бўлса ва улар ҳар қандай масала юзасидан шартномалар туза олсалар, халқаро ташкилотларнинг шартномалар тузиш ҳуқуқи энг аввало уларнинг таъсис ҳужжатлари билан чеклангандир.

1969 ва 1986 йилги Вена конвенцияларининг 1-моддаларида амалиётдан келиб чиққан ҳолда «музокараларда қатнашувчи давлат», «музокараларда қатнашувчи ташкилот», «келишиб олаётган давлат», «келишиб олаётган ташкилот», «қатнашчи», «учинчи давлат», «учинчи ташкилот» каби тушунчалар қўлланилади.

Музокараларда қатнашувчи давлат – шартномани тузиш ва шартнома матнини қабул қилишда қатнашган давлатдир; шартнома кучга кирган ёки кирмаганлигидан қатъий назар, шартнома у учун мажбурийлигига рози бўлган давлат келишиб олаётган давлатдир.

Шартнома улар учун мажбурий эканлигига рози бўлган ва улар учун шартнома кучга эга бўлган давлатлар шартнома қатнашчиларидир. Шартнома қатнашчилари бўлмаган давлатлар учинчи давлатлар деб аталади. Давлатларга нисбатан айтиб ўтилган барча ҳолатлар халқаро ташкилотларга ҳам тааллуқлидир.

6.4. Халқаро шартномаларнинг таснифи

Шартномалар турли асосларга кўра таснифланиши мумкин. Қатнашчилар доирасига кўра, шартномалар икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади.

Икки давлат иштирок этаётган шартнома икки томонлама шартномадир. Бир томондан бир давлат, иккинчи томондан эса бир неча давлатлар қатнашаётган шартномалар ҳам (масалан, 1947 йилги тинчлик тўғрисидаги шартномалар) икки томонлама бўлиши мумкин.

Барча давлатларнинг қатнашуви мўлжалланган универсал (умумий) шартномалар ва қатнашчилар сони чекланган шартномалар кўп томонлама шартномаларга киради. Шартномаларнинг биринчи турига 1969 ва 1986 йилги Вена конвенцияларини, иккинчи турига эса 1957 йилги ЕИКни тузиш тўғрисидаги Рим шартномасини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шартномалар очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Ҳар қандай давлат, шартномада қатнашувчи давлатларнинг розилиги ёки рози эмаслигидан қатъий назар, шартнома қатнашчиси бўла оладиган шартномалар очик шартномаларга киради.

Шартномаларда қатнашиш унинг бошқа қатнашчиларининг розилигига боғлиқ бўлган шартнома ёпиқ шартномадир. 1986 йилги Вена конвенцияси очик шартномага, 1957 йилги юқорида айтиб ўтилган Рим шартномаси эса ёпиқ шартномага мисол бўла олади.

Тартибга солиш объектларига кўра шартномалар сиёсий, иқтисодий, илмий-техник ва бошқаларга бўлинади. Бироқ, бундай гуруҳларга ажратиш шартли характерга эга, чунки давлатлар сиёсий тузилмалардир. Шу билан бир вақтда, шартномаларни объектлар бўйича таснифлаш шартномаларни ҳисобга олиш ва тизимлашни енгиллаштиради.

6.5. Халқаро шартномаларнинг шакли, тузилиши ва номланиши. Шартноманинг тили

Шартнома ёзма ёки оғзаки шаклда тузилиши мумкин (масалан, «жентельменлик келишуви» деб номланувчи шартнома). Оғзаки шаклдаги шартномалар кам тузилади, шунинг учун ҳам энг кўп тарқалган шакл ёзма шаклдир, чунки фақат ёзма шаклдаги шартномагина томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ва равшан белгилайди.

Шартноманинг тузилишига шартноманинг номи, муқаддима, асосий ва яқунловчи қисмлари каби таркибий қисмлари киради.

Муқаддима, кўпинча унда шартноманинг мақсади ифодалангани учун шартноманинг муҳим қисми ҳисобланади. Бундан ташқари, муқаддима шартномани изоҳлашда қўлланилади.

Шартноманинг асосий қисми моддаларга бўлиниши, моддалар эса бўлимлар (1982 йилги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси), боблар (БМТ Устави) ёки қисмларга (1944 йилги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго Конвенцияси) бўлиниши мумкин. Баъзи шартномаларда моддалар ва бўлимлар (боблар, қисмлар)га номлар берилади.

Яқунловчи қисмда шартномаларнинг кучга кириш ва тугатилиш шартлари, шартнома матни тузилган тилга доир қоидалар ва бошқалар баён этилади.

Халқаро шартномалар кўпинча протоколлар, қўшимча протоколлар, қоидалар, алмашув хатлари ва бошқалар кўринишидаги иловаларга эга бўлади. Агар бу ҳақда шартнома матнида тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, иловалар шартноманинг ажралмас қисми бўлиши мумкин.

Шартномалар турли номларга эга бўлишлари (масалан, конвенция, шартнома, протокол, декларация, низом, устав, хартия, акт, пакт, меморандум, битим ва бошқалар) ёки уларнинг номлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам «шартнома» тушунчасига умумий тушунча сифатида қаралади.

Шартнома матни тузиладиган тилни ахдлашаётган томонлар белгилайдилар. Икки томонлама шартнома қоидага кўра шартнома тузувчи томонларнинг тилларида тузилса-да, улар бирор бошқа тилни танлашлари ҳам

мумкин. Баъзан келишувчи томонларнинг икки тилидан ташқари, улар матнни учинчи (нейтрал) тилда тузадилар.

Кўп томонлама шартномалар шартнома тузувчи томонлар белгилаган тилда тузилади. Ҳозирда БМТ, БМТнинг ихтисослашган муассасалари ёки бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлигида имзоланадиган шартномаларни шу ташкилотларнинг расмий тилида тузиш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Шартноманинг турли тиллардаги матнлари ҳақиқий бўлиб, бир хил юридик кучга эгадир.

6.6. Халқаро шартнома тузиш

Шартнома тузиш босқичлари. 1969 ва 1986 йилги Вена конвенциялари «шартнома тузиш» деганда нима тушунилишини таърифламайди. Халқаро амалиётдан келиб чиқиб, тузиш сўзи давлатнинг музокаралар бошлашдан шартноманинг кучга киришгача бўлган барча ҳаракатларини билдиради, деган хулоса чиқариш мумкин.

Халқаро шартномалар тузиш жараёни босқичларга бўлиниши мумкин. Буларга шартнома матнини тузиш ва уни қабул қилиш, шартномаларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш ва шартноманинг мажбурийлигига розилик билдиришларни киритиш мумкин.

Қоидага кўра, шартнома тузишдан олдин шартнома ташаббуси, яъни бир давлат ёки давлатлар гуруҳининг шартнома матни лойиҳасини тақдим этиб, маълум бир шартнома тузиш таклифи келади. Бундай ҳаракатлар шартнома тузиш жараёнини, айниқса, матн устида ишлашни осонлаштиради.

Қоидага кўра, шартномаларни бунга махсус вакил қилинган шахслар тузишади, уларга ваколатлар дейиладиган махсус ҳужжат берилади. Бунда ваколатлар шартномани имзолашнинг барча босқичлари ёки фақат маълум бир босқич учун берилиши мумкин. 1969 йилги Вена конвенциясининг 7-моддасига кўра, давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ёки ташқи ишлар вазирларига ваколатлар керак эмас ва улар шартнома тузиш билан боғлиқ барча ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Халқаро ташкилотлар ва халқаро конвенциялардаги дипломатик ваколатхоналар ва давлат бошлиқларига ҳам ваколатлар зарур эмас, бироқ улар фақат шартнома матнини қабул қилишга тегишли ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин.

Ваколатлар бериш давлатнинг ички қонунчилигига кўра амалга оширилади. У қайси давлат органида бундай ҳуқуқ борлигини белгилайди.

Халқаро ташкилотни махсус ваколатларга эга бўлган ёки халқаро ташкилотлар қоидаларига асосан бундай ваколатларни тақдим этмай туриб ҳам вакил бўла оладиган шахс намоён қилиши мумкин (1986 йилги Вена конвенциясининг 7-моддаси).

Шартнома матнини тайёрлаш ва уни қабул қилиш. Шартнома матнини тайёрлаш халқаро конвенциялар ва халқаро ташкилотларда оддий дипломатик йўллар орқали музокаралар олиб бориш усули билан амалга оширилади. Қоидага кўра, дипломатик музокаралар йўли билан икки томонлама шартномалар матнлари тайёрланади.

Халқаро ташкилотларда шартномалар матни лойиҳалари уларнинг асосий органлари ёки шу мақсадлар учун махсус тузилган ёрдамчи органлар томонидан ишлаб чиқилади. Амалиётда халқаро конференциянинг ўзи шартнома матни лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳоллари ҳам мавжуд. 1982 йилги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси бунга мисолдир, унинг матнини 1974-1982 йиллардаги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича конференциялари ишлаб чиққан.

Шартнома матни қабул қилиниши билан, моҳиятан, давлатлар ўртасидаги бу матнни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган музокаралар тугайди. 1969 йилги Вена конвенциясининг 9-моддаси 1-бандига кўра, «шартнома матни уни тузишда қатнашган барча давлатларнинг розилиги билан қабул қилинади». Шартнома матни имзолаш ёки тасдиқлаш кўринишида қабул қилиниши мумкин. Халқаро конвенцияларда шартнома матни уларнинг иш тартиби қоидаларига кўра қабул қилинади.

Бироқ, унда қабул қилиш тартиби белгиланган бўлмаса, матн 1969 йилги Вена конвенциясининг 9-моддаси 2-бандида назарда тутилганидек, яъни «ҳозир бўлган ва овоз беришда қатнашаётган давлатлар вакилларининг учдан икки қисмининг овоз бериши йўли билан» қабул қилинади. Худди шундай ҳолат 1986 йилги Вена конвенциясининг 9-моддасида ҳам мавжуд.

Халқаро ташкилотлар, масалан, БМТда шартнома матнлари бу ташкилотларда мавжуд бўлган қоидаларга кўра қабул қилинади. Қоидага кўра, шартнома матни тегишли резолюция қабул қилиш йўли билан қабул қилинади.

Халқаро амалиёт халқаро конференция ва халқаро ташкилотларда шартнома матнини қабул қилишнинг янги шакли – қатнашчилар нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш йўли ва ҳеч бир қатнашчи томонидан расмий қаршилик бўлмаганда шартнома матнини овоз беришсиз қабул қилиш шаклини ишлаб чиқди. Шартнома матнини қабул қилишнинг бундай кўриниши консенсус номини олди.

Шартнома матнининг аутентиклигини аниқлаш. Шартнома матнининг аутентиклиги берилган матн ҳақиқий ва ишончлилигини билдиради.

1969 йилги Вена конвенциясининг 10-моддасида кўрсатилишича аутентик имзолаш, ad referendum имзолаш, ёки шартнома матнининг ўзини ёки конференциянинг шу матнни ўз ичига олган якуний ҳужжатини тасдиқлаш йўли билан белгиланади. Бунда келишувчи давлатларнинг ўзлари қандай қилиб матннинг аутентиклигини аниқлашни белгилашларини ҳисобга олиш зарур.

Ad referendum имзолаш (шартли имзолаш) – шартнома керакли давлат ёки халқаро ташкилот томонидан тасдиқланиши зарурлигини билдиради.

Тасдиқлаш деганда, қоидага кўра, шартнома матнининг ҳар бир варағи давлат ёки халқаро ташкилот вакилларининг исм-шарифлари билан имзоланиши тушунилади.

Шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш усуллари. Шартноманинг мажбурийлигига давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқук субъектларининг розилик билдиришлари шартнома тузишнинг охириги босқичидир. 1969 ва 1986 йилги Вена конвенцияларининг 11-моддалари шартноманинг мажбурийлигига розилик билдиришнинг қуйидаги усулларини

белгилади: шартномани имзолаш, шартномани ташкил этувчи ҳужжатларни алмашиш, шартномани ратификация қилиш, уни қабул қилиш, тасдиқлаш, унга қўшилиш ёки томонлар келишган бошқа бирор усул.

Шартноманинг мажбурийлигига розилик билдиришнинг энг кенг тарқалган усули уни имзолашдир.

Халқаро амалиёт шартномалар имзолашнинг маълум қоидаларини ишлаб чиқди. Мисол учун, икки томонлама шартнома остидаги давлатлар вакилларининг имзолари бир-бирига қарама-қарши ёки бири иккинчисининг остида жойлашади. Ҳар иккала тиллардаги матнларда биринчи ўринни (чап ёки юқори қисмда) шартноманинг шу нусхаси сақланадиган давлат вакилининг имзоси эгаллайди. Шартноманинг номида ҳам биринчи ўринда шартнома асл нусхасининг шу нусхаси сақланадиган давлатнинг номи туради. Шартнома матни ўнгдан чапга қараб ёзиладиган тилларда ўнг томондаги имзо биринчи ўрин ҳисобланади. Бундай ўрин алмашиш *альтернат принципи* деб аталади.

Кўп томонлама шартнома остидаги давлат вакилларининг имзолари қатнашчилар келишган тилдаги алифбо тартибида бирин-кетин жойлашади. Бунда давлатлар вакилларининг имзолаш тартиби биринчи ўридан эмас, балки қуръа ташлаш йўли билан ҳар қандай жойдан бошланиши мумкин.

1969 ва 1986 йилги Вена конвенцияларида имзолашнинг яна бир хусусияти тўғрисида гапирилади. Бу конвенцияларнинг 18-моддаларига кўра, шартномани ратификация қилган, қабул қилган ёки тасдиқлаган давлатлар ёки халқаро ташкилотлар шартномани объект ва мақсаддан маҳрум этувчи ҳаракатлардан тийилишлари зарур. Давлатлар ёки халқаро ташкилотлар бундай шартноманинг қатнашчилари бўлиш ниятларини билдирмас эканлар, ҳали кучга кирмаган ва шу вақтда амалда бўлган шартномаларга нисбатан ҳам кўрсатилган ҳаракатлардан ўзларини тийишлари зарур.

Шартноманинг мажбурийлигига розилик беришнинг кейинги усули *ратификациядир*.

Вена конвенцияларига кўра, ратификация халқаро ҳужжатдир. Бироқ, шу билан бирга, ратификация ички ҳуқуқ институти ҳамдир, чунки фақат ички ҳуқуққина давлатнинг қайси органлари шартномаларни ратификация қилиш учун вакил қилинганини белгилайди. Одатда, давлатларнинг бошлиқлари ва парламентлар шундай органлар бўлади. Ратификация моҳиятан халқаро ҳужжат сифатида, шартномаларнинг мажбурий бўлиши учун зарур бўлган жараённи билдиради. Бу ҳолат икки томонлама шартномалар тузилган ҳолларда ратификация ёрлиқлари алмашиш ва кўп томонлама шартномалар бўлган ҳолларда уларни сақлаш учун депозитарийга топширишни назарда тутлади.

Халқаро ташкилот томонидан шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш мақсадида амалга ошириладиган *расмий тасдиқлаш* ҳужжати ратификацияга тенглаштирилади.

Вена конвенцияларидан келиб чиқсак, ратификация у шартноманинг ўзида назарда тутилган бўлса ёки давлат вакили шартномани ратификация қилиш шартин билан имзолаган бўлсагина талаб қилинади. Кўпгина

давлатларнинг қонунчилиги қайси шартномалар ратификация қилиниши лозимлигини белгилайди.

Барча айтилганлар қабул қилиш ва тасдиқлаш ҳужжатларига ҳам тааллуқлидир. Шартноманинг мажбурийлигига розилик ҳужжатлар алмашуви, масалан, ноталар ёки шундай мазмундаги хатлар билан билдирилади. Бу жараёни шартнома предметининг ўзидан иборат бўлган хатлар ёки ноталар алмашуви орқали тузишдан фарқлаш лозим.

Шартноманинг мажбурийлигига розилик шартномага қўшилиш йўли билан ҳам ифодаланиши мумкин (Вена конвенцияларининг 13-моддаси). Вена конвенцияларининг ҳеч бири қўшилиш тушунчасини очиб бермайди. Шунга қарамай, халқаро амалиёт шу муносабат билан маълум қоидалар ишлаб чиққан. Қўшилиш одатда кучга кириб бўлган шартномага нисбатан амалга оширилади. Шартнома матнини тайёрлаш ва уни қабул қилиш ва хатто шартномани имзолаган, лекин у кучга кирмагунча унинг мажбурийлигига розилик билдирмаган давлат ҳам қўшилиши мумкин. Қўшилиш, масалан, қўшилиш тўғрисидаги протоколни ратификация қилиш ёки имзолаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Халқаро ҳужжатлар сифатида ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш ёрлиқлари эътироф этилади. Уларни алмашиш, уларни сақлашга топшириш ёки бундай ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабарномалар зарурий ҳолатдир. Бунда ратификация – ратификация ёрлиғини қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилишда эса – ноталар, хатлар ва бошқа ҳужжатлар кўринишида расмийлаштирилади.

Депозитарийнинг функциялари. Кўп томонлама шартноманинг тузилиши шартноманинг асли ва у билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш учун сақловчи (депозитарий) тайинлаш заруратини келтириб чиқаради. 1969 йилги Вена конвенциясининг 76-моддаси ва 1986 йилги Вена конвенциясининг 77-моддасига кўра, сақловчи (депозитарий) сифатида бир ёки бир неча давлатлар, халқаро ташкилот ёки бундай ташкилотнинг ижроия органи ёки мансабдор шахси тайинланиши мумкин. Масалан, 1969 ва 1986 йилги Вена конвенцияларининг сақловчиси БМТнинг Бош котибидир.

1969 йилги Вена конвенциясининг 77-моддаси ва 1986 йилги Вена конвенциясининг 78-моддасига кўра, сақловчи (депозитарий)нинг вазифаларига: ваколатлар, ратификация ёрлиқлари, қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлаш; шартнома аслидан олинган, тасдиқланган нусхаларини унинг қатнашчилари ҳамда шартнома қатнашчилари бўлиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотларга жўнатиш; шартномага тааллуқли бўлган ҳужжатлар, хабарномалар ва хабарлар тўғрисида ахборот бериш; шартномага тегишли бўлган имзолар, ҳужжатлар, хабарномалар ва хабарларни тўлиқ тартибда ва керакли кўринишда ўрганиш; шартнома қатнашчилари бўлиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлар ва халқаро ташкилотларга шартноманинг кучга кириши учун зарур бўлган имзолар, ратификация ёрлиқлари ёки расмий тасдиқлаш ҳужжатиغا тегишли ҳужжатлар тўғрисида маълумотларни бериш, шартномага қаршилиқлар ва эслатмаларни олиб ташлаш тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиб олиш,

шартнома иштирокчиларига жўнатиш, шартномани БМТ котибиятида қайд этиш ва ҳ.к. киради.

Сақловчининг (депозитарийнинг) вазифалари ўз характериға кўра халқаро бўлиб, уларни бажаришда у холис ҳаракат қилиши зарур.

Шартномаларни рўйхатға олиш ва эълон қилиш. XX аср шартномалар рўйхатға олина бошлангани билан тавсифланади. Иккинчи жаҳон урушиға қадар шартномаларни рўйхатға олиш билан Миллатлар Лигаси котибияти шуғулланар эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилиши билан унинг аъзолари бўлган давлатлар Уставнинг 102-моддасиға кўра, ўз шартномаларини БМТ Котибиятида рўйхатдан ўтказишлари зарур.

Агар шартнома рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, давлатлар уни БМТнинг ҳеч бир органида далил қилиб келтира олмайдилар. БМТ Котибияти, ўз навбатида, имконият туғилиши билан рўйхатға олинган шартномаларни махсус тўпламда босиб чиқаради. Бу модданинг БМТ Уставиға киритилиши, яширин дипломатияни чеклаш ва халқаро ҳамжамиятға шартномалар мазмунини етказиш мақсадларини кўзлайди.

БМТ Котибиятидан ташқари бошқа ташкилотлар, масалан, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти, Атом энергияси халқаро агентлиги ва Халқаро меҳнат ташкилотлари ҳам шартномаларни рўйхатға олиш билан шуғулланади. Шартнома халқаро ташкилотларда рўйхатға олинган бўлса ҳам, Вена конвенцияларига кўра, БМТ Котибиятида рўйхатға олиними зарур.

Кўпгина давлатлар уларнинг иштирокида тузилган шартномаларни эълон қилишни назарда тутуди. Давлат ички наشري *промульгация (нашир этиши)* деб аталади.

Истиснолар. Вена конвенцияларида таъриф берилишича, истисно бирор давлат ёки халқаро ташкилотнинг, ҳар қандай номда, имзолаш, ратификация, расмий тасдиқ акти, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш пайтида қилинган бир томонлама баёнотомаси бўлиб, унинг воситасида зикр этилган субъектлар шартноманинг маълум қоидалари юридик кучини ўзларига нисбатан ўзгартириш ёки истисно қилишдир.

Бироқ Вена конвенциялари истиснолар қилиш ҳуқуқини чеклайди. Мисол учун давлат, агар бундай ҳолат шартноманинг ўзи билан тақиқланган бўлса, шартноманинг объект ва мақсадларига мос келмаса ёки шартнома томонидан рухсат этилганлар қаторига кирмаса, истисно қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Агар у ёки бу моддаға нисбатан истисно мумкинлиги назарда тутилган бўлса, у келишилаётган томонлардан бирор-бир махсус қабул қилишни талаб этмайди. Бошқа ҳолатлар учун Вена конвенциялари истисноларға қарши норозилик билдиришнинг ўн икки ойлик муддатини белгилайди. Агар бундай норозилик билдирилмаса, истисно қабул қилинган ҳисобланади.

Истисно ва уни бошқа қатнашчи томонидан қабул қилинишининг юридик оқибатлари шундаки, истисно, уни қилган қатнашчи учун, шартноманинг бошқа қатнашчилари билан, шартноманинг истисно билан боғлиқ ҳолатлари бўйича муносабатларини ўзгартиради. Агарда бирор-бир қатнашчи бошқа қатнашчининг истисносига норозилик билдирса, улар ўртасидаги шартнома, унинг истисно қилинган ҳолатларидан ташқари, амалда бўлади.

Истиснолар, истисноларга розилик ёки норозиликлар ёзма шаклда бўлиши ва келишувчи томонлар эътиборига ҳавола этилиши зарур. Истиснога розилик назарда тутилиши ҳам мумкин. Агарда истисно ратификация қилиниши зарур бўлган шартномани имзолашда, расмий тасдиқ актида, қабул қилиш ёки тасдиқлашга қадар қилинса, у қатнашчи томонидан, уни шартноманинг ўзи учун мажбурийлигига розилик билдиришда тасдиқланиши зарур.

Истисно қилган қатнашчи уни ҳар қандай пайтда олиб ташлаши мумкин. Бундай ҳолда истиснони тан олган қатнашчиларнинг розилиги зарур бўлмайди. Истиснога норозилик ҳам ҳар қандай вақтда олиб ташланиши мумкин. Истисноларни олиб ташлаш ва уларга норозиликлар ёзма шаклда расмийлаштирилиши лозим.

Баъзан давлатлар имзолаш, ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ёки шартномага қўшилишда шартноманинг баъзи ҳолатлари бўйича ўз нуқтаи назарларини очиб берувчи баёноتلар қиладилар. Бундай баёноتلарни истиснолардан фарқлаш лозим, чунки улар бир томонлама ҳужжат бўлиб, шартнома ҳолатларини ўзгартиришга қаратилмагандир ва юридик оқибатларга олиб келмайди.

Ўзбекистоннинг халқаро шартномавий амалиёти 2019 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун билан тартибга солинади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро шартномалар ҳуқуқини кодификациялаш ҳақида сўзлаб беринг.
2. Халқаро шартномаларнинг тизимини таърифлаб беринг.
3. Халқаро шартномаларни номлашнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни тузиш ва уларни бажаришга доир қонунчилиги нималардан иборат?
5. Шартноманинг мажбурийлигига розилик билдириш усулларини таърифлаб беринг.
6. Депозитарийнинг функциялари.
7. Шартнома матнининг аутентиклигини аниқлашни таърифлаб беринг.
8. Шартномаларни рўйхатга олиш ва эълон қилишни сўзлаб беринг.
9. Шартнома матнининг аутентиклигини аниқлашни таърифлаб беринг.
10. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчасини сўзлаб беринг.
11. Халқаро шартнома тушунчаси, объекти ва мақсадларини айтиб беринг.
12. Халқаро шартноманинг томонларини таърифлаб беринг.
13. Халқаро шартномаларнинг таснифларини айтиб беринг
14. Халқаро шартномаларнинг шакли, тузилиши ва номланишини таърифлаб беринг.
15. Халқаро шартномани тузишни сўзлаб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Xalqaro huquq. Mualliflar jamoasi. Darslik. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Xalqaro shartnomalar huquqi. Mualliflar jamoasi. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮУ, 2020
4. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
5. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
6. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
7. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
10. Умаррахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003.
11. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
12. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

7-мавзу. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, БМТ ва ихтисослашган ташкилотлар

- 7.1. Халқаро ташкилотларнинг яратилиш тарихи
- 7.2. Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи
- 7.3. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ субъектчилиги, функциялари
- 7.4. Халқаро ташкилот органлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиниши
- 7.5. Халқаро ташкилотларнинг турлари ва органлари

Таянч иборалар:

Халқаро ташкилотларнинг яратилиш тарихи. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ субъектчилиги, функциялари. Халқаро ташкилотларга аъзолик. Халқаро ташкилотларнинг турлари ва органлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг роли ва тизими. Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик (АЭХА) - (МАГАТЭ). Минтақавий халқаро ташкилотлар. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. Божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги. Бутунжаҳон божхона ташкилоти. Бутунжаҳон савдо ташкилоти. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. МДҲга аъзо давлатлар божхона хизматлари раҳбарларининг кенгаши.

7.1. Халқаро ташкилотларнинг яратилиш тарихи, ҳуқуқ субъектчилиги, функциялари

Халқаро ташкилотлар қадим замонлардаёқ юзага келган бўлиб, жамиятнинг тараққий этиши билан бирга такомиллашиб борган.

Қадимги Грецияда милоддан аввалги VI асрда шаҳар (полислар) ва йиғинлар уюшмаси (масалан, Лакедим ва Делос Симмакияси) ёки диний-сиёсий қабилалар ва шаҳарлар (масалан, Дельфия-Фермопиль амфикиони) кўринишида илк доимий халқаро бирлашмалар юзага келди.

Мазкур бирлашмалар замонавий халқаро ташкилотларнинг тимсоли бўлди. Кўпгина олимлар ушбу тарихий босқичда мазкур уюшмалар грек давлатларини бирлаштирган ҳамда уларнинг бир-биридан ажралиб қолишининг олдини олган деб ҳаққоний хулоса чиқарганлар.

Халқаро ташкилотлар тараққиётининг кейинги босқичи халқаро ихтисодий ва божхона бирлашмаларининг яратилиши бўлди. Бу каби уюшмаларнинг энг биринчиси Ганзей савдо иттифоқи бўлиб, у бутун Шимолий Германияни ўрта аср ваҳшийлигидан қутқарди. Мазкур иттифок XVI асрга келиб узил-кесил шаклланиб, унинг бошида Любек шаҳри турди.

XIX аср бошларида Германия божхона иттифоқи яратилди. Мазкур иттифокқа кирган барча давлатлар маҳсулот олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит бўйича ягона қонунларга бўйсунилари керак эди.

Халқаро ташкилотлар тарихини ўрганувчи мутахассислар илк ҳукуматлараро ташкилот, классик нуқтаи назардан, 1831 йилда тузилган Рейнда кемалар қатнови бўйича Марказий комиссия бўлган, деб

ҳисоблайдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ, Ерни ўлчаш бўйича халқаро иттифоқ (1864 йил), Халқаро телеграф иттифоқи (1865 йил), Халқаро почта иттифоқи (1874 йил), Халқаро ўлчов ва тарозилар бюроси (1875 й.), Халқаро ва санъат мулкани ҳимоя қилиш халқаро иттифоқи кабилар вужудга келди.

Бу даврда давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кенгайиб, ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини қамраб ола бошлади. Мазкур даврдаги барча ташкилотлар доимий органлар, турғун аъзолар, қароргоҳларга эга бўлганлар. Уларнинг ваколати махсус муаммоларни муҳокама қилиш билан чекланган.

Халқаро ташкилотларнинг тараққий топишида кейинги муҳим босқич Биринчи жаҳон урушидан кейинги давр бўлиб, бунда давлатлар тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш бўйича халқаро ташкилот тузишга киришдилар. Чунончи, 1919 йилда Миллатлар Лигаси ташкил топди. Миллатлар Лигасининг асосий органлари Лигадаги барча аъзоларнинг йиғини, кенгаш ва доимий котибият ҳисобланади.

Унинг асосий вазифаси тинчликни сақлаш ва янги уруш келиб чиқишининг олдини олиш бўлган. Миллатлар Лигаси тинчликни сақлаш учун барча чораларни кўриши керак эди. Башарти, Лиганинг у ёки бу аъзоси ўзига олган мажбуриятларга ҳилоф равишда уруш очса, Лиганинг асосий аъзолари у билан ҳар қандай савдо ва молиявий муносабатларни узиши, Кенгаш эса, турли манфаатдор давлатларга у ёки бу қўшинлар таркибини олиб чиқиш ҳақида таклиф билан чиқиши шарт эди.

Миллатлар Лигаси Низомида тинчликни сақлаш бўйича турли самарали чоралар назарда тутилган. Унда давлатлар қуролланганлигини миллат хавфсизлигини таъминлаш учун керак бўлган миқдоргача чеклаш зарурати тан олинган. Лига кенгашига ҳар бир давлат учун қуролларни чеклаш режасини танлаш ҳамда уларни манфаатдор ҳукуматларга муҳокама қилиш учун тақдим этиш тавсия этилган.

Бироқ, Миллатлар Лигаси тинчликни сақлаш ҳамда халқаро можароларни тинч йўл билан ҳал этиш билан боғлиқ ўзининг асосий вазифасини бажара олмади. Лига аъзолари ўртасида юзага келган келишмовчиликлар қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкониятини йўққа чиқарди.

Чунончи, Миллатлар Лигаси Иккинчи жаҳон уруши, шунингдек Япониянинг Хитойга, Италиянинг Эфиопияга (Италия-Абиссиния можароси), Германиянинг Австрия ва Чехословакияга ҳужумининг олдини олишга муваффақ бўла олмади.

Ниҳоят, Миллатлар Лигаси ўз мажбуриятларини мазкур тарихий босқичда адо эта олмаганлиги боис, 1946 йил 18 апрелда расман тугатилди, аслини олганда эса, 1936 йилдан бошлаб Миллатлар Лигаси деярли фаолият юритмай қўйган эди. Шундай қилиб, халқаро ташкилотларнинг яратилиши ва ривожланиши босқичма - босқич амалга оширилган.

Бора-бора давлатлар турмушнинг турли соҳаларида халқаро ҳамкорлик қилиш заруратини тушуниб етдилар. Бу, ўз навбатида, фан, ҳарбий техника ва санъатда тадқиқотлар алмашишга олиб келди. Аввалги халқаро ташкилотлар ҳозирги замон халқаро ташкилотларининг тимсолига айланган бўлиб, уларнинг аҳамияти беқиёсдир.

7.2. Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг шаклларида бири сифатида муҳим рол ўйнайди.

Халқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ва ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмақда. ХХІ аср бошида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг сони 4 мингдан ортиқ бўлиб, 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир.

«Халқаро ташкилотлар» атамаси одатда давлатлараро (ҳукуматлараро) ва ноҳукумат ташкилотларга нисбатан қўлланилади.

Давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилот учун қуйидаги белгилар характерлидир:

- биринчидан, давлатларнинг аъзолиги;
- иккинчидан, халқаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;
- учинчидан, доимий органларининг мавжуд бўлиши;
- тўртинчидан, давлатлар суверенитетининг ҳурмат қилиниши;

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг асосий фарқли белгилари уларнинг давлатлараро шартнома асосида ташкил этилмаганликлари, жисмоний ва юридик шахсларни бирлаштирганликлари (масалан, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси)дан иборат.

Азоларининг таркибига кўра халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар:

- биринчи, универсал, барча давлатлар иштирок этишлари учун очик ташкилотлар (БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари);
- иккинчи, минтақавий, маълум минтақада жойлашган давлатларгина аъзо бўлишлари мумкин ташкилотлар (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти)га бўлинади.

Давлатлараро ташкилотлар умумий ва махсус ваколатли ташкилотларга бўлинади.

Умумий ваколатли ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳамма (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) соҳаларига тегишли бўлади.

Махсус ваколатли ташкилотларнинг фаолият соҳаси бирор аниқ (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий) соҳа билан чегараланган бўлади.

Ваколатлари табиатидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш давлатлараро ва давлатлардан юқори турувчи ташкилотларни фарқлашга имкон беради. Биринчи гуруҳга мавжуд ташкилотларнинг аксарият қисми киради ва уларнинг вазифаси давлатлар ўртасида ҳамкорликни амалга оширишдан иборат бўлиб, бу борада қабул қилинган қарорлар аъзо давлатларга юборилади.

Давлатлардан юқори турувчи ташкилотлар мақсади интеграция йўналтирилган. Бу ташкилотларнинг қарорлари аъзо ташкилотларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига бевосита йўналтирилган бўлади.

Халқаро ташкилотларнинг юридик табиати. Халқаро ташкилотлар юридик табиатининг асосини умумий мақсадлар, қизиқишлар ташкил этади.

Халқаро ташкилотларнинг ташкил этилишида давлатлар суверен тенглиги тамойили етакчи ҳисобланади. Бу:

- биринчидан, халқаро ташкилотнинг шартнома асосида ташкил этилганлиги ва аъзо бўлишнинг ихтиёрийлиги;

- иккинчидан, халқаро ташкилот қарорларининг асосан тавсиявий характерга эгаллиги;

- учинчидан, халқаро ташкилотнинг хусусияти, давлатларнинг ўзаро тенглиги ва суверенитетининг сақланишида кўринади.

Халқаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг мақсадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошқалар келишилган шартномага асосланган бўлади.

Албатта халқаро ташкилотларнинг муайян ваколатлар ва мажбуриятларга эга бўлишлари уларнинг халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи, давлатлар билан тенглаштирилиши деган маънони англатмайди.

Ўз вазифаларини бажаришлари учун халқаро ташкилотлар керакли юридик воситаларга эга бўлишлари керак. Шу ўринда БМТ Уставининг 104-моддасида: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар бир аъзо давлат ҳудудида ўз вазифаларини амалга ошириш ва мақсадларига эришиш учун керак бўладиган ваколатлардан фойдаланади», — дейилади.

Халқаро ташкилотларга шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади, яъни улар ўз ваколатлари чегарасида турли битимлар тузадилар.

Шартномалар тузиш ҳуқуқи икки хил йўл билан: ташкилот вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда исталган шартномаларни тузиш ҳуқуқини берувчи умумий низомда ёки алоҳида ваколат орқали мустаҳкамланади.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ ўртасида иқтисодий ўсишнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий соҳанинг илдамлашига кўмаклашиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадларини кўзлаб БМТнинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи кўшма ваколатхона тузиш ҳақида битим имзоланган. Бугунги кунда БМТнинг Тараққёт дастури мазкур бирлаштирувчи вазифани бажариб келмоқда.

Халқаро ташкилотлар ва уларнинг ходимлари иммунитет ва ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида халқаро ташкилотлар ўз фаолиятлари натижасида келиб чиқувчи зарар учун жавобгардирлар ва даъво билан мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

7.3. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ субъектлиги, функциялари

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида таъкидланганидек, ташкилот ўз аъзоларининг ҳудудида, ўз функцияларини бажариши учун зарур бўладиган ҳуқуқий лаёқатга эга бўлади (104-модда). Бироқ, бу ташкилотнинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур халқаро-ҳуқуқий лаёқат ҳамда фаолият лаёқатини инкор этиш деган маънони билдирмайди.

1949 йили, ўзининг БМТда хизмат қилиш вақтида етказилган зарарни коплаш бўйича Консультатив хулосасида Халқаро Суд Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти шундай вазифа ва ҳуқуқлардан фойдаланадики, улар анча миқдордаги халқаро-ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши билан тушунтирилиши мумкин,¹ деб изоҳлаб ўтган.

Ҳозирги даврда барча халқаро ташкилотлар махсус ҳуқуқ субъектликка эга бўлиб, улар таъсис ҳужжатларида тўғридан - тўғри кўрсатилади.² Бу, шубҳасиз, давлатлар халқаро - ҳуқуқий субъектликка эга бўлмаган ташкилотни таъсис эта олмайди, деган маънони билдирмайди.

Ички ҳуқуққа кўра, ҳуқуқий субъектлик албатта йўқ бўлиши мумкин эмас. Ташкилот давлат ҳудудида ҳуқуқий муносабатларга киришади (товар ва хизматларга эга бўлиш, ижара, хусусий мулкчилик, меҳнат муносабатлари ва ҳ.к.) Давлатларнинг суд амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ташкилотнинг ҳуқуқий субъектликлиги унда аъзо бўлмаган давлатлар ҳудудида ҳам тан олинади. Битим тузишда ташкилот оддий юридик шахс каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка эга бўлади. Битим тузишдан ташқари бўлган мажбуриятлар бўйича ҳам жавобгарликка эга бўлади, масалан: йўл ҳаракати қонунлари бузишда. Бироқ, мазкур жавобгарликни амалга ошириш ташкилот алоҳида иммунитетга эгаллиги сабабли қийинлашиши мумкин. Бундай ҳолларда у ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида иммунитетдан воз кечиши мумкин. Ташкилот одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Бироқ, бундай рад этиш бўлмаган тақдирда иш дипломатик даражада ҳал қилиниши керак. Ташкилотга, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, халқаро даражада даъво билан мурожаат этилади.

Ташкилотнинг халқаро-ҳуқуқий субъектликлиги махсус хусусиятга эга бўлиб, унинг вазифалари билан белгиланади. Бошқа субъектлар каби, ташкилот халқаро ҳуқуқ нормаларини бажариши мажбурий бўлиб, уларни бузганлик учун жавобгарликка тортилади. Ташкилотнинг ҳуқуқий субъектликлиги давлатлар ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро битимлар тузиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Масалан, мазкур битимлар кишилар турар жойининг мақоми, иммунитетлари, турдош ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида бўлиши мумкин. 1986 йилги Ташкилотлар иштирокидаги шартномалар ҳуқуқи бўйича Вена конвенциясида: «Халқаро ташкилотнинг шартномалар тузиш бўйича ҳуқуқий лаёқатлиги мазкур ташкилот томонидан тартибга солинади», дейилган (6-модда). Ташкилотлар мазкур конвенциянинг иштирокчилари ҳисобланади. Бошқа кўп томонлама конвенцияларга келсак, уларда аксарият давлатлар иштирок этиб, улар ташкилот учун ҳам мажбурий бўлган нормаларни яратадилар.

¹ ICJ. Reports.1949. – P. 179.

² 1991 йилдаги Йўлдош алоқаси халқаро ташкилоти (ИНТЕЛСАТ) тўғрисидаги кўптомонлама халқаро битимда айтилишича:

а) ИНТЕЛСАТ ҳуқуқ субъектликлигига эга. У ўз вазифаларини адо этиш ҳамда мақсадига эришиш учун зарур ҳуқуқий лаёқатга ҳамда қуйидагиларга эга: 1) давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан битимлар тузиш; 2) шартномалар тузиш; 3) мол-мулкка эгаллик қилиш ҳамда уларни тасарруф этиш; 4) суд жараёнида тарафлардан бири бўлиш.

б) ҳар бир иштирокчи ўз юрисдикцияси доирасида шундай чораларни кўрадики, улар ўз қонунчилигига мувофиқ равишда мазкур модда ҳолатлари қонуний кучга киришини таъминлаши керак бўлади // БМД. – М., 1993. – № 5. – С. 6

Ташкилотлар ўз ваколати доирасида дипломатик муносабатларда ҳам иштирок этади. Бир қатор ташкилотларда давлатларнинг доимий ваколатхоналари мавжуд. Ташкилотлар ўз миссияларини давлатларга юбордилар ва улар қошида ўзларининг шу давлат қошидаги ваколатхоналарини (Representative office) таъсис этадилар.

Ташкилотлар давлатлар ва ваколатхоналарни эътироф этишда иштирок этадилар. Ҳуқуқий жиҳатдан бу давлатларнинг имтиёзи ҳисобланади. Бироқ, ташкилотга қабул қилиш тан олинишга тўғридан-тўғри йўл бўлиб, гоҳида алоҳида давлатлар томонидан тан олинишга қараганда кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ташкилотлар, одатда, халқаро ташкилотлар, баъзида эса, бошқа ташкилотлар қарори билан яратилади. Бундай шартномани тузган давлатлар бошланғич иштирокчилар деб номланади. Умуман олганда, уларнинг ҳуқуқий мақоми янги аъзоларнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилмайди.

Шунингдек, ташкилотлар аъзоларнинг розилиги билан тугатилади. Янги ташкилотларни яратиш жараёни доимо содир бўлади. Уларни тугатиш эса камдан-кам учрайдиган ҳодисадир. Чунончи, 1991 йилги Варшава шартномаси ташкилотларининг аъзо давлатлар розилиги билан тугатилишини мисол қилиш мумкин.

Халқаро ташкилотларнинг функциялари. Ташкилотлар олдида турган вазифаларнинг асосий моҳияти аъзо давлатлар манфаатларини аниқлаш, уларни тасдиқлаш, шунинг асосида масалага умумий ёндашиш, қарорни ишлаб чиқиш ҳамда иш бўйича аниқ вазифалар белгилаш, шунингдек уларни ҳал этишнинг услуб ва воситаларини белгилашдан иборат. Бу, ўз навбатида, мазкур вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш механизмларининг хусусиятини белгилайди.

Ташкилотлар фаолиятининг асосий босқичларига масалани муҳокама қилиш, қарор қабул қилиш ҳамда унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш киради. Профессор В. Моравецкий халқаро ташкилотлар вазифаларининг учта асосий турини ажратади: булар тартибга солиш, назорат қилиш ва оператив вазифалар.

Ҳозирги кунда ташкилотнинг тартибга солувчи вазифаси энг муҳим вазифа ҳисобланади. У аъзо давлатларнинг мақсадлари, принциплари, ахлоқ қоидаларини белгиловчи қарорларни қабул қилишдан иборат. Бу каби қарорлар фақат ахлоқий-сиёсий мажбурий кучга эга. Шундай бўлса-да, уларнинг давлатлараро муносабатлар ва халқаро ҳуқуққа бўлган таъсирини инкор этиб бўлмайди. Ҳар қандай давлатнинг халқаро ташкилот қабул қилган қарорга қарши чиқиши осон эмас².

Ташкилотларнинг резолюциялари бевосита халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратмайди, бироқ ҳам ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳам ҳуқуқни қўллаш жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади. Халқаро ҳуқуқнинг кўпгина принцип ва нормалари аввало резолюцияларда акс эттирилган. Ҳамкорликнинг махсус соҳалари

²Япон профессори Уотаро Хигаши халқаро ташкилотлар резолюциялари ҳақида шундай деб ёзади: «Гарчи улар ҳуқуқий маънога эга бўлмасалар-да, уларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий кучини инкор этиб бўлмайди» // JapanInternationalLawJournal.– Tokio, 1982.– № 25. – P. 16.

(молия, алоқа, транспорт ва бошқалар) халқаро ҳуқуқ нормалари ёрдамида яратилган.

Ушбу қарорлар (резолүциялар) муҳим вазифага эга бўлиб, у халқаро-ҳуқуқий нормаларни тасдиқлаш, халқаро ҳаёт воқелигига мувофиқ равишда конкретлаштириш орқали уларнинг долзарблигини оширишдан иборат. Чунончи, ташкилот нормаларни муайян ҳодисаларга қўллаш орқали уларнинг мазмунини очиб беради. Бунда нафақат қарорларда, балки низо-мунозара давомида ҳуқуққа киритилиши керак бўлган қўшимчалар аниқланади. Шунингдек, *легитимация* ва *делегитимация* вазифалари аҳамиятлидир.

Легитимация – норма аҳамиятини тасдиқлашдан иборат бўлиб, бу унинг самарадорлигини янада оширади.

Делегитимация – турмуш талабларига жавоб бермайдиган нормани тан олишдан иборат.

Ташкилотнинг назорат вазифалари давлатлар ахлоқининг халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда қарорларига мослигини назорат қилишни ўз ичига олади. Шу мақсадда ташкилотлар тегишли ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, уни муҳокама қилиш ҳамда қарорларда ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга. Кўп ҳолларда давлатлар тегишли соҳада халқаро ҳуқуқ нормалари ва ташкилот актларининг бажарилиши ҳақида доимий равишда билдирги бериб боришлари шарт.

Ташкилотнинг оператив вазифалари ташкилотнинг ўз воситалари ёрдамида мақсадларга эришишдан иборат. Кўпгина ҳолларда ташкилот суверен аъзо давлатлар ёрдамида воқеликка таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бора-бора ташкилотнинг аҳамияти ва бевосита фаолияти доираси ўсиб боради. Шунингдек, ташкилотлар иқтисодий, илмий-техник ҳамда бошқа турдаги ёрдам кўрсатадилар, маслаҳат бериш хизматини йўлга қўядилар.

Халқаро ташкилотларга аъзолик. Халқаро ташкилотларнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, уларнинг аъзолари фақат суверен давлатлар, уларнинг органлари эмас, айнан давлатлар ҳисобланади. Мазкур ташкилотлар кўпинча ҳукуматлараро ташкилотлар деб аталади.

Давлатнинг бир қисми ҳам халқаро ташкилот аъзоси бўла олмайди. Барча аъзолар ташкилот органлари ишида тенг ҳуқуқли иштирок этади ҳамда унинг фаолияти учун мажбуриятга эга бўлади. Улар ташкилот бюджетига бадал тўлайдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг колониал давлатлар халқаро ташкилотлар аъзоларига қўйиладиган талабларга жавоб бермас эдилар ҳамда ташкилотлар фаолиятдан манфаатдор эмасдилар. Муаммони ҳал этиш учун ассоциацияли аъзолик қўлланган эди.

Тўлиқ аъзоликдан у овоз беришда иштирок этиб, ижроия органларига сайланиш тартибининг йўқлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда ассоциацияли аъзолик тўлиқ аъзолик у ёки бу сабабларга кўра вақтинча ёки доимий бўлмаган ҳолларда қўлланади. Чунончи, Шарқий Европа мамлакатлари Европа Кенгашига ассоциацияли аъзолик босқичидан ўтдилар.

Ташкилотда *кузатувчи мақом* мавжуд. У ташкилот органи таркибига кирмаган аъзо давлатлар ҳамда аъзо бўлмаган давлатларга берилади. Швейцария БМТ Бош Ассамблеясининг кўпгина сессияларида кузатувчи

сифатида иштирок этган. БМТнинг кўпгина аъзолари Хавфсизлик Кенгаши мажлисларига кузатувчиларини йўллайдилар.

Кўпинча ноҳукумат ташкилотларга консултатив мақом берилиб, у кузатувчи мақомига тенгдир. Мазкур амалиёт кўпинча, БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши учун хосдир.

Аъзолик ташкилот ёки аъзо давлатларнинг тугатилиши сабабли тугалланади.

Шунингдек, аъзолик ташкилотдан чиқиш натижасида тугалланиши мумкин, бу кўпгина ташкилотларнинг низомларида назарда тутилган.

Кўпгина ташкилотлар ҳолатлари аъзолар рўйхатидан ўчириш имкониятини назарда тутаяди. Акс ҳолда рўйхатдан ўчириш амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотдан унинг ҳуқуқларини бузувчи давлат аъзоларини четлаштириш ҳамда вакилларининг ваколатларини бекор қилиш орқали эришиш мумкин. Бу, албатта, вақтинча бўлса-да, аъзоликни тўхтатиш билан тенг.

7.4. Халқаро ташкилот органлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиниши

Халқаро ташкилот органлари унинг таркибий қисмлари ва бўлинмаларидир. Халқаро ташкилот органларининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, халқаро ташкилотнинг органи таъсис этувчи ёки бошқа акт асосида ташкил этилади;
- иккинчидан, унга маълум ҳуқуқ ва ваколатлар берилган бўлади;
- учинчидан, ички тузилишга ва маълум таркибга эга бўлади;
- тўртинчидан, қарорлар чиқариш тартибига эга;
- бешинчидан, таъсис этувчи ёки бошқа актларда унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган бўлади.

Халқаро ташкилотлар органларини турли белгиларга кўра таснифлаш (классификациялаш) мумкин. Аъзолик белгисига кўра ташкилотлар ҳукуматлараро, парламентлараро, маъмурий, жисмоний шахс сифатида қабул этилган аъзолардан, турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари аъзолигидан иборат бўлишлари мумкин.

Аъзо давлатларнинг вакиллари юбориладиган ҳукуматлараро орган энг муҳим ҳисобланади.

Маъмурий орган ҳар қандай ташкилотнинг энг муҳим таркибий тузилмасидир. У фақат мазкур халқаро ташкилот олдида жавобгар бўлиб, унинг номидан иш кўрувчи мансабдор шахслардан таркиб топади.

Аъзоларининг сонига кўра органлар икки гуруҳга: а) умумий, яъни барча аъзо давлатлар кирувчи ва б) аъзолиги чекланган органга ажратилиши мумкин. Халқаро ташкилотларнинг сиёсатини умумий аъзоликка асосланган орган белгилайди. Қуйидаги энг асосий муаммолар:

- биринчидан, умуман ташкилотнинг сиёсати ва тамойиллари;
- иккинчидан, лойиҳалар, конвенциялар ва тавсияномалар қабул қилиш;
- учинчидан, бюджет ва молия масалалари;

- тўртинчидан, Устав (низом)ни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

- бешинчидан, ташкилотта аъзолар қабул қилиш масаласининг ечими унинг ихтиёрига қолдирилади.

Шу билан бирга кўпгина ташкилотлар фаолиятида (масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти) аъзолиги чекланган органнинг роли ортиб бориши кўринади.

Мазкур органлар иши бир-икки аъзо давлатнинг қизиқишларидан келиб чиқиб эмас, балки барча аъзо давлатларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишларини ташкил этишлари лозим. Халқаро ташкилотнинг аъзолар таркиби чекланган органини ташкил этишда:

- одил жуғрофий тақсимот;
- алоҳида қизиқишлар мавжудлиги;
- манфаатлари мос тушмаётган давлатлар гуруҳларининг тенг вакилликка эга бўлишлари;
- кичик молиявий улуш қўшиш;
- сиёсий вакиллик тамойилларига таянилади.

Ташкилотлар ўз вазифаларини бажариш учун тегишли механизмларга эгадирлар. Унинг асосини ташкилот органлари ташкил этади. Ташкилотлар юқори органга эга бўлиб, унда барча аъзоларнинг вакиллари қатнашади. У турлича аталади: ассамблея, конференция, конгресс ва ҳоказо. «Бош ассамблея» тўғридан-тўғри «умумий мажлис»ни билдиради.

Универсал ташкилотларда мазкур органлар кўп сонли бўлиб, фақат асосий масалалар бўйича қарорлар қабул қиладилар. Улар даврий йиғилишлар ўтказиб турадилар. БМТнинг Бош Ассамблеяси ҳар йили (сентябрь-декабрь) ишлайди, шунингдек фавқулодда сессияларга чақирилиши мумкин. Бошқа ташкилотларда пленар орган ҳар икки йилда чақирилади (ЮНЕСКО), ҳаттоки баъзилари ҳар беш йилда ҳам чақирилиши мумкин (Халқаро электр-алоқа уюшмаси).

Пленар ташкилот резолюцияларни тайёрлаш учун умумий таркибдаги комиссия ва комитет тузилиб, улар олий орган сессияси вақтида ишлайди.

Пленар ташкилот чекланган таркибли органларни сайлайди, улар ичида ижроия органи ҳамда ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишлайдиган органлар фарқланади. Мазкур органларни ташкил этишда маълум мезонлар, энг аввало, асосий минтақалар ва давлатлар гуруҳларининг вакиллиги ҳисобга олинади.

Кўпгина ташкилотларда органлар давлатларнинг вакилларидан иборат бўлади. Баъзи ҳолларда дахлсизликни кафолатлаш мақсадида давлат вакиллари эмас, аксинча, алоҳида мутахассислар танлаб олинади. Бунга, асосан, суд органлари киради.

Баъзи ташкилотларда парламентар органлар мавжуд. Парламентлик органлари компенсация, шунингдек демократик вакиллик мақсадида яратилади. Улар бевосита аъзо давлатларнинг овоз бериши натижасида сайланадилар (Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи) ёки миллий парламент томонидан тайинланадилар (ЕХХТ).

Кўп ҳолларда мазкур органлар тавсияларни муҳокама қилиш ҳамда тинглаш билан чекланадилар. Фақат Европа парламенти Европа Иттифоқи доирасида баъзи ҳуқуқларга эгадир. У ижроия қўмитаси ЕИ комиссиясини тарқатиб юбориши ҳамда бюджет қабул қилинишида иштирок этиши мумкин.

Суд органлари алоҳида ўринга эга. Улар турли-туман бўлиб, давлатлараро низоларни ҳал қилиши, ташкилот қарорларининг қонунийлигини текшириши ҳамда ходимларга нисбатан маъмурий юрисдикцияни амалга ошириши мумкин. Кўп ташкилотлар ўз суд органларини яратмайдилар ҳамда ўз қарорларининг қонунийлиги бўйича суд назоратини амалга оширишга зарурат йўқ деб ҳисоблайдилар. Ходимларга боғлиқ ишлар бўйича универсал ташкилотлар БМТнинг маъмурий судидан фойдаланадилар.

Барча ташкилотлар котибиятга эга бўлиб, у ташкилотга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Котибият Бош маъмур (бош котиб ёки бош директор) томонидан бошқарилиб, юқори орган томонидан маълум муддатга сайланади. Котибиятнинг асосий вазифаси доимий равишда ишловчи ходимлар томонидан бажарилади.

Улар турли минтақаларнинг вакилликларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади. Уларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида ижтимоий таъминлаш ҳамда нафақа тизими яратилган. Уларга солиқ солиш ҳамда маҳаллий қонунлардан ҳимояланиш учун иммунитет берилади. Зарур ҳолларда ташкилот ўз ходимига берилган иммунитетни бекор қилиши керак.

Ташкилотларни молиявий таъминлаш аъзолар имкониятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Умумий қоидага кўра, бир давлатнинг улуши бюджетнинг 25% дан ошмаслиги ҳамда 0.01% дан кам бўлмаслиги зарур. Кўпгина молиявий ташкилотлар ўз бюджетини умумий даромадларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар.

Доимий бюджет оддий чиқимларни қоплайди. Қўшимча чиқимлар, масалан, тинчликпарварлик операциялари ёки иқтисодий ёрдам кўрсатиш ихтиёрий киритилган улушлар ҳисобига қопланади.

Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилиниши. Халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган қарорни мазкур ташкилот уставига ва бошқа қоидаларга мувофиқ равишда айни ваколатга эга орган томонидан аъзо давлатларнинг ўз иродаларини билдиришлари, дейишимиз мумкин. Қарорларнинг шакллантирилиши жараёни:

- биринчидан, таъсис этувчи ҳужжат ваколатларига;
- иккинчидан, иш юритиш қоидаларига;
- учинчидан, орган таркибига боғлиқ бўлиши мумкин.

Қарор қабул қилиниши жараёни ташаббуснинг туғилиши билан бошланади. Бундай ташаббус давлат, давлатлар гуруҳи, орган ёки халқаро ташкилот мансабдор шахслари томонидан кўрсатилиши мумкин. Одатда ташаббускор маълум муаммони кўриб чиқишни таклиф этади. Кўп ҳолларда у бўлажак қарорнинг лойиҳасини ҳам таклиф этиши мумкин.

Халқаро ташкилотлар тажрибасида ҳаммуаллифлик ҳам кенг қўлланилади. Бундай ҳолларда ҳаммуаллифлар сонининг ортиб кетиши

лойиханинг айрим бандлари бўйича бир тўхтамга келишда қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Қарорнинг шаклланишидаги кейинги босқич муаммонинг кун тартибига киритилишидир. Кўпгина халқаро ташкилотларда муаммонинг ялпи мажлис кун тартибига қўйилишидан олдин мазкур масала ташкилотнинг ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилади ва айти шу жараёнда қарор лойихаси ишлаб чиқилиб, унинг тарафдорлари ва қаршилик кўрсатувчилар маълум бўлади.

Қарорнинг муҳокама этилиши халқаро ташкилотнинг қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланади. Ушбу муҳокама бевосита сиёсий аҳамият ва юридик натижага эгадир. Қарор қабул қилиниши жараёнининг ҳал этувчи босқичи овоз берилишидир. Халқаро ташкилотларнинг аксарият органларида ҳар бир делегация бир овозга эга бўлади. Фақат айрим қарор қабул қилишнинг фарқли тизимига эга органларда мавжуд меъёрлардан келиб чиққан ҳолда давлатларнинг овоз беришлари ўзгариши мумкин.

Масалан, БМТ тизимидаги молиявий органларда ҳар бир давлат ўз аъзолик бадалининг миқдоридан келиб чиқувчи овоз сонига эга.

Ҳар бир органнинг тартиб қоидаларида қарор қабул қилиниши учун лозим овоз миқдори белгиланади.

Қарорлар бир овоздан, кўпчилик томонидан ёки сифатий миқдор фарқи билан қабул қилиниши мумкин.

Кўпчилик овоз ва сифатий миқдор фарқи мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. *Мутлақ кўпчилик* барча аъзоларнинг ҳисобга олинишларини англатса, *нисбий кўпчилик* фақат овоз бериш жараёнида ҳозир бўлган аъзоларни ҳисобга олади. Баъзи ҳолларда халқаро ташкилот органида қарор овозга қўйилмай, яъни аккламация йўли билан (маъқўллаш ёки маъқулламаслик асосида) ёки эътирозларсиз қабул қилиниши мумкин. Халқаро ташкилотлар фаолияти амалиётида сўнгги вақтларда консенсус асосида қарор қабул қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бундай қарор қабул қилиш барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган розиликка асосланганлиги билан ўзига ҳосдир.

7.5. Халқаро ташкилотларнинг турлари ва органлари

Ҳозирги даврда халқаро ташкилотлар давлатлараро мулоқотнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади.

Халқаро ташкилот халқаро ҳуқуққа мувофиқ, халқаро шартномага асосланган ҳолда сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш ва бу мақсадда зарур органлар тизими, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқадиган автоном иродага эга бўлган давлатлар бирлашмасидир.

Ҳозирги замон халқаро ташкилотлари 2 та асосий турга бўлинади: халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлар. Ҳар иккаласи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кундалик турмушнинг турли жабҳаларида давлатларнинг ўзаро мулоқотига кўмаклашади. Бироқ, мазкур

икки турдаги ташкилотлар ўзларининг алоҳида хусусиятларига эгадир. Биринчидан, улар халқаро ҳуқуққа мувофиқ равишда яратилади. Бу энг зарурий белги бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ҳар қандай ҳукумат ташкилоти қонуний тарзда яратилган бўлиши зарур. Хусусан, ташкилот алоҳида давлат ва умуман халқаро ҳамжамият манфаатларини чекламаслиги лозим. Иккинчидан, ҳар қандай халқаро ташкилот халқаро шартнома (конвенция, трактат, баёнот) асосида тузилади.

Бундай шартноманинг тарафлари ҳозирги замон суверен давлатлари охириги вақтда халқаро ташкилотлар, шунингдек ҳукуматлараро ташкилотлар ва суверен давлатлар, охириги вақтда эса, халқаро ташкилотларнинг иштирокчилари, шунингдек ҳукуматлараро ташкилотлар бўлди. Масалан, Европа Иттифоқи (ЕИ) кўпгина балиқчилик халқаро ташкилотларининг аъзоси ҳисобланади.

Ҳар қандай халқаро ташкилотнинг мақсади давлатларнинг у ёки бу соҳадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳисобланади: чунончи, сиёсий (ЕХХТ – Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти).

ЕХХКнинг Будапешт саммити натижаларига кўра 1 январ 1994 йилдан бошлаб ЕХХК – ЕХХТ деб номланди, яъни кенгаш ташкилотига айлантирилди), ҳарбий (НАТО – Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти), иқтисодий (НАФТА – Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси, АСЕАН – Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси, МЕРКОСУР – Аргентина, Бразилия, Чили давлатларининг савдо шартномаси – Жанубий конус давлатлари), ҳуқуқий (Европа Кенгаши), валюта-молия (ХВФ – Халқаро валюта фонди, ТТХБ – тикланиш ва тараққиёт халқаро банки, ХРА – Халқаро ривожланиш ассоциацияси, ХМК – Халқаро молия корпорацияси) ва бошқа соҳалар.

Бироқ, БМТ каби ташкилот барча соҳаларда давлатларнинг фаолиятини тартибга солиши лозим. Бунда халқаро ташкилот аъзо давлатлар ўртасида воситачи бўлиб хизмат қилади. Баъзида давлатлар халқаро ташкилотларнинг энг мураккаб масалаларини ташкилотларга муҳокама қилиш ва ҳал қилиш учун берадилар.

Ҳар бир халқаро ташкилот учун мувофиқ ташкил этувчи тузилмага эга бўлиш муҳимдир. Мазкур аломат ташкилотнинг доимийлик хусусиятини тасдиқлайди ҳамда уни халқаро ҳамкорликнинг бошқа кўп сонли шаклларида ажратиб туради. Ҳукуматлараро ташкилотлар штаб-квартира, суверен давлатлар бўлган аъзолар ҳамда ёрдамчи органларга эгадир.

Халқаро ташкилотнинг кейинги муҳим аломатларидан бири унда ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги бўлиб, улар умумий шаклда таъсис ҳужжатларида мустаҳкамланади. Халқаро ташкилот ўз ваколатларидан ташқарига чиқа олмайди.

Халқаро ташкилот шунингдек мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, яъни у аъзо давлатлар иродасидан автоном бўлган иродага эгадир. Мазкур аломат ҳар қандай ташкилот ўз фаолият доирасида унга аъзо давлатлар томонидан юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришнинг мустақил воситаларини танлаш ҳуқуқига эга эканлигидан далолат беради. Шундай

қилиб, юқорида айтиб ўтилган аломатларга эга бўлган халқаро ташкилот халқаро ҳукуматлараро ташкилот деб тан олинади.

Бироқ, айтиб ўтилганидек, ҳозирги даврда халқаро ташкилотларнинг бошқача тури ҳам мавжуд бўлиб, улар ҳукуматлараро битим асосида таъсис этилмаган ҳар қандай халқаро ташкилот ҳисобланади. Бундай ташкилотлар жуда бўлмаса битта давлат томонидан тан олинади, бироқ ўз фаолиятини иккита давлатда амалга оширади.

Бундай ташкилотлар таъсис акти асосида яратилади. Бундай ташкилотлар XX аср бошида вужудга келган. Ҳозирги вақтда 8000 тага яқин шундай ташкилот мавжуд. Халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ) ҳозирги замон халқаро муносабатларининг барча жабҳаларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Баъзи соҳаларда улар ҳатто етакчи ҳисобланади, масалан, бу Қизил Хоч кўмитаси бўлиб, фаолиятининг асосий принциплари инсонпарварлик, дахлсизлик, мустақиллик ва кўнгиллилик ҳисобланади. У турли соҳаларда давлатларнинг ўзаро муносабатларига катта ҳисса қўшиди.

Бироқ, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда халқаро ноҳукумат ташкилотлар ўртасида бирмунча фарқ бўлсада, улар фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Мазкур ҳамкорликнинг асосий шакли консултатив мақом ҳисобланади. Ҳар бир ҳукуматлараро ташкилот ХНТ консултатив мақомини тақдим этиш тартибига эгадир.

Ҳар қандай халқаро ташкилотнинг шаклланиши давлатлар ўртасида юзага келадиган у ёки бу муаммоларни ҳал қилишнинг муҳимлигига таянади. Муаммонинг муҳимлиги бевосита мустақил давлатлар томонидан белгиланган бўлиб, бундан уларнинг таснифи аниқланган. Хусусан, мазкур муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган ташкилотлар халқаро ҳукуматлараро ёки ноҳукумат ташкилоти мақомига эга бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг роли ва тизими.

БМТ - тинчликни ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган универсал ташкилотдир. БМТ Устави Сан-Францискода ўтказилган конференцияда имзоланган бўлиб, 1945 йилдан кучга кирган. БМТ Устави барча давлатлар риоя этишлари шарт бўлган ягона халқаро ҳужжатдир. БМТ Уставининг аҳамияти нафақат унинг тинчликни таъминловчи ташкилотнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлигида, балки барча давлатлар учун тенг бўлган жамоа ҳимоя тизимининг яратилишида асос бўлиб хизмат қилиши ва давлатлар томонидан олиб бориладиган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик соҳаларидаги фаолиятларини белгиловчи ўзига хос кодекс эканлигида ҳамдир. БМТ Устави доирасида кўп томонлама келишув ва шартномаларнинг кўп тармоқли тизими вужудга келган. БМТ тузилишининг асосий сабаб ва мақсадлари унинг Устави «Мукаддима» сида қуйидагича ифодаланган.

БМТ Уставида унинг 6 та асосий органлари кўрсатилган. Улар қуйидагилардир:

- Бош Ассамблея;
- Хавфсизлик Кенгаши;
- Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС);

- Васийлик бўйича Кенгаш;
- Котибият;
- Халқаро Суд.

Бош Ассамблея — суверен давлатларнинг ҳақиқий демократик вакиллик органидир. Ҳар бир аъзо давлат ҳудудининг ҳажми, аҳолининг сони, иқтисодий ва ҳарбий кудратидан катъий назар, бир овозга эга. Бош Ассамблеянинг муҳим қарорлари овоз бериш жараёнида иштирок этаётган давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

У Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоларини сайлаш, ЭКОСОСнинг аъзоларини сайлаш, БМТ янги аъзоларини қабул қилиш, БМТ Бош Котибини тайинлаш, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаш, ташкилот аъзолигидан чиқариш, бюджет ва бошқа техник-маъмурий масалалар бўйича Бош Ассамблея бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш каби муҳим ишларни бажаради. Халқаро хавфсизлик ва тинчликни қўллаб-қувватлашга қаратилган масалалар бўйича у тавсиявий характерга эга резолюция ва декларациялар қабул қилади.

Бош Ассамблея ишида БМТга аъзо бўлмаган БМТ қошида доимий кузатувчиларга эга бўлган (Ватикан, Швейцария) ва эга бўлмаган давлатлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Бундан ташқари Фаластин Озодлик Ҳаракати Ташкилоти, бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ва БМТнинг ихтисослашган муассасалари дам доимий кузатувчи мақомига эгадирлар.

Хавфсизлик Кенгаши — БМТнинг энг муҳим органи бўлиб, 15 аъзодан иборат. Ушбу аъзоларнинг бештаси (АКСҲ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) доимий, қолган ўнтаси нодоимий бўлиб, улар сайланадилар.

Хавфсизлик Кенгашининг қоидаларига тегишли масалалар бўйича қарорлар аъзоларнинг исталган тўққизтаси ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Қолган барча масалалар бўйича қарорлар Кенгашнинг барча доимий аъзолари овозларини қўшиб ҳисоблаганда тўққизта аъзо ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, доимий аъзолардан биттаси ёки бир нечтаси бирор-бир қарорга нисбатан қарши овоз берса, бу қарор қабул қилинмайди. Бундай ҳолат вето қўйилиши деб аталади.

БМТ Уставига кўра Хавфсизлик Кенгаши урушнинг олдини олиш, давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилишларига шарт-шароитлар яратишда катта ваколатларга эга.

Хавфсизлик Кенгаши томонидан БМТ Уставига мувофиқ қабул қилинган баъзи қарорлар меъёр ўрнатувчи мазмунида бўлиши мумкин.

БМТ тизими Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бошқа орган томонидан қайта кўриб чиқилиши ёки даъво қилиниши имконини бекор қилади. Бу қарорлар мукамал саналади ва текширилиши мумкин эмас.

БМТ Уставига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши доимий фаолият кўрсатиши ва аъзо давлатлар номидан тез ва самарали иш курмоғи лозим. Шу мақсадда Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси БМТ қароргоҳида доим ўз вакилига эга бўлиши керак.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалаларига доир фаолиятни олиб боради. ЭКОСОС 54

аъзодан иборат бўлиб, улар Бош Ассамблея томонидан уч муддатга сайланадилар ва ҳар йили ваколатлари тугаган 18 аъзонинг ўрнига янгилари сайлаб борилади.

ЭКОСОС БМТ Уставидан келиб чиққан ҳолда давлатлар ўртасида иқтисодий илмий-техникавий ҳамкорликни таъминлаш, уни мувофиқлаштириш йўлида самарали иш олиб бориши, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиши ва давлатлар иқтисодий хавфсизлигини кафолатловчи институтлар ва механизмлар ишлаб чиқиши лозим.

Васийлик бўйича Кенгаш — бу унинг оталиғидаги ҳудудларда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга ва мажбуриятларни бажарилишини назорат қилувчи БМТ органидир. Ҳозирги кунда унинг беш аъзоси (АКСҲ, Англия, Россия, Франция, Хитой) бор. Кенгаш ҳар йили Нью-Йоркда бир сессия ўтказди. АКСҲ бошқарувида бўлган дастлабки икки ҳудуддан фақат биттаси — Тинч океани ороллари (Микронезия) қолди.

БМТ Котибияти Бош Котиб ва ташкилотга лозим миқдордаги ходимдан иборатдир. Ушбу орган БМТнинг бошқа органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлайди ва БМТ асосий ва ёрдамчи органларига конференциявий ва бошқа хизматлар кўрсатади.

Котибият:

- биринчи, Хавфсизлик Кенгаши санкцияларидан келиб чиқувчи, тинчликни таъминловчи операцияларни олиб бориш;

- иккинчи, тинчлик мазмунидаги халқаро конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш (Денгиз ҳуқуқи бўйича конференция);

- учинчи, жаҳон миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар юзасидан обзорлар тайёрлаш;

- Тўртинчи, қуролсизланиш ва инсон ҳуқуқларининг ривожланиши каби соҳалар бўйича текширувлар ўтказиш сингари ишларни бажаради.

БМТ Котибиятининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- БМТ тизимидаги органларга хизмат кўрсатади;

- БМТ тизимидаги органлар томонидан дастурларнинг ишлаб чиқарилиши ва улар томонидан ишлаб чиқилган сиёсатнинг амалга жорий этилишини таъминлайди;

- БМТ шуғулланувчи турли масалалар бўйича БМТ Бош Котибига ахборотлар беради;

- Мажлислардаги чиқишларнинг оғзаки таржимасини амалга оширади;

- сессия мажлислари ҳисоботларини тузади, чоп этади ва тарқатади;

- архивларда ҳужжатларни сақлайди ва БМТ аъзолари бўлган барча давлатларга Бош Ассамблеянинг ҳужжатларини тарқатади;

- БМТ аъзолари томонидан тузилган шартномаларни руйхатга олади ва ўрганади;

- Бош Ассамблея талабига кўра бошқа ишларни амалга оширади. Котибият БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жойлашган. Бош Котиб Котибиятни бошқаради ва бош мансабдор шахс ҳисобланади.

Бош Котиб Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ, беш йил муддатга тайинланади. Бош Котиб Бош Ассамблеяга ташкилотнинг фаолияти ҳақида ҳар йили ҳисобот беради ва халқаро тинчликка таҳдид солувчи масалалар ҳақида Хавфсизлик Кенгашида маълумот беради.

Халқаро Суд — БМТнинг асосий суд органидир. У 15 та мустақил судьядан иборат бўлиб, улар фуқароликларидан катъий назар, ўз мамлакатларида олий суд лавозимларига тайинланишлари учун талаб этилган олий ахлокий талабларга жавоб берувчи ва халқаро ҳуқуқ соҳасида танилган юристлар орасидан сайланади.

Судьялар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан қайта сайланиш ҳуқуқи билан тўққиз йилга сайланадилар. Халқаро Суд 3 йил муддатга раис, раиснинг ўринбосари ва котибни сайлайди. Халқаро Суд таркибида иккита айна мамлакат фуқаролари бўлишлари мумкин эмас.

Халқаро Суд Статусига мувофиқ аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади ва ечимини беради аъзо бўлмаган давлатлар бўйича Хавфсизлик Кенгаши томонидан ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида аниқланган шартлар асосида иш кўради, ҳуқуқий масалалар бўйича консультациявий хулосалар беради (Халқаро Суд консультациявий хулосаларни бевосита сўраш ҳуқуқига Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши ва БМТнинг бошқа органлари эга. Бошқа халқаро ташкилотлар ва органлар бундай хулосани Бош Ассамблеянинг рухсати билан сўрашлари мумкин).

Халқаро Суд Гаага шаҳрида жойлашган.

БМТ Уставида муҳим сиёсий орган бўлган Хавфсизлик Кенгаши ва Халқаро Суднинг ваколатлари кескин фарқ қилади. БМТ Уставининг 36-модда 3-бандига кўра Хавфсизлик Кенгаши юридик низоларни ҳал этиш учун умумий қоидага мувофиқ Халқаро суд низомидан келиб чиққан ҳолда низодаги томонлар Халқаро судга мурожаат қилишлари кераклигини эътироф этади. Халқаро Суднинг қарори низодаги давлатлар томонидан бажарилиши шарт. Томонлардан бири бу қарорни бажармаган тақдирда, низодаги томонларнинг бири мурожаат этганидан сўнг Хавфсизлик Кенгаши қарор бажарилишини таъминловчи тавсиялар ёки хатти - ҳаракатлар қўллаши мумкин.

Халқаро Суд суд фаолиятдан ташқари юридик консультациявий фаолият ҳам олиб боради.

Халқаро Суд давлатлар ўртасидаги низоларнинг тинч йўллар билан ҳал этилиши ва жаҳонда адолат ўрнатилишига қаратилган стратегиянинг ишлаб чиқилишида асосий органлардан бири бўлиши кўзда тутилган.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари. БМТнинг ихтисослашган муассасалари махсус соҳалардаги ҳамкорликни таъминловчи ҳукуматлараро универсал ташкилотлардир. Улар қуйидаги хусусиятларга эгадирлар:

- биринчидан, бундай ташкилотларни таъсис этувчи шартномалар ҳукуматлараро характерга эга;

- иккинчидан, таъсис ҳужжатлари доирасидаги кенг халқаро жавобгарликка эга бўладилар;

- учинчидан, махсус: иқтисодий, ижтимоий, маданий, инсонпарварлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни таъминлайдилар;

- тўртинчидан, БМТ билан яқин алоқададирлар.

Ҳозирги кунда БМТнинг 17 та ихтисослашган муассасалари мавжуд. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- биринчи, ижтимоий мазмундаги ташкилотлар (Халқаро меҳнат ташкилоти - МОТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти - ВОЗ);

- иккинчи, маданий ва гуманитар мазмундаги ташкилотлари (Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – ЮНЕСКО, Бугун Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти – БИМТ)

- учинчи, иқтисодий ташкилот (Саноат тараққиёти бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти - ЮНИДО);

- тўртинчи, молиявий ташкилотлар (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки – ХТТБ, Халқаро валюта жамғармаси – ХВЖ, Халқаро тараққиёт ассоциацияси ХТА, Халқаро молия корпорацияси – ХМК, Инвестициялар кафолатлари бўйича кўп томонлама агентлик - ИККА);

- бешинчи, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар (Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – ФАО, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси - ИФАД);

- олтинчи, транспорт ва алоқа соҳасидаги ташкилотлар (Халқаро Фуқаро авиацияси ташкилоти - ИКАО, Халқаро денгиз ташкилоти - ИМО, Жаҳон почта иттифоқи – ЖПИ, Халқаро электр алоқаси иттифоқи - МЭС);

- еттинчи, метеорология соҳасидаги ташкилот (Жаҳон метеорология ташкилоти - ЖМТ).

БМТ ихтисослашган муассасаларининг баъзиларига тўхталиб ўтсак:

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти. 1946 йилда ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Женева шаҳрида. Унинг асосий фаолият соҳадаги юқумли касалликларга қарши кураш, карантин ва санитария қоидаларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий характердаги масалалардир. Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Соғлиқни Сақлаш тизимлари ишларини ташкил этишда, самарадорлигини оширишда, кадрлар тайёрлаш ва касалликларга қарши курашда кўмаклашади.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) 1945 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Париж шаҳрида. ЮНЕСКОнинг асосий мақсади давлатлар ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг ва оммавий ахборот воситаларининг ишлатилиши йўли билан халқаро тинчлик ва осойишталикни таъминлашдан иборат.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти 1967 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Женева шаҳрида, унинг асосий мақсади бугун дунёда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги халқаро келишувларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

БМТнинг саноат тараққиёти ташкилоти (ЮНИДО) Бош Ассамблеянинг органи сифатида 1966 йил Бош Ассамблеянинг 17 ноябрдаги резолюцияси асосида ташкил этилган. 1985 йилда ЮНИДО БМТнинг ихтисослашган муассасасига айлантирилди. Унинг қароргоҳи Вена шаҳрида.

ЮНИДОнинг асосий мақсади ривожланаётган давлатлар саноатининг ўсишига ва уларнинг тезроқ индустриализациялашувиغا кўмаклашишдан иборат.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки, Халқаро валюта Фонди Бреттон-Вудсда бўлиб ўтган конференцияда БМТнинг молиявий характердаги ихтисослашган муассасалари сифатида ташкил этилган. Уларнинг қароргоҳлари Вашингтон шаҳрида.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки, Халқаро валюта Фонди, Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва Халқаро молия корпорацияси бир-бирига ўзаро узвий боғлиқ. Фақат Халқаро валюта Фонди аъзоларигина Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзо бўла оладилар ва фақат Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки аъзолари қолган икки бўлинмага аъзо бўлишлари мумкин. Ушбу ташкилотларда овоз бериш тартиби фарқли бўлиб, унда ҳар бир аъзо ўз бадалининг улушига қараб овозлар сонига эга бўлади.

Халқаро валюта Фонди молиявий ташкилотлар тизимида асосий ўрин тутди. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар валюта-молиявий сиёсатини мувофиқлаштириш, аъзо давлатлар валюта курсини, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, уларга қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарзлар бериш кабилардан иборат.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкининг асосий мақсади ўзига аъзо бўлган давлатлар иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, чет эл хусусий сармоядорларини қўллаб-қувватлаш ва саноатни ривожлантириш учун қарзлар беришдан иборат.

БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти ва қишлоқ хўжалиги (ФАО) 1945 йилда ташкил этилган. Унинг мақсадлари озиқ-овқатлар сифатини яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари тақсмоти тизимларини яхшилаш сингарилардан иборат.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро Фонди (ИФАД) 1976 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Рим шаҳрида. Фонднинг асосий мақсади ривожланаётган давлатлар қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кўмак бериш ва бунинг учун қўшимча маблағлар беришдан иборат.

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) 1944 йилда ташкил этилган. Унинг қароргоҳи Монреал шаҳрида. ИКАО халқаро аэронавигациянинг тамойиллари ва усулларини ривожлантириш, халқаро ҳаво йўлларида хавфсизликни таъминлаш, ҳаво транспортини режалаштириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни кўзлаб ташкил этилган.

Халқаро денгиз ташкилоти (ИМО) 1948 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Лондонда. Ушбу ташкилотнинг мақсади денгизда юкларни ташиш ва денгиз савдоси соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва денгизда хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Жаҳон почта иттифоқи 1874 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Бернда. Халқаро почта иттифоқининг мақсади почта алоқасини йўлга қўйиш ва уни яхшилашдан иборат. Халқаро почта иттифоқига аъзо барча давлатлар ягона

почта худуди ташкил этадилар ва бу худудда ушбу худуднинг ягоналиги, транзитнинг эркинлиги ва ягона тарифни ўрнатиш тамойилига амал қилади.

Халқаро электр алоқаси иттифоқи 1965 йилда ташкил этилган, қароргохи Женевада. Халқаро электр алоқаси иттифоқининг мақсади электрон алоқанинг барча турларидан самарали фойдаланиш ва уни мукамаллаштира боришга йўналтирилган халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, радио тўлқинларини тақсимлаш, ривожланаётган давлатларга техник ёрдам кўрсатишдан иборат.

Жаҳон метеорология ташкилоти 1947 йилда ташкил этилган, қароргохи Женевада. Халқаро метеорология ташкилотининг асосий мақсади метеорология бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, метеорология хизматининг мукамаллашиб боришини таъминлаш ва унинг ютуқларидан авиация, қишлоқ хўжалиги, кемалар қатновида ва бошқа соҳаларда фойдаланишдир. Унинг тезкор дастури асосини бугун дунё об-ҳаво хизмати ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси БМТдан ташқари унинг барча асосий ихтисослашган муассасалари аъзосидир.

Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик (АЭХА) - (МАГАТЭ). Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик (АЭХА) - (МАГАТЭ) — Атом энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ташкилот, БМТнинг Нью-Йорк конференцияси қарорига биноан ташкил этилган. Низоми 1956 йил сентябрда қабул қилиниб, 1957 йил 29 июлда кучга кирган. Бош қароргоҳи — Вена шаҳри (Австрия) да. Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентликга 114 мамлакат (1997 йил) аъзо.

Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик махсус ташкилотлар қаторига киришига қарамай, алоҳида мақомга эга эмас. БМТ билан унинг алоқалари 1957 йил 14 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси билан имзоланган битимга мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу битим ва Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик Низомига асосан агентлик ҳар йилда камида бир марта фаолияти тўғрисида БМТ Бош Ассамблеяси ёки зарурат пайдо бўлганда унинг Хавфсизлик Кенгаши олдида ҳисобот беради. Агентликнинг асосий мақсади атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Турли мамлакатларда ўз илмий тадқиқот лабораториялари бор. Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик ривожланаётган давлатларга ядро хавфсизлиги ва радиацион ҳимоя учун зарур бўлган асбоб-ускуналар билан ёрдамлашади. Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентликнинг асосий фаолиятига қирадиган соҳалар: курул-яроғ ишлаб чиқарадиган ядро технологиясини қаттиқ назоратга олиш; ядро энергетикаси соҳасида ёрдам кўрсатиш; радиоактив чиқиндиларни тўғри ва хавфсиз кўмиш; шу соҳага оид Норма ва Қоидаларни эксперт-юристарлар ёрдамида тайёрлаш; илмий тадқиқот дастурларини қўллаб-қувватлаш; аварияларга оид дастурлар ишлаб чиқиш; қишлоқ хўжалигида ядровий усуллар ва радиоактив моддалар ёрдамида ҳосилдорлик ва тупроқ унумдорлигини ошириш; қишлоқ хўжалиги ва

чорвачиликда ҳашаротлар ва касалликларга қарши курашда ёрдам бериш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 21 январда Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентликга аъзо бўлиб, халқаро стандартларни тан олиш, атом энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш, радиоактив моддалар билан хавф-хатарсиз ишлашда халқаро стандартлар, қонун-қоидаларга риоя қилишни ўз зиммасига олган.

Агентлик олий органи — Бош конференция аъзо давлатларнинг вакилларидан ташкил топган ва ҳар навбатдаги сессияга йиғилади. Низом бўйича навбатдан ташқари сессиялар ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Атом Энергияси бўйича Халқаро Агентлик Бошқарувчилар кенгаши агентлик ишлаб чиққан дастур, атом энергияси соҳасида умумий сиёсат ва бошқарув ишларини амалга оширади. Мазкур кенгаш таркибига 35 давлат вакиллари киради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти ядро материаллари савдоси Ўзбекистон билан Евратом ўртасида имзоланадиган махсус Битим шартларига биноан белгилаб берилиши, Ўзбекистон билан Европа Ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар ўртасида Шерикчилик ва ҳамкорлик (ШҲБ) тўғрисида 1999 йил 1 июлда кучга кирган Битимга асосан ўрнатилишини англаб, Ўзбекистон билан Ҳамжамиятга аъзо барча мамлакатлар Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида Шартноманинг томонлари ҳисобланишини, Ўзбекистон билан Ҳамжамият ва унга аъзо мамлакатлар, тадқиқотлар ҳамда ишланмаларни амалга ошириш, шунингдек Тарқатмаслик тўғрисида Шартноманинг мақсадларига мувофиқ атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш тарафдори эканлиги, Евратом Шартномасининг VII моддасига асосан ҳамда Ҳамжамият ва Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар билан бундан кейин «МАГАТЭ» деб аталувчи Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик ўртасида тузилган Ҳимоя чоралари бўйича Битимларга биноан ядро муҳофазаси Ҳамжамиятга дахлдор эканлиги, Ўзбекистон билан МАГАТЭ ўртасида Ҳимоя чоралари тўғрисидаги битимга мувофиқ ядро муҳофазаси Ўзбекистонга алоқадор эканлиги, Ўзбекистон билан Ҳамжамият ва унга аъзо мамлакатлар МАГАТЭ ва МАГАТЭ Ҳимоялаш тизимини қувватлашини яна бир бор тасдиқлаётганини, томонлар ўртасида фуқаролик атом энергияси соҳасидаги ҳамкорлик асосларини ҳадли битимлар билан мустаҳкамлаш заруратини эътиборга олиб қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олинган:

Ўзбекистон билан Ҳамжамият ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида ўзаролик фойда ва ўзаролик ҳамда ҳар бир Томоннинг тегишли органларининг ҳуқуқларини камситмаслик асосида томонлар ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳадли ҳамкорликни таъминлаш

Томонлар атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишнинг қуйида санаб ўтиладиган соҳаларида ҳамкорлик қиладилар:

- а) ядро хавфсизлиги
- б) бошқа соҳалардаги илмий тадқиқот ишланмалари;

с) ядро материаллари савдоси ва атом-ёнилғи туркумидаги хизматлар шартлари

д) ўзаро манфаатли бошқа соҳалар

Томонлар ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон билан Ҳамжамият томонидан белгиланган ваколатли шахслар ва органлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳамкорлик ядро хавфсизлигини яхшилашни рағбатлантиради ҳамда унга кўмаклашади, шу жумладан ядро хавфсизлигининг илмий-кафолатланган ва халқаро қабул қилинган қонун-қоидаларини аниқлаш ва қўллашга, шунингдек Томонларга тааллуқли даражада ядро хавфсизлиги тўғрисидаги Конвенцияни амалга оширишга ёрдам беради.

Ҳамкорлик кенг миқёсли бўлиб, қуйидаги соҳаларни ҳам ўз ичига олади:

а) Радиоактив хавфсизлик;

Хавфсизлик стандартларининг тадқиқоти, тартибга солиб бориладиган аспектлари, ишланмалари, кам дозали эффе́ктлар, саноатдан ифлосланиш, ходимлар ва дозировкаларни прогнозлаш ҳамда авария ҳолатидан кейинги бошқарув масалаларини алоҳида эътибор билан ўқитиш ва тайёрлаш;

б) Ядро чиқиндилари бошқаруви;

Геологик чиқиндилар ва ядро чиқиндилари бошқарилишини баҳолаш ва оптимизациялаш;

с) Ядро материаллари хавфсизлиги соҳасидаги илмий тадқиқот ишланмалари;

Ядро материаллари ўлчовлари техникаси тадқиқоти ва ишланмалари ҳамда муҳофаза чоралари учун тегишли материаллар характеристикаси ҳамда ядро материаллари бўйича ҳисоботлар ва улар устидан назорат тизимини ишлаб чиқиш;

д) Ядро ва радиоактив материалларининг ноқонуний транзитига йўл қўймаслик;

Ҳамкорлик ядро ва радиоактив материаллари устидан назорат усуллари ва техникасини ҳам ўз ичига олади.

Томонларнинг келишуви асосида уларнинг қонунчилиги доирасида ҳамкорликнинг бошқа соҳалари ҳам қамраб олиниши мумкин.

Ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- маърузалар, ташрифлар, семинарлар, техник учрашувлар каби тадбирлар воситасида техникавий ахборот ва маълумотлар алмашуви;

- иккала томоннинг лаборатория ва/ёки органларининг ходимларини алмашиш, шу жумладан уларни ўқитиш;

- экспериментал мақсадларда намуналар, материаллар, асбоб-ускуналар ва аппаратлар алмашуви;

- қўшма тадқиқотлар ва фаолиятда тенг тарзда иштирок этиш.

Зарурий ҳолларда, томонлар ва/ёки органлар ҳамкорлик амалга ошириладиган соҳа, унинг шартлари ва муддатларини аниқлаш мақсадида, оқибат натижада исталган томон юқорида қайд этилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлган чора-тадбирлар жорий қилиши мумкин.

Бундай тарзда амалга ошириладиган чора-тадбирлар молиялаш, бошқарув масъулияти топшириш ҳамда маълумотлар тарқатиш ва

интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича батафсил шарт-шароитларни ўз ичига олиши мумкин.

Ҳаракат-тадбирлар такрорланишини камайтириш мақсадида, Томонлар, ушбу Битимга асосан ўз фаолиятларини ўзлари унда томон ҳисобланувчи, ядро хавфсизлигига тааллуқли бўлган бошқа халқаро тадбирлар билан мувофиқлаштириш учун бор имкониятлардан фойдаланадилар.

Ҳар бир Томоннинг мажбуриятлари зарурий пул маблағларининг мавжудлигига боғлиқ бўлади мазкур ҳамкорликдан келиб чиқувчи барча харажатларни уларни сарфловчи томон қоплайди.

Ҳамкорлик тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича томонларнинг тегишли фаолияти уларнинг келишувига асосан қамраб олинган даражада, томонлар ўзаро манфаатга эга бўлган ҳолда, атом энергияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга нисбатан татбиқ этилади.

Ҳамкорлик қуйидаги соҳаларни ўз ичига олиши мумкин:

а) атом энергиясини тиббиёт ва саноат, шу жумладан электр энергиясини ишлаб чиқариш соҳаларида қўллаш;

б) атом энергияси ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро ҳаракат;

с) Томонлар ўртасида келишилганидек ядро тадқиқотлари ва ишланмаларининг ҳар қандай соҳаси ҳамда улар Томонларнинг тегишли қонунчилигига мувофиқ қай даражада амалга оширилиши мумкинлиги.

Ҳамкорлик, хусусан, қуйидаги воситалар асосида амалга оширилади:

- маърузалар, ташрифлар, семинарлар, техник учрашувлар каби тадбирлар воситасида техникавий информация ва маълумотлар алмашуви;

- лабораториялар ва/ёки иккала томоннинг органлари ходимларини алмашиш, шу жумладан уларни ўқитиш;

- экспериментал мақсадларда намуналар, материаллар, асбоб-ускуналар ва аппаратлар алмашуви;

- қўшма тадқиқотлар ва фаолиятда тенг тарзда иштирок этиш.

а) Зарур ҳолларда, муайян лойиҳалар бўйича ҳамкорлик соҳаси ва шартлари тегишли қонунчилик ва тартибга солиб боровчи талабларга мувофиқ ўзининг ваколатли институтлари орқали фаолиятини амалга оширадиган Томонлар татбиқ этилиб, амалга ошириладиган чораларда қайд этилади.

б) Бундай тарзда амалга ошириладиган чора-тадбирлар, бошқалари қаторида, молиялаш, бошқарув масъулиятини топшириш ҳамда маълумотлар тарқатиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича батафсил шарт-шароитларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

с) Агар томонлар бошқа тарзда ахдлашиб олмаган бўлсалар, ҳамкорлик бўйича фаолиятдан келиб чиқувчи барча харажатларни уларни сарфловчи томон қоплайди.

д) Ушбу боб бўйича ҳамкорлик юзасидан фаолиятга мувофиқ амалга ошириладиган ҳар қандай ядро трансфертлари Томонлар ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги халқаро ва кўп томонлама мажбуриятлари асосида амалга оширилади.

Агар жўнатувчи Томон қабул қилувчи Томонни жўнатишдан аввал ёки жўнатиш пайтида ёзма равишда хабардор қилган бўлса, (Томонларнинг тегишли органлари жорий қилган Маъмурий чораларда белгиланган тартиботларга мувофиқ) қабул қилувчи Томоннинг ҳудудий юрисдикциясига кириш пайтида Томонлар ўртасида бевосита равишда ёки учинчи мамлакатлар орқали топшириладиган ядро материали ушбу Битимнинг мавзуи бўлади, кайд этилган ядро материали куйидаги ҳолатларгача ушбу Битим шартларига мос келади:

- ундан ҳимояга тааллуқли ядро мақсадларида фойдаланилмаётган ёки умуман тикланмайдиган ҳолатга келган бўлса, ҳимояни тугатиш учун шартларга мувофиқ аниқланмаса;

- у куйида келтириладиган қабул қилувчи Томоннинг юрисдикциясидан чиқмаган бўлса; ёки

- Томонлар унинг ушбу Битим мавзуси бўлмаслигига келишган бўлсалар.

Томонлар ўртасида ядро материаллари ва тегишли хизматлар билан савдо бозор нархлари бўйича амалга оширилади.

Ядро материаллари билан ўзаро савдода Томонлар тижорат борасида ҳимоя чораларини талаб қилувчи низоли вазиятларга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари зарур. Башарти, бундан қатъи назар, уларнинг ядро материаллари билан ўзаро савдосида атом саноати (шу жумладан уран қазиб олиш) учун жиддий хавф яратувчи муаммолар юзага келса, Ўзбекистон ёки Ҳамжамият, исталган томон ad hoc Кўмитаси доирасида имкон қадар тезроқ муддатларда маслаҳатлашувлар ўтказилишини талаб қилиши мумкин.

Агар маслаҳатлашувлар жараёнида бу муаммоларни ҳал этиш учун ўзаро мақбул қарор топилмаса, маслаҳатлашув ўтказилишини талаб қилган томон, муаммони ҳал этиш учун тегишли тижорат ҳимоя чораларини қабул қилиши ёки уларнинг таъсирини ўзининг ички қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг тегишли тамойилларига мувофиқ юмшатиши мумкин.

Евратом Шартномаси ва шу Битим асосидаги унга қўшимча қонунларни, шу жумладан Ўзбекистон қонунчилигини камситмаслиги лозим.

Ядро материалларини топшириш куйидаги шартларга бўйсунити зарур:

- а) Ядро материалдан тинч мақсадларда фойдаланилиши зарур ва ундан ҳар қандай ядро портлатиш ускунаси учун ёки уни тадқиқ қилиш ёхуд ҳар қандай шу каби ускунани ишлаб чиқиш учун фойдаланмаслик лозим;

- б) Ядро материали куйидаги ҳолатлар учун мавзу бўлиши зарур:

- с) Ўзбекистонда — III Модда (1) ва 1994 йил 8 октябрда кучга кирган Тарқатмаслик тўғрисида Шартномани бажаришда МАГАТЭ билан тузилган ҳимоя чоралари бўйича битим; (INFCIRC/508 сифатида эълон қилинган);

INFCIRC/540 (Давлат(лар) ва МАГАТЭ ўртасидаги Битимни тўлдирувчи Модел Протоколи ҳимоя чораларини қўллаш учун) сифатида эълон қилинган ҳужжат, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида 1998 йил 22 сентябрда тузилган тўлдирилган қўшимча Баённома.

Ҳамжамиятда — Евратом Шартномасига мувофиқ ҳимоя чоралари ва ҳимоя чоралари бўйича куйидаги битимларга мувофиқ МАГАТЭ кафолатлари, шунга мувофиқ, куйидагиларни кўзда тутувчи ҳамда

Тарқатмаслик тўғрисида Шартнома талаб қиладиган даражада кўриб чиқилиши ва алмаштирилиши мумкин бўлган:

- 1977 йилнинг 21 февралда кучга кирган, ядро давлати бўлмаган, Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар, Евратом ва МАГАТЭ ўртасидаги Битим (INFCIRC/193 сифатида эълон қилинган);

- 1981 йил 12 сентябрда кучга кирган, Франция, Евратом ва МАГАТЭ ўртасидаги Битим (INFCIRC/290 сифатида эълон қилинган);

- 1978 йил 14 августда кучга кирган, Бирлашган Қироллик, Евратом ва МАГАТЭ ўртасидаги Битим (INFCIRC/263 сифатида эълон қилинган);

INFCIRC/540 (Давлат(лар) ва МАГАТЭ ўртасидаги Битимни тўлдирувчи Модел Протоколи ҳимоя чораларини қўллаш учун) сифатида эълон қилинган ҳужжат асосида 1998 йил 22 сентябрда тузилган қўшимча Баённомалар (белгиланган муддатларда тақдим этилган).

Ўзбекистон ва Ҳамжамият доирасида исталган сабабга кўра вақтинча ҳаракатдан тўхтатилган ёки бекор қилинган МАГАТЭ билан тузилган ҳар қандай Битим қўлланганда, тегишли Томон ҳимоя чоралари бўйича битимларда кўзда тутилган самарадорлик ва миқёс эквивалентини назарда тутувчи атом энергияси бўйича Халқаро агентлик битимига кириши лозим, ёхуд бундай ҳолат кўзда тутилмаган бўлса,

Ҳамжамият, унга алоқадар тарзда, ҳимоя чоралари бўйича битимларда назарда тутилган самарадорлик ва миқёс эквивалентини кўзда тутувчи Евратом ҳимоя чоралари тизимига асосланган ҳимоя чоралари тизимини қўллаши зарур, ёхуд бундай ҳолат кўзда тутилмаган бўлса,

Томонлар, ҳимоя чоралари бўйича битимларда назарда тутилган самарадорлик ва миқёс эквивалентини кўзда тутувчи ҳимоя чораларини қўллаш учун механизмларни тадбиқ этиши зарур.

Жисмоний ҳимоя чораларининг МАГАТЭнинг INFCIRC/254/Rev.5/Part1 (ядро материалларини топшириш учун Қўлланма) ҳужжатида нисбатан энг камида Илова С (Annex C)да баён қилинган мезонларга жавоб берувчи даражада қўлланиши кўриб чиқилиши мумкин бўлган радиоактив материалларни хавфсиз равишда ташиш учун МАГАТЭ қоидалари асосида қайта кўриб чиқилиши мумкин; ҳамда ушбу ҳужжатга қўшимча равишда Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар, Европа Комиссияси, мувофиқ равишда Ўзбекистон ҳам жисмоний ҳимоя чораларини қўллаш жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган INFCIRC/225/REV/4 (ядро материалининг ҳамда ядро ускунасининг жисмоний ҳимояси) ҳужжатидаги тавсияларга асосланиши мумкин.

Халқаро юк ташиш Томонлар ва Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши мумкин бўлган Ядро материални жисмоний ҳимоялаш бўйича Халқаро Конвенция (МАГАТЭ INFCIRC/274/Rev.1) қоидаларидан, радиоактив материалларни хавфсиз равишда ташиш учун МАГАТЭ қоидалари (TS-R-1/-ST-1, МАГАТЭ хавфсизлик стандартлари серияси кўриб чиқилган)дан келиб чиқиши лозим.

Шартланган ҳар қандай объектларни Томонларнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарига икки марта ўтказиш фақат қайта кўриб чиқилиши мумкин бўлган МАГАТЭ INFCIRC/254/Rev.5/Part1 ҳужжатида баён қилинган

ядро материалларини топшириш учун Қўлланма шартлари асосида амалга оширишлари зарур.

Томонлар, ишлаб чиқарувчилар, атом саноатининг ёнилғи цикли, коммунал хўжалик ва истеъмолчилар корхоналарининг ўзаро манфаатлари борасида ўзларининг тегишли ҳудудларида томонлар ўртасидаги ёки ваколатли шахслар ёхуд идоралар ўртасидаги ўрнатилган ядро материаллари савдосига кўмаклашишлари лозим.

Рухсатномалардан, шу жумладан экспорт ва импорт лицензиялари, шунингдек учинчи томонларга савдо, саноат операциялари ва томонларнинг ҳудудида ядро материалларини топширишга тааллуқли рухсатномалардан савдони чеклаш ёки халқаро миқёсда ҳам, мамлакат ичкарисида ҳам атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш борасида исталган томоннинг савдо манфаатларига тўсиқ сифатида фойдаланилмаслиги зарур.

Тегишли идора бундай рухсатномаларни олиш учун ариза асосида ҳаракат қилиши ва аризаларни топширилган кунидан бошлаб имкон қадар тез муддатларда ҳамда асоссиз кечиктиришларсиз кўриб чиқиши лозим. Бу қоидага риоя қилинишини таъминлаш учун тегишли қоидалар белгиланиши зарур.

Битим қоидалари Ҳамжамият ҳудуди доирасида ядро материалининг эркин равишда ҳаракатланишига тўсқинлик сифатида талқин қилинмаслиги лозим.

Битимнинг ҳар қандай сабабга кўра вақтинча ҳаракатдан тўхтатилиши ёки унинг жорий муддати тўхтатилишига қарамай, ана шу қоидаларда шартланган ҳар қандай ядро материаллари каби шу қадар узоқ давом этиши зарур, у исталган томоннинг юрисдикцияси остида бўлади ёки юқорида қайд этилганидек, Битим ҳаракатдан тўхтатилган ёки жорий муддати тўхтагандан сўнг 10 йилдан ошмаган муддатда кучга эга бўлади.

Томонлар ўзларининг тегишли ваколатлари доирасида атом энергияси соҳасидаги бошқа фаолият турлари бўйича ҳамкорлик қилиш борасида келишишлари мумкин.

Ҳамжамият томонидан фаолият тегишли ҳаракат дастурларини қамраб олиши ва унинг учун белгиланган шартларга, масалан, ядро материални хавфсиз равишда транспортировка қилиш, химоя чоралари ёки атом иншоотлари хавфсизлигининг айрим жиҳатларига кўмаклашиш учун саноат ҳамкорлиги каби соҳалар шартларига мувофиқ келиши зарур.

Битим бўйича ҳамкорлик Ўзбекистон ва Ҳамжамиятда амалда бўлган қонунлар ва қоидаларга, шунингдек томонлар ўртасида тузилган халқаро битимларга ҳам мувофиқ келиши лозим. Ҳамжамият борасида эса қўллаш ҳуқуқи Евратом Шартномаси ҳамда унга мувофиқ иккинчи даражали қонунчиликни ўз ичига олади.

Битим бўйича фаолият билан боғлиқ бўлган, маълумотлардан фойдаланиш ва уларни тарқатиш ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқлари, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари мазкур Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланган мувофиқ бўлиши зарур.

Агар Томонлар алоҳида механизмли маслаҳатлашувлар ўтказишни назарда тутмаган бўлса, улар ушбу Битим бўйича ҳамкорлик мониторинги учун ШХБ доирасида мунтазам равишда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

Битимни қўллаш ёки талқин қилиш борасида юзага келадиган ҳар қандай низола ШХБнинг 90-моддасига мувофиқ равишда кўриб чиқилиши мумкин.

Битим Томонлар дипломатик ноталар алмашиш воситасида у кучга кирадиган санани белгилаган кундан бошлаб кучга кириши ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолиши зарур. Натижада, агар исталган томон ушбу Битимнинг жорий муддати тугашидан камида 6 ой аввал бошқа томонга ёзма равишда Битимни ҳаракатдан тўхтатиш ёки янги музокаралар ўтказишни таклиф қилмаса, Битим ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатга узайтирилиши лозим.

Агар исталган Томон ёки Ҳамжамиятга аъзо исталган мамлакат ушбу Битимнинг аҳамиятга эга бўлган исталган қондасини бузса, бошқа Томон ёзма хабарнома юбориб, мазкур Битим бўйича ҳамкорликни бутунлай ёки қисман тўхтатиши хусусида ўз мақсадини маълум қилиши мумкин. Исталган бошқа Томон ана шу мақсадда ҳаракат қилгунга қадар, Томонлар тузатишлар киритувчи чоралар қабул қилиш ҳамда бундай чоралар қабул қилиниши лозим бўлган вақтинча муддатлар юзасидан келишувга эришиш учун маслаҳатлашувлар ўтказиши мумкин.

Бундай хатти-ҳаракатлар фақат келишилган чораларни муайян вақт доирасида амалга ошириш имконияти бўлмаган тақдирда ёки қондабузарликнинг табиати ва жиддийлигини эътиборга олган ҳолда, маълум вақт ўтгандан сўнг келишувга эришилмаган ҳолда амалга оширилиши зарур.

«Ядро материали» ибораси МАГАТЭ Низомининг XX моддасида белгилаб берилган атама бўлиб, у парчаланиш манбаи ҳисобланган исталган материал ёки бўлиниб кетишга мойил махсус материални англатади.

«Ҳамжамият» куйидагиларни билдиради:

Юридик шахс - атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамиятини таъсис этувчи Шартномага кўра ташкил этилган ушбу Битимнинг Томони;

ҳудудлар, юқорида қайд этилган Шартнома қўлланадиган ҳудудлар;

«Томонларнинг тегишли органлари» куйидагиларни англатади:

Ўзбекистон учун - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки манфаатдор Томон исталган вақтда бошқа Томонни хабардор қилиши мумкин бўлган бошқа шундай орган;

Ҳамжамият учун - Европа Иттифоқи Комиссияси.

Битим ўзбек, дания, голланд, инглиз, фин, француз, немис, грек, итальян, португал, испан ва швед тилларида икки нусхада тузилиши зарур, матнларнинг барчаси бир хил кучга эгадир.

Минтақавий халқаро ташкилотлар. Универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий (регионал) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари маълум жуғрофий минтақа давлатлари бўлишлари мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро ҳамкорликка қаратилган бўлади.

БМТ Уставида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан, уларнинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолияти БМТ Уставининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятига қўмаклашиши лозим.

Жуда қўп сонли турли минтақавий ташкилотлар ичидан умумий ваколатлиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Қуйида ана шулардан айримлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Африка Бирлиги Ташкилоти — таркибига 50 дан зиёд Африка давлатлари аъзо бўлган энг йирик минтақавий халқаро ташкилотдир. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис-Абебадаги Африканинг мустақил давлатлари ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган ва мазкур ташкилотнинг Хартияси ва Низоми имзоланган Конференцияда ташкил этилган.

Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- биринчи, Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш;

- иккинчи, улар ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим, маданият, ҳимоя ва хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш;

- учинчи, уларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;

- Тўртинчи, Африка қитъасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиш ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш.

Араб давлатлари Лигаси 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- биринчи, аъзо-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш;

- иккинчи, аъзо-давлатларнинг сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодий, молиявий, савдо, маданий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- учинчи, аъзо-давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш.

Америка Давлатлари Ташкилотига Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатлари ва АКСХ киради (Канада бу ташкилотга кирмайди, 1962 йилда эса АКСХ тазйиқи остида Куба ундан чиқарилган).

Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциация (АСЕАН) 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, кейинчалик ўнта Бруней ва Вьетнам аъзо бўлган. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг Дўстлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди.

Ушбу ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда Ассоциациянинг мақсадлари иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ташкил этиш, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан иборат.

Европа Кенгаши Европа давлатларини бирлаштирувчи минтақавий халқаро ташкилотдир. Ҳозирги кунда 40 давлат Европа Кенгашининг аъзолари

хисобланади. Шарқий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда қабул қилинди.

Европа Кенгашининг мақсадларига инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, демократияни чуқурлаштириш, асосий ҳуқуқий таълим, ахборот, атроф-муҳитни химоя қилиш, Соғлиқни Сақлаш каби масалаларда ҳамкорлик қилиш ва Европанинг барча давлатларини яқинлаштириш кабилар киради.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти. Ҳозирги кунда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти халқаро минтақавий ташкилотдир. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия ва ўнта қўшимча ҳужжат, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган «Ўзгаришлар вақти чақириғи» Декларацияси ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари ва тузилишини белгиловчи пакет хисобланади. Шунга мувофиқ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият соҳалари: хавфсизлик, қуролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти — таркибига жуғрофий жиҳатдан Ванкувердан Владивостоккача бўлган ҳудудда жойлашган 55 мамлакат аъзо бўлган хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умум Европа ташкилотидир.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти тинчлик ва хавфсизлик масалаларига ҳар томонлама ёндашади. Унинг органлари ва институтлари ҳамкорлик асосида тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат олиб бориш, привентив дипломатия, ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иқтисодий ва экологик хавфсизлик каби кенг масалалар доирасида фаолият кўрсатади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, шунингдек, оддий қуролларни назорат қилиш ва ишончни мустаҳкамлаш борасида тадбирлар қўллашга асос яратади. Бу соҳада энг мувофиқлаштирувчи келишув 1994 йилдаги Вена ҳужжатида.

У давлатлар олдида ўз ҳарбий фаолиятларининг ошкоралиги ва олдиндан кўра-биладиган бўлиши мажбуриятини кўяди. Мазкур Ташкилот доирасида демократик жамиятда қуролли кучларнинг ўрнини белгиловчи тамойиллар келтирилган Фаолият кодекси қабул қилинган. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотида бундан ташқари тортишувларни хал этишнинг бир канча механизмлари ҳам ишлаб чиқилган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади. Парламент Ассамблеяси котибияти Копенгагенда жойлашган.

Ташкилот томонидан Женевада Арбитраж ва ярашиш суди таъсис этилган. Арбитраж ва ярашиш конвенциясини имзолаган давлатлар Арбитраж

трибунали ёки Яраш комиссияси доирасидаги низоларни судда кўриб чиқиши учун такдим этишлари мумкин. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, шунингдек, Европа Иттифоқи ташаббуси билан қабул қилинган Барқарорлик пактининг сақловчиси ҳамдир.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши 1990 йилга қадар меъёр ва бурчлар ишлаб чиқувчи ва уларнинг бажарилишини мунтазам текшириб боровчи конференция ва кенгашлар сифатида фаолият олиб борди. 1990 йил олий даражадаги Париж учрашуви унинг фаолиятини тубдан ўзгартирди.

Янги Европа учун Париж хартиясида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши олдида Европадаги тарихий жараёнларни бошқаришга ўз хиссасини кўшиш ва совуқ уруш тугаганидан кейинги даврда юзага келган янги талабларга жавоб бериш вазифалари кўйилди. Уларни бажариш мақсадида бир нечта институт ва муассасалар ташкил этилди, учрашувларни ўтказиш доимий асосга кўйилди

Кенгаш фаолиятининг кейинги ривожланши 1990-1999 йиллар мобайнида ўтказилган бир қатор доимий учрашувлар шаклига кириб борди. Уларда янги механизмлар ишлаб чиқилди, таркибий бўлинмалар ташкил этилди ва совуқ уруш тугаганидан кейинги Давр Европасининг муаммоларини ечиш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамкорлик асосида Европада хавфсизликни таъминлаш жараёнида етакчи урин тутади. Мазкур Ташкилот ўзининг бу борадаги уринишларини кучайтира борар экан, бошқа бир қанча халқаро, минтақавий ва нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги. Ушбу минтақавий ташкилот собик СССР айрим республикалари томонидан тузилган эди. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар 1991 йил 8 декабрда Минскда Белорусия, Россия ва Украина томонидан имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтик Буйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 собик Иттифок республикалари томонидан Олма Отада имзоланган Битимга Протокол ва 1991 йил 21 декабрда имзоланган Олма Ота Декларациялари ҳисобланади. 1993 йил 22 январда Минскда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошликлари кенгашида (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон номидан) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Устави қабул қилинди.

Ҳамдустликнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- биринчи, сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;
- иккинчи, умумий иқтисодий маконни яратиш;
- учинчи, умуминсоний тамойиллар ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг меъёрларидан келиб чиқувчи инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
- тўртинчи, аъзо давлатларнинг халқаро тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш ва қуролсизланишга йўналтирилган ҳамкорликларни амалга ошириш;

- бешинчи, аъзо давлатлар фуқароларининг Ҳамдустлик ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;
- олтинчи, ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- еттинчи, низо ва тортишувларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

МДХ ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари асосида ташкил этади. Шунингдек: давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, ўзаро бир-бирлари ва умуман Ҳамдўстлик манфаатларидан келиб чиқиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аъзо давлат халқи маънавиятининг бутунлигини сақлаш, маданий қадриятларни сақлаш ва маданий алмашилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби қўшимча тамойиллар ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик давлат бўлмаганлиги учун миллий ваколатларга эга эмас. Бу халқаро ҳуқуқнинг тенг субъектлари томонидан миллий суверенитет асосида ташкил этилган давлатлар бирлашмасидир.

Уставда Ҳамдўстлик манфаатларининг мавжудлиги тан олинади ва 1991 йил 8 декабрда имзоланган битим асосида давлатларнинг ҳамкорлик соҳалари белгиланади.

Улар жумласига:

- инсоннинг асосий ҳуқуқ, ва эркинликларини таъминлаш;
- ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш;
- умум Европа ва Евроосиё бозорларининг умумий иқтисодий ҳудудини яратиш ва ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;
- божхона сиёсати;
- транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;
- Соғлиқни Сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; ижтимоий ва миграциявий сиёсат масалалари; уюшган жиноятчиликка қарши кураш;
- ташқи чегараларни қўриқлаш ва мудофаа масалалари кабилар киради.

Ҳамдустликдаги давлатларнинг ўзаро манфаатлари, умумий мақсадлари, бирга фаолият олиб бориш соҳаларининг мавжудлиги уни ваколатлари ва ҳуқуқий субъектлиги шартномавий асосга эга халқаро ҳуқуматлараро ташкилот деб аташга имкон беради.

Ҳамдўстлик Уставидан келиб чиққан ҳолда таъсис этувчи ва аъзо давлатлар фарқланади. Биринчи гуруҳга 1991 йил 8 декабрда имзоланган Ҳамдўстликни ташкил этиш тўғрисидаги битим ва унга қўшимча 1991 йил 21 декабрда имзоланган Протоколни Ҳамдўстлик Уставининг қабул қилиниши вақтига қадар қабул қилган ва ратификация қилган давлатлар, аниқроғи, Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон ва Украина киради.

Ҳамдўстликка қабул қилиниш аъзо давлатларнинг розилиги билан унинг мақсад ва тамойилларини қабул қилувчи, Уставда кўрсатилган мажбуриятларни унга қўшилиш йўли билан қабул қилувчи ҳар бир давлат учун очиқ ҳисобланади. Шунингдек, баъзи давлатларнинг Ҳамдўстликнинг айрим фаолият соҳаларида қўшилувчи аъзо сифатида иш олиб боришлари имкони ҳам кўзда тутилган.

Ҳамдўстликнинг олий органи давлатлар бошлиқларининг Кенгаши бўлиб, у аъзо давлатлар умум манфаатлари доирасида давлатлар фаолиятини муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Кенгаш йилда тўрт марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ўтказиши мумкин.

Иккала кенгашнинг ҳам қарорлари ўзаро розилик (консенсус) асосда қабул қилинади. Бирор-бир давлатнинг маълум соҳага қизиқиш билдирмаслиги қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Ташқи алоқаларни мувофиқлаштирувчи орган — ташқи ишлар вазирлари кенгаши; жамоа хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик соҳасида муҳофаа вазирлари кенгаши; бирлашган қуроли кучлар олий қўмондонлиги, чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши тузилган. Шунингдек, тармоқлар бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш назарда тутилиб, темир йўл транспорти кенгаши, давлатлараро фазо кенгаши, давлатлараро экологик кенгаш ҳам мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида иқтисодий мажбуриятларнинг бажарилиш жараёнида келиб чиқувчи низолар ва шартнома ва бошқа иқтисодий ҳужжатларни таҳлил қилишдан келиб чиқадиган фарқларни ечиб берувчи иқтисодий суд, Ҳамдўстлик аъзолари олган мажбуриятлардан келиб чиқувчи инсон ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилувчи Инсон ҳуқуқлари комиссияси мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида доимий фаолият кўрсатувчи ижроия органи 1993 йил апрелда Минскда ўтган давлат бошлиқлари кенгашида жорий этилган координацион-консултатив қўмита ҳисобланади. У давлат бошлиқлари кенгаши тайинлайдиган қўмита координатори ва ҳар бир аъзо давлатнинг иккитадан доимий мухтор вакилидан иборат.

Қўмита Ҳамдўстликнинг барча фаолият соҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади, иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ соҳалари бўйича шартномаларнинг бажарилишига имконият яратади, Ҳамдўстликнинг барча органларининг ишлашига имкон яратади. Унинг қошида котибият ташкил этилган. Қўмита ва котибият Минскда жойлашган.

Ҳамдўстлик халқаро ташкилот сифатида ўзига хосликларга эга. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар ва устави ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг ташкилот фаолиятида қисман иштирок этишларига имкон беради. Жумладан, Минскда 1991 йил 8 декабрда имзоланган битимнинг 10-моддаси иштирокчиларга битимни тўлалигича эмас, балки унинг айрим қисмларини тўхтатиб қўйиш имконини беради.

Халқаро конференциялар. Халқаро конференция - ваколатли давлат вакилларининг халқаро миқёсдаги муаммоларни ечиш мақсадида чақирилган анжуманидир. Халқаро конференциялар асосан ҳукуматлараро хусусиятга эга бўлади. Ҳукуматлараро халқаро конференция кўп томонлама дипломатиянинг муҳим шакли ва халқаро музокаралар воситасидир.

Замонавий халқаро конференция иштирокчи мустақил давлатларнинг келишилган мақсадларнинг амалга оширилиши учун ташкил этилган жамоа органидир. Ҳар қандай халқаро конференциянинг мақсад ва вазифалари

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф қилинган тамойилларига мос тушиши лозим.

Халқаро конференцияларнинг қандай номланиши (съезд, конгресс, конференция, йигилиш) юридик маънога эга эмас.

Катнашчиларнинг доирасига кўра ҳукуматлараро конференциялар умумий (ҳар қандай давлат иштирок этиши мумкин) ва минтақавий бўлиши мумкин. Кўпгина конференцияларга, айниқса БМТ томонидан чақирилган конференцияларга қизиқишлари мавжуд давлат ва нодавлат ташкилотлари ва конференцияда иштирок этмаётган давлатларнинг вакиллари кўзатувчилар сифатида таклиф этиладилар.

Муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг муҳимлиги, муҳокамага тайёрлиги даражаси билан белгиланувчи конференциянинг ўтказилиш даражасига кўра халқаро конференцияга юборилувчи делегациянинг раҳбари давлат ёки ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ёки бошқа расмий кишилар бўлиши мумкин.

Халқаро конференция халқаро ташкилот доирасида у томонидан ёки ташаббускор давлат томонидан чақирилиши мумкин. Халқаро ташкилот томонидан ёки унинг доирасида халқаро конференциянинг чақирилиши унинг ад ҳок мустақил халқаро орган хусусиятини ўзгартирмайди. Баъзи конференциялар даврий бўлади ва бир неча йил давом этиши мумкин.

Чақирилиш мақсадига кўра ҳукуматлараро конференциялар сиёсий, иқтисодий, дипломатик, умумий ва тинчлик конференциялари бўлиши мумкин. Халқаро конференциялар шартномаларни ва халқаро ташкилотлар уставларини тайёрлаш ва қабул қилиш, маълум халқаро муаммоларни муҳокама этиш учун чақирилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти. 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Хитой, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарлари томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) тузилиши ҳақида декларация имзоланди.

Афғонистон, Беларус, Эрон ва Мўғулистон Ташкилотда кузатувчи мақомига эга. Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал, Туркия ва Шри-Ланка давлатлари ШХТда “мулоқот йўлида ҳамкорлик” мақомига эга. 2010-йил апрел ойида Тошкент шаҳрида ШХТ ва БМТ котибиятлари ҳамкорлиги тўғрисида қўшма декларация имзоланди.

Шунингдек, БМТнинг Осиё ва Тинч океани мамлакатлари учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси, Евросиё иқтисодий ҳамжамияти, Мустақил Давлатлари Ҳамдўстлиги каби ташкилотлар билан расмий алоқалар ўрнатилган.

Ташкилот иккита доимий амалдаги органга, яъни Пекин шаҳрида ШХТ Котибияти ва Тошкент шаҳрида ШХТнинг Минтақавий Аксилтеррор тузилмаларига эга.

ШХТ Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатишда, ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда кўп томонлама ҳамкорликнинг механизми, очик ва конструктив мулоқот учун майдон, шунингдек, турли йўналишларда шерикчиликни ривожлантириш инструменти ҳисобланади. ШХТ фаолияти даврида, ташкилотни

мустаҳкамлаш борасида катта сиёсий ва ташкилий ишлар амалга оширилди, унинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кўп қиррали амалий қадамлар қўйилди.

ШХТ Хартиясига мувофиқ, аъзо давлатлар ҳамкорлик қилишда қуйидаги принципларга амал қилишади:

- давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигини ва давлатлар чегараларининг дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бостириб кирмаслик, ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки халқаро муносабатларда куч билан таҳдид қилмаслик, чегарадош ҳудудларда бир томонлама ҳарбий устунлик қилишдан воз кечиш;

- аъзо давлатлар тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро тушунишга асосланган ҳолда қарашлар кесишувчи нуқталарни излаш, ҳар бир аъзо давлатнинг фикрларини ҳурмат қилиш;

- умумий манфаатлар мавжуд йўналишларда биргаликдаги ҳаракатни босқичма-босқич амалга ошириш;

- аъзо давлатлар ўртасида мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни тинчлик йўли билан бартараф этиш;

- ШХТни бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларга қарши қўймаслик;

- ШХТнинг манфаатларига қарши қаратилган ҳар қандай ноқонуний ҳаракатларга йўл қўймаслик;

- ШХТ Хартиясидан, ташкилот доирасида қабул қилинган ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажариш.

ШХТда қарорлар қабул қилувчи Олий орган – аъзо давлатлар раҳбарларининг Кенгаши (ДРК) бўлиб, ташкилотнинг стратегиясини, кўп қиррали ҳамкорлик ва ташкилот фаолиятининг истиқболлари ҳамда устувор йўналишини кўриб чиқади ва белгилайди. ДРК бир йилда бир марта йиғилади, йиғилишга ташкилотчи давлат раҳбари раислик қилади.

Аҳамиятли жиҳатидан иккинчи орган – ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенгаши (ХРК) бўлиб, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегиясини, унинг устувор йўналишига оид масалаларни муҳокама қилиш, иқтисодий ҳамкорликнинг ўта муҳим ва долзарб вазифаларини ҳал қилиш учун бир йилда бир марта йиғилади.

Шунингдек, Ташкилотнинг йиллик бюджетини тасдиқлайди.

ДРК ва ХРК йиғилишларидан ташқари, хавфсизлик кенгаши котиблари, ташқи ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар, иқтисодиёт, транспорт, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш вазирлари, олий суд, бош прокурорлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари даражасида учрашувлар механизми ҳам мавжуд.

ДРК, ХРК, ташқи ишлар вазирлари ва бошқа органларни йиғилишларини тайёрлаш бўйича зарурий иш олиб боровчи миллий координаторлар Кенгаши ШХТнинг жорий фаолиятини мувофиқлаштиради ва унга раҳбарлик қилади.

Иқтисодий йўналишда Ишбилармонлик Кенгаши ва ШХТнинг Банклараро уюшмаси механизмлари фаолият юритади.

Ўзбекистон ШХТнинг таъсисчи давлатларидан бири ҳисобланади ва бошқа аъзо давлатлар қаторида ташкилот доирасида келажакдаги ҳамкорлик стратегиясини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси ташкилот доирасида

минтақавий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ҳамкорлик, аъзо мамлакатлар муқаррар иқтисодий ўсиши ва аҳоли яшаш даражасини ошириш каби йўналишларга эътибор кучайтирилишини зарур деб ҳисоблайди.

Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги доирасида 2004 йил Тошкентда бўлиб ўтган саммитда «ШХТда кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом» ҳамда «ШХТнинг кузатувчилар билан ўзаро муносабатлари Тартиби тўғрисида» ҳужжатлар имзоланди. Кузатувчи давлат институтини жорий этилиши, ШХТнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу, шунингдек, ШХТнинг келажагини мустақамлаш, ташкилот салоҳиятини кенгайтириш ҳамда жаҳон ҳамжамиятида унинг роли ва обрўсини сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

2010 йил июнь ойида Тошкентда бўлиб ўтган саммитда ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш Низоми ҳамда ШХТнинг процедуралар Қоидаси тасдиқланди. Шунингдек, ШХТга аъзо-давлатлар ҳукуматлари ўртасида қишлоқ хўжалиги ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланди.

2013 йил ноябрь ойида Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг (бош вазирлар) бўлиб ўтган 12- йиғилишида томонлар жаҳон ва минтақавий иқтисодий ривожланишга оид кенг қамровли масалалар бўйича фикр алмашдилар ҳамда ШХТ доирасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШХТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг келажақда транспорт соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти имзоланди ҳамда ШХТнинг Тараққиёт Банки ва Тараққиёт Фондини ташкил қилиш бўйича келгусида қилинадиган ишлар бўйича қарор қабул қилинди.

2015 йил 9-10 июлда Уфа шаҳрида ШХТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди, мазкур саммит давомида минтақавий муаммолар ва халқаро хавфсизликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилиб, ташкилот фаолиятидаги устувор йўналишлар ва ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик ривожининг истиқболлари муҳокама қилинди.

ШХТ саммити якунида давлат раҳбарлари томонидан Уфа декларацияси имзоланди, 2025-йилгача ШХТ ривожланиш стратегияси, 2016-2018-йилларга мўлжалланган ШХТга аъзо давлатларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш учун ҳамкорлик дастури тасдиқланди, Хиндистон ва Покистоннинг ШХТ аъзолигига қабул қилиниши жараёнининг бошланганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари томонидан Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги муносабати ва наркотик таҳдидлар муаммоси юзасидан баёнот қабул қилинди, шунингдек, ШХТга аъзо давлатларнинг чегара масалалари бўйича ҳамкорлиги ҳақида Битими имзоланди.

ШХТнинг Уфа саммити якунланиши билан 2015-2016 йилларда Ташкилотга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтди.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатларнинг манфаатларини ақс эттирувчи ўзаро манфаатли ривожланиш, ШХТнинг халқаро майдонда обрўйини ортиб боришини таъминлаш каби тамойилларга риоя қилган ҳолда, раислик қилди.

Халқаро, минтақавий хавфсизлик, барқарор иқтисодий ривожланиш, ШХТ аъзолари бўлган барча давлатлар гуманитар ривожланишига бўлган замонавий таҳдидларга муносиб жавоб тайёрлаш, терроризм, экстремизм, айирмачиликка қарши биргаликда курашишни кучайтириш борасида чоратадбирлар ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Минтақада ШХТнинг тараққиёт ва барқарорликнинг ишончли кафолатчиси сифатидаги ролини мустаҳкамлаш мақсадида аъзодавлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш тадбирларига, шунингдек БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар ва манфаатдор давлатлар билан муносабатларнинг кейинги ривожига катта аҳамият берилади.

МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари раҳбарларининг кенгаши. МДХга аъзо давлатлар Божхона хизматлари раҳбарларининг кенгаши (бундан буён - Кенгаш) МДХнинг соҳага оид доимий равишда фаолият кўрсатувчи органи бўлиб ҳисобланади. МДХга аъзо давлатлар божхона хизматларининг ўзаро ҳамкорликларини мувофиқлаштириб туриш Кенгашнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Кенгаш ўз фаолиятини МДХ доирасида ушбу ҳамжамиятга аъзо давлатлар томонидан имзоланган асосий ҳужжатлар, битим ва келишувлар, Давлатлар раҳбарлари кенгашининг, ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг, Иқтисодий кенгашининг ва ташқи ишлар вазирлари кенгашининг қарорлари асосида ташкил этади. Кенгаш ўз фаолиятини ташкил этишда МДХ Ижроия қўмитаси билан яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлатлар раҳбарлари кенгашида, ҳукуматлар раҳбарлари ва Иқтисодий кенгашда кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

ўз ваколати доирасида МДХ давлатлари божхона хизматлари ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилиш;

Кенгаш фаолияти йўналишлари бўйича белгиланган тартибда ишчи органлар тузиш (қўмиталар, комиссиялар, ишчи гуруҳлари) ва заруриятга қараб ушбу органлар низомларини тасдиқлаш;

айрим ишларни амалга ошириш мақсадида белгиланган тартибда олим ва мутахассисларни жалб этиш;

ваколати доирасига қирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш.

МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари раҳбарлари кенгаш аъзоси бўлиб ҳисобланадилар. Ҳар бир давлат кенгашда битта овозга эга бўлади. МДХга ҳар бир давлат божхона хизмати раҳбари кенгаш йиғилишларида иштирок этиб, қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган ўз вакилини тайинлаши мумкин. МДХ ижроия қўмитаси вакили кенгашда маслаҳат овозига эга бўлади.

Кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кенгаш ваколати доирасига қирадиган ҳар қандай масалаларни муҳокамага киритиш, кўриб чиқилган масалалар бўйича керакли ахборот ва кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилганлиги туғрисида маълумот олиш;

Кенгашнинг йиғилиш жойи ва вақтини белгилаш туғрисида таклиф киритиш;

Кенгашнинг ишчи органи фаолияти ҳақида керакли маълумот олиш.

Қуйидагилар кенгаш аъзосининг асосий мажбуриятлари бўлиб ҳисобланади:

божхона ҳамкорлигига оид кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ўз давлатининг нуқтаи назарини кенгашга маълум қилиш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларни МДХга аъзо бўлган давлатнинг тегишли органига етказиш ва уларни бажарилишига кўмаклашиш; қабул қилинган қарорларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш.

Кенгашни ротация тамойили асосида кўпчилик овоз билан кенгаш аъзолари орасидан бир йил муддатга сайланадиган раис бошқаради. Агар МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари раҳбарлари лозим деб топган тақдирда кенгаш раиси кейинги муддатларга ҳам сайланиши мумкин.

Кенгаш котибияти:

белгиланган тартиб асосида кенгаш йиғилишлари ташкил этилишини ва ўтказилишини таъминлайди. Кенгашнинг йиғилишлари МДХга аъзо давлатларда ўтказилганда ушбу ишлар қабул қилувчи давлатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорликда ўтказилади;

Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этилган материалларни тайёрлайди;

МДХга аъзо давлатларнинг божхона хизматларига белгиланган тартибда кенгашда кўриб чиқиладиган ҳужжатлар лойиҳаларини ва дастлабки кун тартибини жўнатади;

Кенгашда қабул қилинган қарорларни ўз вақтида МДХга аъзо давлатлар божхона хизматларига юборилишини таъминлайди;

Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида Кенгаш қарорига мувофиқ экспертлар мажлисларини ташкил этади;

Кенгашнинг экспертлар гуруҳи йиғилишлари баёнини юритади;

Кенгаш йиғилишлари ва экспертлар гуруҳининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси бўйича бўлиб ўтадиган мажлислари қатнашчилари таркибини аниқлаш мақсадида МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари билан ҳамкорлик қилади.

МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари билан ҳамкорликда кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиб, натижаси бўйича кенгаш раисига ва аъзоларига ахборот беради;

ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва келишиш мақсадида ўз ваколати доирасида МДХга аъзо давлатлар божхона хизматлари билан биргаликда МДХнинг соҳавий ҳамкорликни амалга оширувчи органлари ва МДХнинг Ижроия қўмитасининг тегишли тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Кенгаш котиби кенгаш раиси томонидан бир йиллик муддатга тайинланади.

Кенгашнинг фаолияти МДХ давлатлари раҳбарлари кенгашининг қарори асосида тўхтатилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифини сўзлаб беринг.
2. Халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар ўртасидаги асосий фарқлар нимада?
2. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги нима?
3. Халқаро ташкилотларга аъзолик турларини тавсифланг.
4. Халқаро ташкилотларнинг яратилиш тарихини сўзлаб беринг.
5. Халқаро ташкилотларнинг функцияларини айтиб беринг.
6. Халқаро ташкилот органларини айтиб беринг.
7. Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилинишини таърифлаб беринг.
8. Халқаро ташкилотларнинг турларини айтиб беринг.
9. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини фарқини сўзлаб беринг.
10. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги иштироки ҳақида сўзлаб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Халқаро шартномалар ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮУ, 2020
4. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
5. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
6. Муминов А. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ЖИДУ, 2014
7. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
8. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
9. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
10. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
11. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003.
12. Рафиқова М., Ачилов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016
13. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.

14. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
15. Bowett D.W. Law of International Institutions. 5th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2001.
16. Farley L.T. Change processes in International Organizations. – конецформыначалоформыCambridge: Center for International Affairs, Harvard University, 1992.
17. Taylor P., A. J. R. Groom. International institutions at work. – London: Pinter Publishers Ltd., 1988.

8-маъруза. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи

Режа:

8.1. Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари

8.2. Давлатларнинг ташқи алоқа органлари

8.3. Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус

8.4. Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби. Консуллар даражалари. Иммунитет ва имтиёзлар

Таянч иборалар:

Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи тушунчаси, тизими ва манбалари. Дипломатик ҳуқуқ нормалари кодификацияси. Дипломатик алоқалар ва дипломатик корпус. Дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши. Дипломатик миссия тушунчаси. Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар. Консуллик ҳуқуқи тушунчаси. Консуллик ваколатхоналар ходимларининг иммунитетлари ва имтиёзлари.

8.1. Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари

Дипломатия ва консуллик ҳуқуқи (ташқи алоқалар ҳуқуқи)ни - халқаро ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида уларнинг ташқи ишлар органлари томонидан ўрнатиладиган ва қувватланадиган расмий алоқалар ҳамда муносабатларни тартибга солувчи тармоғи деб таърифлаш мумкин.

Ташқи алоқалар ҳуқуқи давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларни тартибга солади. Бу - халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги тармоқларидан бири. У қадимда тинч даврда давлатлар ўртасидаги расмий алоқалар мажмуи сифатида вужудга келган дипломатик фаолиятнинг натижасидир.

Ташқи алоқалар ҳуқуқи ўзаро боғланган тўрт қисмдан иборат:

а) дипломатия ҳуқуқи;

б) махсус миссиялар ҳуқуқи;

в) давлатларнинг халқаро ташкилотларга нисбатан муносабатларига ёки халқаро конференциялар доирасидаги муносабатларга татбиқ этиладиган дипломатия ҳуқуқи;

г) консуллик ҳуқуқи.

Милоддан аввалги биринчи минг йилликдаги ҳинд ҳуқуқий ёдгорлиги - Ману қонунларида дипломатия ҳуқуқи урушга йўл қўймаслик ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат деб қайд этилган. “Подшо” бўлимида шундай дейилган: “Тинчлик ва унинг тескариси (уруш) элчиларга боғлиқ, чунки фақат улар тинчликни яратадилар ва уриштирадилар.

Тинчлик ёки урушга сабаб бўлувчи ишлар уларнинг ҳукмидадир”. Қадимги Римда элчилик ва шартномалар муқаддасдир, деган юридик тушунча (jus et sacra legationis) вужудга келди. Ташқи алоқалар махсус органлари - коҳинлардан иборат алоҳида комиссия (мажлис) - фециаллар тузилди.

Кейинчалик дипломатик фаолият янада такомиллашди ва мураккаблашиб борди. Шунинг қайд этиш лозимки, ташқи алоқалар ҳуқуқи, аввало, элчилик ҳуқуқи, яъни элчининг ҳолатини белгиловчи нормалар мажмуи сифатида вужудга келди ва ривожланди.

XX аср бошига келиб, элчилик ҳуқуқининг дипломатия ҳуқуқига, яъни давлатлар ўртасидаги расмий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуига айланиш жараёни бошланди. Элчилик ҳуқуқи билан бир вақтда дипломатик хизмат ҳам вужудга келди ва ривожланди.

XIX аср охири - XX аср бошларида дипломатик ва консуллик хизматларининг қўшилиш жараёни кузатила бошланди. Бу ягона ташқи сиёсий хизматнинг ташкил топишига олиб келди, консуллар ва дипломатик вакилларнинг вазифалари ҳали анча фарқ қилсада, дипломатик муносабатлар ҳамда консуллик алоқалари, ташкилотлари бирлашди.

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг хоссаларига эга бўлган иштирокчилар ўзаро алоқа қиладиган, уларнинг мазкур алоқаларни амалга ошириш учун махсус тузилган расмий органлари иш олиб борадиган, сиёсий аҳамиятга молик ҳуқуматлараро алоқалар ташқи алоқалар ҳуқуқининг **объекти** ҳисобланади.

Шартнома ва **одат** ташқи алоқалар ҳуқуқининг асосий **манбаларидир**. Агар дипломатия ҳуқуқида яқин вақтгача деярли барча масалалар одат нормалари асосида ҳал қилинган бўлса, консуллик ҳуқуқида, аксинча, икки тарафлама консуллик шартномалари доим ҳал қилувчи роль ўйнаб келган. XX асрнинг ўрталаригача Вена баённомаси қўшимчалар (1815 йил), Аахен баённомаси (1818 йил) билан бирга дипломатия ва консуллик ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб келди.

XX асрнинг иккинчи ярмида дипломатия ва консуллик ҳуқуқини кодекслаштириш амалга оширилди: Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961 йил), Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963 йил), Махсус миссиялар тўғрисидаги Конвенция (1969 йил), халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Конвенция (1973 йил), Универсал халқаро ташкилотлар билан муносабатларда давлатларнинг вакиллиги тўғрисидаги Конвенция (1975 йил) қабул қилинди.

Ташқи алоқаларнинг манбаи базасига миллий ҳуқуқ таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, ташқи алоқаларни амалга ошириш учун мўлжалланган аппаратни ҳар бир давлат ўзида амал қиладиган ички ҳуқуқ ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда таркиб топтиради ва унга тегишли ваколатлар берилади. Ушбу органлар фаолият олиб бориши учун давлатнинг ички қонун-қоидалари асос ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ халқаро муносабатларни бевосита тартибга солса, давлатнинг ички ҳуқуқи бу муносабатларни билвосита тартибга солади.

Давлатнинг махсус органлар томонидан амалга ошириладиган расмий ташқи алоқаларини шахслар ва жамоат ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлган халқаро алоқалар (ҳалқ дипломатияси)дан фарқлаш лозим. Ташқи алоқаларда давлат ўз суверенитетига кўра, халқаро ҳуқуқий ҳуқуқ

субъектликлигига эга яхлит тузилма, ягона ижтимоий организм сифатида иштирок этади.

Дипломатик ҳуқуқ ва консуллик ҳуқуқи ташқи алоқалар ҳуқуқининг асосий институтларидир.

Дипломатия ҳуқуқи - халқаро ҳуқуқ тармоғи, давлатнинг ташқи ишлар органлари мақоми ва вазифаларини тартибга солувчи нормалар мажмуи.

Дипломатия ҳуқуқи тизими - дипломатиянинг асосий шакллари, чунончи, дипломатик ваколатхоналар ёки махсус миссиялар орқали амалга ошириладиган икки тарафлама дипломатия; делегациялар томонидан халқаро конференцияларда ва халқаро ташкилотлар органларининг сессияларида, шунингдек, давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарига мос келади.

Дипломатия ҳуқуқи давлат элчилик ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур. Элчилик ҳуқуқи қуйидагилардан ташкил топади:

- давлатнинг чет элда дипломатик ваколатхоналар очиш ҳуқуқидан иборат фаол элчилик ҳуқуқи;

- давлатнинг хорижий элчихоналарни қабул қилиш ҳуқуқидан иборат бўлган пассив элчилик ҳуқуқи.

Консуллик ҳуқуқини - консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда уларнинг мақоми, вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи халқаро ҳуқуқий тамойиллар ва нормалар мажмуи сифатида тавсифлаш мумкин.

Тарихан консуллик муносабатлари, аввало, халқаро савдо ва савдо кемалари қатнови билан боғлиқ муносабатлар сифатида шаклланган. Консулларга узоқ вақт мобайнида сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган давлат маслаҳатчилари ва ёрдамчилари сифатида қаралган.

Бу мансабдор шахсларнинг вазифаси чет давлат ҳудудида ўз давлати фуқароси бўлган савдогарлар ва бошқа шахслар ҳамда ташкилотларга ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган.

Вақт ўтиши билан консуллик муассасалари ваколатига кирадиган масалалар доираси кенгайиб борди, уларнинг вазифалари кўп қиррали хусусият касб этди. Ҳозирги даврда консуллик муассасаларининг вазифаси давлатлар ўртасида нафақат иқтисодий, савдо алоқаларини, балки илмий-техник, маданий ва сайёҳлик, айрим ҳолларда эса - сиёсий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборатдир. Хуллас, консуллик ҳуқуқи давлатлар ўртасидаги консуллик муносабатларини, шу жумладан, консуллар мақоми ва вазифаларини тартибга солувчи нормалар мажмуидир.

Консуллик муносабатлари халқаро маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бир давлат жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини бошқа давлат ҳудудида ҳимоя қилиш учун мўлжаллангандир.

Консуллик муносабатлари давлатлар ўртасида дипломатик алоқалар бўлмаган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин (масалан, давлат дефакто тан олинган ҳолда). Шунга қарамай, дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши консуллик муносабатларининг тан олиншига сабаб бўлади.

8.2. Давлатнинг ташқи алоқа органлари

Давлатнинг ташқи алоқа органлари давлатнинг **ички** ва **хорижий** органларига бўлинади.

Давлатнинг ташқи алоқа ички органлари шу давлат ҳудудида иш олиб боради, ўз навбатида, **конституциявий ҳамда ихтисослашган** бўлади. Конституциявий органларни ҳар бир давлат мустақил равишда тузади. Уларнинг мавжудлиги давлатнинг конституциясида бевосита назарда тутилади.

Ихтисослашган органларни тузиш ҳам ички ҳуқуқ ҳужжатлари билан расмийлаштирилади, лекин уларнинг вужудга келиши муайян даражада тегишли халқаро шартномаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Ушбу шартномаларга асосан унга аъзо бўлган давлат муайян соҳада ташқи алоқаларни амалга оширади.

Конституциявий органларга олий **қонунчилик органи, давлат бошлиғи, ҳукумат** ва **унинг бошлиғи** киради.

Давлатнинг ташқи алоқа ички органлари орасида парламент муҳим ўрин эгаллайди. Ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда парламентнинг роли унинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги олий вакиллик органи сифатидаги ўрни билан белгиланади.

Парламентларнинг ташқи алоқалар соҳасидаги анъанавий ваколатлари қуйидагилардан иборат: уруш, тинчлик, ҳудудий ўзгаришлар масалаларини ҳал қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, ташқи сиёсий тадбирларга ҳаражатларни белгилаш.

Давлат бошлиғи - халқаро муносабатларда давлатнинг олий вакили сифатида иш олиб боради. Давлатнинг ташқи алоқа ички органларининг ташқи сиёсат соҳасидаги ваколатлари, асосан, мамлакат Конституциясида белгилаб қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти қуйидаги ваколатларга эга:

- мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради (93-модда, учинчи банд);

- музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди (93-модда, тўртинчи банд);

- ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади (93-модда, бешинчи банд);

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади (93-модда, олтинчи банд);

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади (93-модда, йигирма иккинчи банд).

Ҳукумат бошлиғи ва умуман, ҳукумат ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилайди ва тегишли масалаларни парламент ҳамда давлат

бошлиғи муҳокамасига ва тасдиғига киритади, ташқи сиёсат соҳасида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади.

Давлатнинг ташқи алоқалар ички махсус органлари давлатни унинг ташқи алоқаларининг фақат бир соҳасида иш олиб боради. Вазирлик ва маҳкамалар давлатнинг ички қонунлари билан белгиланган тартибда давлатнинг ташқи алоқалар ички махсус органлари бўлиши мумкин.

Масалан, **ташқи ишлар маҳкамаси** - давлатнинг ташқи алоқаларига бевосита оператив раҳбарлик қиладиган орган. Унинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

- давлат ташқи сиёсатининг умумий стратегиясини ишлаб чиқиш; давлатнинг ташқи сиёсий курсини амалга ошириш;

- давлатнинг суверенитети, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва бошқа манфаатлари халқаро майдонда дипломатик воситалар билан ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- ўз мамлакати фуқаролари ҳамда юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан мамлакатнинг дипломатик ҳамда консуллик муносабатларини таъминлаш.

Давлатларнинг ташқи алоқалар хорижий органлари икки гуруҳга - **доимий** ва **муваққат** органларга бўлинади. **Доимий органлар:** давлатларнинг улар дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатларда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар ва миссиялар); консуллик ваколатхоналари, савдо ваколатхоналари; давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналаридан иборат.

Муваққат органлар: бошқа давлатларга турли маросим ва тадбирларда иштирок этиш, музокаралар олиб бориш ва бошқа вазифалар учун юбориладиган турли махсус миссиялар; халқаро конференциялардаги делегация ва кузатувчилар гуруҳлари; халқаро ташкилотлар ва уларнинг органлари сессияларида қатнашиш учун юборилган делегациялардан иборат.

8.3. Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус

Дипломатик ваколатхона - бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида улар ўртасида расмий муносабатларни амалга ошириш учун мўлжалланган органи.

Дипломатик ваколатхонага Фавқулодда ва Мухтор элчи, Фавқулодда ва Мухтор вакил, Ишлар бўйича вакил раҳбарлик қилиши мумкин. Дипломатик ваколатхона бошлиғини, қоида тариқасида, давлат бошлиғи тайинлайди. Бир давлатдаги дипломатик вакил айна вақтда бошқа давлатда (ёки бир неча давлатларда) дипломатик вакил бўлиши ҳам мумкин, башарти, қабул қилаётган бирон-бир давлат бунга эътироз билдирмаса.

Дипломатик вакилни тайинлаш ва қабул қилиш таомили аккредитация деб аталади. Вакил ўзи тайинланган мамлакатга етиб келгач, **агреман** - шу мамлакатнинг айна шу шахс мазкур лавозимга тайинланишига розилигини олиши керак. Мамлакат ўз қарорини асосламасдан агреман беришдан бош тортиши ҳам мумкин.

Дипломатик вакил агреман олганидан сўнг ўз давлати бошлиғидан ишонч ёрлиги - унинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни олади, сўнгра ўзи тайинланган давлат бошлиғига топширади. Ишонч ёрлигининг бир нусхаси Ташқи ишлар вазирлиги бошлиғига, иккинчи нусхаси давлат бошлиғига топширилади.

Дипломатик вакилнинг миссиясига унинг давлати ташаббусига кўра (истеъфо бериш, янги лавозимга тайинланиш, касаллик) ёхуд у тайинланган мамлакат ташаббуси билан (вакилни номатлуб шахс - *persona non grata* деб топиш) барҳам берилади.

Дипломатик вакиллик раҳбари ўзи тайинланган мамлакатда ўз давлатининг фуқаролари ва юридик шахслари учун олий вакил ҳисобланади. У ўз вазифасини бажаришга, қоида тариқасида, унга ишонч ёрлиги, яъни унинг шахс ва мақомини тасдиқловчи ҳужжат топширилганидан сўнг киришади. Ишонч ёрлиғи давлат бошлиғи томонидан имзоланади. Бир давлатдаги дипломатик ваколатхоналар бошлиқларининг мажмуи дипломатик корпус деб аталади.

Дипломатик ваколатхона ваколатхона бошлиғи, дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташкил топади. Дипломатик ваколатхонага фақат ўз давлати фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Ваколатхона жойлашган давлат фуқаролари хизмат кўрсатувчи ходимлар таркибига фақат уларнинг мамлакати розилиги билан киритилиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари аввало, БМТ ҳузурида, унинг ихтисослашган муассасалари ва регионал ташкилотлар ҳузурида тузилади.

Дипломатик ваколатхоналарнинг турлари:

1. Элчихона - унга Фавқулодда ва Мухтор Элчи раҳбарлик қилади.
2. Миссия - унга Мухтор вакил ёки Ишлар бўйича вакил раҳбарлик қилади.

Дипломатик ваколатхона функциялари:

1. Вакиллик - тайинланган давлатда ўз давлати номидан иш кўради.
2. Ҳимоя қилиш - тайинланган давлат ҳудудида доимий яшаётган ўз давлати фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, ўз давлатининг шу ердаги ваколатхоналарини ҳимоя қилиш.
3. Ахборот бериш.
4. Консуллик - дипломатик ваколатхоналар консуллик функцияларини бажаришга ҳақли.

Дипломатик корпус - бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудидаги дипломатик вакиллари мажмуи. Дипломатик корпусга декан раҳбарлик қилади. Декан лавозимига, қоида тариқасида, мазкур мамлакатда қолган аккредитация қилинган вакилларга қараганда кўпроқ вақтдан бери ишлаётган шахс тайинланади.

Фуқаролик-ҳуқуқий аҳамиятга молик халқаро муносабатларда дипломатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро иммунитетга эга халқаро юридик шахслар сифатида иш олиб боради.

Дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар:

1. Дипломатик ваколатхона биносининг дахлсизлиги.

2. Дипломатик ваколатхона транспорт воситасининг дахлсизлиги.
3. Дипломатик ваколатхона архивларининг дахлсизлиги.
4. Фискал иммунитет (ваколатхона ва унинг аъзолари ўз фаолияти билан боғлиқ барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилинади).

5. Ўз давлат байроғи ва гербидан фойдаланиш ҳуқуқи, навбатдан ташқари телефон, телеграф алоқаси ва бошқа алоқани амалга ошириш ҳуқуқи, шу жумладан, кодлардан фойдаланиш имконияти.

6. Шахсий иммунитет - дипломатик вакиллар, яъни дипломатик даражага эга бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари қамоққа олиниши ёки ушлаб турилиши мумкин эмас, уларнинг доимий ва вақтинчалик яшаш жойи ва мол-мулки дахлсиздир, улар жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикциядан иммунитетга эга бўладилар.

7. Дипломат гувоҳлик беришга мажбур эмас.

8. Дипломат **божхона чегарасидан** ўтишда иммунитетга эга бўлади.

Халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг дипломатик имтиёз ва иммунитетлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида халқаро иммунитетлардан фойдаланади.

Турли мамлакатларда мол-мулк сотиб олишда, турли давлатларнинг фуқаролари билан мулкӣ хусусиятга эга бўлган битимлар тузишда ҳукуматлараро ташкилотлар ўзларининг бу муносабатларини бирон-бир давлатнинг миллий ҳуқуқига ҳам, миллий юрисдикциясига ҳам бўйсундирмайдилар. Ҳукуматлараро ташкилот миллий судга жавобгар сифатида жалб қилиниши мумкин эмас. Унинг мол-мулкига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланилмайди.

Ҳукуматлараро ташкилотларнинг иммунитетлари шартномадан келиб чиқади ва қоида тариқасида, уларнинг таъсис ҳужжатлари (уставлари)да ёки бошқа халқаро ҳуқуқий битимларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Ҳукуматлараро ташкилотлар халқаро иммунитетлардан аъзо давлатларга караганда бошқача асосда фойдаланадилар. Давлат иммунитетлари у суверен тузилма эканлигига асосланади. Ҳукуматлараро ташкилотнинг халқаро иммунитетлари фақат шартнома асосида вужудга келиши мумкин ва фақат функционал заруратига кўра берилади. Ҳукуматлараро ташкилотларга халқаро иммунитетлар улар ўзининг халқаро аҳамиятга молик ваколатини мустақил равишда ва монеликларсиз амалга оширишига имконият яратиш мақсадида тақдим этилади.

Иммунитетларнинг функционал зарурлиги ғояси БМТ Уставининг 104 ва 105-моддаларида ўз аксини топган. Иккала модда ҳам умумий тарзда таърифланган бўлиб, қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади: БМТ ўзининг ҳар бир аъзоси ҳудудида ўз функцияларини бажариш ва мақсадларига эришиш учун зарур ҳуқуқ лаёқати, имтиёз ҳамда иммунитетларга эга бўлади.

Амалда АҚШ ҳудудидаги халқаро муассасаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг асосий қисми халқаро ташкилотларнинг ички қоидалари билан тартибга солинади, АҚШ Қонунчилиги бунда ёрдамчи роль ўйнайди, у фақат халқаро ташкилот қоидаларига қўшимча сифатда ва муайян масалалар мазкур қоидалар билан тартибга солилмаганлиги учун амал қилади.

БМТ ва АҚШ ҳукуматининг ташкилот иммунитетлари тўғрисидаги битими халқаро ташкилотлар ўзлари жойлашган мамлакат ҳукумати билан тузган халқаро шартномалар орасидаги илк битимлардан бўлган. Бундай битимлар муайян схемага кўра ишлаб чиқилади ва қоида тариқасида, халқаро иммунитетларнинг қуйидаги тўпламини ўз ичига олади:

- а) миллий конунчиликнинг амал қилиш доирасига кирмаслик,
- б) маҳаллий суд иш юритувининг қўлланилишидан иммунитет,
- в) ҳукуматлараро ташкилот мулкани ҳимоя қилиш чора-тадбирлари.

8.4. Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби. Консуллар даражалари. Иммунитет ва имтиёзлар

Консуллик муассасаси - тегишли халқаро битимга кўра давлатнинг чет давлат ҳудудида жойлашган ва ўз давлати, унинг фуқаролари ҳамда ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича консуллик вазифаларини бажарувчи ташқи алоқалар доимий органи. Дипломатик алоқаларнинг ўрнатилганлиги, агар шартномада бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, консуллик муносабатлари ўрнатилганлигини ҳам англатади.

Консуллик алоқалари дипломатик алоқалар ўрнатилмаган ҳолда ҳам ўрнатилиши ва қувватланиши мумкин. Дипломатик алоқаларнинг узилиши ўз-ўзидан консуллик алоқаларининг ҳам узилишига сабаб бўлмайди. Консуллик муносабатларининг ўрнатилиши ва муайян консуллик муассасаси очилиши орасидаги вақтда узилиш бўлиши мумкин.

Давлатлар консуллик муносабатларини ўзаро келишув асосида ўрнатади. Консуллик муассасалари ва уларнинг мансабдор шахслари консуллик имтиёзлари ва иммунитетларидан фойдаланадилар. Улар Ўзбекистон давлатининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини чет элда ҳимоя қилади, Ўзбекистон билан бошқа давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ривожланишига, иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий алоқалар ва туризмнинг кенгайтилишига кўмаклашади.

Ҳозирги вақтда консуллик амалиётига консуллик муассасаларининг икки тури: дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари ва мустақил (алоҳида) консуллик муассасалари мавжуд.

Консуллик муассасаларининг қуйидаги даражалари жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул қилинган:

- бош консулликлар;
- консулликлар;
- вице-консулликлар;
- консул агентликлари.

Консуллар даражалари - консулларнинг алоҳида хизмат унвонлари бўлиб, одатда, уларнинг лавозимларига мос келади. Улар Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясига (1963 йил) кўра тўрт гуруҳга бўлинади: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консул агентлари.

Қолган консуллик мансабдор шахсларининг ягона таснифи йўқ. Консуллар даражаларини бериш давлатнинг ўз ички иши ҳисобланади. Бош

консуллик штатида фақат бир бош консул - консуллик муассасаси бошлиғи бўлиши мумкин. Консул лавозимни эгаллаган пайтдан ўз миссиясини бажаришга киришган ҳисобланади, бунинг учун консуллик патенти ва экзекватурасини олиши лозим.

Консуллик патенти - консулни тайинлаган давлатнинг ваколатли органлари томонидан бериладиган ва тегишли шахс мустақил консуллик муассасаси бошлиғи этиб тайинланганини тасдиқлайдиган ҳужжат. Патентда тайинланган шахснинг тўлиқ исми фуқаролиги, даражаси, эгаллаган лавозими, консуллик округи ва консуллик жойлашган манзил кўрсатилади. Бу ҳужжат консуллик жойлашган давлатнинг ҳукуматига юборилади.

Консуллик патентини олган қабул қилувчи давлат ҳукумати консул этиб тайинланган шахсга экзекватурани, яъни консуллик округида ўз вазифаларини бажаришга рухсат бериш масаласини ҳал қилади. Экзекватура алоҳида ҳужжат кўринишида бўлиши ёки консуллик патентида рухсат берувчи ёзув шаклида қайд этилиши мумкин.

Экзекватура олингунга қадар консуллик вазифаларини бажаришга вақтинчалик рухсат берилиши мумкин. Экзекватура бериш рад этилиши мумкин. Бунда рад этиш сабаблари кўрсатилмайди. Консулнинг миссияси кўйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- консулни ўз давлати чақириб олганида;
- консул бўлиб турган давлат экзекватурани бекор қилганида;
- консуллик патентининг муддати тугаганида;
- ушбу жойда консуллик муассасаси ёпилганида;
- консуллик муносабатлари тўхтатилганида;
- уруш бошланганида;
- консул вафот этганида;
- консуллик округи ҳудуди ушбу давлат суверенитети остидан чиққанида.

Консуллик фаолиятининг умумий вазифаларига мувофиқ унинг тузилиши шаклланади. Консуллик муассасалари таркибида доим консуллик учун анъанавий ҳисобланган паспорт-виза операциялари, иқтисодий ва маданий алоқалар масалалари ва ҳ.к. билан шуғулланувчи бўлим ёки ходимлар бўлади.

Консуллар корпуси - 1) муайян давлатда жойлашган чет эл консуллик муассасалари бошлиқларининг мажмуи; 2) кенг маънода - муайян давлатдаги консуллик муассасаларининг барча мансабдор шахслари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари.

Консуллар корпуси таркибига штатсиз (фахрий) консуллар ва дипломатик ваколатхоналар консуллик бўлимларининг ходимлари киради. Консуллик корпуси ҳалқаро ҳуқуқнинг бирон-бир нормасида назарда тутилмаган, у ҳам дипломатик корпус каби юридик шахс ҳисобланмайди.

У дуайен (декан) шахсида, асосан, маросим (протокол) функцияларини бажаради. Дипломатик корпусдан фарқли ўлароқ муайян мамлакатда бир давлатнинг бир нечта консуллик корпуслари иш олиб бориши мумкин.

Консуллик мансабдор шахси деганда консуллик вазифаларини бажариш топширилган шахслар - бош консул, консул, вице-консул, консул агенти,

консуллик муассасасининг котиби, шунингдек, консуллик муассасасига хизматга тайёрлаш тартибида юборилган шахс (стажер) тушунилади.

Халқаро ҳуқуқий доктринада “консул” йиғма атамаси кўп қўлланилади.

Консулларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари - консуллик муассасалари жойлашган давлат бу муассасаларга, мансабдор шахс ва ходимларига улар ўз вазифаларини монеликсиз бажаришларини таъминлаш мақсадида берадиган ҳуқуқ ҳамда имтиёзлар. Консулларнинг имтиёз ва иммунитетларига қуйидагилар киради: консуллик биносида ўз давлатининг байроғини кўтариш ҳуқуқи; ўз ҳукумати, мамлакатининг дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасалари билан монеликсиз боғланиш ҳуқуқи; солиқлар ва бошқа ҳар қандай йиғимлардан озод бўлиш ҳуқуқи.

Консулларнинг имтиёз ва иммунитетлари консуллик бинолари, архивлари ва ҳужжатларининг дахлсизлигини ҳам назарда тутди. Консуллик мансабдор шахсларининг иммунитетлари уларнинг шахсий дахлсизлигини ўз ичига олади; улар оғир жиноят содир этган тақдирда фақат ваколатли суд органларининг қарорига биноан қамоққа ёки хибсга олинишлари мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Дипломатия” ибораси қачон пайдо бўлган?
2. “Дипломатик ҳуқуқ” тушунчасини изоҳланг?
3. Дипломатик ҳуқуқ манбаларига нималар киради?
4. Дипломатик ҳуқуққа оид асосий халқаро ҳужжатлар қайси?
5. Дипломатик ваколатхоналар қандай функцияларни бажаради?
6. Дипломатик корпус деганда нимани тушунаси?
7. Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг ваколатхона жойлашган давлатга нисбатан қандай мажбуриятлари мавжуд?
8. Дипломатик ваколатхона ходимларининг қандай иммунитет ва имтиёзлари бор?
9. Дипломатик ваколатхона даражалари қандай?
10. “Консуллик ҳуқуқ” тушунчасининг моҳияти.
11. Консуллик ҳуқуқига оид асосий халқаро ҳужжатларни санаб беринг.
12. Консуллик ҳуқуқ манбалари нимани англатади?
13. Консуллик муассасаларининг қандай тоифа ва ходимлари мавжуд?
14. Консуллик муассасалари ва унинг ходимлари қандай иммунитет ва имтиёзлардан фойдаланадилар?
15. Қайси халқаро ҳужжат консуллик муассасаларининг фаолиятига асос бўла олади?
16. Махсус миссияларнинг функцияларини санаб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Халқаро шартномалар ҳуқуқи. Муаллифлар жамоаси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДЮУ, 2020

4. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
5. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: О’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
6. Муминов А. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ЖИДУ, 2014
7. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o’quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
8. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
9. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
10. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
11. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003.
12. Рафикова М., Ачилов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016
13. Миркасымов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика: Учебное пособие для практических работников, занимающихся проблемами международных отношений. – Т.: Академия, 2004.
14. Саидова Л. Правовые основы дипломатической деятельности Республики Узбекистан. – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2001
15. Юлдашева Г. Дипломатическое и консульское право.-Т.:УМЭД, 2014.- 292 с.
16. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
17. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

9-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ

Режа:

- 9.1. «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ» тушунчаси ва мазмуни
- 9.2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар
- 9.3. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши халқаро кураш

Таянч иборалар:

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тушунчаси. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пакт. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ мазмуни. Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.

9.1. «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ» тушунчаси ва мазмуни

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги нормалардан ташкил топган халқаро ҳуқуқ соҳаси негизида қуйидаги икки гуруҳдан иборат принциплар ётади:

биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари. Улар орасидан мазкур соҳа учун энг аҳамиятлиси инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш принципи бўлиб, у БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган;

иккинчидан, махсус принциплар:

а) универсаллик принципи, у инсон ҳуқуқлари ҳақидаги нормалар барча давлатлар ва уларнинг барча аҳолисига нисбатан мажбурий эканини англатади;

б) камситмаслик принципи, унга кўра, қайси бир жиҳатдан бўлмасин, камситиш, таҳқирлаш ноқонунийдир.

Пайдо бўлиш даври ва асосий мазмун-моҳияти бўйича инсон ҳуқуқлари ҳақидаги барча нормаларни «*инсон ҳуқуқлари авлодлари*» деб аталувчи учта гуруҳга таснифлаб чиқиш мумкин.

Биринчи авлод - Буюк француз инқилоби эълон қилган шахс ҳуқуқларидир. У асосан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан иборат. Ушбу ҳуқуқларга мансуб нормаларни ўз-ўзидан бажариладиган қоидалар сирасига киритиш мумкин. Уларни миллий ҳуқуқ тизимларида бевосита қўлласа бўлади.

Иккинчи авлод асосан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан иборат. Улар XX аср ўрталарида шакллана бошлаган. Бу ҳуқуқларни жорий этиш учун муайян иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароит зарур бўладики, бундай шароитларни ҳамма мамлакатларда ҳам мавжуд, деб бўлмайди.

Учинчи авлодга мансуб инсон ҳуқуқлари XX асрнинг 70 йилларида пайдо бўлган. Бундай ҳуқуқлар барча давлатларнинг ҳамжиҳатликдаги сабъ-ҳаракатлари билангина таъминланиши мумкин ва улар умуминсоний кадриятларнинг ҳуқуқий ифодаси ҳисобланади. Булар тинчлик, қуролсизланиш, ривожланиш, мусаффо табиий муҳит ҳуқуқи кабилардир. Уларни баъзан «бирдамлик ҳуқуқлари» деб ҳам аташади.

Айрим ҳуқуқшунослар халқлар ҳуқуқини, яъни индивидларнинг йирик бирлашмаларига (халқлар, миллатлар, миллий озчиликлар, туб халқларга) тегишли ва улар рўёбга чиқарадиган ҳуқуқларни учинчи авлод ҳуқуқларидан ажратиб кўрсатади. Бу ҳуқуқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш, табиий заҳиралардан эркин фойдаланиш, диний маросимларни адо этиш, ўз маданий кадриятларини ривожлантириш ва этник эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқи кабилардан иборатдир.

Баъзида, шунингдек инсон ҳуқуқларини *индивидуал* ва *коллектив* (ассоциациялар, касаба уюшмалар ва маданий бирлашмаларга бирлашиш ҳуқуқи) ҳуқуқларга бўлиниши ҳақида гап боради.

1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган ва унда энг муҳим инсон ҳуқуқларининг саноғи ва мазмуни белгилаб берилган. БМТнинг 1966 йили иккита - Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларни қабул қилиши ушбу йўналишда қўйилган навбатдаги жиддий қадам бўлди.

Инсон ҳуқуқларининг айрим тоифаларига тааллуқли кўплаб конвенциялар қабул қилинди. Бунда аҳолининг ҳимояга ўта муҳтож қатламларининг ҳуқуқлари, авваламбор, аёллар ва бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бир қанча халқаро ҳужжатлар инсон ҳуқуқларига қарши жиноятларга барҳам беришга қаратилган. Геноцид ва апартеидни тақиқлаш тўғрисидаги, ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги, кулликни тақиқлаш тўғрисидаги каби катор конвенциялар шулар жумласидандир. Бунда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг кўпсонли конвенциялари ўзига хос мажмуани ташкил этгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича конвенцияларнинг бир қанчаси минтақавий даражада - Африка Бирлиги ташкилоти, Америка Давлатлари ташкилоти, Европа Кенгаши ва МДХ доирасида қабул қилингандир.

МДХ Уставида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши ҳужжатларига мувофиқ равишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш энг асосий мақсадлардан бири экани алоҳида қайд этилган.

МДХ давлатлари 1993 йил 24 сентябрда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар тўғрисидаги декларацияда иштирокчилар миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги битимлар, хусусан, ЕХХТ ҳужжатлари бўйича мажбуриятларга мувофиқлаштириш юзасидан тегишли чоралар кўриш масъулиятини ўз зиммасига олган. 1995 йилнинг 26 майида Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида МДХ конвенцияси қабул қилинган.

Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик кенг миқёсдаги масалаларни ўз ичига қамрайди. Унга фан, маданият, таълим, ахборот алмашиш, кишилар ўртасидаги алоқалар борасидаги ҳамкорликлар киради.

Давлатлараро ҳамкорлик марказида инсон ҳуқуқлари туради. Халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари масалаларини тартибга солувчи нормалари

одатда халқаро гуманитар ҳуқуқ деб аталадиган ва қуролли можаролар даврида қўлланиладиган инсон ҳуқуқлари ҳуқуқини ўз ичига оладиган халқаро ҳуқуқ соҳасини ташкил қилади. XX асрнинг иккинчи даврини инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг шаклланиш даври дейиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари - ҳар қандай жамиятда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда муҳим бўлган ҳуқуқдир. Турли жамиятлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда турли ижтимоий имкониятларга эга. Бироқ давлатлар учун шахсга қандай ҳуқуқлар берилиши ва миллий қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши лозимлиги борасидаги қарашларнинг маълум даражада мос келиши характерлидир.

БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида сўз боради. Аксарият ҳолларда бу икки тушунчани қисқа қилиб «инсон ҳуқуқлари» деб юритилади, чунки гап бир тартибдаги воқелик хусусида бормоқда. Ҳуқуқ ҳам, эркинлик ҳам - шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг қонун билан кафолатланган лозим даражада хулқ-атвор ўлчовидир. Ҳуқуқни амалга ошириш тартиби у ёки бу даражада тартибга солинади. Эркинлик, баъзан инсон хулқ-атворини давлат аралашмайдиган доираси сифатида қаралади.

«Инсон ҳуқуқлари» атамаси халқаро сиёсий тилда Американинг мустақиллик уруши ва Буюк француз инқилобидан сўнг пайдо бўлган. Уша пайтларда тегишли давлатнинг ички ҳужжатларида инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида сўз борган. БМТ Уставида фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилмайди. Зотан, айрим инсон ҳуқуқлари, масалан, давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи инсоннинг фуқаролиги билан боғлиқдир.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг таснифи (классификация инсон ҳуқуқлари рўйхати қандайдир қотиб қолган нарса эмас ва у давом эттирилиши мумкинлигини тасдиқлайди.

9.2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг мазмунини ушбу давлат юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларга нисбатан бу ҳуқуқларни бирон-бир камситишларсиз ҳурмат қилиш ва унга роия этиш бўйича давлатнинг мажбуриятлари ташкил қилади. Агар халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи нисбатининг дуалистик назариясидан келиб чиқилса, давлат томонидан алоҳида шахсларга ва уларнинг гуруҳларига (жамоаларга) ички ҳуқуқ орқали тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар берилади. Бошқача қилиб айтганда, индивидлар ва уларнинг гуруҳлари халқаро ҳамжамиятдан тўғридан-тўғри ҳеч қандай ҳуқуқ олмайдилар.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида 1945 йилда БМТ Уставининг қабул қилиниши билан қарор топди. У Уставда халқаро ҳуқуқ тамойиллари орасида кўрсатиб ўтилмаган. Бироқ Уставнинг 1-моддаси (3-банди)да БМТ мақсадларидан бири

«инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини барча учун ирқидан, жинсидан, тили ва динидан қатъи назар, истисносиз ҳурмат қилиш» борасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳисобланади, деб кўрсатилган.

Ушбу тамойилни Уставда билвосита мустаҳкамланган, деб ҳисобланади. Бу Уставнинг 55-моддасида ўз тасдиғини топган, унда БМТ «барча учун ирқидан, жинсидан, тили ва динидан қатъи назар истисносиз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳар томонлама ҳурмат қилиш ва риоя этиш»га кўмаклашади, дейилади. 1975 йилдаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи ҳужжатида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили ҳақида тўғридан-тўғри сўз боради.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай тамойилини ҳаётга тадбиқ қилиш учун улар халқаро ҳуқуқнинг шартномавий ва одат нормаларида белгиланиши лозим. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини белгиловчи ва ривожлантирувчи халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар, одатда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар деб аталади.

Бу - давлатларнинг нафақат ўз юрисдикцияси остидаги шахсларга қандайдир муайян ҳуқуқ ва эркинликлар бериш мажбурияти, балки бундай ҳуқуқ ва эркинликларга тажовўз қилмаслик (масалан, ирқий, миллий ва бошқа турдаги камситишларга йўл қўймаслик, қийноққа солмаслик ва бошқалар)дир.

Халқаро стандартлар универсал, яъни жаҳонда эътироф этилган ҳамда минтақавий бўлиши ҳам мумкин. Минтақавий стандартлар қандайдир бир гуруҳ мамлакатларнинг ривожланиш даражаси, анъаналаридан келиб чиқадиган хусусиятларга эга бўлиб, универсал стандартлардан кенгроқ муайяноқ (масалан, умумевропа жараёнлари доирасидаги стандартлар) бўлиши мумкин.

Баъзи вақтларда алоҳида халқаро стандартларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг у ёки бу чеклашларга йўл қўйилиши мумкин. Бинобарин, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг қатор қоидаларида тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар фақат қонунда белгиланган ва жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини, аҳолининг соғлиғи ва ахлоқини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган чеклашларга йўл қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу Пактнинг 4-моддаси фавқулодда ҳолат даврида миллат ҳаёти хавф остидалиги ва бу тўғрида расман эълон қилинганда Пакт иштирокчилари муайян шартларга риоя қилган ҳолда Пактдаги мажбуриятлардан четга чиқадиган чоралар кўриши мумкин.

Бироқ 4-моддага мувофиқ, ирқи, ранги, жинси, тили, дини ёки ижтимоий келиб чиқишига асосан камситишни тақиқловчи, шунингдек, яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи, қийноққа солиш, қулдорлик ва бошқаларни тақиқловчи стандартлардан чекиниш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг умумий тавсифи. Мазкур масаланинг ечимини инсон ҳуқуқлари муаммосига бевосита дахлдор бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида қуриш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига аввало Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро билл киради. Халқаро биллга:

- 1) 1948-йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси;

2) 1966-йилдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт;

3) 1966-йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, унга 1966 ва 1992-йиллардаги Факультатив протоколлар киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар жумласига яна қуйидагилар киради:

1) 1960 йилдаги Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация;

2) 1948 йилдаги Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тўғрисидаги Конвенция;

3) 1965 йилдаги Ирқий камситишларнинг барча шаклини бекор қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция;

4) 1973 йилдаги Апартеид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш Халқаро конвенцияси;

5) 1949 йилдаги Уруш қурбонларини химоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси ва 1977 йилдаги I ва II қўшимча протоколлар;

6) 1952 йилдаги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.

7) 1979 йилдаги Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклини бекор қилиш тўғрисидаги Конвенция;

8) 1959 йилдаги Болалар ҳуқуқи Декларацияси;

9) 1989 йилдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция;

10) 1957 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция;

11) 1974 йилдаги Аёллар ва болаларни қуролли можаролар давридаги фавқулодда вазиятларда химоя қилиш тўғрисидаги Декларация;

12) 1961 йилдаги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги Конвенция;

13) 1954 йилдаги Апартеидларнинг мақоми тўғрисидаги Конвенция;

14) 1951 йилдаги қочоклар мақоми тўғрисидаги Конвенция ва 1966 йилдаги протокол;

15) 1950 йилдаги БМТнинг қочоклар иши бўйича Олий Комиссари бошқармасининг Устави;

16) 1957 йилдаги Худудий бошпана тўғрисидаги Декларация ва бошқалар.

БМТ Устави инсон ҳуқуқлари тушунчасини аниқлаштиради, маълум даражада унга кўмаклашувчи бир неча тамойилларни ифодалайди. Жумладан, унда миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қиммати, яъни виждон, эътиқод эркинлиги ва ҳоказо хусусида сўз боради. Уставнинг Муқаддимаси ташкилот аъзоларини «юксак эркинликда ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш»га интилишлари тўғрисида сўз борадиган қисмида асосий демократик эркинликларга хавола қилинади.

Энг аввало, ушбу қоидалардан келиб чиқиб кўплаб тегишли халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда. Бу борадаги асосий ишлар БМТ доирасида ва унинг энг аввало ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти каби ихтисослашган муассасаларида олиб борилган ва олиб борилмоқда.

Қайд этилган ҳужжатларнинг бир қисми - халқаро ташкилотларнинг резолюциялари тавсиявий хусусиятга эга. 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 1981 йилдаги Дини ёки этнокод асосида барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларация, 1992 йилдаги Кам сонли миллий ёки этник, тил ва диний гуруҳларга қирувчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация ва бошқалар ана шу ҳужжатлар сирасига киради.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш ва мавжудларини аниқлаштиришда қабул қилинадиган резолюциялар муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг кўпларини ахлоқий, сиёсий нуфузи баланд, гарчи расман юридик мажбуриятлар юклаган, давлатлар улар билан ҳисоблашади. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясида биринчи марта инсон ҳуқуқлари тоифасига кирадиган ҳуқуқ ва эркинликлар санаб ўтилганлиги учун ҳам муҳим роль ўйнаган. Декларация қоидалари халқаро одат нормасига айланиб кетган, деган фикр кенг тарқалган.

Резолюциялар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳолбуки, 1975 йил 9 декабрдаги Барча шахсларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний зулм ўтказиш ёки кадр-қимматини камситувчи муомала қилиш ва жазолашдан химоя қилиш тўғрисидаги Декларация 1984 йил 10 декабрдаги қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа ҳужжатлар - иштирокчилар учун мажбурий характерга эга бўлган халқаро шартномалардир. Уларга 1965 йил 21 декабрдаги Барча ирқий камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция, 1966 йил 19 декабрдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, 1984 йил 10 декабрдаги қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва бошқа шартномалар киради.

Ушбу шартномалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни мустаҳкамлайди. 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар - БМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлатлараро ҳамкорлик соҳасидаги муҳим ютуқлардандир. Бу инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик учун универсал халқаро ҳуқуқий негизни яратишга йўналтирилган шартномалардир. Ушбу Пактлар 1976 йилда кучга кирган.

1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда шундай дейилган: “Тенг ҳуқуқлилиқ, камситишни тақиқлаш, давлатни бошқариш ишларида иштирок этиш ҳуқуқи, қандайдир шафқатсиз, ғайриинсоний ёки шаъни ва кадрқимматини ерга урадиган муомала ёки жазолаш, қулчилиқни, қуллар билан савдо қилиш ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш, шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи, фикр, этнокод ва дин эркинлиги, тинч йиғинлар ўтказиш ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, ҳар бир кишининг адолатли ва яхши меҳнат шароитига эга бўлиш ҳуқуқи, касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларининг эркин фаолият юритиш ҳуқуқи, иш ташлаш ҳуқуқи,

ижтимоий таъминот ҳуқуқи, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва ёрдам олиш ҳуқуқи, етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш ҳуқуқи, жисмоний ва руҳий соғломликнинг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи, таълим ҳуқуқи, маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар”.

Бугунги кунда улар имкон қадар, янада самарали бўлишига эришиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда, бу ана шу ҳужжатларни универсаллаштириш, яъни иштирокчилар доирасини имкон қадар кенгайтиришни назарда тутди. Бугунга қадар уларда, ҳатто БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан ҳаммаси ҳам иштирок этмайди.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) доирасида қабул қилинаётган ҳужжатлар ўзига хос хусусиятга эга. Уларнинг бир қатор қоидалари инсон ҳуқуқларига бағишланган. ЕХХТнинг Якуний ҳужжатида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг мазмуни Умумевропа жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига қўллашга нисбатан очиб берилган. Мазкур ҳужжатда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликка бағишланган махсус бўлим мавжуд. Инсон ўлчови (мезони) бўйича уч босқичда – 1989 йилда Парижда, 1990 йилда Копенгагенда ва 1991 йилда Москвада бўлиб ўтган ЕХХТ Конференциясида қабул қилинган ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ЕХХТ иштирокчилари инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ўзаро муносабатлар доирасида масалалар мажмуини «инсон мезони» атамаси билан юритилади. Конференция инсон мезони соҳасидаги қоидаларни амалда тадбиқ қилишнинг тегишли механизмини яратди.

ЕХХТ ҳужжатлари сиёсий хусусиятга эга ва халқаро ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Уларнинг қоидалари аксарият ҳолларда келишув, деб юритилади. Зотан, ЕХХТ иштирокчи-давлат раҳбарлари бир неча марта мазкур келишувлар сўзсиз равишда ҳаётга тадбиқ қилиниши керак деб баёнот берган бўлсалар-да, улар юридик тусга ҳам эга. Бундай баёнотлар давлатларнинг халқаро ҳуқуқий характердаги бир томонлама мажбурияти сифатида қаралиши мумкин. Шу боис, кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг нафақат сиёсий, балки мувофиқлаштирилган бир томонлама халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар мажмуини акс эттирувчи деб ҳисобланиши мумкин. Умуман олганда, мазкур ҳужжатларнинг инсон ҳуқуқларига оид қоидалари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий стандартлар ҳисобланади.

9.3. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши халқаро кураш

БМТ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи миллий институтлар. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга қуйидаги тузилмаларни киритади: инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиялар, Омбудсман ва ихтисослашган институтлар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиялар - инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли қонунлар ва қоидаларнинг самарали қўлланишини таъминлаш учун тузилади. Кўпчилик комиссиялар бошқа давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатади, уларга қонунчилик органи олдида доимий равишда ҳисобот бериб туриш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистонда бундай институт сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолият кўрсатмоқда.

Омбудсман - алоҳида шахс ёки бир гуруҳ шахслар бўлиши ҳам мумкин. Одатда у ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида ёки махсус қонун асосида фаолият кўрсатувчи парламент томонидан тайинланади. Мазкур институтнинг асосий вазифаси ўзини давлат маъмуриятининг ноқонуний ҳаракатлари жабрланувчиси ҳисоблайдиган алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини химоя қилишдан иборат. Шунга кўра, Омбудсман жабрланган шахс ва ҳукумат ўртасидаги ҳолис воситачи сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда Омбудсман институтга, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили 1995-йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

Ихтисослашган институтлар - ҳар бир давлатда аҳолининг камситилиши мумкин бўлган кам сонли табақалари мавжуд. Булар аксарият ҳолларда этник, тил ва диний камчиликни ташкил қилувчилар, маҳаллий аҳоли, чет элликлар, мигрантлар, эмигрантлар, қочоқлар, болалар, аёллар, шунингдек, камбағаллар ва ногиронлар. Ихтисослашган институтларга юқорида кўрсатилган шахсларни химоя қилиш бўйича турли кенгашлар, кўмиталар ва комиссиялар киради.

Бошпана ҳуқуқи - маълум бир давлат томонидан ўзининг фуқаролигига эга бўлган давлатда ёки доимий яшаш жойида сиёсий қарашлари учун таъқибга олинган бирон-бир шахсга яшириниш имкониятини бериш ва бундай шахсни ушлаб бермасликдир.

Қочоқлар - миллати, диний эътиқоди, сиёсий эътиқоди учун таъқиблардан, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида доимий яшаб келган давлатини ташлаб чиққан шахслардир.

Олиб кетилган шахслар - Иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун мажбурий тарзда олиб кетилган шахслардир.

Мажбуран кўчирилганлар - ҳарбий ҳаракатлар ўтказилиши, жамоат тартибининг оммавий равишда бузилиши ва бошқа инсон ҳуқуқларининг бузилиши натижасида миллати, тили, сиёсий ва диний эътиқоди бўйича жабрланиши ёки таъқиб остига олиниш хавфидан ўз давлат чегараси доирасида доимий яшаш жойларини ташлаб чиққан шахслар.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормаларга риоя қилиш бўйича халқаро назорат. Инсон ҳуқуқларининг ҳурмат қилинишини халқаро назорат этиш тизими ғоятда мураккаб ва етарли даражада ташкил қилинмаган.

Бундай назоратни БМТ, аввало, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, шунингдек Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ва Аёллар ҳуқуқлари бўйича комиссия каби ихтисослашган органлар амалга оширади. 1993-йили Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозимини таъсис этди ва у БМТга алоҳида мамлакатларда ва умуман дунёда инсон ҳуқуқларининг ҳолати ҳақидаги ўзининг йиллик маърузаини тақдим этиб боради. БМТнинг ихтисослашган муассасалари, масалан, ЮНЕСКО инсон ҳуқуқларига жиддий эътибор билан ёндашади. Халқаро Мехнат Ташкилотининг бу борадаги назорат механизми яхши шаклланган.

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенциялар асосида уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича қўмиталар ташкил этилган. Бу йўналишда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ тузилган Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита умумий ваколатларга эгаллиги билан ажралиб туради. Пактда иштирок этувчи давлатлар қўмитанинг 18 нафар аъзосини уларнинг шахсий сифатларидан келиб чиқиб сайлайди. Мазкур давлатлар қўмитага инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича ўзлари кўраётган чоратadbирлар тўғрисида маърузалар тақдим этади. қўмита маърузаларни ўрганиб чиқиб, давлатларга ўз мулохазаларини маълум қилади.

Пактга Факультатив протокол қоидаларига кўра, давлат қўмитанинг Пакт бўйича мажбуриятлар бузилгани ҳақидаги маълумотларни кўриб чиқиш борасидаги ваколатини тан олиши ҳақида баёнот бериши мумкин. Бунда мазкур давлат юрисдикциясида бўлган ва Пактда баён этилган ҳуқуқларни шу давлатнинг бузиши оқибатида жабрланган шахсларнинг маълумотлари кўзда тутилмоқда. қўмита ўз мулохазаларини мазкур давлатга маълум қилади. Тегишли шахснинг ҳуқуқий ҳимоя борасида мавжуд барча ички воситалардан фойдаланиб бўлиши унинг қўмитага мурожаат қилиши шарти бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, дунё миқёсида иккита асосий халқаро назорат чораси қўлланилади:

биринчидан, давлатлар мунтазам тақдим этадиган маърузаларни кўриб чиқиш;

иккинчидан, якка тартибдаги шикоятларни кўриб чиқиш.

Умуман олганда, бу минтақавий назорат тизимларига ҳам тегишли ҳисобланади. Улар орасида энг ривожлангани Европа Кенгаши тизимидир.

Инсон ҳуқуқларига амал қилиниши бўйича назоратнинг халқаро воситаларига давлатларнинг ички қарорларига нисбатан кассацион инстанция сифатида қарамаслик керак. Уларнинг вазифаси мутлақо бошқадир. Улар аниқ ҳолатлар мисолида инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳақиқий муносабат қандай бўлиши ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ сиёсатига таъсир кўрсатади, лозимлигини намоён этади ва шу йўл билан давлатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ сиёсатига таъсир кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг универсал концепцияси.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси кўп. Улар диний, позитив, табиий-ҳуқуқий ва бошқалар бўлиб, жамиятдаги дунёқарашнинг турлитуманлиги билан тавсифланади. Бу халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойиллари асосида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг универсал концепциясини шакллантиришга тўсиқ бўлмайди.

Биринчидан, инсоннинг барча ҳуқуқлари ажралмас, бирдек муҳим ва ягона тизимни ташкил қилади. Бирон-бир ҳуқуқ ёки эркинликни бошқа бирига қарши қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда, бир турдаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланишига интилиш бошқа турдаги ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Ҳуқуқларнинг бўлинмаслигини тан олиш уларнинг маълум градация ва устунлигини истисно қилмайди. Масалан, инсоннинг яшаш

хукуқи доимо энг муҳим ва муқаддас хуқуқ сифатида биринчи ўринга қўйилади.

Иккинчидан, инсон хуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили ҳозирги халқаро хуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида бошқа тамойилларга қарши турмайди, балки улар билан уйғунликда бўлади. Шу боис, инсон хуқуқларини химоя қилиш зарурлигига бирон-бир баҳона келтириш давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатлар томонидан бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч билан таҳдид қилишни ёки куч ишлатишни тақиқлаш каби тамойилларни бузишга уринишларни оқламайди. Инсон хуқуқлари ва эркинликлари тинчлик ва хавфсизликка, мустақилликка ва давлатларнинг тенг хуқуқлигига, яъни халқаро ҳамкорлик ғояларининг ўзи таянадиган асосларга тажовуз қилиш воситаси сифатида фойдаланилмаслиги лозим.

Учинчидан, давлатларнинг суверенитетидан келиб чиқадиги, унинг ўз аҳолиси билан муносабатларининг барча соҳаси миллий хуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мавжуд амалиёти асосида ҳосил бўлган тасаввурга кўра, инсон хуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини бузиш деганда, аввало давлатдаги асосий инсон хуқуқ ва эркинликларининг оммавий равишда ва кўпол бузилиши, масалан, апартеид, ирқчилик, мустамлакачилик, хорижий оккупация натижасида давлатнинг ўз мажбуриятларига риоя қилмаётганлигини тасдиқловчи умумий сиёсий ва хуқуқий вазият тушунилади.

Узоқ вақт давомида муайян шахс хуқуқининг бузилиши (якка ҳолат)да одатда давлатнинг ички ваколатига тааллуқли ва шу боис, БМТда ёки бошқа халқаро ташкилотларда кўрилмайди, деб ҳисобланган. Давлат ўз аҳолиси билан ўзаро муносабатларини мустақил юридик тартибга солиши ҳолати унинг ўзбошимчалик қилишга «хуқуқи» борлигини англамайди. Бундай тартибга солиш жараёнида халқаро мажбуриятлар, аввало, инсон хуқуқларини ҳурмат қилиш тамойиллари ҳисобга олиниши лозим.

Давлатларга ўз ихтиёри билан халқаро органлар муҳокамасига алоҳида шахсларнинг хуқуқлари бузилишига тааллуқли масалаларнинг киритишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Бу, одатда, халқаро шартномалар асосида амалга оширилади. Тегишли қоидалар 1966 йилдаги Сиёсий ва фуқаролик хуқуқлари тўғрисидаги Халқаро пактга биринчи Факультатив протоколда, 1950 йилдаги Инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларини химоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясида, 1969-йилдаги Инсон хуқуқлари Америка Конвенциясида ўз аксини топган. Ушбу барча шартномалар шахсларнинг хусусий шикоятларни халқаро органларда кўриб чиқиш имкониятларини назарда тутди.

Бугунги кунда айрим индивидуал ҳолатлар халқаро даражада, шартнома асосида эмас ва хатто манфаатдор давлатнинг иштирокисиз ҳам кўрилиши мумкинлиги эътироф этилмоқда. Бироқ бундай ҳолатларни кўришнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Халқаро ҳамжамиятни алоҳида мамлакатларда инсон хуқуқларининг турли жиҳатларига риоя қилинишини кўриб чиқиш борасидаги хуқуқларининг кенгайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу, асосан, умумевропа

жараёни доирасида кўзга ташланади. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, хусусан, 1991 йилда Москвада бўлиб ўтган Инсон мезони тўғрисидаги Конференция хужжатларида: «инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуворлиги халқаро характерга эга, чунки ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш халқаро ҳуқуқий тартибот асосларидан бирини ташкил қилади» - деб таъкидланади.

Шу хужжатнинг ўзида иштирокчи давлатлар “улар томонидан ЕХҲТ инсон мезони бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлат учун бевосита ва қонуний манфаатга эга бўлган масала ҳисобланади ва тегишли давлатнинг мутлақ ички ваколатлари сирасига кирмайди”.

Туртинчидан, аввало, инсон ҳуқуқлари бўйича давлатлараро ҳамкорлик соҳаси мафкурадан ва сиёсатдан холи бўлиши лозим. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича масалалар давлатлараро расмий алоқалар даражасида мафкуравий хусусиятдаги мунозаралар (бахслар)ни четлаб ўтиш зарурлиги, муҳокамадаги масалалардан фақат тарғибот мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслигини англатади.

Бундан ташқари, давлатлар мазкур масалаларни муҳокама қилишда фақат сиёсий манфаатлардан келиб чиқмай, имкон қадар объективликка интилиши лозим (масалан, иттифоқдош давлатларда инсон ҳуқуқларининг бузилиш миқёсини пасайтириб кўрсатиш ёки улар тўғрисида гапирмай, аксинча, бирон-бир сабабга кўра ўзаро муносабатларга совуқлик тушган давлатдаги ҳолатларни бўрттириб кўрсатиш).

Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлиги - давлатлараро ҳамкорликнинг бир қисми, айнан шу боис у сиёсий хусусият касб этиши мумкин эмас, у мафкурадан холи бўлмоғи зарур.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик концепциясини ривожлантиришда 1993 йил 25 июнда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясининг Вена декларацияси ва ҳаракат дастури алоҳида аҳамиятга эга. Декларацияда инсон ҳуқуқлари масаласини кўришда универсаллик ва объективликни таъминлашнинг муҳимлиги тасдиқланади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим масалалар БМТ Устави қабул қилинишидан бирмунча илгари халқаро хужжатларда ўз аксини топган эди. Лекин фақат БМТ Устави инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг қўламли давлатлараро ҳамкорликни бошлаб берди.

Бундай халқаро ҳамкорликнинг биринчи босқичи 1945 йилдан бошланиб, тахминан 80-йилларнинг бошларигача давом этган. У инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларнинг шаклланиши билан ҳарактерланади. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам тўлиқ тугаганича йўқ.

Лекин 80-йилларга келиб унинг суръати пасайди, унинг йўналиши ва урғуси ўзгарди. Умуман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро стандартлар тизими шаклланиб бўлди.

Тахминан 80-йилларнинг ўрталаридан бу борадаги давлатларо ҳамкорлик янги босқичга - тўпланган халқаро стандартларнинг самарадорлигини ошириш йўллари қидиришга ўтди. Жаҳон соҳасидаги муаммоларни ҳар томонлама кўриб чиқиш киради. Ушбу масалалар бўйича Бош Ассамблея

резолуциялар қабул қилади.

У шундай масалаларнинг кўпи (ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар)ни ўзининг Учинчи кўмитасига кўриб чиқиш учун беради. кўмита улар бўйича Бош Ассамблея қабул қиладиган резолюция лойиҳаларини тайёрлайди. Шунингдек, Бош Ассамблея инсон ҳуқуқларининг у ёки бу масалалари бўйича ёрдамчи орган (масалан, мустамлакачиликни йўқотиш бўйича Махсус кўмита, апартеидга қарши Махсус кўмита)лар ҳам тузади.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) инсон ҳуқуқлари бўйича резолюциялар (шу жумладан, декларациялар) ва шартномалар қабул қилади, улар маъқуллаш учун Бош Ассамблеяга юборилади. Уларга инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни кўришда ёрдам бериш учун ЭКОСОС қошида инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ва аёллар иши бўйича Комиссия ташкил қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия резолюциялар қабул қилади, ЭКОСОСга юбориладиган резолюция ва шартнома лойиҳаларини тайёрлайди, алоҳида масалалар (масалан, ўзбошимчалик билан ўлим жазоси тайинлаш, диний камситиш ва бошқалар)ни кўриб чиқиш ва муайян мамлакатлардаги (масалан, Афғонистондаги, Эрондаги) вазиятларни ўрганиш учун махсус маърузачиларни ёки ишчи гуруҳини тайинлайди.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз навбатида ўзининг экспертлар органи камчиликни химоя қилиш ва камситишнинг олдини олиш бўйича кичик комиссия тузган.

Инсон ҳуқуқлари билан яна БМТ Котибиятининг бўлинмалари - Бош котибнинг ўринбосари раҳбарлик қиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ ҳам шуғулланади. Бир катор органлар борки, улар юридик жиҳатдан БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга бўйсунмай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосида ташкил қилинган.

Мисол сифатида: *Биринчидан*, 1966-йил 19-декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бўйича (18 нафар экспертдан иборат) кўмита;

Иккинчидан, 1965 йил 21 декабрдаги Барча шаклдаги ирқий камситишларни бартараф қилиш тўғрисидаги Халқаро Конвенцияда назарда тутилган ирқий камситишларни бартараф қилиш бўйича (18 нафар экспертдан иборат) кўмита;

Учинчидан, 1984 йил 10 декабрдаги қийнок ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияда назарда тутилган қийноққа қарши (10 нафар экспертдан иборат) кўмита;

Туртинчидан, 1989 йил 20 ноябрдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилган болалар ҳуқуқи бўйича (10 нафар экспертдан иборат) кўмиталарни кўрсатиб ўтиш мумкин. Одатда ушбу органлар аъзо давлатларнинг шартнома қоидаларининг бажарилиши бўйича маърузаларини кўриб чиқади.

Баъзан инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларда назарда тутилган ва халқаро ташкилотлар томонидан тузилган бир органда ўзига хос назорат механизмларининг бирлиги (нисбати) кўзга ташланади. Бинобарин,

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга мувофиқ унинг қоидаларининг бажарилиши борасидаги иштирокчи давлатларнинг маърузалари Бош котиб орқали ЭКОСОСга юборилади.

Бундай назорат ЭКОСОС томонидан назорат функциясини ўз зиммасига олишга рози бўлгандан кейингина амалга ошган, чунки ЭКОСОС - Пактга мувофиқ тузилган орган бўлмай, балки БМТ органидир. 1985 йилда ЭКОСОС Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмитани ташкил қилган қўмита ЭКОСОСнинг назорат бўйича функциясини амалга оширишга ёрдамлашади.

1973 йил 30 ноябрдаги Апартеид жиноятининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Халқаро Конвенцияни амалга ошириш учун назорат механизми - Учлик гуруҳини тузишда ҳам ўхшаш ҳуқуқий вазият вужудга келган эди. Конвенцияга мувофиқ, Учлик гуруҳи Комиссия аъзолари ичидан ҳар йили инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита раиси томонидан тайинланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Инсон ҳуқуқларининг мазмуни нима?
2. Халқаро ҳуқуқда қандай инсон ҳуқуқлари тан олинади?
3. Инсон ҳуқуқлари ҳақида қандай халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?
5. Инсон ҳуқуқларининг тавсифланиши ҳақида гапириб беринг.
6. Халқаро ҳуқуқнинг қандай махсус инсон ҳуқуқлари мавжуд?
7. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини тушунтириб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. –Т.: ЖИДУ, 2006
3. Муминов А., Тиллабаев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2013
4. Muminov A., Tillabaev M. Inson huquqlari. –Т.; Adolat, 2013
5. Xalqaro huquq. Mualliflar jamoasi. Darslik. –Т.: ТДЮУ, 2018
6. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
7. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
10. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
11. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

10-мавзу. Халқаро денгиз ва ҳаво ҳуқуқи

Режа:

10.1. Очиқ денгизнинг халқаро-ҳуқуқий режими

10.2. Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси, манбалари ва принциплари

10.3. Халқаро парвозлар ва ҳаво макони режими. Халқаро ҳаво маконида парвоз этиш қоидалари

10.4. Ҳаво кемаси ва экипажининг ҳуқуқий ҳолати

10.5. Халқаро авиация ташкилотлари

10.6. Фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиш актларига қарши кураш

Таянч иборалар:

Халқаро ҳаво маконида парвоз этиш. Иқтисодий зоналар. Денгиз ости ва дунё океани тубининг халқаро-ҳуқуқий режими. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг манбалари. Очиқ ҳаво маконларида эркин парвоз қилиш принципи. Ҳаво кемасининг ҳуқуқий ҳолати. Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО). Фуқаро авиацияси Европа конференцияси (ЕКАК).

10.1. Очиқ денгизнинг халқаро-ҳуқуқий режими

Очиқ денгиз Дунё океанининг бир қисми сифатида барча давлат ва халқларнинг тўлиқ суверен тенглиги асосида вужудга келган очиқ денгизда кемаларнинг эркин сузиши, балиқ овлаши, сув ости кабели ва қувурларни ўтказиш, очиқ денгиз устидан учиб ўтиш ҳуқуқига эгадирлар. 1982 йилги Конвенция очиқ денгиздаги бу эркинликларга нисбатан яна иккита қўшимча киритди:

- денгизда илмий тадқиқотлар олиб бориш эркинлиги;

- халқаро ҳуқуқ рухсат этадиган сунъий ороллар ва бошқа иншоотларни бунёд этиш эркинлиги.

Иқтисодий зоналар доирасидаги очиқ денгизда ҳам кемаларнинг эркин ҳаракати, сув ости кабели ва қувурларини ўтказиш ва улар устидан учиб ўтиш эркинлиги сақланиб қолди. Бу ҳуқуқ ҳар бир давлатга, ҳатто ўзининг денгиз қирғоғи бўлмаган давлатларга ҳам тегишлидир (ички континентал деб номланадиган давлатлар). Иқтисодий зоналарда балиқ овлаш фақат қирғоқбўйи давлатларига тегишлидир.

Ҳар қандай кема очиқ денгизда қандай байроқ остида сузаётган бўлса, ўша байроқ-давлатнинг миллий мулки ҳисобланади ва фақат ўша давлатнинг юрисдикциясига бўйсунди.

Бу қоида истисно қиладиган ҳолатлар мавжуд. Масалан, ҳарбий кема куйидаги асослардан бири мавжуд бўлса очиқ денгиздаги чет эл савдо кемасини тўхтатиши ва уни назардан кечириши мумкин:

- агар кема қароқчилик билан шуғулланаётган бўлса;

- агар кема қул савдоси билан шуғулланаётган бўлса;

- агар кема байроқ кўтармаса ва бу кема ўша ҳарбий кема тегишли давлатга қарашли бўлса;

- қирғоқбўйи давлатларининг юрисдикцияси амал қилаётган жойдан таъқиб қилиб келинган бўлса.

1982 йилги Конвенция давлат байроғи юрисдикцияси принциpidан кўйидагиларни истисно қилишни назарда тутлади:

- байроқ-давлат илтимосига кўра бошқа давлатлар гиёҳванд ва психотроп моддалар билан ноқонуний савдо-сотикнинг олдини олиш учун ҳамкорлик қилиш;

- агар кема иммунитетга ва миллий давлатга эга бўлса, ҳарбий кема бу чет эл кемасини назардан кечириш ҳуқуқига эга;

- ҳар қандай кема очик денгизда рухсат олмасдан радио ва телеэшиттиришлар олиб борса (ёрдам сигналидан ташқари), у қамокқа олиниши ва узатиш аппаратлари мусодара қилиниши мумкин.

Уруш даврида очик денгиз уруш ҳаракатлари майдонига айланиши мумин. 1982 йилги Конвенция бу масала юзасидан янги қадам ташлади. Конвенцияда «Очик денгиздан тинчлик мақсадларида фойдаланилади»², деб ёзиб қўйилган.

Очик денгизда ҳарбий кемалар ўз байроқ-давлатидан ташқари, ҳар қандай давлатнинг юрисдикциясидан дахлсиз бўлади. Очик денгизда ҳарбий кемаларнинг халқаро-ҳуқуқий режими халқаро ҳуқуқ тизими билан тартибга солинади ва 1982 йилги ва 1958 йилги очик денгиз тўғрисидаги Женева Конвенцияларига асосан кемаларнинг эркин ҳаракати доирасида амалга оширилади, шунингдек қирғоқбўйи давлатларининг иктисодий зона ва континентал шельфага тааллуқли қонун ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади.

Очик денгизда балиқчилик ва бошқа денгиз овларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг биологик кўпайишига таъсир кўрсатмаслик учун ўрнатилади. Жумладан, Дунё океанининг жонли ресурсларини сақлаш ва балиқ овлашга бағишланган кўплаб конвенцияларга эгамиз. Улардан 1946 йилги кит овлашни тартибга солиш бўйича конвенция ва бошқаларни мисол тариқасида санаб ўтишимиз мумкин.

Очик денгиздаги эркинликнинг бузилишидан бири қароқчилик ҳисобланади ва давлатлар уни йўқ қилишга кўмаклашишлари керак. Очик денгиз тўғрисидаги 1958 йилги Женева Конвенцияси ва 1982 йилги Конвенция очик денгизда содир этилган қароқчилик ҳаракатлари учун жазо тайинлашни назарда тутлади.

Дунё океанларида илмий тадқиқот ўтказишнинг халқаро-ҳуқуқий режими 1982 йилги Конвенция билан тартибга солинади. Жуғрофий ўрнидан қатъий назар, барча давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлар Дунё океанларида илмий тадқиқот ишларини ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Илмий тадқиқот ишлари фақат тинчлик мақсадларида, хавфсизлик қоидаларига риоя этилган ҳолда тегишли илмий усуллар асосида ўтказилиши лозим.

² Ст. 88 Конвенции ООН по морскому праву 1982 г.

Денгизда илмий тадқиқотлар ўтказишдан мақсад бутун халқларнинг манфаатларини кўзлаб Дунё океанининг биологик ва минерал ресурсларини, унинг атмосфера ва космос билан ўзаро таъсирини ўрганиш ва Дунё океани тўғрисидаги билимлардан барча давлатларнинг фойдаланишига кўмаклашишдан иборатдир (об-ҳаво маълумотиغا эга бўлиш, ҳалокатларнинг олдини олиш, ҳосилдорликни ошириш, денгиз овини рационализация қилиш ва бошқалар).

Денгиз ости ва дунё океани тубининг халқаро-ҳуқуқий режими. 1971 йилнинг 11 феврилида денгиз ва океанлар ости ва унинг қаърида ядро ва бошқа оммавий қирғин қуроолларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Бу шартнома қирғоқбўйи давлатларининг 12 миль зонадаги денгиз остини ядродан холи этишга бағишланган масалаларини ҳам тўлиқ тартибга солиб туради.

БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича III конференцияси 1982 йилги Конвенция бўйича «Район» деб номланган денгиз ости халқаро районида минерал ресурсларни қазиб олиш режими муаммоларини ҳал этди. Унга кўра Районда ўзлаштирмаслик ва умумфойдаланиш принциплари амал қилади. Бу, ҳеч бир давлат, денгиз остига бўлган суверенитетга ва суверен ҳуқуққа даъво қилолмайди деганидир.

БМТ Район остини «инсониятнинг умумий мероси» (1982 йилги Конвенциянинг 136-моддаси) деб эълон қилди. Дунё океанини районидаги сув ости ва унинг қаъри барча давлатларга тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун очикдир. Бунда ривожланаётган давлатларнинг нафақат камчиликлари, балки эҳтиёж ва манфаатлари ҳам ҳисобга олинади. Район қаърини разведка қилиш ва ишлаб чиқиш имконияти денгиз ости бўйича Халқаро Органнинг махсус хўжалик Корхонасига (170-модда) ва Орган билан контракт тузган алоҳида давлатларга (156-191 моддалар) берилган.

Конвенциянинг 148-моддаси ривожланаётган давлатларнинг Район фаолиятида самарали иштироки тақдирланади, деган қонидани ўзида мужассам этган. Бу моддада денгизга чиқиш йўлига эга бўлган, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган ёки жуғрофий жиҳатдан ноқулай жойлашган давлатларнинг муҳим эҳтиёж ва манфаатлари ҳисобга олинади, деб кўрсатилган. Низолар пайдо бўлганда уларни ҳал этиш учун денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро Трибуналнинг махсус камераларини тузиш назарда тўтилган (188-модда).

10.2. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши

Биринчи марта ҳаво ҳуқуқи асосларини белгилаб берувчи ҳаво воситалари тўғрисидаги кўп томонлама Конвенция 1919 йилнинг 13 октябрида Парижда қабул қилинган. Унгача давлатлар ўртасидаги битимларда аэростат ва ҳаво шарларининг парвози билан боғлиқ ҳавода учиб масалалари ҳал этилган эди. Улар: чегарадан учиб ўтишда ҳаво шарларига бўлган мулкчилик ҳуқуқи тўғрисида, аварияга учраган ҳолларда ҳаво шари ва унинг экипажларини қутқариш ҳақида, аэронавтларнинг ва улар учувчи аппаратида келтирган зарарлар учун жавобгарлиги тўғрисида ва бошқалар.

Авиациянинг вужудга келиши ва жадал ривожланиши кўп томонлама халқаро битимлар билан ҳаво маконининг ҳуқуқий мақомини белгилаб олиш зарурати туғилди. Конвенция «ҳар бир давлат ўз ҳудудида жойлашган ҳаво маконига нисбатан тўлиқ ва танҳо суверенитетга эга» эканлигини тасдиқлади. Бу Конвенцияда давлатларнинг ҳаво маконидаги суверенитетини белгилашдаги «тўлиқ» ва «танҳо» эканлиги кейин қабул қилинган халқаро ва миллий қонун актларида ўз ифодасини топди.

Ҳаво маконига нисбатан ишлатилган «тўлиқ суверенитет» давлатнинг бу маконда тўлиқ ҳокимиятга эга эканлигини билдиради, «танҳо суверенитет» эса бу маконга ўша макон тегишли давлатдан бошқа давлатларнинг ҳукмронлиги тегишли бўлмаслигини билдиради.

1919 йилги Париж Конвенцияси тузилгунга қадар бир қатор давлатлар (Англия, Австрия, Россия ва бошқалар) ҳаво маконларида ўз ҳуқуқларини тасдиқлашга қаратилган бир қатор қонунларни қабул қилган эди.

Шу билан бирга, қуруқлик ва сув ҳудудидаги ҳаво маконларининг юридик мақоми масаласи давлатлар ўртасида ўткир мунозараларга сабаб бўлди. Бу ерда турли манфаатлар тўқнашуви содир бўлди: ҳавода устунликка эга давлатлар парвоз эркинликларини тан олишга интилдилар, бундай устунликка эга бўлмаган давлатлар эса тескари позицияни эгалладилар. Шунга асосан парвозларнинг мутлақ эркинлиги ҳуқуқи ёки, аксинча, маконлар устидан давлат суверенитети доктринаси асосланди.

Ҳозирги пайтда халқаро ҳаво ҳуқуқи давлатларнинг ҳаво маконлари устидан тўлиқ ва танҳо ҳуқуқини тан олади. Бу суверенитет халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго Конвенциясида тасдиқланган. Унда «ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ҳаво маконлари устидан тўлиқ ва танҳо суверенитетга эга», деб ёзилган (1-модда).

Бу ҳаво макони давлатларнинг қуруқлик ҳудудида ва унинг ҳудудий сувлари устида жойлашган бўлиб, давлат ҳудудининг бир қисми ҳисобланади, яъни давлат ҳудуди таркибига киради. Ҳаво маконини ёки томон чегаралари давлатларнинг қуруқлик ва сув ҳудуди чегараларидан ўтказилган вертикал чизиқ билан бегиланади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи (ХҲҲ) – ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг соҳаси бўлиб, у ёки бу миллий (давлат) ёки давлатларга тегишли ҳаво аппаратлари (кемалари)нинг халқаро парвозларини тартибга солиб туради, ёки бошқача таъриф берадиган бўлсак, халқаро ҳаво ҳуқуқи бу ҳаво маконларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва ҳаво маконлари ҳуқуқий режимини ўрнатувчи нормалар ва принциплар тизимидир. Ҳаво ҳуқуқи масалаларига бағишланган битимларнинг иштирокчилари давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, «халқаро ҳаво ҳуқуқи» тушунчасининг таърифи шундай бўлади. Халқаро ҳуқуқ соҳаларининг таърифлари маълум бир халқаро-ҳуқуқий кўрсатмаларнинг таҳлилига асосланмоғи лозим. Бу ҳақда биз куйида тўхталиб ўтамиз.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи ҳаво маконларида ҳаво ёстиғи билан ёки реактив тортиш кучи, ҳамда инерция билан ҳаракат қиладиган ракета ва бошқа учувчи аппаратларнинг парвозларини тартибга солмайди.

«Халқаро ҳаво ҳуқуқи» соҳасининг номидан кўриниб турибдики, бу ҳуқуқ фақат ҳаво маконига тегишли. Бу ерда юридик мақомга эга ҳаво макони ҳақида гап кетмоқда. Шунини эслатмоқ жоизки, ҳали коинот ва ҳаво маконлари ўртасида аниқ бир чегара ўрнатилмаган.

Бундай чегарани ўрнатишнинг қийинлиги шундаки, «Шатл» ёки «Буран» типигаги учиб аппаратлари коинотда ҳам, ҳаво маконларида ҳам парвоз қила олади. Бошқача айтганда, улар халқаро ҳаво ҳуқуқи ва коинот ҳуқуқи билан тўқнашадилар.

Ундан ташқари, ҳаво маконлари юридик жиҳатдан бир хил тузилишга эга эмас. Давлатлар ҳудудий сувларида, ҳудудий денгизда ва қуруқликдаги ҳудудда жойлашган ҳаво маконлари ўша давлатнинг ҳудуди бўлиб ҳисобланади ва ўша давлатнинг тўлиқ суверенитети остида бўлади, ана шу сабабдан бу ҳаво маконидаги юридик ҳолатлар ўша давлатнинг юрисдикцияси билан, халқаро мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Очиқ денгизда, Дунё океани ва Антарктика устида жойлашган ҳаво маконлари нодавлат ҳаво маконлари, халқаро ҳудуд бўлиб ҳисобланади, ана шу сабабли бу ҳаво маконидаги юридик ҳолатлар бошқача юридик оқибатларга олиб келади.

Шунинг учун халқаро парвозларни тартибга солишда иккита асосий принцип ётади: давлатларнинг ўз ҳудудидаги ҳаво маконида тўлиқ ва танҳо суверенитети принципи, халқаро ва аралаш ҳудудлар устида жойлашган ҳаво маконлари устидан давлат суверенитетининг амал қилмаслик принципи.

Шунга асосан, давлатларнинг ҳаво макони устидан ҳуқуқий режими давлатларнинг кўп томонлама ва икки томонлама битимларида қатнашиб олган халқаро мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда, ўзгариши ички ҳуқуқлари баъзан иккинчи бир давлат тан олган ва унга тааллуқли бўлган давлатларнинг бир томонлама юридик актлари билан ўрнатилади.

Халқаро ҳаво маконларидаги ҳуқуқий режим ёлғиз халқаро ҳуқуқ томонидан ўрнатилади. Унинг асосида Париж Конвенцияси, денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенцияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ нормаларида ўз тасдиғини топган ана шундай муаммолар устидан парвозлар эркинлиги ётади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи – халқаро ҳуқуқ соҳасидир. У халқаро ҳуқуқнинг умумий принципларига асосланади. Шу билан бирга, халқаро ҳаво ҳуқуқи ҳаво кемаларининг парвози билан боғлиқ давлатларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ўзига хос принципларга эгадир:

- 1) давлатларнинг ўз ҳаво макони устидан тўлиқ ва танҳо суверенитети;
- 2) барча давлатлар ҳаво кемаларининг халқаро ҳаво маконларидаги эркин парвози (миллий ҳуқуқ таркибига кирмайдиган барча ҳаво маконлари халқаро ҳаво бўлиб ҳисобланади. уларга қирғоқбўйи давлатларнинг ҳудудий сувларига кирмайдиган денгизнинг ҳаво маконлари киради);
- 3) халқаро фуқаро авиациясининг хавфсизлигини таъминлаш.

Ҳозирги замон ҳаво ҳуқуқининг асосий манбаи бўлган 1944 йилги халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция (Чикаго Конвенцияси)

«халқаро ҳаво йўли» терминини таърифлаб беради, бунга кўра бир давлатдан ортиқ давлатларнинг ҳаво маконлари устидан учиш халқаро ҳаво йўлини билдиради (96-модда).

Шунга кўра «халқаро парвоз» – бу бир давлатдан ортиқ давлатларнинг ҳаво макони устидан парвоз қилишдир. Бошқача айтганда, бу бир давлатнинг ҳудуди устидан иккинчи бир давлат ёки давлатларнинг ҳудудига парвоз қилишдир.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи миллий ҳаво аппаратлари (кемалари)нинг халқаро парвозини амалга ошириш билан боғлиқ давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солар экан, бунда ҳаво кемаларининг миллийлигини аниқлаш сезиларли аҳамият касб этади. Миллий ҳаво кемаларини белгилашга Чикаго Конвенциясининг III боби (17-21 моддалар) бағишланган.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг манбалари. Фуқаро авиацияси халқаро парвозларини тартибга солиб турувчи умумий принцип ва нормалар 1944 йилги Чикаго Конвенцияси билан белгилаб берилган. Бу Конвенция ҳаво кемаларининг миллийлиги тўғрисидаги қондиларни, ҳаво кемаларига нисбатан риоя қилиш керак бўлган аэронавигацияга ёрдам бериш чораларини (ҳаво кемасида бўлиши керак бўлган ҳужжатлар, радиоускуналар ва бошқалар) ва парвоз қоидаларига тегишли кўплаб қоидалар тўғрисида маълумотлар беради.

Чикаго Конвенцияси асосида фуқаро авиацияси Халқаро ташкилоти-ИКАО ташкил топди (Конвенциянинг II қисми). Чикаго Конвенцияси фақат фуқаро ҳаво кемаларига қўлланилади. Давлат ҳаво кемаларига қўлланилмайди. Конвенция давлат ҳаво кемаларидек ҳарбий божхона ва полиция хизматидан фойдаланиладиган ҳаво кемаларини киритади.

Аммо давлатларнинг ҳаво маконлари устидан суверенитети принципини Конвенция давлат ҳаво кемаларига ҳам тегишли деб тасдиқлайди. Конвенция давлат ҳаво кемалари бирор-бир давлатнинг рухсатсиз уларни ҳаво маконлари устидан парвозни амалга ошира олмайди ва уларнинг аэропортига кўнишга ҳаққи йўқ деб таъкидлайди. Чикаго Конвенциясига бугунги кунга қадар бир қатор қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган.

Чикаго Конвенциясидан ташқари ҳаво йўллари масалаларини тартибга солиб турувчи бир неча кўп томонлама шартномалар амал қилади. 1929 йилнинг 12 октябрида Варшава халқаро ҳавода ташишларга тегишли бир қатор қоидаларни унификация қилиш учун Конвенция тузилди. Конвенция ўзида йўловчиларни, уларнинг юқларини ташиш, ҳавода юк ташиш ҳужжатларига талаблар ва юк ташувчининг жавобгарлиги тўғрисидаги қонунларни ўзида мужассамлаштирган.

1955 йили Гаагада 1929 йилги Конвенцияга тузатишлар тўғрисидаги протокол имзоланди. Кейинги йиллар Конвенцияга яна тузатишлар киритилди. Кўпчилик давлатлар фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашинишга қарши ва бошқа бир қатор ҳаво ҳуқуқи масалаларига бағишланган битимларнинг иштирокчиси бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина халқаро ҳаво йўллари тартибга солишга бағишланган масалалар давлатларнинг икки томонлама битимлари билан ҳал этилади. Бу битимларда чет эл ҳаво кемаларининг парвоз маршрути белгиланади (шартномавий линиялар деб номланади), Шартнома линияларини

эксплуатация қилиш шартлари келишиб олинади, бу линияларни эксплуатация қилиш учун давлатларнинг авиакорхоналар тайинлаш ҳуқуқи назарда тутилади.

Шу билан бирга, битимлар томонларга шартнома линияларида парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини юклайди (масалан, ҳаво кемаларига зарур бўлган радио, ёруғлик техникаси, метеорологик ва бошқа хизмат воситаларини бериш мажбурияти, ҳаво кемаси мажбурий равишда кўнганда тез ёрдам бериш чораларини кўрмоғи лозим).

Авиакорхоналардан халқаро битимлар бўйича давлатлар фойдаланиш ҳуқуқига эга ва бу битим билан давлатга юклатилган мажбуриятларни бажариши керак. Авиакорхонани яратиш, унинг фаолияти ва уни тугатиш тартиби миллий қонунлар билан тартибга солинади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг асосий принциплари. Давлат-ларнинг ўзларининг ҳаво маконлари устидан тўлиқ ва танҳо суверенитети принципи. Бу принцип халқаро битимларда (1944 йилги Чикаго Конвенциясининг 1-моддаси) ва турли мамлакатларнинг миллий қонунларида мустаҳкамланган.

Ҳаво маконлари устидан суверенитет принципининг асосий мазмуни шундаки, давлатлар ўз ҳаво маконларидан фойдаланиш ҳуқуқий режимини ўзлари мустақил равишда ўрнатадилар.

Давлатларнинг ҳаво маконларидан чет эл учувчи аппаратларининг фойдаланиши фақат маълум бир рухсатнома орқали амалга оширилади (ҳаво йўллари тўғрисидаги шартнома асосида рухсат бериш ёки ваколатли давлат органлари томонидан бериладиган бир марта парвоз қилишга рухсат бериш).

Давлатлар халқаро Шартномаларга асосан бошқа давлатларни ўз ҳудудида парвозларни амалга оширишини таъминлашга мажбурдирлар (халқаро парвозлар учун маршрутлар ва аэропортлар тақдим этиши, чет эл авиакомпанияларига берилган тижорат ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш ва ҳоказо).

Давлатлар ўз ҳаво маконларидан шундай фойдаланишлари керакки, бунда бошқа давлатларнинг ҳақиқий манфаатларига зиён етказилмаслиги керак. Масалан, чегара зоналарида юқори овозда парвоз қилишга йўл кўйилмайди (чунки бу кўшни давлатларнинг архитектура ёдгорликларига зарар келтириши мумкин).

Ҳар бир ҳаво кемаси бошқа давлатларнинг ҳудудида парвоз қилганда ўша давлатнинг ҳаво йўлларига тегишли қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилишга мажбурдирлар.

Давлатлар ўз ҳаво маконлари устидан суверенитет принципига асосан парвоз маршрутлари ва трассаларини ўрнатади, зарур бўлган ҳолларда парвозни тақиқловчи зоналарни кўрсатади, шунингдек парвозларнинг хавфсизлигини таъминловчи ва радио алоқа қоидаларини белгилаб беради.

Чет эл ҳаво кемалари аэропортга келиб кўнганда ҳар бир давлатнинг ваколатли органлари ҳаво кемаларини кўздан кечириш ва ҳужжатларни текшириш ҳуқуқига эга (қайд қилинганлиги ҳақида гувоҳнома, парвозларга лойиқлиги ҳақидаги ҳужжат, экипаж аъзоларининг малакаси квалификацияси тўғрисидаги гувоҳнома, йўловчилар рўйхати ва бошқаларни текшириш мумкин).

Шундай қилиб, халқаро ҳаво йўлларида парвозни амалга ошираётган чет эл ҳаво кемалари бошқа давлатларнинг ҳудудига кириб келишда ўша давлатнинг юрисдикциясига бўйсунди.

Халқаро бўғозлар, архипелаглар устидан транзит ҳолда парвоз қилинганда, шунингдек бўғозлар бўйича махсус битимлар бўлганда (масалан, Қора денгиз бўғози бўйича) бу қоидаларга риоя этилмайди. Бундай ҳолларда махсус қоидалар амал қилади.

Очиқ ҳаво маконларида эркин парвоз қилиш принципи. Очиқ ёки халқаро ҳаво маконларига қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудий сувларидан ташқарида бўлган ҳаво маконлари киради.

Барча ҳаво кемалари халқаро ҳаво маконларида «сузиб» юрганларида ўз давлатларининг юрисдикциясига бўйсунди. Аммо халқаро ҳаво маконларида эркин парвоз қилиш, давлатлар ва уларнинг ҳаво кемалари халқаро битимларда ёки ИКАО тартибларида мустақамлаб қўйилган маълум қоида ва талабларга риоя қилишдан озоддир деган маъно келиб чиқмайди.

1944 йилги Чикаго Конвенциясига асосан ИКАО ўрнатган парвоз қоидалари очик денгизда тўлиқ амал қилади. Барча давлатлар бу қоидага бўйсунилари ва уларнинг ҳаво кемалари очик денгиз устидан парвоз қилганда қоидага риоя этишлари учун бутун чораларни кўрмоғи лозим.

Очиқ ҳаво маконларининг эркинлиги туфайли ҳаво кемаларининг командирлари ва эксплуатантлари учирган органлар, расмий жиҳатдан маълум бир маршрутлар билан ҳаракат қилиш мажбуриятини олган эмаслар. Аммо парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида (чунки бу ерда хавфсизликни таъминлаш суверен ҳаво маконидан мураккаброқ) ХХХК (ҳаво ҳаракатларига хизмат кўрсатиш) халқаро маршрутлар асоси билан келишилган ҳолда очик денгизлар устидан халқаро парвозларни бажаришнинг амалий ҳуқуқий асослари шакллланган.

Улар ИКАО доирасида чақириладиган минтақавий аэронавигация йиғилишларида кўриб чиқилади ва ўрнатилади. Шу билан бирга жуда кўпчилик парвозлар ХХХК маршрутларидан ташқарида бўлмоқда. Бундай ҳолларда парвоз режасида аниқ маршрут кўрсатилади ва бу ҳаво маконининг конкрет районида хизмат кўрсатаётган органга хабар берилади.

Очиқ денгиз маконларида амал қилаётган парвозлар қоидалари тизими Чикаго Конвенциясининг 2 Иловасида, шунингдек «аэронавигация хизмати Процедуралари – ҳаво ҳаракатлари хизмати ва парвозлар қоидалари» ва «қўшимча минтақавий Процедуралар» да ўз аксини топган.

Чикаго Конвенцияси ва ИКАО ҳужжатлари ва унинг иловаларида мавжуд қонун-қоидалар давлат учини аппаратларига тегишли бўлмайди. Чикаго Конвенциясида давлат ўз ҳаво кемалари учун қоидалар ўрнатаётганда халқаро ҳаво кемаларининг навигацион хавфсизлигига «диққат-эътиборини қаратиш» орқали давлатларга мажбурият юкловчи норма мавжуд (3 а модда).

Бу қоидага қўшимча қилиб ва уни ривожлантириб, ИКАО Ассамблеяси ўзининг аэронавигация соҳасидаги ИАКО доимий сиёсати тўғрисидаги Йиғма баёнотида давлат ҳаво кемаларининг парвози «амалий имконият даражасида» 2 Иловада кўрсатилган қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, бу масалаларни «шу райондаги очик денгиз устидан ҳаво ҳаракатлари хизматини таъминлаш учун

жавобгар барча давлатлар» билан келишилган ҳолда бажаришларини тавсия этади.

Кўпгина ҳолларда бундай келишувлар ва давлат ҳаво кемаларининг ИКАО парвозлари қоидаларига риоя қилиши оддий ҳуқуқий ҳол бўлиб қолди.

1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенцияси очиқ денгиз устидаги парвозлар эркинлигини тасдиқлади. 900 км.лик иқтисодий зона тўғрисидаги Конвенция ҳам бу эркинликка ўз таъсирини ўтказмади. Зона устидаги ҳаво маконида илгаригидай парвозлар эркинлиги амал қилмоқда.

Халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш принципи. Бу принципга асосан давлатлар қуйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

а) аэропортларнинг ёрдамчи хизматлари, ҳаво трассалари, авиатехниканинг техник жиҳатдан ишончлилигини таъминлаш бўйича чоралар кўриши;

б) фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиб ҳаракатларига қарши курашиш.

1944 йилги Чикаго Конвенциясининг вазифаси ва ИКАО тизимининг асосий мақсади: «Халқаро фуқаро авиацияси тартибли ва хавфсиз ривожланишини йўлга қўйишдан» иборат (Муқаддима). Конвенция ва унинг 18-иловасидаги нормалар аэронавигациянинг техник хавфсизлигини таъминлаш талабларига қаратилган эди. Бу талаблар авиация соҳасидаги илмий-техник тараққиётни ҳисобга олиб доимо янгиланиб боришни тақозо этади. Бу вазифани бажариш эса ИКАОга юклатилган.

Ана шу мақсадда давлатлар ИКАО доирасида вақти-вақти билан, зарурат туғилган ҳолларда қуйидагиларга тааллуқли халқаро тартибларни (қоидалар, стандартлар, тавсиялар ва бошқа шу кабилар) ишлаб чиқади:

- ҳаво кемаларининг парвозга лойиқлиги, ўқиш ва техник персоналнинг малакаси; ҳаво кемаларининг рўйхатга олиниши ва борт ҳужжатлари;

- аэронавигация карталари ва алоқа тизими;

- аэропортлар ва қўниш майдонларининг характеристикаси;

- парвоз қоидалари ва ҳаво ҳаракатларини бошқариш амалиёти, шунингдек аэронавигациянинг самарадорлиги ва хавфсизлигига тааллуқли бошқа барча масалалар.

Умуман олганда, ИКАО қоидалари халқаро фуқаролик авиациясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга ёрдам беради, чунки улар турли давлатлар томонидан халқаро аэронавигация соҳасидаги энг янги ютуқларга асосланган фуқаролик самолёти парвози қоидалари ва ўқиш техник нормаларини амалиётга жорий қилишга кўмаклашади.

Ҳаво йўлларининг хавфсизлигига зиён етказган фуқаролик ҳаво кемаларини олиб қочиш ва эгаллаш ҳоллари бўлганлиги сабабли, ИКАО Чикаго Конвенциясига махсус 17 Иловани – «Хавфсизлик. Фуқаро авиациясини ноқонуний аралашиб ҳаракатларидан ҳимоя қилиш»ни ишлаб чиқди.

Иловада халқаро фуқаро авиациясини ноқонуний аралашиб актларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча масалаларда йўловчиларнинг, экипажнинг, ердаги персоналнинг ва умуман жамиятнинг хавфсизлиги биринчи даражали аҳамиятга эга деб таъкидланади.

ИКАОнинг ташаббуси билан ва раҳбарлигида 70-йилларда фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашинишга қарши кураш бўйича давлатлар ҳамкорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро конвенциялар ишлаб чиқилди:

1970 йилги ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш тўғрисидаги Гаага Конвенцияси ва 1971 йилги фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан кураш тўғрисидаги Монреаль Конвенцияси. Бу Конвенцияларда парвозда бўлган ҳаво кемаларини куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд қўрқитишнинг бошқа шакллари билан эгаллаш энг оғир жиноят деб тан олинади.

Монреаль Конвенцияси (Гаага Конвенциясига нисбатан) фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид қилувчи жиноий актлар рўйхатини янада кенгайтди ва аниқликлар киритди: парвоздаги ҳаво кемаси бортида бўлган шахсларга нисбатан зўрлик; эксплуатацияда бўлган ҳаво кемасини бўзиш ёки шикаст етказиш; ҳаво кемалари парвози хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон маълумотлар бериш.

Бу конвенцияда иштирок этувчи давлатлар ана шундай жиноятларга нисбатан жуда қаттиқ жазо чораларини қўллашга мажбурдирлар. 1988 йили 1971 йилги Монреаль конвенциясига Протокол қабул қилиниб, бу Протоколда халқаро парвозларга хизмат қиладиган аэропортларда ноқонуний зўрликка қарши қонун актлари билан курашинишга қаратилган нормалар мавжуд.

Хавфсизликни таъминлаш принципига барча давлатлар томонидан оғишмай амал қилиниши ҳозирги пайтда давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларни мустақкамлашда сезиларли роль ўйнайдиган халқаро ҳаво йўлларини янада ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

10.3. Халқаро парвозлар ва ҳаво макони режими. Халқаро ҳаво маконида парвоз этиш қоидалари

Ҳар бир давлат ўз маконларидан чет эл ҳаво кемаларининг ўтиши учун рухсат бериш тартибини ўрнатади ва маълум талабларга риоя этиш шарти билан уларга ўз ҳаво маконларидан парвоз қилиб ўтиш ҳуқуқини беради. Давлатларнинг ҳаво чегаралари дахлсиздир.

Ҳаво маконлари чегараларидан ҳаво кемаларининг ўтиши ўша давлатнинг розилиги билан амалга оширилади. Бу қоида давлатнинг ҳаво маконларига бўлган суверенитети билан боғлиқ бўлиб, у доимий парвозларга (келишилган жадвал бўйича) ва доимий бўлмаган парвозларга ҳам тегишлидир.

1944 йилги Чикаго конвенциясига кўра, «ҳеч қандай доимий халқаро ҳаво йўллари Шартномага эга давлатларнинг ҳудуди устида махсус рухсатга эга бўлмасдан туриб амалга оширилиши мумкин эмас» дейилади (6-модда). Рухсат бериш халқаро шартномаларда назарда тўтилган ёки давлатларнинг ички қонунларида белгиланган бўлади. Ҳар қандай нодоимий парвозлар ҳам шундай рухсат бўлиши кераклигини талаб этади. Рухсат беришда ҳаво кемасининг аниқ йўналиши белгилаб олинади.

Чет эл ҳаво кемаларининг давлатларнинг ҳаво маконида бўлиши даврида миллий қонунларга бўйсундилар. Бу миллий қонунлар йўловчилар, экипажнинг, почта, багаж ва бошқа юкларни ташишни ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради, паспорт, божхона, валюта ва карантин назорати тартибини белгилайди. Бу қонун-қоидалар шартномага эга иккинчи бир томоннинг ҳаво кемаларига ҳам тегишли бўлади.

Чет давлатнинг ҳудудига кириб келган ҳар бир кема рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномага, парвозларга лойиқлиги тўғрисидаги гувоҳномага, борт журнали ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларга эга бўлиши лозим. Радиоаппаратурадан ҳаво кемасини рўйхатдан ўтказган давлатларнинг ваколатли ҳокимият органи томонидан берилган махсус рухсатнома асосида фақат учувчи экипаж аъзолари фойдаланишлари лозим.

Радиоаппаратуралардан фойдаланаётганда парвоз амалга оширилаётган ҳудуддаги давлатнинг қонун-қоидаларига риоя қилиниши шарт (Чикаго конвенциясининг 30-моддаси).

Халқаро ҳаво ҳаракатига хизмат кўрсатиш учун давлатлар аэропортлар ажратади. Кўпинча бу аэропортлар халқаро ва ички парвозларга хизматни кўшиб олиб боради. Чикаго конвенцияси аэропортлардан фойдаланишда камситмаслик принципини қўллашни тақозо этади.

Аэропортлардан фойдаланиш шарт-шароитлари Конвенциянинг барча иштирокчи давлатларининг ҳаво кемалари учун бир хил бўлиши керак (15-модда).

Давлатлар ўзига тегишли ҳаво маконларининг хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида, ҳаво йўлларига хизматни амалга оширади. Бундай хизматлар маълум бир вазирлик ва идораларга тегишли органларга юклатилади. Ҳар бир хизмат тури маълум бир органлар орқали таъминланади. Хизматнинг ҳар хил турлари мавжуд. Улар: парвозлар ҳақида ахборотлар олиш, консультатив, диспетчер ва авария хизматлари.

Халқаро ҳаво ҳаракатлари ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун маълум бир стандартлар, яъни бир хил қоида ва талабларга амал қилинади. Чикаго конвенцияси иштирокчи давлатлари мазкур Конвенцияга асосан вақти-вақти билан ўрнатиладиган ёки тавсия этиладиган маълум бир стандартлар ва тажрибаларга асосан халқаро аэронавигацияга қўмаклашиш учун ўз ҳудудларида аэропортлар, радио ва метеорологик хизматлар ва бошқа аэронавигация воситаларини ўзларининг имкониятлари даражасида тақдим этиш мажбуриятларини олганлар.

Ўз ҳудудларида парвозга рухсат берган давлатлар, агар ҳаво кемалари ҳалокатга учраса, ёрдам бериш учун чоралар кўришга мажбурдирлар. Шунингдек бу давлатлар, авиация ҳалокатлари натижасида ўлим ёки жиддий тан жароҳатлари етказилган бўлса ёки ҳаво кемасининг жиддий техник носозликлари ҳақида гувоҳлик берувчи ҳолатларини тергов қилишга мажбурдирлар. Тергов қоидалари тўғрисидаги умумий тартиблар Чикаго конвенциясида белгилаб қўйилган (26-модда). Конвенция бундай авиация ҳалокатларини тергов қилишда миллий қонунлардан фойдаланишни ҳам назарда тутаяди.

Чегаралардан давлатнинг рухсатисиз ёки парвоз қоидаларига риоя қилмасдан ўтган ҳаво кемаси бузғунчи кема деб ҳисобланади. 1984 йилнинг майида ИКАОга аъзо давлатлар Чикаго конвенциясига тузатишларга имзо чекдилар, бунга кўра улар ўз ҳаво кемаларида ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўриш мажбуриятини олганлар.

Халқаро ҳаво маконида парвоз этиш қоидалари. Халқаро ҳаво маконларида, яъни қирғоқбўйи давлатларининг ҳудудий сувларидан ташқари ва Антарктика устидан ҳаво маконларида парвоз эркинлигини тан олиш халқаро ҳаво ҳуқуқининг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Очиқ денгиз устидаги ҳаво маконларида парвозлар эркинлиги 1958 йилги очиқ денгизлар тўғрисидаги Женева конвенциясида (2-модда), кейинчалик 1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенциясида (87-модда I«в» банд) тасдиқланган. Очиқ денгиз устидан ва иқтисодий зоналарда ҳаво кемаларининг парвози бўйича қоидаларда денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенцияси ҳеч қандай фарқни кўрсатмайди.

Очиқ денгиз устида ҳаво кемалари қайси давлатда қайд қилинган бўлса, ўша давлатнинг юрисдикциясига бўйсунди. Аммо очиқ денгизлар устидан парвозлар эркинлиги, ўз ҳаво кемаларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида парвозларни ташкил қилиш ва маълум бир парвоз қоидаларига риоя қилишда давлатлар олган мажбуриятларни истисно қилмайди. Очиқ денгиз устидаги ҳаво маконларидан фойдаланилганда ҳар бир давлатнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенциясининг очиқ денгизда парвозлар эркинлигига бағишланган моддасида, давлатлар Конвенцияда назарда тутилган эркинликларни амалга ошираётганда, очиқ денгиз эркинлигидан фойдаланаётган бошқа давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш кераклиги ҳақида сўз боради (87-модда 2-банд).

Очиқ денгиз устидан ҳаво маконларида парвозни ташкил қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида, давлатлар ва маконларда бошқа давлатларнинг ҳаво кемаларига у ёки бу хизмат турларини тақдим этиш бўйича мажбуриятлар олганлиги тўғрисида битимлар тузадилар (парвозлар тўғрисида ахборотлар бериш, диспетчер хизмати ва шу кабилар бўйича).

ИКАО томонидан чақириладиган минтақавий конференцияларда давлатлар иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган халқаро трассаларни, ораликдаги кўниш пунктларини белгилаб оладилар, ҳаво ҳаракатларини бошқаришни ташкил этиш масалаларини ва бошқа очиқ денгиз устидаги ҳаво маконларида парвозларни ташкил этиш учун зарур бўлган ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этадилар. Бу маконларда парвоз этишнинг қоидаларига риоя этишда давлатларнинг мажбуриятлари икки томонлама тузилган битимларда ҳам ўз аксини топади.

Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенцияси халқаро кемалар катнови учун фойдаланиладиган бўғозлар устидан ҳаво маконларида барча ҳаво кемалари учун транзит парвозлар эркинлиги ҳуқуқини тасдиқлайди. Ҳаво кемалари бўғозлар устидан парвоз қилганда сусткашликка йўл қўймасликлари, қирғоқбўйи давлатларининг сиёсий мустақиллиги ёки ҳудудий дахлсизлиги,

суверенитетига қарши куч ишлатиш билан кўрқитишдан ўзларини тийишлари керак.

Ўз навбатида қирғоқбўйи давлатлари ҳам транзит парвозларга халақит бермасликлари, уни бузмаслиги ёки уларнинг ҳуқуқини камситмасликлари керак. Қора денгиз бўғозлари устидаги ҳаво маконларида парвоз қилиш 1936 йилги Қора денгиз режими тўғрисидаги Конвенция билан тартибга солинади.

1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенцияси архипелаг давлатларига барча чет эл учувчи аппаратларини архипелаг сувлари устидан ҳаво коридорларидан ҳеч қандай тўсиқсиз парвоз қилишларини таъминлашни юклайди. Конвенциянинг бу қондаси ҳаво кемаларига бир очиқ денгиз ёки иқтисодий зоналар ҳаво маконларига тез ва тўхтовсиз парвозларни амалга оширишга кўмаклашади.

Антарктика устидаги ҳаво маконларининг ҳуқуқий режими 1959 йилги Антарктика тўғрисидаги Шартнома билан тартибга солинади. Шартномада «очиқ денгизларга нисбатан халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган ҳар қандай давлатларнинг ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни камсита олмайди», деб ёзиб қўйилган (VI-модда).

Шунинг учун унинг ҳаво маконлари фуқаролик ҳаво кемалари парвози учун очиқдир. Ҳарбий ҳаво кемалари Антарктика устидан Шартнома қоидаларига риоя қилаётганини ҳаводан назорат қилиш учун, станцияларга персонални олиб келиш ёки олиб кетиш учунгина парвоз қилиши мумкин. Шартнома иштирокчилари томонидан тайинланган кузатувчилар ҳарбий самолётларда шартнома қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун инспекция ўтказиши мумкин (VII-модда).

10.4. Ҳаво кемаси ва экипажининг ҳуқуқий ҳолати

Ҳаво кемасининг ҳуқуқий ҳолати. Ҳаво кемаси у ёки бу давлатларда рўйхатга олинганлиги билан белгиланадиган миллийлик хусусиятига эга ҳаво кемасининг миллийлик принципи, қайддан ўтказилган давлат билан ҳаво кемаси ўртасида тўғридан-тўғри (оммавий-ҳуқуқий) алоқани келтириб чиқаради ва шу орқали ўша қайддан ўтган давлатнинг ҳимояси остида бўлади. Рўйхатга олинган ҳаво кемаси давлат реестрига киритилади.

Кўрсатилган принципдан ҳаво кемасидан фойдаланиш, эгалик қилиш ва мулкчиликнинг фуқаровий-ҳуқуқий масалаларидаги фарқини ажратмоқ керак. Фуқаролик ҳаво кемалари давлатнинг, кооператив ва ижтимоий ташкилотларнинг мулки ҳисобланиши мумкин.

Халқаро ҳаво йўлларида ҳаво кемаларини фуқаро ва давлат мулкларига бўлиш принципал аҳамиятга эга. Чикаго конвенциясининг учинчи моддаси ҳарбий, божхона, полиция хизматларида фойдаланиладиган ҳаво кемаларини давлат мулкига киритади.

Экипажларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ҳаво кемаси экипажи аъзолари ўз хизмат ваколатлари доирасида ҳаракат қилар экан, уларни ҳаракати учун жавоб берадиган кема эксплуатантининг (эгасининг) вакиллари бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир экипаж аъзоси қатъий белгилаб берилган функцияни бажаради. Ҳаво кемаси командири маълум белгиланган вақт мобайнида ҳаво кемаси, унинг экипажи аъзолари, йўловчи ва юклар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқида жиноятнинг ҳуқуқий ҳолатини тўлиқ белгилаб берувчи ҳужжат мавжуд эмас. Парвоз даврида ҳаво кемаси бортида жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш ва тугатиш учун чоралар кўриш бўйича командир ва экипажнинг алоҳида ҳуқуқлари 1963 йилги Токио Конвенциясининг III бобида берилган.

Экипажнинг тўлиқ ҳуқуқий ҳолати ҳаво кемаси қайд қилинган давлатнинг миллий қонунлари билан белгиланади.

Кўпгина давлатларнинг ҳаво кемаси экипажи таркибида чет эл фуқароларининг бўлиши мумкин эмас. Аммо бир қатор давлатлар етарли даражада авиация кадрларига эга бўлмаганлиги сабабли чет эл авиация ходимларининг хизматидан фойдаланадилар.

10.5. Халқаро авиация ташкилотлари

Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО). Фуқаро авиацияси соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик асосан ИКАО доирасида ва унинг раҳбарлигида амалга оширилади. 1944 йилги Чикаго Конвенцияси ИКАОнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади. Бу ташкилот БМТнинг махсус ташкилоти мақомига эга бўлиб, ўз фаолиятини 1947 йилдан бошлаган. Унинг мақсад ва вазифалари Чикаго Конвенцияси билан белгилаб қўйилган (44-модда).

ИКАО бутун дунёда халқаро фуқаро авиациясининг тартибли ривожланишини ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади, ҳаво кемаларининг тинчлик мақсадларда эксплуатация қилиниши ва ишлаб чиқилишини тақдирлайди, халқаро фуқаро авиацияси учун аэронавигация воситалари, аэропортлар ва ҳаво трассаларининг қурилишини ва ривожланишини тақдирлайди, дунё халқлари-нинг хавфсиз, доимий, самарали ва тежамли ҳаво транспортла-рига бўлган эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди.

Халқаро фуқаро авиацияси тажрибасини ўрганиш асосида учуш техник норма ва қоидаларини ишлаб чиқади. Улар икки – «ИКАО тавсиялари» шаклида мавжуддир. Чикаго Конвенцияси-нинг 38-моддаси, агар давлатларнинг махсус аризалари, очик денгиз юзасидан аризалари бўлган тақдирда, очик денгиз устидаги парвозлар қоида-сига тааллуқли стандартлардан ташқари ИКАО стандартларидан чекинишга рухсат беради. ИКАО Чикаго Конвенциясига 18 та Илова ишлаб чиққан.

Улар фуқаро авиацияси шахсий таркибига талабларни, парвоз қоидалари, метеорологик хизматига талаблар, халқаро аэронавигация, ҳаво кемаларининг учушга лойиқлиги ва бошқа шу кабиларни белгилаб беради. ИКАО авиация ҳалокатларини тергов қилиш тартиблари, халқаро парвозлардаги авариялар чоғида қидирув-қутқарув хизматини яратиш ва иш принциплари бўйича тавсиялар беради.

ИКАО стандартлари ва тавсиялари аэродромларнинг физик характеристикасига, аэронавигацион ахборотларга бўлган талабларни ҳам белгилаб беради, фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиниш актларининг олдини олиш учун зарур маъмурий-ташкилий чораларни кўрсатиб беради. ИКАО Чикаго Конвенцияси иловаларида назарда тўтилган парвоз қоидаларини такомиллаштириш бўйича ҳам катта ишлар қилмоқда.

ИКАО ташаббуси билан халқаро фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи муҳим халқаро конвенциялар тузилган. Масалан, чет эл ҳаво кемасига шахс томонидан етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги 1952 йилги Конвенция, ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишларга қарши кураш бўйича 1970 йилги Конвенция, фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний ҳаракатлар (актлар)га қарши кураш тўғрисидаги 1971 йилги Конвенция ва шу кабилар.

ИКАО ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш бўйича ва бошқа фуқаролик ноқонуний ҳаракатлар (актлар) бўйича чораларни кучайтириш тўғрисида бир қатор резолюциялар қабул қилди.

ИКАОнинг олий органи бўлиб Ассамблея ҳисобланади. Унда бу ташкилотга аъзо барча давлатларнинг вакили бор. 1954 йилдан Ассамблея уч йилда бир марта йиғилади. Бу ташкилот фаолиятида муҳим роль ўйнайдиган ижро этувчи орган Кенгашдир.

Кенгаш Ассамблея томонидан 33 давлат таркибида сайланади, унинг сессияси бир йилда уч марта ўтказилади. Халқаро стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, уларни фуқаро авиацияси ривожланиши тараққиётини ҳисобга олган ҳолда янгилаш-Кенгашнинг бош вазифасидир.

ИКАО органларига яна қуйидагилар киради: Аэронавигация комиссияси, Авиатранспорт комитети, Юридик комитет, Аэронавигацион таъминотни биргаликда қўллаб-қувватлаш Комитети, Молиявий комитет, фуқаро авиацияси ишларига ноқонуний аралашинишлар бўйича Комитет. Юридик комитет ИКАО ҳомийлигида чақириладиган дипломатик конференцияларда кўриб чиқиладиган ҳаво ҳуқуқи бўйича кўп томонлама шартномалар лойиҳаларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнайди.

ИКАОнинг доимий хизмат кўрсатувчи органи бош котиб – бош ижро этувчи мансабдор шахс бошчилигидаги котибият ҳисобланади. ИКАО Штаб-квартираси Монреалда (Канада) жойлашган.

ИКАО тузилишида минтақавий бюролар назарда тўтилган. Улар: Европа минтақавий бюроси (Париж), Африка минтақавий бюроси (Дакар), Яқин Шарқ минтақавий бюроси (Коҳира), Жанубий Америка минтақавий бюроси (Лима), Осиё-Тинч океани минтақавий бюроси (Бангкок), Шимолий Америка ва Қариб ҳавзаси минтақавий бюроси (Мехико), Шарқий Африка минтақавий бюроси (Найроби).

ИКАО фуқаро авиацияси бўйича халқаро минтақавий ташкилотлар билан яқин мулоқотда иш олиб боради³.

Шунингдек ИКАО нодавлат ташкилотлар билан, жумладан, ҳаво транспорти Халқаро ассоциацияси (НАТА) билан ҳам яқин мулоқотда иш олиб боради.

Фуқаро авиацияси Европа конференцияси (ЕКАК). 1954 йилда таъсис этилган. Мақсади – Европа ҳаво транспорти муаммоларини ўрганиш, ИКАО билан ўзаро алоқасини минтақада ривожлантиришга ва мувофиқлаштиришга кўмаклашиш. Унинг функцияси консултатив характерга эга.

Ғарбий Европа мамлакатлари, шунингдек Туркия ЕКАКга аъзо давлатлар ҳисобланади.

ЕКАКнинг олий органи Пленар комиссиядир. Ижро этувчи органи – Мувофиқлаштирувчи комитет. ЕКАК ИКАО ва унинг Минтақавий бюро штаб квартираси билан яқиндан ҳамкорлик қилади. ЕКАКнинг штаб-квартираси Парижда жойлашган. Бундан ташқари, ЕКАКнинг кўп сонли маъмурий ва техник характерга эга функцияларини ИКАОнинг Минтақавий бюроси бажаради. ИКАО шунингдек ЕКАКга тўғридан-тўғри тегишли бўлмаган харажатларни ўзи тўлайди.

Аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилот (Евроконтрол). У 1960 йилда таъсис этилган. Мақсади – ҳарбий ва ноҳарбий ҳаво кемаларнинг хавфсиз парвозини таъминлашдир.

Олий органи – аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш бўйича Доимий комиссия. Ижро этувчи органи – Аэронавигация хавфсизлиги агентлик. Ташкилотнинг штаб-квартираси Брюсселда (Бельгия) жойлашган.

Фуқаро авиацияси Африка комиссияси (АФКАК). 1969 йилда ташкил топган бўлиб, ЕКАКнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Функцияси консултатив характерга эга. Мақсади: аэронавигация хизмати кўрсатишнинг минтақавий режаларини ишлаб чиқиш, ҳаво транспорти соҳасида аъзо давлатлар сиёсатининг интеграциялашувига кўмаклашиш, аэронавигация воситаларидан фойдланиш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, минтақада стандартлар ва тавсияларнинг қўлланилишига кўмаклашиш ва бошқалар.

Олий органи – Пленар сессия. Ижро этувчи органи – АФКАК Бюроси. Ташкилотнинг штаб-квартираси Аддис-Абебада (Эфиопия) жойлашган. АФКАК ИКАОнинг Дакардаги (Сенегал) Африка бюроси хизматларидан фаол фойдаланади.

Африка ва Мадагаскарда хавфсизликни таъминлаш Агентлиги (АСЕКНА). У 1959 йили таъсис этилган. Мақсади – аъзо давлатлар (Франциядан ташқари) ҳудуди устидаги парвозлар хавфсизлиги ва доимийлигини таъминлаш.

Агентлик парвоз, техник ва юк ташиш ахборотларини тақдим этади, ҳаво ҳаракатини назорат қилади, парвозларни бошқаради ва бошқа шу каби

³ Улар қуйидагилар: Фуқаро авиацияси Европа конференцияси (ЕКАК), Аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш Европа ташкилоти (Евроконтроль), Фуқаро авиацияси Африка комиссияси (АФКАК), Африка ва Мадагаскарда аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш Агентлиги (АСЕКНА), Аэронавигацияга хизмат кўрсатувчи Марказий Америка ташкилоти (КОКЕСНА), Фуқаро авиацияси Лотин Америкаси комиссияси (ЛАКАП), 41 араб давлатлари фуқаро авиацияси Кенгаши (КАКАС).

вазифаларни бажаради. Ана шу мақсадларда АСЕКНА унинг хизматидан фойдланишга рози бўлган ҳар қандай давлатлар билан битим тузиши мумкин.

Олий органи – мажбурий қарорлар қабул қиладиган Маъмурий кенгаш. Ижро этиш механизми тўртта бошқарма, ҳисоб бюроси ва бош директордан иборат.

Штаб-квартираси Дакарда (Сенегал) жойлашган.

Фуқаро авиацияси Лотин Америкаси комиссияси (ЛАКАК). 1973 йили таъсис этилган. Асосий мақсади – аъзо давлатларнинг ҳаво транспортлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Олий орган – Ассамблея. Ижро этувчи органи – Ижроия комитети. Штаб-квартираси Мехикода (Мексика) жойлашган.

Аэронавигацияга хизмат кўрсатиш бўйича Марказий Америка корпорацияси (КОКЕСНА). 1960 йилда таъсис этилган. Ташкилотнинг мақсади – ҳаво ҳаракатини бошқариб туришига тўғридан-тўғри хизмат кўрсатиш. Ана шу мақсадларда ташкилот юридик ва жисмоний шахсларга махсус контрактлар ва халқаро битимлар асосида ўз хизматларини тақдим этади.

Олий органи – қарорлари тўғридан-тўғри бажариладиган Маъмурий кенгаш.

Авиация ва ҳаво маконларидан фойдаланиш бўйича давлатлараро кенгаш.

Бу кенгаш фуқаро авиацияси ва ҳаво маконларидан фойдаланиш тўғрисидаги Битимга асосан, илгари ССРИ таркибига кирган давлат ҳукуматларининг вакиллари иштирокида 1991 йил декабрида таъсис этилган.

Ана шу ҳужжатга асосан бу кенгашга аъзо давлатларнинг биргаликдаги иш фаолиятига қуйидагилар киради: ИКАО талабларини ҳисобга олган ҳолда давлатлараро норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш; учувчи ва диспетчерлар тартибини, навигация ва алоқани, ҳаво ҳаракатларини бошқариш тизимини, ҳаво кемаларини, аэродромларни, халқаро ҳаво трассаларини, ҳаво кемаларининг халқаро эксплуатантларини сертификациялаш; авиахалокатларни тергов қилиш; давлатлараро илмий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш; халқаро ҳаво йўллари соҳасида келишилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, ИКАО ишида иштирок этиш; ягона аэронавигация ягона тизимини ривожлантириш, ҳаво ҳаракатлари оқимини тартибга солиш; давлатлараро ҳаво ҳаракатлари жадвалини ва йиғилишлари соҳасидаги умумий сиёсатни мувофиқлаштириш.

Битимга ва 1991 йилнинг 30 декабрида Минскда қабул қилинган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг қарорига кўра, Давлатлараро кенгашнинг ижро этувчи органи Давлатлараро авиация комитети (ДАК) ҳисобланади.

ССРИ таркибига кирган, аммо Битимни имзоламаган давлатлар, Битим иштирокчилари Кенгаш ва ДАК билан махсус битимлар асосида ҳамкорлик қилиши мумкин.

Битимга барча хоҳловчи давлатлар қўшилиши мумкин.

Ташкилотнинг қароргоҳи Москва (Россия Федерацияси)да жойлашган.

10.6. Фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиниш актларига қарши кураш

Фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиниш ҳаракатлари (актлари) тушунчаси, 1958 йил очик денгиз тўғрисидаги Женева Конвенцияси шахсий мақсадларда хусусий кема ёки учиниш аппаратлари экипажи ёки йўловчилари томонидан бошқа кема ёки учиниш аппаратига қарши ва бортидаги шахсларга ёки мол-мулкка нисбатан содир этилган ҳар қандай ноқонуний зўрлик, ушлаб туриш ёки босқинчилик ҳаракатларини қароқчилик деб баҳолайди.

Бу ерда қароқчи денгиз ва ҳаво кемалари экипажлари ёки йўловчиларининг ҳаракати тўғрисида сўз бормоқда. Женева Конвенциясининг фикрича, бундай ҳаракатлар (актлар) очик денгизда ёки очик денгиз устидаги ҳаво маконларида содир этилган ҳоллардагина «қароқчилик» деб тан олининиш мумкин. Шунинг учун фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиниш ҳаракатлари (актлари)ни «ҳаво қароқчилиги» деб номлаш нотўғри бўлар эди.

Биринчи марта тўғридан-тўғри ҳаво кемаси бортида содир этиладиган ноқонуний аралашиниш турларига таъриф (ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаш) 1963 йилги Токио конвенциясида берилди: «... агар ҳаво кемаси бортида бўлган шахс ноқонуний тарзда куч ишлатиш билан ёки куч ишлатиш орқали кўрқитиш йўли билан аралашиниш ҳаракатини (актини) содир этса, ҳаво кемасини эгаллаб олса, ёки бошқача тарзда парвоздаги ҳаво кемаси устидан ўзининг ноқонуний ҳаракатини амалга оширса ёки шундай ҳаракатни (актни) содир этишни ният қилган бўлса».

Аммо Конвенция бундай ҳаракатни жиноят деб квалификация қилмасдан, ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаш ҳаракати (акти)нинг ўзига таъриф бериш билан чекланади.

1970 йили Гаагада ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция имзоланди. 1970 йилги Гаага Конвенцияси ҳаво кемасини ноқонуний эгаллаш ҳаракатларига (актларига) таъриф бериш билан бирга (бу таъриф моҳияти жиҳатидан Токио Конвенцияси берган таъриф билан бир хил) бундай ҳаракатларни жиноят деб ҳисоблайди (1-модда) ва давлатларга буларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини кўриш мажбуриятини юклайди (2-модда).

1971 йилги фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги Монреаль Конвенциясининг 1-моддасига асосан «ҳар қандай шахс ноқонуний ва илгаридан ният қилиб қуйидагиларни содир этса жиноят содир қилган ҳисобланади:

а) ҳаво кемасининг бортида бўлган шахсга нисбатан зўрлик ҳаракатини содир этса, бу зўрлик ҳаракати ҳаво кемасининг хавфсизлигига таҳдид қилса; ёки

б) фойдаланишда бўлган ҳаво кемасини бузса ёки бу ҳаво кемасини ишдан чиқарадиган шикаст етказса; ёки

в) ҳаво кемасининг парвозига таҳдид соладиган, унинг хавфсизлигига таҳдид соладиган, унга ишдан чиқадиган даражада шикаст етказадиган ёки

ҳаво кемасини вайрон қиладиган даражага олиб келадиган модда ёки курилмаларни фойдаланишда бўлган ҳаво кемаси хоналарига қўйиш ёки ана шундай ҳаракатни содир этиш; ёки

г) аэроновигация ускуналарини вайрон қилиш ёки шикаст етказиш ёхуд улардан фойдаланилишига аралаштириш, агар ана шундай ҳаракатлар парвоздаги ҳаво кемасининг хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин бўлса; ёки

д) парвоздаги ҳаво кемасининг хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон маълумотлар бериш».

Ноқонуний аралаштириш ҳаракатларига (актларига) қарши кураш бўйича халқаро битимларни қўллаш шартлари. Агар ҳаво кемаси, ҳаво кемасини регистрациядан ўтказган давлатнинг ҳудудидан ташқари ҳудудларда парвоз қилаётган ҳолатларнинг барчасида Токио, Гаага ва Монреаль Конвенцияларининг нормалари қўлланилади.

Токио Конвенцияси ўз нормаларини қўллашда парвоз вақтини белгилайди – «учиш учун двигателнинг ишга солинишидан бошлаб, қўниш пайти тугагунча бўлган вақт» (1-модда, 3-банд).

Гаага ва Монреаль Конвенцияси парвоз вақтини қуйидагича белгилайди – «юклар ортилиб ташқи эшикларнинг барчаси ёпилган вақтдан бошлаб юкларни тушириш учун бирон-бир эшикнинг очилишигача бўлган вақт».

Мажбурий қўниш ҳолати содир бўлганда, Гаага ва Монреаль Конвенцияларига асосан, ўша қўнилган жойнинг ваколатли органлари ҳаво кемаси ва унинг бортидаги шахслар устидан жавобгарликни ўз бўйинларига олмагунга қадар парвоз давом этаётган деб ҳисоблайди.

Токио Конвенциясига асосан, ҳаво кемасининг командири, агар унда ҳаво кемаси бортларидаги шахс ҳаво кемаси хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳуқуқбузарликлар содир этган бўлса, ёки содир этишга тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида етарли асослар бўлса, «мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда оқилона иш тутиши» мумкин.

Ундан ташқари, ҳар бир экипаж аъзоси ёки йўловчи ҳаво кемаси командири билан шартномага кўра ёки бундай илтимосларсиз ёхуд мулкларининг хавфсизлигини таъминлаш учун тезликда ва мустақил равишда эҳтиёт чоралари кўриши мумкин (6-модда). Командир ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсни ҳаво кемасидан тушириб юбориб, қўниш содир этилган ҳудуддаги Токио Конвенциясига иштирокчи давлатларнинг ваколатли органларига топшириш ҳуқуқига эга.

1971 йилги Монреаль Конвенцияси нормалари ҳам ҳаво кемаси «фойдаланишда» бўлган вақтларда қўлланилмоқда. «Фойдаланиш» вақти ҳаво кемасининг парвозолди тайёргарлигидан бошланиб, ҳаво кемаси қўнганидан сўнг 24 соатгача давом этади. Ҳарбий, божхона ва полиция хизматлари билан шуғулланадиган ҳаво кемаларига нисбатан бу учала конвенция қўлланилмайди.

Жиноятчиларни тутиб бериш ва жазолаш масалалари. Токио конвенцияси барча ҳолатларда юрисдикциянинг ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлат томонидан амалга оширилишини назарда тутди (4-модда). Аммо бу конвенция ҳар қандай давлатга, агар самолёт бортидаги жиноят ҳар қандай давлатнинг фуқаролигига қаратилган бўлса, агар жиноят унинг ҳудудида

хавфсизлигига таҳдид соладиган бўлса, маълум оқибатларга олиб келса ёки агар давлатларнинг парвоз ишларига аралашуви кўп томонлама халқаро битимлар мажбуриятидан келиб чиқиб бажариш зарур бўлса, парвоз ишларига аралашушга рухсат этади.

Гаага ва Монреаль Конвенциясига асосан жиноятларга нисбатан юрисдикцияни қуйидагилар ўрнатиши мумкин: ҳаво кемасини қайддан ўтказган давлат, экипажсиз ижарага берилган ҳаво кемасини ижарага олган, доимий яшаб фаолият кўрсатадиган давлати; бортида жиноят содир этилган ва жиноятчи бўлган ҳаво кемаси қўнган ҳудуддаги давлат, жиноятчи бўлган ёки бўлиши гумон қилинаётган ҳудуддаги давлат.

Бу ерда рақобатлашаётган юрисдикция принципи ўрнатилган. Конвенцияда манфаатдор давлатлар учун «юрисдикцияда устунлик бериш» тўғрисида қоида йўқ (бундайлар ҳаво кемаси қайд қилинган давлатлар ҳисобланади).

Токио Конвенцияси қоидаларини XX асрнинг 60-йиллари охири ва 70-йилларидаги ердаги авиатранспортларга қарши диверсияларга, ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишга қарши курашларда самарасиз бўлиб қолди. Гаага ва Монреаль Конвенцияларига кўра, бундай жиноятларни амалга оширган шахслар ушлаб берилиши ёки қаттиқ жазоланиши керак эди.

Гаага ва Монреаль Конвенцияларида 7-модда асосий ўринни эгаллайди. Бу моддага асосан «шартномаларда иштирок этаётган давлатлар, агар уларнинг ҳудудида назарда тўтилган жиноятчи бўлса, агар бу жиноятчини ушлаб бермаса, унда уни жинойий жазога тортиш учун ўзининг ваколатли органларига топшириши керак.

Бу органлар ўша давлат қоидаларига кўра жиддий характердаги жиноятларда қандай қарор қабул қилса, ўша жиноятчиликка нисбатан ҳам ана шундай қарор қабул қилади». Охириги йилларда ҳаво кемасини олиб қочган шахсларни ушлаб бериш ҳолатлари кўп бўлган.

Масалан, 1976 йили Эрон, 1977 йили Финляндия ССРИга самолётларни олиб қочган шахсларни тутиб берган. Агар тутиб бермаса, уларнинг ўзи бу шахсларни суд қилиши керак (масалан, Покистонда ССРИдан самолётни олиб қочган бир гуруҳ шахслар жазони ўтамоқдалар).

ИКАО доирасида бир неча бор қайд этилган давлатга «юрисдикцияда устунлик бериш» принципини ўрнатиш мақсадида Гаага Конвенциясига қўшимча протокол қабул қилиш тўғрисида таклифлар илгари сурилди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Очиқ денгиз тушунчаси нима?
2. Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси ва унинг манбалари.
3. Халқаро парвозлар ва давлат суверенитети масаласи нимадан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасининг халқаро парвозларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишдаги иштироки.
5. Халқаро ҳаво ҳуқуқи масалалари бўйича асосий битимлар, уларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бера олиш қобилияти.

6. Ҳаво кемаси, экипаж ва аэропортларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ҳақида сўзлаб беринг.
7. Жиноятчиларни тутиб бериш ва жазолаш масалалари айтиб беринг.
8. Ноқонуний аралаштириш ҳаракатларига (актларига) қарши кураш бўйича халқаро битимларни қўллаш шартлари.
9. Авиация ва ҳаво маконларидан фойдаланиш бўйича давлатлараро кенгаши ҳақида сўзлаб беринг.
10. Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) ҳақида айтиб беринг.

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Муминов А. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ЖИДУ, 2014
6. Ochilov V.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
7. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
10. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003.
11. Рафиқова М., Ачиллов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016
12. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
13. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

11-мавзу. Халқаро божхона ҳуқуқи

Режа:

11.1. Жаҳон савдо ташкилоти доирасида божхона муносабатларининг тартибга солиниши

11.2. Жаҳон божхона ташкилоти

11.3. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)

11.4. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти

11.5. Бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик

Таянч иборалар:

Эркин савдо бўйича Шимолий Америка битими. Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси. Европа Иттифоқи. Божхона иттифоқи. Эркин савдо худуди. Божхона иттифоқи. Умумий бозор. Иқтисодий ва валюта иттифоқи. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари. Марказий Осиё мамлакатлари.

11.1. Жаҳон савдо ташкилоти доирасида божхона муносабатларининг тартибга солиниши

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди ва жаҳон ҳамжамиятининг фаол иштирокчиларидан бири сифатида ташқи сиёсат юргизмоқда. Ташқи иқтисодий муносабатларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Божхона соҳасида Халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бормоқда. Давлат божхона қўмитаси Республикамиз ҳукумати номидан шартномалар ишлаб чиқмоқда, амалдаги шартномаларга қўшилиш юзасидан Олий мажлисга таклифларини киритмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузулмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”лиги таъкидлаб ўтилган.⁴

Эркин савдо ва божхона иттифоқлари тўғрисидаги битим жаҳондаги кўпгина давлатлар ўртасида ташкил этилмоқда. Кўпгина бундай шартнома ва битимлар халқаро ёки минтақавий характерга эга. Буларга Европа иттифоқи (ЕИ), Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ - ГАТТ), Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ-БхК), Эркин савдо бўйича Шимолий Америка битими (НАФТА), Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН), Эркин савдо бўйича Европа ассоциацияси (ЕАФТ), Эркин савдо бўйича Марказий европа ассоциацияси, Шарқий ва жанубий Африка умумий бозори (КОМЕСА),

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 17-модда. Т. – 1992й.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ), Марказий Осиё давлатлараро кенгаши (МОДК) мисол бўлади.

Халқаро иқтисодий уюшмалар давлатлараро савдо-иқтисодий ва божхона муносабатларининг ўзвий ва изчил йўлга қўйилганлик даражасига кўра бир-неча босқичларга бўлинади. Халқаро ҳамкорлик ривожланиб бориши натижасида халқаро иқтисодий интеграциянинг қуйидаги босқичлари вужудга келади:

- Эркин савдо ҳудуди (ЭСх);
- Божхона иттифоқи (БИ);
- Умумий бозор (УБ);
- Иқтисодий ва валюта иттифоқи (ИВИ).

Эркин савдо ҳудуди (ЭСх) - интеграциявий уюшмаларнинг оддий шакли бўлиб, иштирокчи томонлар товарлар савдоси соҳасидаги расмийликларни камайтириш, ўзаро божхона имтиёзларини жорий этишга келишиб оладилар, шу билан бирга ҳар бир иштирокчи давлат уюшмага аъзо бўлмаган учинчи мамлакатларга нисбатан мустақил сиёсат олиб бориш ҳуқуқини сақлаб қолади.

ЭСхда бошқарув доимий давлатлараро бошқарув тизими вужудга келтирилмасдан амалга оширилади. Барча масалалар давлат раҳбарлари ва тегишли вазирликлар раҳбарлари ўртасидаги муҳокамалар орқали ҳал этилади. Булар томонидан қабул қилинган қарорлар барча аъзолар учун мажбурий ҳисобланади.

Ушбу интеграциявий жараёнга 1994 йил 1 январдан кучга кирган Эркин савдо бўйича Шимолий Америка битими (NAFTA), Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги, Шарқий Европа ассоциацияси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги битимлар мисол бўлади.

1991-1992 йилларда Европа (ҳамжамияти)Иттифоқига аъзо бўлиш истагини билдирган мамлакатларнинг ассоциациялари бўйича битимлар имзоланди. Битимларга мувофиқ Шарқий Европа мамлакатлари ўз қонунчилигини Европа Иттифоқи талабларига мослаштириши, ташқи иқтисодий муносабатларини кенгайтириши, саноат маҳсулотларига нисбатан божхона божларини камайтириб бориши учун 10 йиллик муддатга эркин савдо ҳудудини ташкил этиш назарда тўтилган.

Халқаро иқтисодий интеграциявий жараёнларнинг кейинги босқичи Божхона иттифоқи (БИ)дир.

Божхона иттифоқи (БИ) - бир неча божхона ҳудудларини ягона божхона ҳудудига бирлаштириб божхона йиғимларига чек қўйиш, ягона бож тариф бошқарувини амалга ошириш, эркин савдо ҳудудини яратиш, шунингдек, бу иттифоққа аъзо бўлмаган учинчи мамлакатларга нисбатан ягона ташқи савдо ва ташқи иқтисодий сиёсат олиб боришни назарда тутати.

Божхона иттифоқига аъзо бўлган мамлакатлар кўп ҳолларда ташкилотга аъзо бўлмаган учинчи мамлакатларга нисбатан савдо муносабатларини олиб бориш масаласида ўз ваколатларини ташкилотнинг марказий органига топширадилар. Бу уюшма доирасида божхона йиғимларига чек қўйилиб, бутун божхона иттифоқи ҳудудида ягона бож тариф бошқарувига амал қилинади. Иттифоққа аъзо бўлмаган учинчи мамлакатларга нисбатан ягона ташқи савдо ва ташқи иқтисодий сиёсат олиб борилади.

Божхона иттифоқи иқтисодий уюшмасига 1967 йилда ташкил этилган Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)ни ва айрим хусусиятлари билан Қирғизистон Россия, Белоруссия ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги битим ҳам мисол бўла олади.

Халқаро иқтисодий интеграциявий уюшмаларнинг навбатдаги нисбатан мукамалроқ босқичи ягона ёки умумий бозор ҳисобланади. ягона ёки умумий бозор - капитал ва ишчи кучининг аъзо давлатлар ўртасида эркин ҳаракатини таъминлаш, божхона божларини бекор қилиш ва ягона ташқи савдо сиёсатини олиб бориш, аъзо бўлмаган учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини ишлаб чиқиш, мамлакатларни ягона ёки умумий бозор иттифоқини ташкил этишни назарда тутати.

Умумий бозор эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқи интеграциявий уюшмаларида жорий этилган ҳамкорлик йўналишларидан ташқари аъзо мамлакатлар ичида маълум иқтисодий тармоқларни ривожлантириш мақсадида ягона сиёсат олиб бориш, капитал, ишчи кучи, хизматлар ва ахборот тизимининг, шунингдек маҳсулотларнинг ҳеч бир тўсиксиз эркин ҳаракатини таъминлаш, ижтимоий ва минтақавий ривожланишни таъминлаш учун умумий жамғармалар ташкил этиш, рақобатни тартибга солиш механизмларини жорий этади.

Ҳозирги кунда юқорида кўриб ўтилган халқаро иқтисодий интеграциявий жараёнларнинг барча босқичларини Европа мамлакатларининг халқаро интеграцияси мисолида кўриш мумкин. Европа Иттифоқининг вужудга келиши 1951 йилдаги “Европа кўмир ва пўлат уюшмасини ташкил этиш тўғрисида”ги Париж шартномасининг имзоланиши билан бошланган.

1953 йилдан кучга кирган бу шартномага Германия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург каби бта Европа мамлакатлари аъзо бўлишди. 1957 йилда бу мамлакатлар “Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Рим шартномасини имзолаб, божхона иттифоқи ва умумий ташқи иқтисодий фаолиятга асос солишди.

1973 йилда бу шартномага Дания, Ирландия, Буюкбритания, 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания ва Португалия, 1995 йилда Австрия, Финландия ва Швеция кўшилишди.

Европадаги интеграциявий жараёнларнинг юқори босқичига 1991 йилги “Европа иттифоқи тўғрисидаги” Маастрих шартномаси орқали эришилди. Бу шартномага кўра иттифоққа аъзо бўлган мамлакатлар ичида ягона европа фуқаролиги, сиёсий иттифоқ - Европарламент, иқтисодий ва валюта иттифоқи ташкил этилган. Маастрих шартномаси кучга киргандан сўнг Европа интеграцияси 1993 йил 1 ноябрдан расмий равишда “Европа Иттифоқи” деб атала бошланди.

Иқтисодий - валюта иттифоқи (ИВИ) эркин савдо ҳудуди, божхона иттифоқи ва умумий бозорга хос хусусиятларни ўзига мужассамлаштирган ҳолда, умумий иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсатини, ижтимоий-сиёсий жараёнларни давлатлар ўртасида тартибга солиш тадбирларини амалга оширади.

Бу иттифоқда молиявий ва банк ҳисоб-китобларининг ягона тизими жорий этилади, ягона валюта бирлиги ҳаракатда бўлади. 2002 йил 1 январдан

Европа Иттифоқига аъзо 12 мамалкат ўртасида ягона валюта-евронинг жорий этилиши билан бу мамлакатлар интеграциявий жараёнларнинг энг юқори босқичига қадам қўйишди.

Буюкбритания, Дания ва Швеция бу валюта иттифоқига аъзо бўлиб кирмадилар ва Европа Иттифоқига аъзо мамалакатлар билан “умумий бозор” интеграциявий босқичида ташқи муносабат олиб боришини билдиришди.

1973 йилдан эътиборан Европа (ҳамжамияти)Иттифоқи учинчи мамлакатлар билан бевосита савдо – иқтисодий шартномалар тузмоқда, 30дан ортиқ кўптомонлама савдо-сиёсий битимларда иштирок этмоқда.

1988 йил август ойида собиқ СССР ва Европа ҳамжамияти ўртасида “Савдо ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида” битим имзоланган. Совет иттифоқининг тарқаб кетиши натижасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида “Савдо иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида”ги битим имзоланган.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари қатнашчилари таркиби ва тузилиши кенгайиб, ташқи савдо айланмаси, импортни экспорт билан қоплаш даражаси йил сайин сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Жаҳоннинг 75 давлатига товар экспорт қилмоқда, шулардан 60 дан ортиғи узоқ хориж мамлакатларидир.

Мамлакатимиз ташқи савдо негизини ташкил қилаётган экспорт салоҳияти - ривожланиш даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Республиканинг экспорт-импорт миқдорида кейинги йилларда ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланмоқда.

Бу каби ҳолларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини мамлакат учун манфаатларига мос келувчи кенг қамровли ва катта нуфузга эга бўлган халқаро ташкилотлар ва интеграциявий уюшмалар томонга йўналтирилганлигидан далолат беради.

Республикамизнинг божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг йўналишлари мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатида мос равишда бир-нечта устивор йўналишларда амалга оширилмоқда. Шундай ҳамкорлик йўналишларидан бири - Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Республикамизнинг халқаро божхона ҳамкорлиги соҳасида Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви муҳим ўрин тутди. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ “халқ интеграцияси” бўлиб келган ва шундай давом этиши лозим.

Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқа соҳаларда бўлгани каби божхона соҳасида ҳам чегарадош қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлайди. Чунки, ягона бозор, товар айирбошлаш имкониятларини кенгайтириш, божхона чегараларидаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш, божхона тадбирларини уйғунлаштириш чора-тадбирлари умумий иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилади.

Марказий Осиё мамлакатларининг давлат суверенитети дахлсиз. Бу минтақадаги ҳамкорлик халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ амал қилган ҳолда давлат тизимига, бошқарув усулига ва бир-бирларининг ички ишларига

аралашмаслик, давлат Конституцияларининг хурмат қилиш ва тан олиш тамойилларига асосланган бўлиши лозим.

Иккинчи йўналиш – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ҳамкорлик. 1991 йил 8 декабрда Минск шаҳри яқинидаги Беловежская Пуцада Россия, Украина ва Белоруссия давлат раҳаблари Совет Иттифоқининг тарқатилганлигини эълон қилдилар.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги "Мустақил давлатлар ҳамдўстлигини ташкил қилиш тўғрисидаги битим"га, 1991 йил 21 декабрдаги Олма-Ота декларациясига мувофиқ ташкил этилди.

МДҲ таркибига собиқ СССР таркибидаги 11 та Республика: Россия, Украина, Беларуссия, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистон аъзо бўлиб кирди. Грузия МДҲга кейинроқ аъзо бўлиб кирди. Болтиқбўйидаги мамлакатлар: Литва, Латвия ва Эстония МДҲга аъзо бўлиб кирмадилар.

Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо ҳамкорлари тарихий ва жуғрофий сабаблар моҳиятига кўра Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакалари билан божхона соҳасидаги ҳамкорлигини назаримизда икки йўналишда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир: биринчиси - ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар билан кўп томонлама умумий ҳамкорлик бўлса, иккинчиси – ушбу минтақадаги мамлакатлар билан нисбатан фаол икки томонлама ҳамкорликдир.

МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида ўтказилган учрашувларнинг қарийб ярими иқтисодий ва ижтимоий масалаларга бағишланди. Божхона иши соҳасидаги ҳамкорлик ҳам шу кенгашлардан истисно эмас.

Бироқ, МДҲга аъзо мамлакатлардаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолат турли хил бўлганлиги сабабли иқтисодий интеграция амалга ошиши қийин кечмоқда.

Учинчи йўналиш - Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) доирасидаги мамлакатлар билан кўп томонлама ҳамкорлик.

Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотини 1977 йилда Покистон ва Туркия давлатлари ташкил этган эди. 1992 йили Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мазкур ташкилотнинг ҳудудий қамрови кенгайди. Туркменистон ва Эрон Ислом Республикаси ҳам мазкур ташкилотга аъзо бўлишган.

ЭКО минтақасида транзит савдоси муҳим аҳамият касб этади, чунки ташкилотга аъзо мамлакатларнинг кўпчилиги континент ичида жойлашган бўлиб халқаро савдони бандаргоҳлар ва денгиз йўли орқали амалга ошириш учун жуғрофий имкониятлари чекланган.

Ташкилот транспорт ва коммуникация, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, савдо, сайёҳлик ва аҳоли ресурслари борасида халқаро минтақавий иқтисодий уюшма тарзида фаолият олиб боради.

Шунингдек ЭКО минтақавий савдони ривожлантириш эвазига умумий бозорда эркин фаолият юритишни таъминлаш чора-тадбирларига катта

эйтибор бермоқдаки, божхона муаммоларини ҳал этмасдан бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Шунинг учун божхона соҳасидаги ҳамкорликнинг турли жабҳалари ташкилот саммитлари ва аъзо давлатлар Вазирлар Кенгаши муҳокамаларининг мавзуси сифатида жой олмоқда.

Бизнингча ЭКО доирасида божхона соҳасига даҳлдор қуйидаги масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва бу борада юзага келаётган муаммоларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади:

- минтақадавий савдода тариф ва нотариф тўсиқларини қўллаш ва уларни бекор қилиш;

- Миллий божхона органларини такомиллаштириш мақсадида ислоҳ қилиш ва замонавийлаштириш;

- Божхона тадбирларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш;

- Божхона мақсадларида минтақавий тайёрлов марказин ташкил этиш;

- Минтақа доирасида ягона тариф номенклатурасини ишлаб чиқиш;

- Транзит савдоси муаммоси ва транзит савдоси бўйича махсус қўмитани ташкил этиш;

- Минтақада ягона савдо ахборот тизимини жорий этиш;

- ЭКОга аъзо мамлакатларда минтақавий савдо ва божхона тарифи бўйича маълумотномани нашр этиш;

ЭКО минтақаси мислсиз кенг ҳудудни, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий даражаси хилма-хил бўлган давлатларни ўзида бирлаштирган. Бу мамлакатлар ўртасида кичик гуруҳлардан ташкил топган уюшмалар, шунингдек ташкилотга аъзо бўлмаган учинчи мамлакатлар билан иттифоқчи бўлган мамлакатлар ҳам мавжуд.

Жумладан Покистон, Туркия ва Қирғизистон Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо, Туркия 1996 йил 1-январдан Европа Божхона Иттифоқига кирган, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Россия ва Белоруссия билан божхона иттифоқига кирган, Покистон Жанубий Осиё (хиндистон, Бангладеш, Шри Ланка, Непал, Бутан, Мольдива) минтақавий асоциациясига, Озарбайжон ва Туркия Қораденгиз иқтисодий ҳамкорлигига бўлишган ва бошқалар. Албатта бу каби алоҳида иттифоқларнинг мавжудлиги бу минтақадаги умумий интеграциянинг ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Дастлабки уч йўналишда Ўзбекистон Республикаси халқаро божхона муносабатларини интеграциявий уюшмага аъзо мамлакатларнинг кенгашларида ва сессияларида иштирок этиш билан амалга оширмоқда. Давлат божхона қўмитаси бошқармаларининг етакчи ходимлари мазкур кенгашлар ва қўшма комиссиялар таркибида фаолият олиб боришмоқда.

Тўртинчи йўналиш - узоқ хориж мамлакатлари билан икки томонлама асосда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси томонидан божхона иши соҳасида икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги 20га яқин ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар, меморандумлар ва баённомалар имзоланган.

Шунингдек 42 та узоқ хориж мамлакатлари билан Савдо иқтисодий муносабатларда энг қулай миллий савдо режимини тақдим этиш тўғрисида

битим имзолаган. Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда тасдиқланган 429-сонли Рўйхатда мазкур давлатлар санаб ўтилган.

Ҳамкорликнинг бешинчи йўналиши - халқаро савдо ва божхона ташкилотлари, жумладан Жаҳон божхона ташкилоти ва Жаҳон савдо ташкилоти доирасидаги глобал ҳамкорликдир.

Ўзбекистон Республикаси 142 мамлакат қаторида 1992 йил 28 июлда Божхона ҳамкорлик кенгашини ташкил қилиш тўғрисидаги конвенцияни имзолаш билан Жаҳон божхона ташкилотига аъзо бўлиб кирди. 1995 - 97 йиллар давомида ташкилотнинг Сиёсий ҳайъати аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Бу эса юртимизнинг халқаро миқёсда танилганлигидан далолат беради.

ЖБТда раҳбарликни Бош Котибият амалга оширади. Унинг 100 дан ортиқ аъзоси бўлиб, шундан 30 тасини ЖБКга аъзо мамлакатлар божхона органлари ходимлари ташкил этади. Улар Котибиятда беш йил давомида фаолият олиб борадилар, бу муддат узоғи билан ўн йилгача чўзилиши мумкин. Бундан ташқари ЖБТ аъзоларининг вакиллари котибиятнинг махсус лойиҳаларида иш олиб борадилар.

Божхона ҳамкорлиги Кенгашининг расмий тили инглиз ва француз тилларидир. Шунингдек, испан тили Божхона қийматлари бўйича Техник Қўмита ишчи тили сифатида қўлланилади.

Жаҳон божхона ташкилоти доирасидаги ҳамкорликдан асосий мақсад - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий негизларининг божхона амалиёти соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро меъёрларга яқинлашиб боришдир. ЖБТ томонидан тайёрланган кўплаб меъерий тавсияномалар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тайёрлашда ҳисобга олинди.

Ўзбекистон, шунингдек, бир қатор халқаро божхона ва транспорт конвенцияларининг ҳам аъзосидир. Амалий соҳада бу ҳамкорлик ЖБТ Кенгаши ва Техник қўмиталарининг ишида қатнашувида акс этади. Бу ташкилотларда хорижий мамлакатлар божхона маъмуриятлари вакиллари билан учрашувлар ва фикр алмашувлар, ўзаро манфатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, айниқса муҳим ва фойдалидир.

ЖБТга аъзо бўлгач, Ўзбекистонлик божхоначилар халқаро ташкилот техник қўмиталари, Сиёсий ҳайъати ва Кенгашининг 20га яқин сессияларида иштирок этишди. Бу сессиялар ишида иштирок этиш жараёнида улар Англия, Франция, Германия, Индонезия, Гонгконг, Малайзия, Хитой, Белгия, Голандия, Недерландия, Австрия, Туркия ва Морокаш божхона маъмуриятларининг иш услублари ва тажрибалари билан танишдилар.

1995 йилда Сиёсий комиссиянинг Индонезиядаги иши вақтида Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги божхона маъмуриятлари ўртасида Божхона амалиёти соҳасида ўзаро ҳамфикрлик, ҳамкорлик ва ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сиёсий комиссиянинг 36-сессияда Ўзбекистон делегациясининг ЖБТ Бош котиби жаноб Жеймс Шавер билан бўлган учрашувида ЖБТ раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи борасида келишиб олинди. 1997 йил апрел ойида

ЖБТнинг собиқ Бош котиби Жемс Шавер, 2000 йил декабр ойида 1999 йил 1 январдан Бош котиб лавозимини эгаллаб турган Мишель Дане (Франция) Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Ўзбекистон божхона хизматини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, жамиятнинг иқтисодий манфаатлари, хавфсизлиги ва саломатлигини ҳимоя қилишда божхона ўрни, Республиканинг халқаро конвенцияларга аъзолигини кенгайтириш, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, Марказий Осиёда божхона амалиёти соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама этилди.

ЖБТ Бош котиблар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон божхона хизматлари вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Унда минтақадаги божхона хизматини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш дастури муҳокама этилди.

1997 йилнинг май-июл ойларида ЖБТ экспертлари томонидан Товарларни таснифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими (УТ) бўйича ўқув семинари ўтказилди, божхона русум-қоидаларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш, божхона хизматини компьютерлаштириш масалалари бўйича техник миссия амалга оширилди.

1998 йилнинг май ойида ЖБТ эксперт томонидан божхона лабораториясини ривожлантириш масалалари бўйича яна бир миссия ўтказилди. Уйғунлаштирилган тизимга мувофиқ равишда товарларни таснифлаш бўйича бой услубий материал ва компьютер дастури ҳада сифатида қолдирилди. 1998 йилнинг октябр-ноябр ойларида ва 1999 йилнинг февралда Ўзбекистон ДБҚ ходимларини ўқитиш тизимини ташкиллаштириш, божхона қонунларининг бузилишига қарши кураш масалалари бўйича ЖБТ махсус дастурлари доирасида ўқитилди ва иш ўрганилди.

1999 йилнинг май ойида ЖБТ эксперти томонидан Уйғунлаштирилган тизимнинг 1996 йилги янги версиясини чуқур ўрганиш, ўзинингдек, УТ бўйича товарларни таснифлаш ва уни қўллаш масалалари бўйича семинар ўтказилди.

ЖБТ фаолиятида қатнашиш УТни қўллаш, товарларни божхонада баҳолаш қоидаларини ўрганиш, божхона русум-қоидаларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш, божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш, текшириш ҳамда жазо мақсадларида маъмурий ҳамкорлик қилиш, товарлар келиб чиқишини аниқлашнинг уйғунлаштирилган қоидаларини қўллаш борасидаги Республика божхона хизматининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди.

ЖБТ котибиятидан кадрларни тайёрлаш ишида фойдаланиладиган божхона амалиётининг турли йўналишлари бўйича салмоқли ҳажмда услубий материаллар жўнатилди.

Ўзбекистон божхона хизмати МДҚ мамлакатлари Божхона хизматлари раҳбарларининг кенгаши (БХРК) билан фаол ҳамкорлик қилади. Ўзбекистон Республикаси ДБҚ вакиллари БХРКнинг 22-25-мажлисида иштирок этдилар. Уларда МДҚ мамлакатлари божхона хизматлари ўзаро ҳамкорликларнинг турли масалалари кўриб чиқилиб, улар бўйича қарорлар қабул қилинди. БХРК

мажлисларида бошқа ҳужжатлар қаторида Ўзбекистон Республикаси ДБК томонидан ишлаб чиқилган Техник жиҳозланиш соҳасида МДХ давлатлари божхона хизматларининг ҳамкорлиги концепцияси ҳамда Махсус юкларни ва ҳарбий мақсадларда қўлланиладиган маҳсулотларни олиб ўтишда МДХ давлатлари божхона хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги тартиби қабул қилинди.

Республика божхона хизматининг Европа ҳамжамияти Комиссия (ЕХК) билан ўзаро ҳамкорлиги ТАСИС (МДХ давлатларига техник ёрдам) дастури доирасида амалга оширилмоқда. 1999-2001 йилларда божхона ишини ривожлантириш соҳасида Ўзбекистонга техник ёрдам кўрсатишнинг навбатдаги учта лойиҳасини амалга оширишга киришилади. Булар жумласида: Божхона ҳуқуқи, товарлар таснифи, Тошкент ва Манчестр (Буюк Британия) аэропортлари божхона хизматларининг шериклик ва ҳамкорлик фаолиятлари бор.

Евробожхонанинг Нидерландиялик экспертлари УТга мувофиқ товарларнинг божхона қиймати ва таснифи масалалари бўйича ўқув семинарларини ўтказдилар. 1999 йилнинг ноябр ойида "Тошкент -Аэро" ихтисослаштирилган божхона мажмуасида Манчестр аэропорти божхона хизмати экспертларининг техник миссияси амалга оширилди. Унинг мақсади - Тошкент аэропорти божхона хизматининг ташкилланиши ва фаолиятини ўрганиш ҳамда ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

1999 йилнинг ноябр ойида ТАСИС дастури ва Евробожхона лойиҳалари раҳбарлари Н.Штайлен ва К.Маркс ДБКда бўлган вақтларида ўқув тадбирларининг бориши билан танишдилар. Учрашув давомида жорий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

1999 йилнинг июн ойида Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар божхона хизматлари раҳбарларининг 6-Кенгаши бўлиб ўтди. Унда Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон, шунингдек ИХТ Котибияти вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашда транзит савдода Тразит тўғрисидаги битимни, Контрабанда ва божхона қонунбузарликларига қарши курашда ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни қўллаш масалалари кўрилди, ИХТ минтақасида божхона ҳамкорлигини янада ривожлантириш, унга аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ва савдо-сотиқни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Кенгаш иштирокчилари ва ИХТ раҳбарлари бу тадбирни юқори баҳоладилар.

Халқаро тараққиёт бўйича АҚШ агентлиги (ЮСАИД) билан ҳамкорлик доирасида ўтган йилнинг май ойида ДБК делегацияси божхона кузатуви дастурида иштирок этди.

Унинг яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси божхона хизматини ислоҳ қилишнинг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрланиб Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Божхона қонунчилик базасини ривожлантириш соҳасида ЮСАИДнинг Тошкентдаги офиси билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси билан МДП конвенциясини қўллаш масалалари бўйича, БМТнинг Гиёвандлик воситалари устидан назорат қилиш комиссияси (ЮНДКП) билан Гиёвандлик воситалари контрабандасига қарши кураш ва Миллий кинология марказини ривожлантириш масалалари бўйича мунтазам алоқа йўлга қўйилган.

Автомобиль транспорти халқаро уюшмаси (АТХУ) билан ТИР-карнетни қўллаш бўйича ёзишмалар олиб борилмоқда. Божхона идораларининг саксон нафарга яқин ходими 1999 йили АҚШ, Япония, Бельгия, Венгрия, Франция, Германия, Швейцария, Корея, Реция, Россия, Грузия, Туркменистон, Қозоғистонда божхона фаолияти билан боғлиқ бўлган турли семинарлар, ўқув курслари ва бошқа тадбирларда бўлиб қайтдилар.

2000 йил феврал ойигача ЖБТ, ТАСИС экспертлари, шунингдек, АҚШ ва Германия божхона хизматлари ҳамда полицияси томонидан ДБК базасида етита ўқув тадбирлари ўтказилди.

Икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш соҳасида Эрон Ислом Республикаси, Корея Республикаси билан божхона органларининг ўзаро ҳукуматлараро битимлари; Буюк Британия божхона хизмати билан муассасалараро Ижроия баённомаси, Украина ва Россия божхона хизматлари билан иккитадан баённома имзоланди.

Нидерландия Қироллиги, Италия ва ҳиндистон билан божхона органларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида ҳукуматлараро битимлар лойиҳалари тайёрланди ва тасдиқдан ўтказилди. Венгрия, Греция, чехия, Германия ва Хитой божхона маъмуриятларига божхона ҳамкорлиги бўйича битимлар лойиҳалари тақдим этилди.

Шундай қилиб, ЖБТ доирасида ҳамкорлик қилган ҳолда, Республикамиз жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол кириб бормоқда.

Ўзбекистон - Жаҳон божхона ташкилоти ҳамкорлигининг бу даражаси халқаро божхона муносабатлари соҳасида Республикамиз имкониятларининг чегараси эмас. Жаҳон божхона ташкилоти таркибида ҳали Ўзбекистон вакили иштирок этаётгани йўқ. Божхона иши соҳасида махсус малакага эга бўлган дипломатик ходимларнинг мазкур ташкилот доирасида фаолият олиб бориши халқаро божхона муносабатларида Республикамиз салоҳияти ва имкониятларини янада кенгайтиради.

Жаҳон божхона ташкилотининг бир йилда бир мартаба ўтказиладиган сессияларига ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан мезбонлик қилиш одат тусига кирмоқда. Мамлакатимизда ана шундай миссияларни ташкил этиш учун ҳам биринчи навбатда божхона иши соҳасида малакага эга бўлган дипломатик ходимлар фаолиятни жонлантириш талаб этилади.

Бундан ташқари Жаҳон Савдо Ташкилотининг доирасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам асосий қисмини бевосита халқаро божхона муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Бу эса ўз навбатида мазкур соҳада ҳам етарли даражада малакага эга мутахассис кадрларнинг фаолият олиб боришини талаб этади.

Бунинг учун эса ҳуқуқий таълим муассасаларида миллий ҳуқуқшуносликнинг бир тармоғи сифатида божхона ҳуқуқи ҳам ўқитилиши лозим. Республикамизда ягона дипломатик кадрлар тайёрлайдиган Жаҳон

иктисодиёти ва дипломатия университетиди Божхона ҳуқуқи, Халқаро божхона ҳуқуқи ва Халқаро божхона муносабатлари алоҳида фан сифатида ўрганилиши лозим.

ЖСТ доирасида қабул қилинган 29та битим ва келишувларнинг ярмидан кўпроғи бевосита халқаро божхона муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган.

ЖСТга собиқ иттифоққа аъзо мамлакатлардан фақатгина Қирғизистон, Грузия, Латвия, Литва ва Эстония Республикиси аъзо бўлиб киришган. Россия Федерациясининг ЖСТга аъзо бўлиш жараёни ўн йилдан буён давом этмоқда. Ўзбекистоннинг ЖСТга бирлашиш муддати ҳақида аниқ бирон фикр билдириш осон эмас.

Бу жараённинг қанчалик узоқ ёки қисқа бўлиши тўғридан-тўғри иқтисодий, биринчи навбатда ташқи савдо ва божхона сиёсати борасидаги ислоҳатларнинг тезкорлиги ва натижаларига боғлиқ.

Республикамизнинг ЖСТга аъзо бўлиш жаранлари самарадорилигини ошириш мақсадида бу халқаро ташкилот таркибида узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган ривожланган мамлакатларда, жумладан МДХ мамлакатларидан янги аъзо бўлиб кирган давлатларда фаолият кўрсатаётган дипломатик ваколатхоналарда Давлат божхона қўмитаси вақилининг иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиб кириш Ўзбекистон Республикаси учун XXI асрнинг дастлабки йилларида стратегик аҳамият касб этувчи мақсадлар сирасига киради.

“Бу Ташкилот жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўрнини эгаллаб турибди. ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг ГАТТга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масала ўрганиб чиқилмоқда.

Агар бу масала ижобий ҳал этилса, Республикамиз мазкур битимнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари бўлмиш мамлакатлар билан савдо-сотик қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асосларга ва имтиёзларга эга бўлади”.

11.2. Жаҳон божхона ташкилоти

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсоният жудаям катта тушкунликни бошидан кечирди. Инсоният олдида нима қилиб бўлса ҳам 3-жаҳон урушига йўл қўймаслик муаммоси турар эди.

Бу муаммонинг ягона йўли давлатлар фаолияти устидан мониторинг, яъни халқаро ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи марказлашган ташкилотни ташкил этиш деган ҳулоса билан Бирлашган миллатлар ташкилоти ташкил топди, Инсон ҳуқуқлари тўғрисида билл, бирин-кетин ихтисослашган халқаро ташкилотлар ташкил топа бошлади. Ҳар бир соҳани назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича халқаро конвенциялар ишлаб чиқила бошланди.

Бугунги кунда дунёда мингдан ортиқ халқаро ташкилотлар мавжуд бўлиб, шулардан 200 таси бевосита халқаро иқтисодий, савдо сотик ва божхона масалаларига тегишли. Божхона соҳасида минтақавий, субминтақавий, трансминтақавий, глобал халқаро ташкилотлар сони табора ортиб бормоқда.

Албатта бундай ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи марказийда орган бу - Жаҳон бохона ташкилотидир.

WCO тарихининг илдиэлари олис 1947 йилга бориб тақалади. Божхона ҳамкорлиги кенгаши айни ўша вақтдан бошлаб фаолият юритади. Ўшанда Европа иқтисодий ҳамкорлик кўмитасига кирувчи Европадаги ўн уч мамлакат Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (ГАТТ) қоидаларига асосланган бир ёки бир нечта Европа божхона иттифоқларини барпо этиш масаласини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

Натижада бир йилдан кейин икки кўмита иқтисодий ва божхона кўмиталари ташкил этилди. Айни божхона кўмитаси Божхона ҳамкорлиги кенгаши (БХК)га асос солди. Уни таъсис этиш тўғрисидаги конвенция 1950 йил 15 декабрда Брюсселда имзоланган.

Конвенцияга мувофиқ кенгаш куйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

- Конвенциянинг асосий мақсадларига мувофиқ божхона иши соҳасидаги ҳамкорликка алоқадор барча масалаларни ўрганиш;

- божхона тизимига алоқадор техник ва иқтисодий омилларни аъзо мамлакатлар амалиётида уйғунлаштириш, юқори даражада ҳамжиҳатликни таъминлаш ва мувофиқлаштириш мақсадида аниқ чоралар куриш ва тадбирлар ишлаб чиқиш;

- божхона соҳасида халқаро конвенциялар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш, қабул қилиш бўйича манфаатдор мамлакатларнинг тавсияларини ўрганиш;

- кенгаш томонидан қабул қилинган конвенцияларни тўғри талқин этилиши ва қулланилишини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, бу конвенцияларга мувофиқ Кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш;

- Конвенцияларни амалда қўллаш ва талқин этиш борасидаг юзага келган низоларни ҳал этилиши борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

- божхона тадбирлари ва қоидаларига тегишли ахборотларни тарқатилишини таъминлаш;

- ўз ташаббуси ёки манфаатдор мамлакатнинг сўровига мувофиқ маълумотларни тақдим этиш ёки божхона масалаларида мазкур конвенциянинг мақсадларига мос равишда тавсиялар бериш;

- бошқа ҳукуматлараро халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Вақт ўтиши билан БХКга, Европа мамлакатларидан ташқари, дунёдаги бошқа мамлакатлар ҳам кира бошлади. Кенгашнинг дастлабки инаугурация сессияси 1952 йил 26 январда бўлиб ўтди. 1983 йилда эса, БХКнинг навбатдаги сессиясида ушбу кунда Жаҳон божхоначилар кунини нишонлашга қарор қилинди.

Жаҳон божхоначилар куни - ўз мамлакатлари иқтисодий манфаатлари посбонларининг байрамидир. Унинг дунёга келиши жаҳон божхона хизматлари яқинлашувининг, шу жумладан божхона соҳасида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга йўналтирилган улар фаолиятини тубдан ислоҳ қилишнинг ўзига хос рамзий далилига айланди

БҲКнинг ишчи номи Жаҳон божхона ташкилоти (World Customs Organization - WCO) WCOнинг 1994 йилги июнь сессиясидан кейин ишлатила бошлади.

2005 йили Афғонистон, Доминикан Республикаси, Санта-Люсия, Чад республикаси, Тонго қироллиги, Сальвадор Республикаси қўшилганидан кейин, ҳозирги вақтда WCO унга аъзо бўлган 169 мамлакатни бирлаштирмоқда, жаҳон савдо айланмасининг қарийб 90 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади.

WCOнинг расмий тиллари инглиз ва француз тиллари, баъзи қўмиталар ишида испан ва рус тилларидан фойдаланилади. Барча аъзо мамлакатларнинг раҳбарларидан ташкил топган Кенгаш, Сиёсий комиссия (24 давлат) ва Молия қўмитаси (17 мамлакат) WCOнинг юқори органлари ҳисобланади. Доимо ишлайдиган орган Котибият Брюсселда жойлашган.

WCO қароргоҳида наркотиклар ва ўта хатарли товарларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида ахборот айирбошлаш учун Марказий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тармоғи (CEN) ташкил этилган. Ахборот узатиш 11 минтақавий алоқа узели (RILO) орқали амалга оширилади.

Жаҳон божхона ташкилоти халқаро конвенциялар ва божхона иши соҳасидаги бошқа ҳуқуқий дастакларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва янгилашни амалга оширади. Божхона фаолиятининг турли йўналишларини тартибга соладиган 17 халқаро конвенциянинг депозитарийси ҳисобланади.

WCO Жаҳон савдо ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатлар ўртасидаги тижорат айирбошлаш доирасида ҳамма нарса уйғунлаштирилган, яъни товарларни барча ташишларга қўлланадиган халқаро қоидалар мавжуд.

Божхона таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида халқаро конвенция (Киото конвенцияси)нинг 1999 йил июнда маъқулланган янгиланган версияси ва 2005 йилда Кенгашнинг 105/106-сессиялари томонидан қабул қилинган, Хавфсизлик ва жаҳон савдосига қўмаклашишнинг ҳадли стандартлари деб номланган ҳужжат WCO кейинги йилларда эришган энг муҳим ютуқ бўлди.

1994 йил июнь ойидан бошлаб Кенгаш – Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) деб атала бошланди.

ЖБТнинг ташкилий органлари ва фаолият йўналишлари. ЖБТда раҳбарликни Бош Котибият амалга оширади. Унинг 100 дан ортиқ аъзоси бўлиб, шундан 30 тасини ЖБКга аъзо мамлакатлар божхона органлари ходимлари ташкил этади. Улар Котибиятда беш йил давомида фаолият олиб борадилар, бу муддат узоғи билан ўн йилгача чўзилиши мумкин. Бундан ташқари ЖБТ аъзоларининг вакиллари котибиятнинг махсус лойиҳаларида иш олиб борадилар.

Божхона ҳамкорлиги Кенгашининг расмий тили инглиз ва француз тилларидир. Шунингдек, испан тили Божхона қийматлари бўйича Техник Қўмита ишчи тили сифатида қўлланилади.

Ташкилот томонидан халқаро божхона муносабатларини уйғунлаштириш ва бир хиллаштириш борасида кўплаб халқаро конвенциялар қабул қилинган бўлиб, уларнинг айримлари тўғрисида маълумотберамиз.

Ўзбекистон Республикасининг ЖБТ билан ҳамкорлигининг истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси божхона тизимининг халқаро ҳамкорлик фаолияти бир томондан Жаҳон божхона ташкилоти (WCO) доирасида, иккинчи тарафдан эса, Ўзбекистон ва дунёдаги бошқа давлатларнинг божхона хизматлари ва божхона иши билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар ўртасидаги кўп ва икки тарафлама алоқалар ёрдамида амалга оширилади.

Бугунги кунда божхона иши соҳасида АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Исроил, Корея Республикаси, Греция, Туркия, Миср, Бельгия ва Чехия давлатлари ва уларнинг божхона маъмуриятлари билан ҳукуматлараро ва идоралараро битим ва шартномалар имзоланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1995 йилга қадар Давлат божхона кўмитасининг фақат Буюк Британия билан икки томонлама ҳамкорлик ҳақида идоралараро битими бўлса, ҳозирги кунга келиб айнан шартномалар 30 дан ортиқ хорижий давлат божхона маъмуриятлари билан имзоланган. Келгусида ҳам чет эл давлатлари божхона хизматлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан шартнома ва битимлар лойиҳалари ишлаб чиқиш ишлари жадал ривожланиб боради.

Жаҳон божхона ташкилоти доирасидаги ҳамкорликдан асосий мақсад - Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий негизларининг божхона амалиёти соҳасидаги халқаро конвенциялар ва бошқа халқаро меъёрларга яқинлашиб боришдир. ЖБТ томонидан тайёрланган кўплаб меъёрий тавсияномалар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тайёрлашда ҳисобга олинди.

Ўзбекистон, шунингдек, бир қатор халқаро божхона ва транспорт конвенцияларининг ҳам аъзосидир. Амалий соҳада бу ҳамкорлик ЖБТ Кенгаши ва Техник кўмиталарининг ишида қатнашувида акс этади. Бу ташкилотларда хорижий мамлакатлар божхона маъмуриятлари вакиллари билан учрашувлар ва фикр алмашувлар, ўзаро манфатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, айниқса муҳим ва фойдалидир. ЖБТга аъзо бўлгач, ўзбекистонлик божхоначилар халқаро ташкилот техник кўмиталари, Сиёсий ҳайъати ва Кенгашининг кўплаб сессияларида иштирок этишмоқда.

Бу сессиялар ишида иштирок этиш жараёнида улар Англия, Франция, Германия, Индонезия, Гонгконг, Малайзия, Хитой, Белгия, Голандия, Нидерландия, Австрия, Туркия ва Морокаш божхона маъмуриятларининг иш услублари ва тажрибалари билан танишдилар.

1995 йилда Сиёсий комиссиянинг Индонезиядаги иши вақтида Ўзбекистон Республикаси билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги божхона маъмуриятлари ўртасида Божхона амалиёти соҳасида ўзаро ҳамфикрлик, ҳамкорлик ва ўзаро маъмурий ёрдам тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Сиёсий комиссиянинг 36-сессияда Ўзбекистон делегациясининг ЖБТ Бош котиби жаноб Жеймс Шавер билан бўлган учрашувида ЖБТ раҳбарининг Ўзбекистонга таъриф борасида келишиб олинди. 1997 йил апрел ойида ЖБТнинг собиқ Бош котиби Жеймс Шавер, 2000 йил декабр ойида ва 2002 йил

октябрь ойида 1999 йил 1 январдан ҳозиргача Бош котиб лавозимини эгаллаб турган Мишель Дане (Франция) Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Ҳар иккала ташриф жараёнларида Бош котиблар Президент Ислон Каримов билан учрашди. Ўзбекистон божхона хизматини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, жамиятнинг иқтисодий манфаатлари, хавфсизлиги ва саломатлигини ҳимоя қилишда божхона ўрни, республиканинг халқаро конвенцияларга аъзолигини кенгайтириш, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик, шунингдек, Марказий Осиёда божхона амалиёти соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама этилди.

ЖБТ Бош котиблар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон божхона хизматлари вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Унда минтақадаги божхона хизматини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш дастури муҳокама этилди.

1997 йилнинг май-июл ойларида ЖБТ экспертлари томонидан Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими (УТ) бўйича ўқув семинари ўтказилди, божхона русум-қоидаларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш, божхона хизматини компьютерлаштириш масалалари бўйича техник миссия амалга оширилди.

1998 йилнинг май ойида ЖБТ эксперт томонидан божхона лабораториясини ривожлантириш масалалари бўйича яна бир миссия ўтказилди. Уйғунлаштирилган тизимга мувофиқ равишда товарларни таснифлаш бўйича бой услубий материал ва компьютер дастури ҳада сифатида қолдирилди.

1998 йилнинг октябр-ноябр ойларида ва 1999 йилнинг февралда Ўзбекистон ДБК ходимларини ўқитиш тизимини ташкиллаштириш, божхона қонунларининг бузилишига қарши кураш масалалари бўйича ЖБТ махсус дастурлари доирасида ўқитилди ва иш ўрганилди.

1999 йилнинг май ойида ЖБТ эксперти томонидан Уйғунлаштирилган тизимнинг 1996 йилги янги версиясини чуқур ўрганиш, шунингдек, УТ бўйича товарларни таснифлаш ва уни қўллаш масалалари бўйича семинар ўтказилди.

ЖБТ фаолиятида қатнашиш УТни қўллаш, товарларни божхонада баҳолаш қоидаларини ўрганиш, божхона русум-қоидаларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш, божхона қоидаларини бузишнинг олдини олиш, текшириш ҳамда жазо мақсадларида маъмурий ҳамкорлик қилиш, товарлар келиб чиқишини аниқлашнинг уйғунлаштирилган қоидаларини қўллаш борасидаги республика божхона хизматининг имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди.

ЖБТ котибиятидан кадрларни тайёрлаш ишида фойдаланиладиган божхона амалиётининг турли йўналишлари бўйича салмоқли ҳажмда услубий материаллар жўнатилди.

WCO таркибидаги энг йирик Европа минтақаси Сиёсий комиссия ва Молиявий қўмитада энг катта ваколатхонага эга. У Европадаги барча

давлатлар, шунингдек Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистонни ўз ичига олади.

2003 йил июнида Жаҳон божхона ташкилотининг вице-президенти - Европа минтақасининг мувофиқлаштирувчиси этиб Россия сайланди. Шу тариқа божхона ҳамжамияти Россия божхона хизматига ишонч билдириб, унинг халқаро стандартларга кўра ишлай олиш салоҳиятини тан олди.

Зеро, сўнгги йигирма йил давомида Европа бўйича мувофиқлаштирувчи ўрнини анъанага кўра Евро иттифоқ мамлакатлари эгаллаб келган. 2004 йил январида WCO Европа минтақаси божхона хизматлари раҳбарларининг анжумани илк маротаба Москвада ўтказилди.

Шундай қилиб, ЖБТ доирасида ҳамкорлик қилган ҳолда, республикамизда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига фаол кириб бормоқда.

11.3. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ташкил топиши борасидаги илк қадамлар 20 аснинг 60 йиллари бошлари қўйилди. 1964 йилда Покистон, Эрон ва Туркия Минтақавий ҳамкорлик ташкилотини ташкил этиши билан жанубий Осиё мамлакатларининг интеграциялашуви жараёнини бошлаб берди.

1985 йилда ҳамкорлик ташкилоти негизида янги, нисбатан мукамал - Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ташкил топди. 1992 йили бешта Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мазкур ташкилот аъзоларининг ва ҳудудий қамрови кенгайди. Қозирда мазкур минтақанинг майдони 8 млн. кв.кмни, ақолиси 300 млн.дан ортиқ кишини ташкил этади.⁵

ЭКО минтақасида транзит савдоси муҳим аҳамият касб этади, чунки ташкилотга аъзо мамлакатларнинг кўпчилиги континент ичида жойлашган бўлиб халқаро савдони бандаргоҳлар ва денгиз йўли орқали амалга ошириш учун жуғрофий имкониятлари чекланган. Ташкилот транспорт ва коммуникация, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, савдо, сайёҳлик ва аҳоли ресурслари борасида халқаро минтақавий иқтисодий уюшма тарзида фаолият олиб боради.

Шунингдек ЭКО минтақавий савдони ривожлантириш эвазига умумий бозорда эркин фаолият юритишни таъминлаш чора-тадбирларига катта эътибор бермоқдаки, божхона муаммоларини ҳал этмасдан бу мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун божхона соҳасидаги ҳамкорликнинг турли жабҳалари ташкилот саммитлари ва аъзо давлатлар Вазирлар Кенгаши муҳокамаларининг мавзуси сифатида жой олмоқда.

ЭКО доирасида божхона соҳасига даҳлдор қўйидаги масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш ва бу борада юзага келаётган муаммоларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади:

минтақадавий савдода тариф ва нотариф тўсиқларини қўллаш ва уларни бекор қилиш;

⁵ А.Касымов., “Внешнеполитические ориентиры Республики Узбекистан”, Ташкент-2000 г. Стр.84.

- Миллий божхона органларини такомиллаштириш мақсадида ислох қилиш ва замонавийлаштириш;
- Божхона тадбирларини содалаштириш ва уйғунлаштириш;
- Божхона мақсадларида минтақавий тайёрлов марказини ташкил этиш;
- Минтақа доирасида ягона тариф номенклатурасини ишлаб чиқиш;
- Транзит савдоси муаммоси ва транзит савдоси бўйича махсус қўмитани ташкил этиш;
- Минтақада ягона савдо ахборот тизимини жорий этиш;
- ЭКОга аъзо мамлакатларда минтақавий савдо ва божхона тарифи бўйича маълумотномани нашр этиш;
- ЭКО минтақаси мислсиз кенг ҳудудни, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий даражаси хилма-хил бўлган давлатларни ўзида бирлаштирган.

Бу мамлакатлар ўртасида кичик гуруҳлардан ташкил топган уюшмалар, шунингдек ташкилотга аъзо бўлмаган учинчи мамлакатлар билан иттифоқчи бўлган мамлакатлар ҳам мавжуд.

Жумладан Покистон, Туркия ва Қирғизистон Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо, Туркия 1996 йил 1-январдан Европа Божхона Иттифоқига кирган, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Россия ва Белоруссия билан божхона иттифоқига кирган, Покистон Жанубий Осиё (хиндистон, Бангладеш, Шри Ланка, Непал, Бутан, Мольдива) минтақавий асоциациясига, Озарбайжон ва Туркия Қораденгиз иқтисодий ҳамкорлигига аъзо бўлишган.

2002 йил 28 феврал - 1 март кунлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Марказий Осиё давлатларининг навбатдаги саммитида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари «Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти»ни расмийлаштирди. ЭКОга аъзо 10 мамлакатнинг 6 таси Мустақил давлатлар қамдуствлиги доирасидаги Эркин савдо кудудига аъзо.

Албатта бу каби алоҳида иттифоқларнинг мавжудлиги бу минтақадаги умумий интеграциянинг ривожланишига, айниқса савдо - иқтисодий ва божхона муносабатларининг уйғунлашувига салбий таъсир кўрсатади.

11.4. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти

Олти давлат - Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари 2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини, унинг доимий ишлайдиган органлари - Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини барпо этиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Таъсис ҳужжати - Хартия (низом) 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербургда қабул қилинди.

2003 йил май ойидаги Москва саммитида 2004 йил январидан бошлаб Пекинда Котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг ижроия қўмитаси фаолият бошлаши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, Давлат бошлиқлари кенгашининг қарорига биноан 2003 йил сентябрда савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узок муддатли дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

2004 йилнинг 17 июнида **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)**нинг Тошкент саммити жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортди. Унда минтақамиз истикболларига тааллуқли бўлган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида муайян амалий натижаларга эришилди.

Шубҳасиз, анжуман ишининг моҳияти ва мазмунини белгилашда, унинг самарадорлигини оширишда мамлакатимиз Президентининг нутқида халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда, иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришда ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича айтилган ғоя ва таклифлар муҳим аҳамият касб этди.

Саммит иштирокчиларига мурожаат қиларкан, давлатимиз раҳбари бир қатор масалаларга тўхталди. Хусусан, у Тошкент саммити тарихда ШХТ институционал шаклланиши ҳамда барпо этилган ташкилий тузилмалар ва институтларни аниқ мазмун билан тўлдиришнинг яқунловчи босқичи сифатида қолади деб таъкидлади.

Котибият Пекинда фаолият кўрсата бошлади. Тошкентда Минтақавий аксилтеррор маркази (МММ) шаклланди. ўтган даврда уч маротаба тўпланган Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўртага қўйилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилмоқда. ШХТ Мувофиқлаштирувчилар кенгаши тезкор, жуда муҳим ишни бажармоқда.

Давлат раҳбари Марказий Осиёдаги ишлар аҳволини баҳолаб таъкидладикки, минтақа ўзининг геополитик ва геостратегик аҳамияти ҳамда табиий-иқтисодий, минерал-хом ашё ва биринчи навбатда углеводород ресурсларининг ғоятда бой захираларига эгаллиги сабабли бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг ўсиб бориши вазиятида жаҳон ҳамжамиятининг эътибор марказида бўлишда давом этмоқда. Шунингдек, у Афғонистонни тиклаш жараёнига тааллуқли бўлган масалаларга эътибор қаратди.

Воқеалар ривожланишининг ижобий динамикасига қарамай, Афғонистон жиддий ёрдамга, вазиятни барқарорлаштириш ва тинчликни тиклашга муҳтождир. Наркотиклар ишлаб чиқариш ва улар ҳажмларининг ўсиши алоҳида ташвиш уйғотмоқда. Минтақа мамлакатларидаги вазиятни издан чиқариш таҳдидини солаётган халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизм кучларининг жонланиши ташвишларимизни кучайтирмаслиги мумкин эмас.

Бу ҳол етти бор ўлчанган, ғоятда эътиборли, эҳтиром билан ёндашишни тақозо этади. Кўп жиҳатдан айти шундай ёндашувда Марказий Осиёда юз бераётган кўп воқеаларни тушуниш ҳамда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлаб қолишнинг мураккаб муаммоларини ҳал этиш калити яширинган десак муболаға бўлмайди. Айти ушбу омиллар ҳисобга олинмаган барча ташаббуслар маҳсулдор ва муваффақият келтирадиган бўлиши мумкин эмас.

Биринчи Президент Ислам Каримов Ўзбекистон ШХТ устувор мақсади сифатида эълон қилинган, халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотрафикка қарши муросасиз курашни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди деб таъкидлади.

ШХТга аъзо давлатларнинг раҳбарлари иштирокида Тошкентда очилган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТ) фаолияти айна ушбу мақсад ва вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган, деди Ўзбекистон Президенти.

11.5. Бошқа минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ўзининг ташқи иқтисодий фаолиятида *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари божхона хизматлари* билан халқаро меъёрларга асосланган, мувозанатланган ва ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш ишларига асосланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Россия Федерацияси, Туркменистон ва Украина Республикалари ва уларнинг божхона хизматлари билан божхона ишларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида ҳукуматлараро ва идоралараро битим ва шартномалар имзоланган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг божхона тизимлари билан ҳамкорлик мазкур ташкилот иштирокчиси бўлган давлатлар божхона хизматларининг раҳбарлари кенгаши доирасида ҳам амалга оширилмоқда.

МДХ ҳудудий маконида божхона амалиётини бирхиллаштириш ва уйғунлаштириш масалаларини изчиллик билан ҳал қилаётган тўлақонли ишчи тузилмадир.

Мазкур кенгаш аъзоларининг ўзаро ҳамкорликка интилиш руҳида амалга ошираётган алоқалари мобайнида томонлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, божхона тизими соҳасида жорий этилаётган ислоҳатлар, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган божхона қонунчилигини яратиш, соддалаштирилган божхона назоратини ташкил этиш, давлат жамғармасига тушадиган маблағлар тушимини назорат қилиш, божхона тизимини замонавий техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, чегарадош божхона масканларида мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этиш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратларини ошириш каби бошқа қатор устувор йўналишларларга оид масалалар ҳал қилинмоқда.

Осиё тараққиёт банкининг *Божхона ҳамкорлиги кўмитаси (БҲК)* божхона соҳасида минтақавий ҳамкорликка ва минтақавий божхона ислоҳотлари ҳамда минтақанинг миллий божхоналарини замонавийлаштиришга кенг қамровли ёндашувга кўмаклашади. У 2002 йилда ташкил этилган ва Шарқий ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги кенг миқёсли дастурининг муҳим бўғини ҳисобланади.

БҲК таркибига Озарбайжон, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Монголия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг божхона хизматлари киради. Унинг биринчи ташкилий мажлиси 2002 йилнинг август ойида Урумчи шаҳрида (ХХР) ўтказилди.

Унда ўзаро ҳаракатларнинг умумий режаси маъқулланди, у ўз ичига олтига асосий йўналишни олиб, уларнинг ҳар бири бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган, эксперт гуруҳлари шакллантирилган.

Бу ишларни мувофиқлаштириш учун иккита ишчи гуруҳи тузилиб, унинг бирига ХХР божхона маъмурияти бошчилик қилади ва асосан божхона таомиллари, божхона ҳужжатларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш, чегара постлари ва жиҳозларини замонавийлаштириш, шуниндек транзит тизимини соддалаштириш масалалари билан шуғулланади.

БХҚнинг ахборотни жамлаш ва айирбошлаш масалалари, божхона операциялари, хатарларни бошқариш ва постлардан ўтиш аудитини ривожлантириш, шунингдек маълумот тўплаш минтақавий тизимларини ривожлантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича иккинчи ишчи гуруҳига Ўзбекистон божхона хизмати раҳбарлик қилиб, у консолидациялаш ва ахборот айирбошлаш, божхона операциялари учун ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, разведка қилиш минтақавий тизими, хатарларни бошқариш ва постлардан ўтиш аудити масалаларини ҳал қилади.

Мазкур фаолият Ўзбекистон божхона тизимининг халқаро божхона амалиётини ислоҳ қилиш, минтақавий божхона ҳамкорлигини тараққий эттириш жараёнига, жаҳон божхона ишининг олға қараб ривожланишига кўшаётган муносиб ҳиссасидан далолат беради.

Божхона ҳамкорлиги кўмитасининг 2-учрашуви Осиё тараққиёт банки ҳомийлигида 2002 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон божхона делегацияси фаол иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари божхона ҳужжат ва расмийликларини мувофиқлаштириш ва соддалаштириш, минтақавий чегара ўтиш жойларида муштарак тадбирлар ўтказиш, транзит жараёнининг тараққиёти, Шарқий ва Марказий Осиё минтақавий ҳамкорлигининг стратегик ҳаракат ва режалари, божхона хизматида маълумот ва коммуникацион технологиялар, ҳамда миллий интеллектуал тизимлар мавзуларига оид Осиё тараққиёт банки томонидан тайёрланган ҳужжатларни атрофлича муҳокама этдилар.

Иштирокчи мамлакатлар делегация аъзолари ва халқаро экспертлар томонидан юқорида қайд этилган муаммолар юзасидан, халқаро тажриба ҳамда ўз давлатлари божхона тизимлари аҳолидан келиб чиққан ҳолда фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, ҳар бир муҳокама этилган масала бўйича қатор амалий таклифлар киритилди.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Божхона ҳамкорлик кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги конвенция” қачон қабул қилинган, унга ҳозирда нечта давлат аъзо бўлган?
2. БХҚ нима мақсадда ташкил этилган?
3. ЖБТнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. ЖБТ раҳнамолигида қандай конвенцияларлар қабул қилинган?
5. Қайси халқаро конвенциялар ЖБТ фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади?
6. ЖБТга аъзо давлатлар қайси минтақавий гуруҳларга бўлинади, мисоллар келтиринг?
7. Минтақавий гуруҳларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

8. ЖБТда раҳбарликни қайси орган амалга оширади, у қандай шаклланади?

9. ЖБТ таркибий тузилишини сўзлаб беринг.

10. Ўзбекистон Республикаси қачон ЖБТга аъзо бўлиб кирган, унинг қайси органлари фаолиятида иштирок этмоқда?

11. ЖБТга аъзо бўлгач ўзбекистонлик божхоначилар қайси мамлакатларнинг божхона маъмуриятлари билан танишишга мувоффақ бўлдилар?

12. ЖБТ раҳбариятидан кимлар Ўзбекистонга ташриф буюришган, уларнинг ташрифи давомида қандай масалалар ҳал этилган?

Адабиётлар

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Рафиқова М., Ачилов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий қўлланма. -Т. 2016
10. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
11. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.

12-мавзу. Терроризмга қарши кураш ва қуролсизланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари

Режа:

- 12.1. «Терроризм» атамасининг тушунчаси
- 12.2. Терроризмнинг замонавий кўринишлари
- 12.3. Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш
- 12.4. Халқаро ҳуқуқ, ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар
- 12.5. Бактериологик ва кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар

Таянч иборалар:

«Терроризм» тушунчаси. Ядровий терроризм. Биологик терроризм. Кимёвий терроризм. Кибертерроризм. Самовий терроризм. Хайжекинг. Террористик хуруж.

12.1. «Терроризм» атамасининг тушунчаси

Терроризм ва унинг турли шаклдаги кўринишлари. Халқаро характердаги терроризм халқаро миқёсдаги ижтимоий хавфли қилмиш бўлиб, у бегуноҳ кишиларнинг ўлимига сабаб бўлади, давлатлар ва уларнинг вакиллари дипломатик ваколатининг бузилишига олиб келади. Халқаро учрашув ва алоқаларни амалга оширишни қийинлаштиради, шунингдек давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини издан чиқаради.

Терроризм асосан бегона ҳудудда амалга оширилади ва чет эл давлати ёки давлатлари, шунингдек ўзининг агрессив сиёсий мақсадларига эришиши учун террорчилик актларидан манфаатдор бўлган жисмоний шахслар томонидан маблағлар билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида чет давлатларнинг вакилларига қарши қаратилган террорчилик актлари – ҳокимиятни қўпориш ёки кучсизлантириш мақсадида одам ўлдириш ёки унга оғир тан жароҳати етказиш – давлатга қарши қаратилган ўта хавфли жиноятлар деб таснифланади. 2000 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилди.

1937 йили 24 давлат вакиллари «Терроризмнинг олдини олиш ва уни тугатиш тўғрисида»ги конвенция ҳамда террорчилар ва бошқа жиноятчиларни суд қилиш учун «Халқаро жиноят палатаси тўғрисида»ги Конвенцияга имзо қўйдилар.

Конвенцияда террорчилик жинояти деб ҳисобланадиган ҳаракат-ларнинг рўйхати тўла кўрсатиб берилган ва айбдор шахсларни жазолаш тартиби белгиланган. Конвенция террорчилик актларини амалга оширишни мақсад қилиб олганларни жиноий гуруҳлар деб тан олади.

1937 йилги конвенция бир қанча давлатларнинг айби билан кучга кирмади, лекин бунинг аҳамияти шундаки, бу конвенция биринчи марта

халқаро сиёсий терроризмни халқаро характердаги жиноят деб квалификация қилди.

Охирги ўн йилликда халқаро конференцияларда ва халқаро ташкилотларда дипломатлар ва давлат вакилларида дахлсизлигини бузиш ҳоллари рўй берди, бу ўз навбатида халқаро ҳамкорлик ва халқаро хавфсизликни хавф остига қўйди. Бундай хавф 1973 йил 14 декабрдаги халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар жумладан «Агентларга қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш ва уларни жазолаш тўғрисидаги» Конвенциянинг давлатлар томонидан қабул қилинишини тезлаштирди.

«Терроризм» атамаси латинча «terror» сўзидан олинган бўлиб, қўрқинч туғдириш, қўрқув маъноларини англатади. Биринчи марта террор сиёсий ҳаракат усули сифатида Буюк француз инқилоби даврида вужудга келган бўлиб, радикал инқилобчилар томонидан сиёсий душманларга қарши репрессия мақсадларида фойдаланилган. Ҳозирги кунга келиб «терроризм» ва «террор» атамалари турли маънони англатади. Террор – бу давлат томонидан олиб бориладиган репрессия сиёсати бўлиб, ўзининг куч институтларига таянади. Терроризм – муҳолифатчи гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган зўр-ликдир. Террор қуроли – репрессия бўлса, терроризм қуроли – бу террорчилик актларидир.

Бугунги кунда «терроризм» тушунчасига умум қабул қилинган аниқ таъриф йўқ. Шунинг учун муаллифлар, бошқа муаллифлар берган турли хил таърифлар ва халқаро конвенция ва шартномалар қоидаларидан, шунингдек «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиққан ҳолда, ўзларининг шахсий таърифини таклиф этадилар:

Терроризм – бу сиёсий кураш тактикаси бўлиб, доимий равишда мафкуравий асосланган зўрликни ишлатиш билан характерланади, кишиларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, ўлдирши, диверсия, саботаж, ўғирлаб кетиш ҳаракатларида ифодаланади.

Бундай зўрликдан аниқ бир қарши томонни йўқ қилиш учун ҳам, ўзининг сиёсий, диний, ижтимоий, иқтисодий мақсадига эришиш учун ҳукуматни, партияларни, ижтимоий-сиёсий ва диний ҳаракатларни, этник гуруҳларни, ижтимоий қатламларни кўрқитиш учун ҳам фойдаланилади.

Бундай қараш чет эл экспертларининг фикрига ҳам мос келади. Масалан, Уолтер Лакер терроризмга қўйидаги таърифни беради: *«Терроризм – бу жамиятни ваҳимага солиш мақса-дида ва шу асосда давлатни кучсизлантириш, ҳатто мансабдор шахсларни ўлдирши, жамиятда сиёсий ўзгартиришлар қилиш учун нодавлат ташкилотлар томонидан зўрликни қўллаш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитишдир»⁶.*

Лондон Мажароларни ўрганиш институти директори Б.Крозье терроризмга – сиёсий мақсадларга асосланган зўрлик деб таъриф беради⁷.

Берилаётган таърифлар тўлиқ бўлиши учун «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунида берилган таърифни ҳам кўрсатамиз: *«Терроризм – жиноий ёки юридик шахсларга нисбатан одамлар*

⁶ Кажушко Е. Современный терроризм. Анализ основных направлений. – Минск., 2000. – С. 11.

⁷ Кажушко У. Современный терроризм. Анализ основных направлений. – Минск., 2000. – С. 25.

ҳалокати, анча миқдордаги мулкӣ зарар етказиши ёхуд ижтимоӣ хавфли оқибатлар юзага келиши хавфини тугдирадиган, жамоат хавфсизлигига путур етказиб, аҳолисини қўрқитиши, ёки ҳокимият органларининг террорчиларга фойдали бўлган қарорлар қабул қилишига таъсир кўрсатиши ёки уларнинг қонуний мулкӣ ва (ёки) бошқа манфаатларини қондириши мақсадида амалга ошириладиган зўрлик ёки уни қўллаш тартиби, шунингдек мол-мулк ва бошқа моддий объектларни яқсон қилиши (шикастлантириши) ёки шундай қилиши таҳдиди, давлат ва жамият арбобининг ҳаётига унинг давлат ёки бошқа сиёсий фаолиятини тўхтатиши ёхуд бундай фаолият учун ўч олиши мақсадида қилинган тажовуз; халқаро ҳимоя остида бўлган чет эл давлат вакилига ёки халқаро ташкилот ходимига, шунингдек халқаро ҳимоя остида бўлган шахсларнинг хизмат хоналарига ёки транспорт воситаларига уруш чиқариши учун изво қилиши ёки халқаро муносабатларни чигаллаштириши мақсадларида ҳужум қилиши⁸».

Терроризм табиатига баҳо беришга уч хил қараш мавжуд: террорчилик фаолиятининг жанговар кўринишдан келиб чиқиши, криминал ва ижтимоӣ-сиёсий қарашлар.

Биринчи қарашга асосан терроризмга қуролли ҳаракатларнинг ўзига хос кўринишларидан бири деб қаралади ва «паст даражадаги қуролли можаро» деб белгиланади;

Иккинчи қараш масаланинг криминал томонига аҳамият бериб, терроризм жиноятнинг бир тури деб ҳисобланади;

Учинчи қараш ижтимоӣ-сиёсий асосдан келиб чиқиб, терроризм сиёсий қуролли можаро турларидан бири деб қаралади.

Терроризм тўғридан-тўғри террорчилик актларини ўзида намоён этади – террорчилик ҳаракатига эга жиноятларни амалга ошириш террорчилик операцияларининг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Террорчилик операцияси террорчилик актлари ва уларни амалга оширишни ўзида мужассам қилиб, узоқ давом этади.

Операция ўтказишда жанговар гуруҳ, разведка гуруҳи, моддий, ташвиқот ва хавфсизликни таъминловчи гуруҳлар иштирок этиши мумкин. Террорчилик гуруҳи актларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни ўзига мажбурият деб билган террорчилик ташкилотларининг бўлақларидир.

Террорчилик ташкилотлари террорчилик фаолиятини олиб боришда ўзининг тўлиқ таркибига ёки ўзининг бўлинма тузилмаларига эга бўлади. Бу террорчилик ташкилотлари кўп сонли жамоага нисбатан узоқ вақт мавжуд бўлган поғонавий раҳбарлик турларига эга бўлган бошқарув функциясига бўйсунитиши, террорчилик операциясини ўтказишда разведка, ташвиқот ва маблағга эга бўлиш билан ажралиб туради, бир давлатнинг бир қанча минтақаларида ва бир нечта давлатлар ҳудудида ўз филиалига эга бўлади.

Ташкилий ҳаракатга эга террорчилик фаолияти операцияга узоқ тайёрланиши ва хавфсизлик ҳаракати билан ажралиб туради. Террорчилик ташкилоти мафқуравий жиҳатдан асосланган дастурга эга ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлади.

⁸ «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддаси.

Цивилизациянинг ривожланиши билан бирга террористик таъсир усуллари ҳам ривожланиб боради. Йўловчи самолётларни олиб қочиш билан боғлиқ террорчилик ҳаракатлари ҳозирги пайтга келиб террорчилар томонидан қўлланиладиган анъанавий усулларга нисбатан унчалик кўрқинчли бўлмади қолди.

Ҳозирги пайтда инсон ҳаёти ва соғлигига зарар етказадиган компьютер терроризми ҳам уруш ҳаракатлари олиб бориш воситаси бўлиб қолди ва бу 1999 йили Югославия бомбардимон қилинганда Америкага қарши кайфиятда бўлган хаккерлар томонидан қўлланилди. Шунингдек, террорчилар томонидан кимёвий ва биологик ҳамда ядро қуролидан фойдаланилиши эҳтимоли бор.

12.2. Терроризмнинг замонавий кўринишлари

Шундай қилиб, ҳозирги замон террорчилик фаолиятининг анъанавий шаклларига қуйидагиларни кўрсатиб ўтиши мумкин:

Ядровий терроризм қурол сифатида радиоактив моддалардан фойдаланишни назарда тутди. Ядровий терроризм террорчиларнинг ядро реакторига ҳужум уюштириб, уни вайрон қилиб, ўша жойни радиоактив захарлашни назарда тутди, яъни ядро қуролининг ўзини портлатишдан, ядро қуролини ишдан чиқариб ўша жойни радиоактив захарлашга олиб келиш ядровий терроризмни ташкил этади. Кўпгина мамлакатларда халқаро ва ички терроризм муаммолари ядро энергетикасини ривожлантириш билан боғлиқдир.

Буни биз АҚШдаги Оклахома шаҳри (1995 йил) ҳукумат уйидаги портлашлар ва Нью-Йоркдаги умумжаҳон савдо маркази (1994 йил ва 2001 йил) даги портлашлар мисолида кўришимиз мумкин. Францияда саноатчиларга қарши норозилик ҳаракатларида (1995 йил декабрь) саботажчилар Блейс АЭС учинчи блокининг иккинчи совитувчи контурига туз сепиб чиқишган эди (Франциядаги терроризм таҳдиди Париж ер ости метрополитенида террорчилик актларини амалга оширган Жазоирлик эмигрантларнинг ҳаракати билан белгиланади).

Токио метросида (1995 йил март) Аум Синрикё диний сектаси томонидан захарли моддаларнинг қўлланилиши террорчилар оммавий қирғин қуролидан фойдаланиши мумкинлиги нақадар аниқ факт эканлигини кўрсатади.

Террорчилар ядровий моддаларни терроризмни кўллаб-қувватловчи давлатлардан олишлари ёки «қора бозор» дан сотиб олишлари мумкин. Ядровий терроризм шуниси билан хавфлики, жуда кўп бегуноҳ одамлар ўлим хавфига дуч келдилар. Террорчилар томонидан ядровий моддаларга эга бўлиш ва буни ишлатишда қийинчиликлар туғилсада, бундан фойдаланиш мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Ядро объектлари ва ядровий моддаларга нисбатан бўладиган терроризм актлари шартли равишда қуйидагича таснифланиши мумкин.

Ядро портлатгич қурилмасини кўпориш (ёки кўпориш билан таҳдид солиш). Ядро портлатиш терроризмнинг кўрқинчли кўринишларидан биридир.

Шунинг учун стратегик ядро моддалари (юқори даражада тўйинтирилган уран ва плутоний) ва ядровий қуролларни асраб-авайлаш миллий хавфсизликнинг ҳаётий масаласи бўлиб ҳисобланади ва ядро комплекси химоясини ташкил этиш устувор йўналиш бўлиб қолиши керак.

Ядро моддаларини химоя ва назорат қилишда олдини олиш (превентив) чораларини, инқирозли вазиятларда ядро портлатгич қурилмаларини қидириб топиш ва шакллантиришни амалга ошириш техник воситаларини яратиш ва ишлаб чиқиш зарур. Бахтимизга террорчилар томонидан ядро қуролларини қўллаш таҳдиди ҳозирча фақат фараз бўлиб қолмоқда.

Радиоактив моддалар (цезий 137, плутоний ва шу кабилар) билан захарлашдан террорчилик актларида фойдаланиш деганда, уларни аэрозол шаклида пуркаш ёки сув манбаларида эритиш тушунилади. Бундай террорчилик актлари оқибатларини тўхтатиш жуда катта куч талаб этади.

Аммо кўпинча террорчилик актлари (плутонийни катта сув манбаларида эритиш ёки уни аэрозол шаклида пуркаш, цезий 137 солинган контейнерни портлатиш) да радиоактив захарланиш маҳаллий характерга эга бўлади ва у унча катта зарар келтирмайди.

Ядро объектларига уюштириладиган диверсия кўпгина ҳолларда тадқиқот марказларига ёки портлатгич қурилма ва ёнилғи циклларида зарар маҳаллий характерга эга бўлади (саноат майдони доирасида). Глобал кадастрида бошқа ядро қурилмаларидан ўзининг иштирок этиш ҳажмига эга радиоактив моддалар ва юқори ички энергиясига эгаллиги билан ажралиб туради. АЭС реакторига қарши қўпоровчиликларда кўзга ташланиши мумкин⁹.

Шуни ҳам эсда тутиш лозимки, муваффақиятли ядровий терроризм актининг оқибатларини тугатишнинг молиявий ва ижтимоий-сиёсий баҳоси превентив химоя чораларининг баҳосидан анча ошади.

Биологик терроризм уруш олиб боришнинг биологик воситаларидан (бактериялар, вируслар ва ш.к.) фойдаланиб аҳолини энг кўп даражада йўқ қилишга қаратилган. Террорчи ташкилотлар биологик воситаларни ўзлари ишлаб чиқариши ёки «қора бозор»дан сотиб олиши мумкин. Бактериологик (биологик) қуролларни ишлаб чиқариш юқори даражада жиҳозланган лабораториялар ва катта харажатларни талаб қилади, шунинг учун террорчи ташкилотлар уларни ўзлари ишлаб чиқаришга қийналадилар. Учинчи дунё мамлакатларидан сотиб олиш улар учун қулайроқдир. Бундай моддаларни ташиш ва қўллаш ҳам қулай.

Кимёвий терроризм. Кимёвий қуроллар – ядровий ва бактериологик қуролларга нисбатан террорчилик операцияларини олиб бориш воситаси сифатида анча оддий ва қулай ҳисобланади. Кимёвий қуроллардан террорчилик мақсадларида фойдаланишга мисол қилиб 1995 йили Аум

⁹ Обозрение по проблемам оружия массового уничтожения в России и новых независимых государствах // Ядерный контроль. – М., 1998. – № 7. – С. 28-31.

Синрикё томонидан Токио метрополитени йўловчиларига кимёвий ҳужумни келтириш мумкин. Кимёвий терроризм икки асосий тоифага бўлинади: биринчидан, мумкин қадар кўпроқ қириб ташлаш, бунинг учун захарли моддалар одамлар кўп тўпланган ёпиқ жойларга пуркалади; иккинчидан, террорчилик актлари иқтисодий зарар келтириш ниятида озиқ-овқатларни, сувларни захарлаш орқали амалга оширилади. Кимёвий қуроллар ядровий ва биологик моддаларга нисбатан ихчам, ишлаб чиқариш қулай ва арзондир. Шу сабабдан террорчилар нуқтаи назаридан кимёвий қуроллардан фойдаланиш истиқболлидир.

Кибертерроризм (кибернетик уруш) компьютер тармоқларига ҳужум. 90-йиллар охирига келиб «компьютер терроризми» вужудга келди. Бу ўз навбатида компьютер тармоқларининг ривожланиши ҳаётнинг барча соҳаларида компьютер ролининг ошиб бориши билан боғлиқдир. Компьютерларга ноқонуний ҳужумлар маълум бир ташкилотларнинг ишларини йўқ қилиш мақсадида амалга оширилади. 1997 йилнинг августида Шри Ланка ҳукуматининг электрон почтасига «Тамилъ йўлбарслар» (ТОТИ) кибергуруҳи ҳужум қилган эди. 1998 йилнинг май, июнь ойларида Ҳиндистондаги ядро синовларига қарши бўлган хаккерлар Бадхдаги Ҳиндистон атом тадқиқот марказининг электрон почтасини йўқ қилдилар.

Ҳозирги кунга қадар кибертерроризм ҳукуматлар тармоғига сезиларли зарар келтирмаган бўлса-да, аммо эътибор бериш лозим бўлган омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Самовий терроризмни қўллаш деганда, биринчидан, ернинг сунъий йўлдошини ва бошқа космик аппаратларни йўқ қилиш ёки уларнинг тўғри ишлашига тўсқинлик қилиш тушунилади. Иккинчидан, космик аппаратларни террорчиларни алоқа билан таъминлаш учун ёки жанговар террорчилик операцияларида фойдаланиш учун эгаллаб олиш тушунилади. Самовий терроризмни амалга ошириш жуда кўп интеллектуал ва моддий ресурсларни талаб қиладиган вазифадир. Самовий терроризмнинг ҳозирча истиқболи бўлмаса-да, сунъий йўлдошларнинг кўпайиб бориши учун дунё мамлакатларининг космик аппаратлар яратишига бўлган интилишлари самовий терроризм ҳам самолётларни эгаллаб олишдек оддий бир ҳолга айланиш имкониятини яқинлаштирмоқда.

Хайжекинг – бу транспорт воситаларини зўрлик билан эгаллаб олиш, яъни самолёт, поезд, автомобиль ва кемаларни эгаллаб олишидир.

Самолётларни тез-тез эгаллаб олиш ҳоллари «скайжекинг» деб ҳам юритилади. Биринчи авиақароқчилик ҳодисаси 1930 йили содир бўлган эди. 1946, 1960, 1961, 1967 йиллари олти мартадан самолётларга ҳужум бўлган, 60-йиллар бошида АҚШда кубалик эмигрантлар ва сўл экстремистларнинг авиатерроризми авж олган эди, улар самолётларни ташвиқот ва товон олиш мақсадида олиб қочар эдилар.

1968 йилдан Фаластинликлар Европа ва Яқин Шарқда авиақароқчилик кампаниясини бошлаб юбордилар. Улар диққат-эътиборни араблар олиб бораётган курашга қаратиб, қамоқдаги араб жангариларини қўйиб юбориш ва товон тўлаш каби талабларни илгари сурдилар. 1969 йили 9 фуқаро самолётини эгаллаб олиш амалга оширилди (бунда 5 киши қурбон бўлди, 32

киши жароҳатланди). 1972 йили 59 марта самолётларни олиб қочишга уриниш бўлди, шундан 30 таси муваффақиятли бўлиб чиқди, 141 киши қурбон бўлди, 99 киши жароҳат олди). Авиатерроризм ўз чўққисига 1971 йилнинг сентябрида етди, бунда 11 кун ичида 300 йўловчи қўлга олиниб, турли хилдаги Ғарб компанияларининг 4 та самолёти йўқ қилинди¹⁰.

Авиатерроризмнинг кенг ёйилиши ҳукуматлар ва авиакомпанияларнинг қароқчиларига қарши кураши учун чоралар кўришга мажбур қилди. Фаластинликларнинг ҳужумига дучор бўлган Исроил ва Европа авиакомпаниялари самолётларга террорчилар билан курашга махсус ўргатилган агентларни жойлаштира бошладилар.

1973 йили Америка ва Европа авиа хизматчилари йўловчиларнинг юқларини доимий равишда текширишга киришдилар. Бу ўз навбатида террорчилик фаолиятига таъсир этган бўлса-да, лекин унинг даражаси юқориликча қолаверди: 1976 йили 25 аэробус олиб қочилди (218 киши қурбон бўлди ва 215 таси жароҳат олди). 80-90-йиллари ҳавода қароқчилик актлари содир этилиб турган бўлса-да, лекин уларнинг сони анча камайди¹¹.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб терроризмнинг шундай йўналишлари пайдо бўлдики, миллий ҳукуматлар жаҳон ҳамжамияти ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда иш юритиши зарур ва лозим бўлиб қолди.

Терроризм ва террорчилик актларидан жисмоний ҳимоя тизими талабларини ишлаб чиқиш учун терроризм хавфининг ўлчамларини белгилаб олиш керак. Масалан, таҳдидлар асосий модели мамлакатнинг ички ва ташқарисидаги жинойий гуруҳлар фаолиятини таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилади ва улар террорчи гуруҳлар сони, улар фойдаланадиган қурол-яроғлар ва ҳаракат ташкилотларини ўз ичига олади.

Афсуслар бўлсинки, демократик давлатлар бирлашиб, терроризмга қатъий зарба беришга кўпинча астойдил ёндашмаётирлар. Терроризмга қарши курашнинг кенг фронтини яратиш, инқирозли вазиятларда барча давлатлар учун умумий бўлган ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва бунга қатъий риоя қилиш, турли давлатларнинг полиция ва хавфсизлик хизматлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш зарур. Умумий ҳаракатлар билан террорчиларни молиявий манбалардан узиб қўйиш, террорчилик базаларини яратишга йўл қўймаслик керак.

Террорчиларни бутун дунё бўйича қонундан ташқари деб эълон қилиш зарур. Буни уюшган ҳолда бажариш керак. Дунё тажрибаси террорчилар билан яққа ҳолда курашиб бўлмаслигини кўрсатади.

Ядровий моддаларни ўғирлаш. Ядро техникаси ва ядро ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан ядро моддаларини ўғирлашга қарши кураш муаммолари ҳам вужудга келди. 1980 йилнинг 3 мартада «Ядровий моддаларни жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисида»ги махсус конвенция қабул қилинди, бу конвенция ядровий моддаларни ғаразли мақсадларда ўғирлаш ва тарқалишининг хавфсизлигини ҳисобга олиб, ҳимоя тартибини,

¹⁰ Жаринов К.В. Терроризм и террористы. Справочник. – Минск., 1999. – С. 33.

¹¹ Ўша ерда. – 36-бет.

жиноятчиларни ушлаб бериш ва жавобгарликка тортилиш тартибини аниқ белгилаб берган.

Конвенция қоидалари тинчлик мақсадларида ишлатилаётган ва халқаро ташувда бўлган ядро моддаларига нисбатан қўлланилади. Конвенция ваколатли органларнинг рухсатисиз олдиндан ўйлаб амалга оширилган қўидаги ҳар қандай ҳаракатларни жазога лойиқ ҳуқуқбузарликлар деб ҳисоблайди: кишиларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига сабаб бўладиган ёки мулкчиликка жиддий зарар етказиши мумкин бўлган ядровий моддаларни пуркаш, йўқ қилиш, ўзгартириш, бировга бериш, фойдаланиш, эгалик қилиш ёки олиш; ядровий моддаларни ўғирлаш ёки уни талаш; ядро моддаларини алдаш орқали ўзлаштириш, олиш ёки сотиш; куч ишлатиш йўли билан ёки куч ишлатаман деб таҳдид солиш ёки қўрқитишнинг бошқа шакллари билан ядро моддаларини беришга мажбур қилиш.

12.3. Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш

Қуролсизланиш - уруш олиб боришнинг моддий воситаларини қўпайтиришга барҳам бериш, уларни чеклаш, камайтириш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси. Қуролсизланишнинг умумий халқаро ҳуқуқий асоси БМТ Устави 11-моддасининг биринчи бандида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра “қуролсизланиш ва қурол-яроғларни тартибга солишни белгилловчи тамойиллар тинчлик ва хавфсизликни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг умумий тамойиллари” қаторига киради.

Ушбу тамойилларни муҳокама қилиш ваколатига Бош ассамблея эга бўлиб, у мазкур масалалар юзасидан Хавфсизлик Кенгаши ва БМТ аъзоларига тавсиялар беради. Хавфсизлик Кенгаши “қуролсизланишни тартибга солиш тизимини ташкил этиш режалари”ни тузиш учун жавоб беради. Бу вазифани бажаришда унга ҳарбий-штаб қўмитаси ёрдам беради.

Қуролсизланиш соҳасидаги нормаларнинг асосий манбалари халқаро шартномалардир: универсал халқаро шартномалар (масалан, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома (1968 й.)); регионал халқаро шартномалар (Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1967 й.)); икки тарафлама халқаро шартномалар (СССР ва АҚШ ўртасида тузилган Ракетага қарши мудофаа тизимларини чеклаш тўғрисидаги шартнома (1972 й.)). Шартномаларни мақсад ва объектларига кўра таснифлаш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ давлатларга қуролсизланиш мажбуриятини тўғридан-тўғри юклайдиган нормаларга эга эмас. Ушбу соҳада олинадиган мажбуриятлар давлатларнинг эркин хоҳиш-иродасига асосланади. Ҳозирги вақтда қисман қуролсизланиш чора-тадбирлари назарда тутилган нормалар мавжуд. Бундай чора-тадбирларга қўидагилар киради: айрим қурол турларини тақиқлаш ва йўқ қилиш; уларни ишлаб чиқариш, сақлаш, жойлаштириш ва қўллашни тақиқлаш; айрим қурол турларини миқдор ва сифат жиҳатидан чеклаш; қуролни сифат жиҳатидан такомиллаштириш

имконияти доирасини торайтириш; турли қурол-аслаҳаларни жойлаштириш ҳудудлари ёки соҳалари доирасини торайтириш.

Қурол-яроғларни қисқартириш ва қуролсизланиш чора-тадбирларига ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари яқин туради. Сўнги зикр этилган чора-тадбирлар бир тарафнинг ҳаракатлари бошқа тараф хавфсизлигига зиён етказмаслигига ишончни таъминлаш учун махсус, шартномага кўра ёки боқача тарзда амалга оширилади. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади: тарафлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, денгиз навигация хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий фаолият ҳақида ўзаро ахборот алмашиш ва ҳ.к.

Қуролсизланиш халқаро назорат институтининг мавжудлигини назарда тутди. Халқаро назорат институти - шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиб бориш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш усуллари мажмуи. Назорат олиб боришнинг миллий техник воситалари (Ернинг сунъий йўлдошлари, сейсмик станциялар ва б.) ҳам, халқаро назорат воситалари (масалан, халқаро инспекторлар гуруҳи) ҳам мавжуд.

Қуролсизланиш соҳасида назорат икки тарафлама ва кўп тарафлама асосларда, шартнома бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади. Лекин ҳарбий салоҳият устидан келишилган тартибда назорат олиб бориш зарурлиги билан текшириш чора-тадбирлари ўртасида зиддият юзага келади.

Маълумотлар тўплаш техник воситаларининг тараққий этиши бу зиддиятни қисман ҳал қилиш имконини беради. Уларнинг ишлашига атайлаб ҳалақит бериш, назорат қилишни қийинлаштирадиган ниқоблардан фойдаланиш тақиқланади. Ҳозирги даврда жойнинг ўзида инспекция қилиш усули ҳам қўлланади. Бунда инспекторлар таркиби халқаро бўлиши мумкин.

Назорат олиб боришнинг миллий техник воситалари муваффақиятли фаолият кўрсатиши учун назорат қилиниши лозим бўлган қурол-яроғ тизимларини ҳисоблашнинг мувофиқлаштирилган қоидалари, улар жойлашган ерлар, амалга ошириш мулжалланган тадбирлар ҳақида олдиндан хабар бериш каби қўшимча чора-тадбирлар ҳам зарур.

1968 йилги Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома назорат олиб боришнинг кўп тарафлама шакллари намоиши этади. Ядро қуролига эга бўлмаган аъзо давлатлар бу шартномага амал қилишини текшириш халқаро инспекцияларни амалга оширувчи МАГАТЭга юкланган. Бошқа ҳолларда махсус текширув органи тузилади. Масалан, 1993 йилги Кимёвий қуролни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияда ушбу ҳужжат қоидаларига риоя қилинаётганини текшириш учун кимёвий қуролни тақиқлаш бўйича ташкилот тузиш назарда тутилган.

Текширишнинг миллий ва халқаро воситалари уйғунлиги, шунингдек, кўп босқичли назорат қўлланилиши ҳам мумкин (масалан, 1971 йилги Денгиз ва океанлар туби ҳамда остида оммавий Қирғин қуролларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома).

12.4. Халқаро ҳуқуқ ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар

Қуролланиш пойгасининг бошланиши атом қуроли билан боғлиқдир. Маълумки, 1945 йил АҚШ жаҳонда атом қуролига эга бўлган ягона давлатга айланди. Стратегик устунлик шунга олиб келдики, АҚШ ҳарбийлари собиқ СССРга превентив зарба бериш учун турли режа туза бошлади. Лекин АҚШнинг ядро қуролига бўлган монополияси фақат тўрт йил давом этди. 1949 йил собиқ СССР ўзининг биринчи атом бомбасини синовдан ўтказди. Бу воқеа “совуқ уруш” бошланишига олиб келди. Тез орада собиқ СССРда ядро, сўнгра термоядро қуроли яратилди. Агар уруш бошланиб, рақиблардан бири ядро қуролини қўллаганида, тез орада нафақат ундан, балки бутун сайёрадан ҳам ҳеч нарса қолмаган бўлар эди.

Ядро қуроли оммавий қирғин қуроллари қаторига киради. Халқаро ҳуқуқнинг бу соҳадаги нормалари мажмуаси, айниқса, ривожланган. Ядро қуроли ҳозирча тақиқланмаган, лекин БМТ Бош ассамблеяси ядро қуролини қўллашни тақиқлаш тўғрисида бир канча резолюция қабул қилди. 1963 йил 5 августда қабул қилинган Ядро қуролини атмосфера, фазо бўшлиғи ва сув остида синовдан ўтказишни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома ядро қуролини чеклашга оид илк шартномалардан биридир.

Ушбу шартномага биноан, давлатлар ядро қуролини атмосферада, атмосферадан ташқарида, фазо бўшлиғида, сув остида, шу жумладан, территориал сувлар ва очиқ денгизда синов учун портлатмаслик, бундай синовларни тақиқлаш ва уларга барҳам бериш мажбуриятини олди. Шартноманинг тақиқловчи нормалари ҳозирча ядро синовларини ер остида ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

1968 йил 1 июнда тузилган Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага биноан, иштирокчи давлатлар ўз ядро қуролини (ёки улар устидан назоратни) ҳеч кимга бермасликлари лозим. Улар учинчи мамлакатга ядро қуролини ишлаб чиқариш ёки эгаллашда ёрдам бермасликлари керак.

Ядро қуролига эга бўлмаган иштирокчи давлатлар бундай қуролни бировдан олишлари ва ишлаб чиқаришлари мумкин эмас. Ядро қуроли нафақат муайян давлатларга, балки давлатларнинг гуруҳларига, шу жумладан, ҳарбий иттифоқларга ҳам берилмаслиги керак.

Антарктика (Антарктика тўғрисидаги шартнома (1959 й.)), Лотин Америкаси (Лотин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1967 й.)), Тинч океанининг жанубий қисмида (Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (1985 й.)), Денгиз туби ва остида (Денгиз, океанлар туби ва остида ядро қуроли ҳамда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (1971 й.)), Ойда ва бошқа осмон жисмларида (Ойда ва бошқа осмон жисмларида давлатларнинг фаолияти тўғрисидаги битим (1984 й.)) ҳар қандай ядро портлашлари, шунингдек, ядро қуролини жойлаштириш тақиқланади.

Мавжуд нормалар ядро қуроли тарқалишининг олдини олишга ва ядро қуролига эга давлатлар сифатида эътироф этилган беш давлат (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ва Хитой)дан ташқари, бошқа бирон-бир давлат бундай қуролни эгаллашига йўл қўймасликка қаратилган.

Ҳозирги вақтда *стратегии ядро қуролларини* тартибга солиш долзарб муаммо бўлиб қолаётир. “Стратегик қуроллар” атамаси шартли бўлиб, ҳозирда қитъалараро баллистик ракеталар, оғир бомбардимончи самолётлар, бомбалар, баллистик ракета ва қанотли ракеталарни ташувчи восита сифатида, сувости кемаларидан учириладиган баллистик ракеталарни, шунингдек, ракетага қарши муҳофаа воситаларини қамраб олади.

Ядро қуролидан ҳоли зоналар ташкил этиш ядро қуролидан фойдаланиш устидан назорат олиб боришнинг усулларидан биридир.

Масалан, Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (1985 йил) ушбу ҳудудда портловчи ядро қурилмаларини жойлаштиришдан воз кечишни назарда тутди. Шартнома тарафдорлари ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни олади:

1. Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида ва ундан ташқарида ҳар қандай портловчи ядро қурилма ларини ишлаб чиқармаслик ёки бирон-бир йўл билан уларга эга бўлмаслик ва улар устидан назоратни амалга оширмаслик;

2. Ҳар қандай портловчи ядро қурилмаларини ишлаб чиқариш ёки эгаллашда умуман ёрдам олмаслик ва олишга ҳаракат қилмаслик.

Шартномада ушбу ҳудудда портловчи ядро қурилмаларини синовдан ўтказишга йўл қўймаслик белгилаб қўйилган. Шартнома иштирокчилари қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- ўз ҳудудида ҳар қандай портловчи ядро қурилмалари синовдан ўтказилишига йўл қўймаслик;

- бир давлат ҳар қандай портловчи ядро қурилмаларини синовдан ўтказишга кўмаклашиш ёки буни рағбатлантиришга қаратилган бирон-бир ҳаракатларни амалга оширмаслик.

Ядро қуролидан ҳоли қуйидаги ҳудудларда ядро чиқиндиларини кўмиш тақиқланади:

- тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмиш;

- ўз территориял денгизида радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмишга йўл қўйиш;

Тинч океанининг жанубий қисмидаги ядросиз зона доирасида денгизда радиоактив чиқинди ва бошқа радиоактив моддаларни кўмишга кўмаклашиш ёки буни рағбатлантиришга қаратилган бирон-бир ҳаракатларни амалга оширмаслик.

12.5. Бактериологик ва кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар

Оммавий қирғин қуролларига, ядро қуролидан ташқари, кимёвий ва бактериологик қуроллар ҳам қиради. Бактериологик қуроллар ялпи

тақиқланган: бундай қуролларни нафақат урушда қўллаш, балки уларни яратиш, ишлаб чиқариш ва сақлаш ҳам тақиқланади, захиралари эса йўқ қилиниши ёки тинчлик мақсадида ишлатилиши лозим (Бактериологик (биологик) ва захарли қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил)).

1925 йилдан кимёвий қуроллардан уруш олиб бориш воситаси сифатида фойдаланиш тақиқланади (Урушда бўғувчи, захарловчи ва бошқа шунга ўхшаш газлар ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги баённома (1925 йил)).

Имзоланган кимёвий қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1993 йил) кучга кирганидан сўнг мазкур қуролларга нисбатан ҳам ялпи тақиқ ўрнатилди.

Бундай тақиқ ўрнатилишини тезлаштириш учун собиқ СССР ва АҚШ кимёвий қуроллар ишлаб чиқаришни тўхтатиш, ушбу қуролларнинг ўзларида мавжуд захираларини анча қисқартиришга ва бу соҳадаги ҳаракатларни янада фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга келишишди (Кимёвий қуролларни йўқ қилиш ва ишлаб чиқармаслик (1990 йил) ҳамда кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги кўп тарафлама конвенцияга имконият яратиш чора-тадбирлари тўғрисидаги битим).

Бактериологик (биологик) ва захарли қуролларни яратиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг захираларини вужудга келтиришни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил) ўзининг ҳар бир иштирокчисига қўйидагиларни ҳеч қачон ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сақлаш мажбуриятини юклади:

- микробиологик ёки бошқа биологик агент ва токсинларни, уларнинг келиб чиқиши ҳамда ишлаб чиқариш усулидан қатъи назар, профилактика, химоя ёхуд бошқа тинч мақсадлар учун мўлжалланмаган турлар ва микдорда;

- агентлар ёки токсинлардан ёвуз мақсадда ёки қуролли можароларда фойдаланиш учун мўлжалланган қуроллар, ускуналар ёки уларни етказиш воситаларини.

Давлатлар мумкин қадар тезроқ лекин Конвенция кучга кирганидан сўнг 9 ойдан кечиктирмасдан ўзларига қарашли барча агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ва уларни етказиш воситаларини йўқ қилиш ёки тинчлик мақсадида йўналтириш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, Конвенцияга аъзо давлатлар:

- ҳар қандай агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ёки уларни етказиш воситаларини ҳеч кимга бермаслик, уларни ишлаб чиқариш ёки эгаллашга бирон-бир тарзда ёрдам бермаслик;

- ушбу Конвенция қоидаларини бажариш муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишда бир-бири билан маслаҳатлашиш ва ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар.

Конвенцияга унинг бажарилишини таъминлайдиган қоидалар ҳам киритилган. Бунда миллий ва халқаро аҳамиятга молик чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади. Бир томондан, Конвенция иштирокчилари

ўз конституция ва қонунларига мувофиқ ўз ҳудуди доирасида агентлар, токсинлар, қуроллар, ускуналар ва уларни етказиш воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, эгаллаш ёки уни тақиқлаш учун зарур чора-тадбирлар кўришлари лозим.

Бошқа томондан, Конвенцияга аъзо давлат бошқа аъзо давлат Конвенция қоидаларини бузаётганини аниқлаган бўлса, у Хавфсизлик Кенгашига шикоят бериши мумкин. Конвенцияга аъзо ҳар бир давлат, Хавфсизлик Кенгаши олинган шикоятга асосан, БМТ Устави қоидаларига мувофиқ амалга оширадиган ҳар қандай текширувларни ўтказишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади. Хавфсизлик Кенгаши текширув натижалари ҳақида Конвенцияга аъзо давлатларга ахборот беради.

Ушбу Конвенция жуда катта аҳамиятга эга, чунки унда кимёвий қуролларга барҳам бериш тўғрисида сўз юритилади. Мазкур Конвенция қуролланиш пойгасига чек қўйиш соҳасида шу пайтгача тузилган барча битимлардан айнан шу жиҳатдан фарқ қилади, чунки сўнгги зикр этилган битимларда қуролларнинг муайян турларини мутлақо йўқ қилиш назарда тутилмаган.

Кимёвий қуролларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция 1993 йил 13 январда Парижда, 130 та давлат томонидан имзоланди. Ҳозирда Конвенция аъзолари сони 174 тага етди, шулардан 145 та давлат ўз ратификация ёрликларини депозитарий - БМТ Бош котибига топширди.

Конвенция номуайян муддатга тузилган. Конвенциянинг консултатив ва назорат органи вазифасини Кимёвий қуролларни тақиқлаш бўйича ташкилот бажаради. Кимёвий қуроллар жамулжамликда ёки алоҳида ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- заҳарли химикатлар ва уларнинг прекурсорлари, улар ушбу Конвенцияда тақиқланмаган мақсадлар учун мўлжалланган ҳоллар бундан мустасно; (агар уларнинг турлари ва миқдори бундай мақсадларга мос келса);
- инсонларнинг ўлимига сабаб бўлувчи заҳарловчи хоссаларига эга ёки бошқача зарар етказиш учун мўлжалланган ўқ-дори ва қурилмалар;
- ўқ-дори ва қурилмаларни қўллашга мўлжалланган ҳар қандай ускуналар.

Конвенция ҳар бир иштирокчига ҳеч қачон, бирон-бир ҳолатда:

- кимёвий қуролларни ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик, бошқача тарзда эгалламаслик, жамғармаслик ёки сақламаслик ва бировга бевосита ё билвосита бермаслик;
- кимёвий қуролларни қўлламаслик;
- кимёвий қуролларни қўллашга ҳарбий тайёргарлик кўрмаслик;
- ушбу Конвенцияда иштирокчи давлат учун тақиқланган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда бошқаларга ёрдам бермаслик, уларни рағбатлантирмаслик ёки даъват этмаслик мажбуриятини юклади.

Ҳар бир иштирокчи давлат:

- ўз ихтиёрида бўлган кимёвий қуролларни йўқ қилиш;
- ўзи бошқа иштирокчи давлат ҳудудида қолдирган барча кимёвий қуролларни йўқ қилиш;

- ўз ихтиёридаги барча кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш объектларини йўқ қилиш;

- тартибсизликларга қарши кураш кимёвий воситаларидан уруш олиб бориш воситаси сифатида фойдаланмаслик;

- кимёвий қуролларни ишлаб чиқмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сақламаслик;

Конвенция кучга кирганидан кейин, 2 йилдан кечиктирмасдан ушбу қуролни йўқ қилиш бўйича ишларни бошлаш, ва уларни Конвенция кучга кирганидан сўнг 10 йилдан кечиктирмасдан яқунлаш мажбуриятини олади. Кимёвий қуролларни йўқ қилиш жараёни фаннинг энг сўнгги ютуқларига жавоб бериши ва махсус жихозланган объектда амалга оширилиши лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. «Терроризм» ва «террор» атамаларини тушунтириб беринг
2. Терроризмнинг қандай янги кўринишларини биласиз?
3. Транспорт воситаларини зўрлик билан эгаллаб олиш терроризмнинг қандай тури ҳисобланади.
4. Ядровий терроризм нима, у қандай амалга оширилади?
5. “Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи” тушунчасини изоҳлаб беринг.
6. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг манбаларини санаб беринг.
7. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тамойилларининг аҳамияти қандай?
8. “Халқаро хавфсизликка ялпи ёндашиш” нимани англатади?
9. Ялпи халқаро хавфсизликни таъминлашда БМТнинг роли қандай?
10. Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий воситаларига нималар киради?
10. Коллектив хавфсизлик нима?
11. Коллектив хавфсизликнинг қандай турлари мавжуд?
12. Ҳозирги даврда ядро урушининг олдини олиш ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?
13. “Кўшилмаслик ҳаракати” нима ва унинг асосий тамойиллари қандай?
14. “Қуролсизланиш” тушунчаси нимани англатади ва унинг қандай турлари бор?
15. Марказий Осиёни ядровий қуролдан ҳоли зона деб эълон қилиш тўғрисидаги Ўзбекистан Республикасининг ташаббуси амалиётга қандай татбиқ этилмоқда?

Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2020
2. Халқаро ҳуқуқ. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. –Т.: ТДЮУ, 2018
3. Лукашук И.Л., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.

5. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – T.: Adolat, 2007.
6. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
7. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
8. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
9. Рафиқова М., Ачиллов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий кўлланма. -Т. 2016
10. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
11. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
12. Конвенция о предупреждении терроризма и наказании за него от 16 ноября 1937 года.
13. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Тошкент ш., 2000 йил 15 декабрь, 167-II-сон.
14. Конвенция о физической защите ядерного материала и ядерных установок. Вена, Нью-Йорк, 26 октября 1979 года.

13-мавзу. Халқаро жиноят ҳуқуқи

Режа:

13.1. “Халқаро жиноят ҳуқуқи” тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар

13.2. Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари. “Халқаро жиноятлар” тушунчаси ва унинг турлари

13.3. Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг турлари ва шакллари

Таянч иборалар:

Атом энергияси. Муқобил энергиядан фойдаланиш. Халқаро низо. Халқаро ҳуқуқ жиноят. Қуролли низолар ва уларнинг турлари. Халқаро иқтисодий ва савдо ҳуқуқи. Халқаро процессуал ҳуқуқи.

13.1. “Халқаро жиноят ҳуқуқи” тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар

Халқаро жиноят ҳуқуқи - халқаро шартномаларда назарда тутилган жиноятларга қарши кураш соҳасида давлатларнинг ҳамкорлигини тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоғи сифатида у XIX асрда шакллана бошлади ҳамда қуллик, қалбаки пул ясаш, бангифурушлик, урушнинг қонун ва одатларини бузиш каби жиноятларга қарши кураш соҳасида давлатлар тажрибасининг умумлаштирилишига қараб такомиллашиб борди.

Халқаро жиноят ҳуқуқининг асосий тамойиллари орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- агрессив урушни тақиқлаш;
- халқаро ҳуқуққа биноан жиноий деб топилган ҳар қандай қилмишни содир этганлик учун жазонинг муқаррарлиги;
- агар давлат халқаро ҳуқуққа биноан тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар тоифасига мансуб деб топилган ҳаракатлар учун жазо белгиламаган бўлса, бу айбдор шахсни халқаро жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди;
- халқаро жиноят содир этган шахснинг мансаб мавқеи уни шахсий жавобгарликдан озод қилмайди;
- шахснинг ўз ҳуқуқмати ёки бошлиғининг жиноий буйруғини ижро этганлиги бу шахсни жавобгарликдан озод қилмайди, башарти у буйруқни бажариш ёки бажармасликни онгли равишда танлаш имкониятига эга бўлган бўлса;
- халқаро жиноятда ёки халқаро аҳамиятга молик жиноятда айбланган ҳар бир шахс ўз иши судда одилона кўрилиши ҳуқуқига эга;

- ҳарбий жиноятчиларга ва инсониятга қарши жиноятларга муддати ўтган қоидаларни қўлламаслик;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.) 7-11-моддаларида эълон қилинган жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишнинг халқаро тамойиллари (айбсизлик презумпцияси, урушни тарғиб қилиш, қийноққа солишнинг тақиқланиши ва ҳ.к.).

Ҳозирги вақтда халқаро жиноят ҳуқуқи соҳасида кўп тарафлама универсал шартномалар тизими вужудга келган:

- Геноцид жиноятларига барҳам бериш ва улар учун жазога тортиш тўғрисидаги конвенция (1948 й.);

- Одамфурушликка ва учинчи шахсларнинг проституциядан фойдаланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.);

- Қуллик, кул савдоси ҳамда қулликка ўхшаш институтлар ва одатларга бардам бериш тўғрисидаги қўшимча конвенция (1956 й.);

- Апартеид жиноятларига бардам бериш ва улар учун жазога тортиш тўғрисидаги халқаро конвенция (1973 й.);

- Ҳаво кемалари бортида содир этиладиган жиноятлар ва бошқа айрим ҳаракатлар тўғрисидаги Токио конвенцияси (1963 й.);

- Ҳаво кемаларини ғайриқонуний эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Гаага конвенцияси (1970 й.);

- Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги Монреаль конвенцияси (1971 й.);

- Гиёҳвандлик моддалари тўғрисидаги конвенция (1961 й.);

- Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция (1971 й.);

- Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1988 й.);

- Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, шу жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция (1973 й.);

- Шахсларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (1979 й.);

- Ядровий материални физик ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1980 й.) ва ҳ.к.

1872 йил бўлиб ўтган Биринчи пенитенциар конгрессда халқаро жиноят ва пенитенциар комиссияси (ХЖПК) тузилди. БМТнинг ташкил топиши билан халқаро жиноятчиликка қарши курашда янги босқич бошланди. БМТ Уставига мувофиқ мазкур муаммонинг турли жиҳатлари Бош ассамблея ҳамда Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан мунтазам муҳокама қилинади.

Айрим ҳолларда бу муаммоларни муҳокама қилишга Хавфсизлик Кенгаши ҳам қўшилади. Унинг 1989 йил 14 июндаги 635-сон резолюциясига мувофиқ, фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) пластик портловчи моддаларни аниқлаш мақсадида уларни тамғалаш тўғрисидаги конвенцияни тайёрлади.

Бу конвенция 1991 йил 79 давлат томонидан имзоланди. ИКАОдан ташқари, халқаро жиноятчиликка қарши кураш билан БМТнинг бошқа

ихтисослашган муассасалари, шунингдек, кўпгина ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари ҳам шуғулланади.

Лекин асосий иш БМТ доирасида амалга оширилади. 1950 йил Бош ассамблея қарорига биноан, ХЖПК ўрнига Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитаси тузилди. Ушбу қўмита ЭКОСОС сессияларида 4 йил муддатга сайланадиган 27 аъзодан иборат.

Қўмита БМТ органларининг жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришда ЭКОСОСга ёрдам берди, ушбу соҳада ҳамкорлик дастурларини тайёрлади, давлатлар ўртасида тажриба алмашишга кўмаклашди.

БМТ Бош ассамблеяси 1991 йил 18 декабрда қабул қилган қарорга биноан Қўмита ўз фаолиятини тўхтатди, унинг ўрнига ЭКОСОС таркибида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий адлия бўйича комиссия тузилди.

Ушбу комиссия таркибига ЭКОСОС 3 йил муддатга сайлайдиган 40 давлат вакиллари киритилди. Комиссиянинг вазифаси БМТнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги раҳбар тамойилларини ишлаб чиқиш, БМТнинг шу соҳадаги дастурлари амалга оширилишини назорат қилиш, минтақавий ва минтақалараро институтларнинг тадбирларини мувофиқлаштиришда ёрдам беришдан иборат.

Биринчи сессияда (Вена, 1992 йил апрель) Комиссия ўз фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олди. Улар орасида уюшган ва иқтисодий жиноятчилик, шу жумладан ноқонуний топилган пулларни қонунийлаштириш, атроф-муҳитни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза қилиш ва бошқалар бор.

БМТ Бош ассамблеясининг 1950 йил 1 декабрдаги қарорига биноан, миллий корреспондентлар институти тузилди. Давлатларга жиноятчиликка қарши кураш ва жиноятчилар билан муомалада бўлиш соҳасида профессионал малака ёки тажрибага эга бўлган бир ёки бир неча вакиллар ёхуд илмий экспертларни БМТ Ижтимоий департаменти ҳузурида индивидуал корреспондентлар сифатида иш олиб бориш учун тайинлаш таклиф қилинди.

БМТнинг мазкур соҳадаги фаолиятида БМТ Котибияти доирасида тузилган Ижтимоий тараққиёт ва гуманитар масалалар бўйича марказ алоҳида ўрин эгаллайди. Бу Марказ қошида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий адлия бўлими иш олиб боради. Айти вақтда, бўлим жиноятчиликнинг олдини олиш конгресслари котибияти ва комиссияси вазифаларини ҳам бажаради.

Фаолияти БМТ билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа кўпгина органлар ҳам мавжуд. Улар орасида Жиноят полицияси халқаро ташкилоти (Интерпол)ни қайд этиш лозим.

Жиноят полицияси халқаро ташкилоти 1919 йил тузилган, лекин ҳозирги кўринишда Жиноят полицияси халқаро ташкилоти Устави қабул қилинган ва у 1956 йилдан бери фаолият кўрсатиб келади. Интерполнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- жиноят полицияси барча миллий органларнинг кенг миқёсда ҳамкорлик қилишини таъминлаш;
- жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш муассасаларини ривожлантириш.

Интерполга сиёсий, ҳарбий, диний ёки ирқий кўринишдаги бирон-бир фаолиятни амалга оширишга рухсат этилмайди.

Интерпол фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Жиноятларни рўйхатга олиш. Рўйхатга олиш объекти - халқаро аҳамиятга молик жиноятлар ва халқаро жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар.

2. Халқаро қидирув. (Интерпол каналлари орқали қидирувнинг асосий тури - жиноятчиларни қидириш.)

3. Жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни қидириш, уларни кузатиш ва ҳаракатларини назорат қилиш.

4. Бедарак йўқолган шахсларни қидириш.

5. Ўғирланган ашёлар (транспорт воситалари, санъат асарлари, курол-яроғ ва б.)ни қидириш.

13.2. Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари. “Халқаро жиноятлар” тушунчаси ва унинг турлари

Ҳуқуқбузарлик объектининг мазмуни, ижтимоий хавфлилик даражаси ёки хусусиятларига қараб, халқаро ҳуқуқбузарлик ва халқаро жиноят фарқланади.

Халқаро ҳуқуқбузарлик - муайян давлатнинг бошқа давлат унинг органлари ёки фуқаролари ҳуқуқларини бузиши. Халқаро шартномаларга риоя этиш, дипломатик ваколатхона ёки унинг ходимлари дахлсизлиги, чет эл фуқароларининг ҳуқуқлари - халқаро ҳуқуқбузарлик объекти, яъни тажовуз предмети бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят - муайян давлат халқаро мажбуриятни бузиши натижасида юзага келадиган ва бир ёки бир неча давлатга хавф соладиган халқаро ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат.

Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, уруш, қонун ҳамда одатлари, агрессив уруш, геноцид, ирқчилик ва ирқий камситиш, қуллик, атмосферанинг ёки Жаҳон океани сувларининг оммавий ифлосланиши (экоцид) - халқаро жиноят объектлари бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят содир этилган ҳолда нафақат жабрланган давлат, балки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ҳам ҳуқуқбузар давлатни жавобгарликка тортишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолда эса фақат ҳуқуқлари бевосита бузилган давлат ҳуқуқбузар давлатни жавобгарликка тортишни талаб қилишга ҳақлидир.

Агрессия, геноцид, терроризм, инсон ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш халқаро жиноятлар ҳисобланади. Собиқ Югославия худудида (1993 йил) халқаро гуманитар ҳуқуқни жиддий бузганлик учун жавобгар шахсларни суд тартибида кўриш учун тузилган Халқаро трибунал Уставида “геноцид” тушунчаси “муайян миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман қириб ташлаш ниятида содир этиладиган ҳаракатлар” сифатида таърифланган (4-модда).

Геноциддан ташқари, қуйидаги жиноятлар ҳам ўз норматив таърифига эга: апартеид (1973 йил конвенция), ирқчилик ва ирқий камситиш (1965 йил

конвенция), ядро қуролини ҳарбий мақсадда қўллаш (1961 йил БМТ Бош ассамблеясининг ядро қуролини уруш мақсадларида қўллашни тақиқлаш тўғрисидаги декларацияси).

Сўнгги йилларда терроризм, ёлланган жангарилардан фойдаланиш, уларни ўқитиб-ўргатиш ва маблаг билан таъминлаш, атроф-муҳитга қасддан ва жиддий зиён етказиш, инсон ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш каби хатти-ҳаракатлар ҳам ҳалқаро жиноятлар сифатида тан олинди.

Халқаро жиноятлар учун халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари (давлатлар, халқаро ташкилотлар) ҳам, фуқаролар ҳам жавобгар бўлиши мумкин (фуқаролар жинойий жавобгарликка тортилади). Айтиш лозимки, айбдор фуқаролар давлат сиёсати доирасида амалга оширилган ҳаракатлари учун ҳам, ундан ташқарида содир этилган қилмишлари учун ҳам халқаро жавобгарликка тортилиши мумкин.

Масалан, Халқаро терроризмга бардам бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги декларацияга (1994 й.) мувофиқ, террорчилик ҳаракатлари содир этишда айбдор бўлган ҳар қандай шахслар жавобгарликка тортилиши шарт.

Жиноятлар халқаро ҳамжамият манфаатларига қай даражада дахлдорлигига қараб, икки гуруҳга ажратилади:

- халқаро жиноятлар - муайян шахс ёки шахслар гуруҳининг давлатлар халқаро жиноятлари, чунончи, агрессив уруш, апартеид ва ҳ.к. билан бевосита боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлари;

- халқаро аҳамиятга молик жиноятлар - муайян давлат сиёсати билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этиладиган, лекин нафақат миллий, балки халқаро ҳуқуқий тартиботга ҳам дахл этадиган, икки ёки ундан ортиқ давлатларга ижтимоий хавф туғдирадиган ҳуқуқбузарликлар (терроризм, гиёҳвандлик моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва ҳ.к.).

Ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари халқаро жиноят объекти бўлиши мумкин. Айтиш вақтда, халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар ҳам халқаро жиноят объектлари бўлишлари мумкин. Халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар ва дипломатик агентларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция 1973 йил 14 декабрда қабул қилинган.

Ушбу Конвенцияга мувофиқ, халқаро ҳимоядан фойдаланаётган шахслар деганда, хусусан, давлат бошлиқлари, шунингдек, давлатларнинг ҳар қандай вакиллари ва мансабдор шахслари тушунилади.

Объектига қараб, халқаро жиноятларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- **тиичликка қарши жиноятлар** (халқаро шартномалар ёки аҳдномаларга зид равишда агрессив урушни режалаштириш, тайёрлаш, бошлаш ёки олиб бориш, бундай ҳаракатларнинг исталган бирини амалга оширишга қаратилган ҳар қандай режа ёки фитнада иштирок этиш);

- **ҳарбий жиноятлар** - уруш қонун ва одатларини жиддий бузиш (оккупация қилинган ҳудудларнинг ноҳарбий аҳолисини ўлдириш, қийноққа солиш ёки мажбурий ишларга ҳайдаб кетиш, ҳарбий асирларни ёки денгиздаги шахсларни қийноққа солиш; гаровга олинган шахсларни ўлдириш; жамоат мулки ёки шахсий мулкни талон-торож қилиш; шаҳар ва қишлоқларни

мақсадсиз вайрон қилиш; биологик экспериментлар ўтказиш; ҳарбий асир ёки ноҳарбий шахсни душман қуролли кучларида хизмат қилишга мажбурлаш; маданий, маиший, хайрия, ўқув, бадиий ва илмий муассасаларни, тарихий ёдгорликларни, бадиий ва илмий бойликларни эгаллаш, вайрон қилиш ёки қасддан йўқ қилиш);

- **инсониятга қарши жиноятлар** - (ноҳарбий аҳолини ўлдириш, қириб ташлаш, азоблаш, сургун қилиш ва бошқа шафқатсизликлар содир этиш ёки сиёсий, ирқий ё диний сабабларга кўра таъқиб қилиш, қийнаш, қамаш, номусга тегиш, терроризм)нинг хусусияти шундаки, у тинчликка қарши ёки ҳарбий жиноятлар содир этиш мақсадида ёки шу муносабат билан содир этилади.

Ирқчилик, апартеид, геноцид ҳам инсониятга қарши жиноят саналади.

Халқаро аҳамиятга молик жиноятлар хавфлилик даражаси, жиноий тажовуз объекти ва бошқа белгиларга қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- халқаро муносабатлар барқарорлигига қарши жиноятлар (халқаро терроризм; шахсни гаровга олиш; ядровий материални ўғирлаш; жангариларни ёллаш, урушни тарғиб қилиш ва б.);

- давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига зарар етказадиган жиноятлар (қалбаки пул ясаш; жиноий йўл билан олинган даромадларни қонунийлаштириш, гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, контрабанда, норасмий эмиграция, алоҳида иқтисодий зона ва Континентал шельф ҳуқуқий режимини бузиш, халқларнинг маданий бойликларини ўғирлаш ва б.);

- инсоннинг шахсий ҳуқуқларига жиноий дахл этиш (қуллик; қул савдоси, аёллар ва болалар билан савдо қилиш, проституциядан учинчи шахсларнинг фойдаланиши; порнографик материалларни тарқатиш, қийноққа солиш ҳамда муомала ва жазонинг инсонийликка зид бошқа турлари, инсон ҳуқуқларини сурункали ва оммавий бузиш);

- очик денгизда содир этиладиган жиноятлар (қароқчилик; сувости кабели ёки қувур йўлини узиш ва шикастлантириш, очик денгиздан руҳсатсиз радиоалоқа қилиш; денгиз кемалари тўқнашуви, денгизда ёрдам бермаслик, денгизни зарарли моддалар билан ифлослантириш ва б.);

- халқаро аҳамиятга молик ҳарбий жиноятлар (муайян шахсларнинг уруш олиб боришнинг тақиқланган восита ва усулларини қўллаши; уруш ҳаракатлари бораётган ҳудудда аҳоли устидан зўравонлик ҳаракатлари, Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой белгиларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёки уларни суистеъмол қилиш, мародёрлик, ҳарбий асирлар билан ёмон муомалада бўлиш, ярадор ва беморларга нисбатан мажбуриятларни қўполлик билан бажариш, бошқа ҳарбий асирларга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш ва ҳ.к.).

Келтирилган тасниф муайян қонуниятларга асосланмайди ва шартли хусусиятга эга. Халқаро муносабатларнинг беқарорлиги, қуролли можаролар ва инқилобий тангликлар шароитида бундай жиноятлар сони сезиларли даражада кўпаяди.

Айбдорларни жазолаш ва халқаро жиноятларнинг ҳолатларини аниқлаш учун халқаро трибуналлар тузилади (энг машхур ҳарбий трибуналлар Иккинчи жаҳон уруши охирида тузилган: Нюрнберг ҳарбий трибунали,

Токиодаги Халқаро трибунал). Ҳозирги даврда собиқ Югославия ва Руанда бўйича трибуналлар мавжуд. Бундай трибуналлар асосан ad hoc тамойилига кўра иш олиб боради.

13.3. Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг турлари ва шакллари

Жиноятчиликка қарши халқаро кураш деганда, шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг муайян турларига қарши кураш соҳасида давлатларнинг ҳамкорлиги тушунилади.

Бу ҳамкорлик узоқ тарихга эга. Жиноятчиларни топшириш бўйича ҳамкорлик халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашнинг илк шаклидир. Муайян босқичда тажриба алмашиш зарурати туғилди. Фантехника тараққиётининг ривожланишига қараб, ушбу соҳадаги ҳамкорлик ўз қиёфасини ўзгартирди ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда тобора муҳим роль ўйнамоқда. Жинойи ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, жиноятчиларни қидириш, гувоҳларни сўроқ қилиш, ашёвий далиллар тўплаш ва бошқа соҳаларда ҳам шу ҳолат кузатилмоқда.

Савдо-сотик, денгизда кемалар қатнови, давлатлар ўртасидаги алоқалар ривожланишига қараб, умумий манфаатларга дахлдор жиноятларнинг муайян турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик доираси ҳам кенгайиб борди.

Денгиздаги қароқчиликка қарши кураш қадимдан кенг тарқалган. Бу жиноят давлатлар томонидан халқаро жиноят сифатида эътироф этилган, қароқчилар эса инсоният душманлари деб аталган. 1982 йил БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенциясида, шунингдек, бошқа бир қанча кўп тарафлама шартномаларда денгиздаги қароқчиликка қарши кураш қоидалари белгилаб қўйилган.

1815 йил Вена конгрессида ҳабаш қуллар савдосига бардам бериш тўғрисида биринчи ҳужжат қабул қилинган. 1841 йил беш давлат ўртасида Америкага ҳабаш қулларни олиб келишни тақиқловчи шартнома имзоланди.

Ушбу шартнома 1885 йил Берлин конференциясида қабул қилинган Конго дарёсида тўғрисидаги ва 1890 йил Брюссель конференциясида қабул қилинган қулфурушликка қарши кураш тўғрисидаги ҳужжатлар билан тўлдирилди.

Ушбу ҳужжатларда қулфурушлик жиноят сифатида эътироф этилди. Бу қоида 1926 йил Миллатлар Лигаси доирасида имзоланган Қуллик тўғрисидаги конвенцияда ва ушбу Конвенцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1953 йил Баённомасида янада аниқроқ белгиланган. Уларда нафақат қул савдоси, балки қулликнинг ўзи ҳам қонунга зид, деб эълон қилинган.

Кейинроқ давлатлар порнографияга қарши курашда ҳамкорлик қила бошладилар. Бу жиҳатдан Порнографик нашрларни тарқатишга қарши кураш тўғрисидаги Париж конвенцияси (1910 й.) ҳамда Порнографик нашрлар билан муомалада бўлиш ва савдо қилишга бардам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция (1923 й.) диққатга сазовордир.

Ушбу конвенцияларга мувофиқ, давлатлар ўз зиммаларига порнографик нашрларни сотиш, тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ва олиб чиқишда айбдор шахсларни жиноий таъқиб қилиш ва жазолаш мажбуриятини олдилар.

Миллатлар Лигаси доирасида ва ушбу ташкилот тузилишидан олдинроқ давлатлар аёллар ва болалар билан савдо қилишга қарши курашга киришдилар. Одамфурушликка ва учинчи шахсларнинг проституциядан фойдаланишига қарши кураш тўғри сидаги конвенция (1949 й.) бу соҳада қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, давлатлар қўшмачилик, проституцияга оғдириш ёки проституция мақсадида йўлдан оздириш, проституциядан фойдаланиш, фоҳишахоналар сақлаш, шу мақсадда уй ва биноларни ижарага олиш ёки беришни жиноят сифатида таснифлаш мажбуриятини олдилар.

Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш бўйича халқаро конвенция (1929 й.) ҳам диққатга сазовордир. Ушбу салбий ҳодисанинг кенг тарқалиши давлатларни юқорида зикр этилган Конвенцияни қабул қилишга мажбур этди.

Унга мувофиқ, давлатлар пул белгиларини қалбакилаштирадиган, тарқатадиган, бу жараёнда иштирок этадиган шахсларни жиноий таъқиб қилиш мажбуриятини олдилар.

Юқорида қайд этилган кўп тарафлама шартномалар жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатлараро ҳамкорлик қайси йўналишларда ривожланганлиги тўғрисида умумий тасаввур беради. Бу ҳамкорлик БМТ доирасида янада кенгайди ва мазмунли, изчил хусусият касб этди. БМТ Устави ушбу соҳада халқаро ҳамкорлик учун янада мустаҳкамроқ замин яратди.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида БМТ доирасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлардан Геноцид жиноятига барҳам бериш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция (1948 й.), Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (1965 й.) қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ЖК ва ЖПКнинг муайян нормалари, прокуратура, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бошқа қонунлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва маҳкамаларининг қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Жиноятчиларни топшириш масалалари МДҲга аъзо 10 та давлат 1993 йил 22 январда Минскда имзолаган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа бир қанча чет давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки тарафлама шартномалар билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ўртасида ҳуқуқий ёрдам ёки жиноятчиларни топшириш тўғрисида шартнома бўлмаган тақдирда, халқаро ҳамкорлик масалалари халқаро ҳуқуқ тамойилларига асосан ҳал қилинади.

Халқаро ҳуқуқда экстрадиция деганда, халқаро ёки бошқа жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки унга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ижро этиш учун топшириш тушунилади.

Жиноятчини топшириш институтининг замирида “ant dedere aut judicare” тамойили (жиноят содир этган шахс у ушланган мамлакатда ёки жиноят содир этилган мамлакатда ёхуд жиноятдан кўпроқ жабрланган мамлакатда жазога тортилиши лозим) ётади.

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликка мисол келтирамиз. Халқаро ҳуқуқ ва ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг миллий қонунчилиги билан белгиланган жиноятчиларни топшириш ҳуқуқий механизми (тартиби) куйидагиларни назарда тутлади:

- жиноятчиларни топшириш ҳамда топширишни рад этиш асослари;
- жиноятчини топшириш ҳақидаги халқаро талаб (илтимос, топширик)нинг процессуал шакли;
- жиноятчини топшириш сабаб ва асосларини текшириш таомили;
- топширилиши лозим бўлган шахсларни қидириш, ушлаш ва қамокқа олиш асослари ва тартиби;
- шахсни топшириш жараёни;
- топширилган шахсни жиноий таъқиб қилиш.

Жиноятчиларни топшириш ҳуқуқи ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахслар улар бўлиб турган давлат бош адлия органининг рухсатисиз ёки халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари билан белгиланган жиноятчини топшириш таомилига зид равишда бошқа давлатга топширилиши мумкин эмас.

Шаклланган амалиётга кўра, шахсларни топшириш нафақат миллий қонунчиликка ва халқаро шартномаларга мувофиқ, балки халқаро ҳушмуомалалик доирасида ўзаро келишилган шартларда ҳам амалга оширилади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Атом энергиясидан тинч йўлда фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни айтиб беринг.
2. Халқаро процессуал ҳуқуқи тушунчасини айтиб беринг.
3. Халқаро космик ҳуқуқи тушунчасини айтиб беринг.
4. Халқаро иқтисодий ва савдо ҳуқуқи тушунчаси.
5. Халқаро низо тушунчасини айтиб беринг.
6. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик соҳасида давлатлар олдида қандай ҳуқуқий муаммолар бор?
7. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида давлатлар ҳамкорлиги қандай соҳаларда олиб борилади?
8. Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қандай амалга оширилади?
9. Ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг қандай халқаро стандартлари мавжуд?
10. Қайси халқаро ташкилотлар доирасида жиноятчиликка қарши халқаро ҳамкорлик амалга оширилади?
11. Экстрадиция нимани англатади?
12. Интерпол қандай ишларни олиб боради?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун) ва қонунлар мажмуи. -Т., «Адолат», 2002.
2. Международное уголовное право. Блищенко И.П., Канашкарян Р.А., Карпец И.И. и др: отв. ред. В.Н. Кудрявцев. РАН, ИГиП, -М., Наука, 1995.
15. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: О’zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
16. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o’quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
17. Одилқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
18. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
19. Malcolm N.Shaw. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
20. Brownlie Ian, International Public Law. – Oxford, Oxford University Press, 2010.
21. Конвенция о предупреждении терроризма и наказании за него от 16 ноября 1937 года.
22. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини. Тошкент ш., 2000 йил 15 декабрь, 167-II-сон.
23. Конвенция о физической защите ядерного материала и ядерных установок. Вена, Нью-Йорк, 26 октября 1979 года.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзуларининг руйхати

1. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ривожланиш тенденциялари
2. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқ нормаларининг тўтган ўрни.
3. Халқаро одат – халқаро ҳуқуқнинг манбаи сифатида ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида тўтган ўрни
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бирликларининг халқаро муносабатларда иштироки.
5. Индивидлар халқаро ҳуқуқий мақомининг ўзига ҳосликлари.
6. Давлатга ўхшаш халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида
7. Ҳуқуққа хилоф бўлмаган фаолият учун давлатлар жавобгарлиги.
8. Халқаро ва миллий ҳуқуқ ўзаро боғлиқ ҳуқуқий тизимлар сифатида
9. Ҳуқуқни қўллаш жаёнида халқаро шартномалар ва миллий қонунчиликнинг ўзаро муносабати.
10. Халқаро судлов идораларининг ҳуқуқий мақоми
11. Фуқаролик ишлари бўйича судларда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш масалалари.
12. Жиноий ишлар бўйича судларда халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш.
13. Хўжалик судларида халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш.
14. Прокуратура фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари.
15. Солиқ органлари фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари.
16. Ички ишлар органларининг фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари.
17. Божхона органларининг фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари
18. Адвокатура фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари.
19. Нотариат фаолиятида халқаро ҳуқуқ нормалари.
20. Банклар ва бошқа кредит органлари томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш.
21. Халқаро шартноманинг шакли.
22. Консуллик муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми.
23. Савдо ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақоми.
24. Махсус миссиянинг ҳуқуқий мақоми.
25. Ўзбекистон Республикасида халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақоми.
26. Халқаро ноҳуқумат ташкилотларнинг ҳуқуқий мақоми.
27. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича универсал механизмлар.
28. Омбудсман мақомига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи.
29. Чет элликларнинг мақомига оид халқаро ва миллий ҳужжатларнинг нисбати.
30. Халқаро ҳуқуқда қочоқлар мақоми.
31. Халқаро ҳуқуқда бошпана масалалари
32. Халқаро ҳуқуқда шахсий дахлсизлик ҳуқуқи.
33. Одил судловга оид халқаро ҳуқуқ нормалари.
34. Таълим олиш ҳуқуқининг халқаро ва миллий ҳуқуқда тартибга солиш нисбати.

35. Халқаро ва миллий ҳуқуқда яшаш ҳуқуқининг тартибга солиниши.
36. Ижтимоий таъминот масалаларининг халқаро ҳуқуқда тартибга солиниши
37. Халқаро ҳуқуқда айбсизлик презумпциясининг тартибга солиниши.
38. Судлов иштирокчилари хавфсизлигининг халқаро ҳуқуқий асослари.
39. Чет эл инвестицияларининг халқаро ва миллий ҳуқуқда тартибга солиниши.
40. Маданий ёдгорликларнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси.
41. Ўзга мамлакатларда бўлган Ўзбекистон Республкаси фуқароларини химоя қилишнинг ҳуқуқий масалалари.
42. Ҳарбий можаролар даврида фуқаролик аҳолини химоя қилиш муаммолари.
43. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини чеклашниг халқаро ва миллий ҳуқуқда тартибга солиниши.
44. Миллий озчиликнинг халқаро ҳуқуқий мақоми.
45. Ишчи мигрантларнинг халқаро ҳуқуқий мақоми.
46. Ушлаб бериш ҳуқуқий ёрдамнинг тури сифатида.
47. Тинчликни сақлаш бўйича операцияларни амалга оширишнинг халқаро ҳуқуқий асослари.
48. Халқаро гуманитар ҳуқуқда уруш олиб бориш воситаларининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши
49. Индивидларнинг халқаро жиноий жавобгарлиги.
50. Фуқаролик ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам.
51. Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам.
52. Маъмурий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам.
53. Халқаро ҳуқуқда фуқаролик институтининг татирбга солиниши.
54. Реклама фаолиятининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши.
55. Наркобизнесга қарши курашда давлатлар ҳамкорлиги.
56. Терроризмга қарши курашда давлатлар ҳамкорлиги.
57. Чет эл судларининг қарорларини тан олиш масалалари: халқаро ва миллий ҳуқуқий тажриба.
58. Халқаро ҳуқуқда санкция қўллаш муаммолари.
59. Иқтисодий зоналарнинг халқаро ҳуқуқда тартибга солиниши.
60. Давлатларда халқаро судлов органларининг қарорларини бажариш муаммолари.
61. Халқаро жиноят ҳуқуқи нормаларининг миллий ҳуқуқда имплементацияси.
62. Савдо ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалалари.
63. Халқаро жиноят суди юрисдикцияси.
64. Халқаро хавфсизликни тامينлашда БМТ ўрни.
65. Халқаро жиноятларга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асослари.
66. Хаво қатновларининг халқаро ҳуқуқий тартибга солиниши.
67. Халқаро суд юрисдикциясини кенгайтириш масалалари.
68. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида терроризмга қарши кураш муаммолари.
69. Ўзбекистон Республикасининг иккитомонлама ҳамкорлиги.

70. Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ҳамкорлиги.
71. Терроризмга қарши курашда Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқий ташаббуслари.
72. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфизлик Кенгаши қарорларининг юридик табиати.
73. Орол муаммосини халқаро ҳуқуқий асосда ҳал қилиш масалалари.
74. Халқаро ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида нисбат.
75. Халқаро ҳуқуқда кодификация муаммолари.
76. Давлатларнинг универсал халқаро ташкилотларда ваколатхоналарининг ҳуқуқий мақоми.
77. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари.
78. Ҳайвонот оламини халқаро ҳуқуқий муҳофаза этиш масалалари.
79. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни имплементация қилиш масалалари.

Глоссарий

Халқаро ҳуқуқ - давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг миллий қонунчилик доирасидан ташқаридаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи ҳуқуқий принциплар ва нормалар тизимидир.

Халқаро ҳуқуқнинг функциялари - бу ҳуқуқий нормаларнинг фазода, вақт ва субъектлар доирасидаги глобал ҳаракатлари. Дунёнинг исталган нуқтасида турли хил қонунлар бир хил объектларга – шахсларга, жамиятга, давлатга ҳар хил қўлланилади, уларнинг моҳияти ҳамма жойда бир хил. Халқаро ҳуқуқ қуйидаги асосий функцияларни бажаради.

Мувофиқлаштириш функцияси шундан иборатки, давлатлар бир-бири билан муносабатларда ўзларининг хатти-ҳаракатларини тартибга соладилар, сай-ҳаракатларни бирлаштирадилар ва умумий мақсадлар учун ҳамкорликни ривожлантирадилар.

Ижобий функция шундан иборатки, халқаро ҳуқуқ доимий равишда ривожланиб, янги соҳалар, институтлар, халқаро муносабатлар принциплари ва нормаларини яратади. Ички ва давлатлараро муносабатлардаги ўзгаришлар каби халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши бир текис эмас. Халқаро ҳуқуқнинг ижодий функцияси “прогрессив ривожланиш” тоифаси билан ифодаланади, бу ўз-ўзидан субъектив ижтимоий-сиёсий баҳони ифодалайди, чунки фанда тараққиётни тушунишда умумий бирлик йўқ.

Тартибга солиш функцияси давлатлар томонидан халқаро алоқалар иштирокчиларининг манфаатларига ва уларнинг биргаликдаги ҳайоти ва ҳамкорлиги шаклларига таъсир кўрсатадиган барча соҳаларда халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимларнинг ишлаши учун мажбурий шартларни қабул қилишда намоён бўлади.

Ҳимоя функцияси халқаро ҳамжамиятнинг, умуман ҳар бир давлатнинг ҳаётий манфаатларини таъминлашдир. Халқаро ҳуқуқнинг меёрлари ва принциплари давлатларни қатий белгиланган хатти-ҳаракатлар қоидаларига риоя қилишга ундайди, агар улар четга чиққан ёки давлат ўз мажбуриятларини бузган бўлса, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қиладиган ва бузганларни ўз ҳаракатларига жавобгар бўлишга мажбур қиладиган механизмлар ўрнатилган.

Халқаро ҳуқуқ тизими – бу ўзаро боғлиқ бўлган элементларнинг объектив мавжуд бўлган яхлитлигидир: умумэтироф этилган принциплар, халқаро ҳуқуқ нормалари, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, халқаро ташкилотларнинг тавсиявий резолюциялари, халқаро суд органларининг, шунинингдек халқаро ҳуқуқ институтларининг қарорлари. Тизимнинг асосий элементлари халқаро ҳуқуқ соҳалари.

Juscogens – давлатлараро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқ ва тартибнинг асоси сифатида қабул қилинган ва тан олинган. Улар энг юқори юридик кучга эга ва қолган халқаро ҳуқуқ нормалари уларга мос келиши керак. Juscogens меёрларининг тўлиқ рўйхати йўқ, аммо ананавий равишда улар БМТ Низомининг тамойилларини ва 1970 йил 24 октябрдаги Декларацияни БМТ Низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принципларига киритадилар.

Халқаро ҳуқуқнинг кодификацияси бу халқаро ҳуқуқ нормаларининг такомиллаштирилиши, аниқроқ таҳлили ва тизимлаштирилиши бўлиб, унинг принциплари ва нормалари шундан далолат беради:

- 1) аниқ ва равшан;
- 2) ўзгартирилади ва тўлдирилади;
- 3) янгиланади ва ихтисослашади;
- 4) бирлашади ва бирлаштирилади.

Халқаро ҳуқуқнинг имплементация нормалари, ёки уларнинг миллий қонунчиликга имплементацияси уч жиҳатда содир бўлади:

a) қабул қилиш – алоҳида халқаро-ҳуқуқий нормани миллий қонун ҳужжатларига тўғридан-тўғри жалб қилиш;

b) рўйхатдан ўтказиш – тегишли миллий қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқий ҳужжатни киритиш ёки унинг бажарилишини элон қилиш;

v) халқаро ҳуқуқий нормани ижрочилари – юридик ва жисмоний шахслар, давлат органларига тўғридан-тўғри йўналтирилган ички давлат меърий-ҳуқуқий ҳужжати нормасига ўтказиш.

Халқаро ҳуқуқ субъекти - халқаро шартномаларда кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган халқаро муносабатларнинг мустақил иштирокчисидир.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари - давлатлар, шунингдек, мустамлакачиликка қарши озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқлар ва миллатлардир.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳосилавий субъектлари муайян субъектлар томонидан уларга халқаро ҳуқуқ қобилятини берадиган бошланғич субъектлар томонидан яратилган. Улар халқаро ҳуқуқлараро ташкилотлар ёки давлатга ўхшаш ташкилотлар бўлиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда эътироф этиш - бу ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг ёрдамида янги пайдо бўлган давлат ва мавжуд давлатлар ўртасида бир-бири билан тинчликда яшашга ва миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга даъват этилган муносабатлар ҳажми белгиланади (БМТ Низоми, 1-модда, 2-бет). Эътироф этиш натижасида янги давлатлар халқаро ҳуқуқий мақомда ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан муносабатларни эркин ўрнатиш ва ривожлантириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш қобилятига эга бўлдилар.

Defakto (де-факто) тан олиш - бу расмий аммо яқуний эмас, тўлиқ эмас, фақат маълум муносабатлар (масалан савдо, сиёсий ва иқтисодий) билан чекланади. Бундай эътироф этиш орқали тан олган давлат дипломатик алоқаларни ўрнатиш зарур бўлмаган янги ҳуқуқат (давлат)нинг самарадорлиги ва ҳаётийлигига ишончсизликни билдиради.

Тан олиш de jure (де-юре) – бу давлатлар ўртасида кенг қамровли (биринчи навбатда дипломатик ва консуллик) муносабатлар ўрнатишни талаб қиладиган тўлиқ расмий тан олиш; чет элда жойлашган мулк ва қадриятларни тасарруф этиш ҳуқуқининг давлат томонидан тан олиш; унинг иммунитетини тан олинган давлат юрисдикциясидан тан олиш; де-юре томонидан тан олинган орқага қайтиш, яни тан олувчи давлат тан олинган вақтдан олдин

элон қилинган халқаро ҳуқуқ субъекти қонунчилигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

Тан олиш *ad hoc* (маълум бир ҳолат учун) давлатлар ва ҳукуматлар муайян ишни ҳал қилиш учун бир-бири билан алоқа қилишга мажбур бўлганда юзага келади. Шундай қилиб, Вьетнам уруши тугаши билан 1973 йилдаги Париж келишувларига урта Вьетнам ҳукумати Америка Қўшма Штатлари томонидан алоҳида тан олинганидан кейин эришиш мумкин бўлди.

Тан олишнинг мақсадлари (объектлари) давлатлар, ҳукуматлар, миллатнинг мустамлакачилигига қарши курашаётган, урушаётган томонлар бўлган эмигрант ҳукуматлар бўлиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг вориси - бу ҳар қандай ҳудудга нисбатан халқаро ҳуқуқ, мажбурият ва мажбуриятларни бир давлатдан бошқасига ўтказиш. Давлатнинг ворислиги маълум бир ҳудудда суверенитет бошқа давлатнинг суверенитети билан алмаштирилган ҳолларда юзага келади. Ворислик ҳолатларининг тўлиқ рўйхати йўқ, аммо уларнинг энг муҳимлари Шартномалар бўйича давлатларнинг меросхўрлик тўғрисидаги Вена конвенциялари (1978й.), давлат мулкига, давлат архивларига ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг меросхўрлиги тўғрисида (1987й.) билан белгиланади.

Халқаро ҳуқуқ принциплари – халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари учун мажбурий бўлган муҳим принципларидир, улар бошқа принципларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир принципга тенг ва қатъий амал қилиши талаб этилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида халқаро ҳуқуқнинг етита принциплари мавжуд:

- 1) куч ишлатмаслик ёки зўрлик билан таҳдид қилиш;
- 2) халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- 3) ички ишларга аралашмаслик;
- 4) давлатлар ҳамкорлиги;
- 5) тенг ҳуқуқлик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш;
- 6) давлатларнинг суверен тенглиги;
- 7) халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш.

Ушбу тамойилларнинг мазмуни 1970 йилда БМТнинг Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган. Хелсинки Якуний актида (1975) урта бошқа тамойил шакллантирилган:

- 8) давлат чегараларининг дахлсизлиги;
- 9) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- 10) инсон ҳуқуқларига умумий ҳурмат.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи – бу халқаро шартномаларни тузиш, кучга киритиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини белгиловчи халқаро ҳуқуқ нормалари тизими (унинг соҳаси).

Халқаро шартнома – бу халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида ёзма равишда тузилган ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро шартнома бўлиб, бундай битим битта, иккита ёки ундан ортиқ ҳужжатларда мавжуд ёки йўқлигидан қатъий назар, шунингдек унинг ўзига хос номидан

(келишув, битим, конвенция, пакт, протокол ва ҳ.к.). Халқаро шартнома ўз қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, ўзгартиради ёки бекор қилади.

Депозитарий – бу давлат ёки халқаро ташкилот – халқаро кўп томонлама шартнома ва у билан боғлиқ барча ҳужжатларнинг асл матнини сақловчи ҳисобланади. Депозитарий давлатлар томонидан белгиланади: одатда бу давлат шартномани имзолаш амалга ошириладиган давлатдир. БМТ Бош қотиби кўпинча депозитарий этиб бир неча давлатлар тайинланиши мумкин.

Халқаро кафолатлар - бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва вақтинча чоралар бўлиб, давлатлар томонидан тузилган халқаро шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини муқаррар қилади.

Халқаро шартномани шархлаш – ҳуқуқий жараён бўлиб, унинг мақсади шартноманинг асл мазмунини, шунингдек ушбу шартнома тарафларининг ниятларини аниқлашдир.

Халқаро шартномани денонсация қилиш – халқаро шартномани давлат томонидан шартноманинг ўзида назарда тутилган шархлар, тартиб ва муддатларга биноан бу ҳақда огоҳлантириш билан бир томонлама рад этишдир. Шартномада денонсация шартлари ҳам кўзда тутилган. Денонсация қилишнинг ҳуқуқий асоси унинг шартномадаги шартлилиги эмас, балки унинг қўлланилишининг томонларнинг ниятларига мувофиқлиги ҳамдир. Шартномани ратификация қилган орган халқаро шартномани денонсация қилиши мумкин.

Дипломатия – ташқи алоқалар органларининг ташқи сиёсат мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишдаги, шунингдек, чет элда давлат ва унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги расмий фаолиятидир. Бу давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситасидир, унинг ташкил этилиши ва усуллари ушбу дипломатия амалга оширадиган ташқи сиёсатнинг вазифалари билан белгиланади.

Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи – бу ташқи алоқалар давлат органлари ва дипломатик ва консуллик ваколатхоналари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, фаолият тартиби ва шартларини белгиловчи шартномавий ва одатий қоидалар тўплами. Бу халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги соҳаларидан биридир. У давлатлар пайдо бўлгандан кейин пайдо бўлди ва ривожлана бошлади.

Халқаро конференциялар – вақтинча коллектив органлар бўлиб, унда иштирок этувчи давлатларнинг расмий вакиллари ўзаро қизиқиш билдирган барча масалалар бўйича муҳокамалар ўтказадилар ва қарорлар қабул қиладилар. Халқаро конференциялар ҳукуматлараро ёки ноҳукуматлараро бўлиши мумкин. Улар турли номларга эга (конгресслар, йиғилишлар, учрашувлар ва бошқалар), аммо бу уларнинг қарорларининг юридик кучига таъсир қилмайди. Халқаро конференциялар турли даражаларда ўтказилади: давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, комиссарлар; бир, бир неча давлатлар ёки халқаро ташкилотларнинг ташаббуси билан чақирилади. Халқаро конференциялар қатнашчилари, қоида тариқасида, манфаатдор давлатлар вакиллари ҳисобланади.

Халқаро ташкилотлар халқаро - шартнома асосида тузилган икки ёки ундан кўп давлатларнинг доимий бирлашмаларидир. Ушбу бирлашмаларга халқаро ҳамкорликнинг айрим соҳаларида ҳуқуқ ва мажбуриятлар берилади.

Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи - замонавий халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғидир, унинг нормалри тизими халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомини (таркиби, ваколатлари, процедуралари ва қарорлари), шунингдек уларнинг бир-бири ва давлатлар билан ҳамкорлиги шартларини белгилайди.

Халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ) – ҳукуматлараро битимлар асосида тузилмаган ҳар қандай халқаро ташкилотлар. Бундай ташкилотлар бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга: улар меҳнат шартномалари тузиши, кўчмас ва ноқўчмас мулкка эгаллик қилиши, суд ва арбитраж органларида ҳаракат қилиши мумкин. Улардан баъзилари БМТ тизимида маслаҳат мақомига эга.

Фуқаролик (монархияларда – фуқаролик) бу шахснинг ўз давлатига нисбатан ҳуқуқий ҳолати, бунда шахс ўзaro ҳуқуқ ва мажбуриятлари комбинатцияси шаклида барқарор сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларга эга. Бундан ташқари, фуқаролик тоифаси ҳуқуқ институти, субъектив ҳуқуқ ва ҳуқуқий муносабатлар каби учлик элементларини англатади. Давлат ўз фуқароларини давлат томонидан ҳимоя қилади ва уларга ҳомийлик қилади. Ўз навбатида, фуқаролар ўз ватанига садоқат бурчига эгадирлар, уларнинг энг юқори намоён бўлиши ватанни ҳимоя қилиш учун ҳарбий ва хизмат бурчидир.

Оптация (лотинча Optatio дан – мен хоҳлайман) ҳудудий ўзгаришлар натижасида фуқароликни ихтиёрий равишда танлашни англатади.

Трансферт (лотинча Transfero – кўчириш, ўзгартириш) – ҳудудий ўзгаришлар натижасида фуқаролиги автоматик равишда ўзгариши. Вақтни ўтказиш вариантдан олдин бўлиши мумкин.

Давлат ҳудуди – бу ер ости бойликлари, ер, сув ва ҳаво бўшлиғи билан қонуний равишда давлат суверенитети остида бўлган геосферанинг бир қисми. Ҳар қандай ташқи бошқарув остида ноқонуний равишда жойлашган ҳудуд ўз фуқаролигини ўзгартирмайди. Шундай қилиб, хорижий давлатнинг унинг қўшинлари томонидан эгаллаб олинган ҳудудлари босқинчи давлат ҳудудига киритилмаган. Бу сув, ҳаво, қуруқлик, шу жумладан ер ости бойликлари, давлат чегарасидаги барча бўшлиқларга, шунингдек қирғоқ ороллари ва анклавларига тегишли.

Анклав – бу давлатнинг асосий ҳудудидан ажратилган ва ҳар томондан бошқа давлат ҳудуди билан ўралган қисм. Давлатнинг ўз анклавига ёки ярим анклавга кириш ҳуқуқи қўшни давлатлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлат чегараси – бу қўшни давлатлар ҳудудини ажратадиган ҳақиқий ёки ҳаёлий чизиқ. Давлат ҳудудининг учта муҳити қуруқлик, сув ва ҳаво чегараларига тўғри келади. Ер ва сув чегаралари давлатлар ўртасида келишув асосида белгиланади. Денгиз чегаралари – халқаро ҳуқуққа мувофиқ қирғоқбўйи давлатининг қонун ҳужжати билан. Одатда, давлат чегараларини ўрнатиш икки босқичдан иборат: делимитация ва демаркация.

Делимитация – бу чегарани қўшни давлатлар ўртасидаги келишувга биноан аниқлаш ва чегарани делимитация битимида илова қилинган

географик харитада чизиш. Қўшни давлатлар ўртасидаг чегарани аниқ белгилаш, тинчлик, хавфсизлик ва яхши қўшничилик муносабатларининг омилидир.

Демаркация – бу чегараниделимитация ҳужжати ва тегишли чегара белгилари билан белгилаш асосида Давлат чегараси чизигини белгилаш.

Худудни демилитаризация қилиш - бу халқаро-ҳуқуқий режимнинг ўрнатилиши бўлиб, унга биноан ушбу ҳудудда ҳарбий фаолиятнинг барча турлари ва шакллари тақиқланган ёки чекланган, қуролли кучлар ва қурол-яроқларни жойлаштириш, ҳарбий объектлар ва базаларни яратиш, қуролларни жойлаштириш ва сақлаш, ҳарбий машқлар ва маневрлар. Демилитаризация тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Демилитаризация кўлами шартнома билан белгиланади.

Тўлиқ демилитаризация эски эскирганларни йўқ қилиш ва янги ҳарбий истеҳкомлар ва иншоотлар қуришни тақиқлашни ўз ичига олади. Қуролли кучларни (полиция кучларидан ташқари) сақлаш, ҳарбий материалларни ишлаб чиқариш ва олиб кириш, ҳарбий тайёргарлик ва армия сафларига чақириш шунингдек, ҳарбий самолётларнинг демилитаризация қилинган зонадан юқори қисмида ҳаракатланишини тақиқлаш.

Қисман демилитаризация қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади: муайян ҳарбий объектларни йўқ қилиш, янги ҳарбий тузилмалар қуришни тақиқлаш; қуролли кучлар сонини ва айрим турдаги қуролларнинг кучини чеклаш ва бошқалар.

Нейтраллаш – бу халқаро шартномада белгиланган ҳуқуқий режим бўлиб, у маълум бир ҳудудда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни ёки уни операция майдони сифатида ишлатишни тақиқлайди.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи – ҳаво бўшлиғи режимини ўрнатадиган ва ушбу макондан фойдаланиш ва халқаро ҳаво алоқаларини ташкил этишга оид халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ва принциплар тўплами. Бу замонавий халқаро ҳуқуқнинг бир соҳаси ва унинг таркибий қисми.

Халқаро космик ҳуқуқ – бу халқаро ҳуқуқ субъектларининг космик фаолияти билан боғлиқ муносабатларини тартибга солувчи ва космоснинг, шу жумладан ой ва бошқа самовий жисмларнинг ҳуқуқий режимини белгиловчи ҳуқуқий принциплар ва нормаларнинг тўплами. Ташқи макон деганда ернинг ҳаво бўшлиғидан ташқаридаги космос тушунилади, бу “айланишдан чиқарилган нарса”, яъни бирон бир давлат томонидан ўзлаштирилмаслиги керак.

Халқаро хавфсизлик – халқаро тизимнинг икки давлатли давлати бўлиб, унда:

1) ҳар бир давлатнинг миллий хавфсизлиги таъминланади;

2) ҳар қандай тинчлик бузилишларига йўл қўйилмайди ва халқаро ҳуқуқнинг тан олинган тамойилларига риоя қилинади. Халқаро хавфсизликка эришиш халқаро муносабатларнинг муҳим шартидир.

Коллектив хавфсизлик – бу халқаро хавфсизликни таъминлаш мақсадида давлатлар (бутун дунё ёки алоҳида минтақа)нинг биргаликдаги фаолияти тизими.

Нейтралитет как государственная политика, проводимая некоторыми странами, является одним из международно-правовых средств обеспечения международной безопасности. Нейтральным является такое государство, которое заранее раз и навсегда отказалось от участия во всех войнах, кроме случаев самообороны. Политика нейтралитета, первоначально сложившаяся в форме неучастия отдельного государства в войне, приобрела более широкое значение в современных международных отношениях и воплотилась в конкретные обязательства, связанные не только с периодом военных действий, но и с мирными отношениями между государствами. Существуют следующие виды нейтралитета: постоянный, позитивный, традиционный.

Нейтралитет – айрим давлатлар томонидан олиб борилаётган давлат сиёсати сифатида бетарафлик халқаро хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситаларидан биридир. Нейтрал – бу ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолатларидан ташқари барча урушларда иштирок этишни бир маротаба рад этган давлат. Дастлаб яқка тартибдаги давлатнинг урушда иштирок этмаслик шаклида шакллантирилган бетарафлик сиёсати замонавий халқаро муносабатларда янада кенгрок аҳамият касб этди ва нафақат урушлар даври, билки давлатлар ўртасидаги тинчлик муносабатлари билан боғлиқ аниқ мажбуриятларни ўз ичига олди. Бетарафликнинг қуйидаги турлари мавжуд: домий, ижобий, анъанавий.

Доимий бетарафлик – бу суверен давлатнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми бўлиб, унга биноан қуролли мажароларда қатнашмаслик, ҳарбий иттифоқларга (блокларга) қўшилмаслик ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларни қуришга йўл қўймаслик керак. Бундай давлатнинг яхлитлиги ва дахлсизлиги, бир томондан, тегишли давлатнинг қонун ҳужжати билан таъминланади, бошқа томондан, баъзи давлатлар иштирок этадиган халқаро шартнома билан кафолатланиш мумкин.

Ижобий нейтраллик ёки қўшилмайдиган ҳаракат давлатларнинг ҳарбий гуруҳларида иштирок этмасликни англатади. Қўшилмаслик ҳаракати халқаро миқёсда қуйидаги принципларга амал қилади:

Империализм, мустамлакачилик ва неоколониализм, апартеид, ирқчилик, шу жумладан сионизм ва давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун гегемонлик ва экспансионизмга қарши кураш, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро зиддиятни юмшатиш, қуролланиш, айниқса, ядро қуролини тугатиш ва умумий ва тўлиқ қуролсизланиш. Самарали халқаро назорат остида, халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли ва демократик асосда қайта қуриш, янги халқаро маълумотлар учун буюртма.

Қуролли можаро қонуни – бу халқаро ва халқаро бўлмаган қуролли можароларда қўлланиладиган, урушнинг муайян воситалари ва усулларида фойдаланишни тақиқловчи ёки чекловчи, ушбу кураш жараёнида шахснинг ҳуқуқларини таъминлайдиган ва давлатнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлигини ўрнатадиган ҳуқуқий нормалар ва принциплар тизими, уларнинг бузилиши учун жисмоний шахслар жавобгарлиги.

Халқаро қуролли можаро – бу халқаро ҳуқуқий шахсга эга бўлган икки ёки ундан ортиқ томонларнинг қуролли тўқнашуви, бунда қуролли кучлар қатнашадилар:

- а) суверен давлатлар;
- б) миллий озодлик ҳаракати ва она юрт;
- в) қўзғолончи ёки урушаётган томон (шу ном билан тан олинган) ва тегишли давлат

Курашаётган давлатлар халқаро ташкилот ва давлатлар билан алоқага киришлари, улар билан халқаро шартномалар (ҳарбий масалалар бўйича) тузишлари ва улар билан расмий вакиллар алмашишлари мумкин. Қўшимча Протокол I (1997) нафақат давлатлар ўртасидаги урушларга, балки халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишда мустамлака ҳукмронлиги ва хорижий босқинчиликка ва ирқчилик режимларига қарши курашадиган қуролли можароларга ҳам таъсир қилади (1-модда).

Халқаро характерга эга бўлмаган қуролли можаро - бу Қўшимча Протокол I нинг 1-моддасига кирмайдиган қуролли тўқнашув бўлиб, у ҳар қандай давлат ҳудудида ўз қуролли кучлари ва ҳукуматга қарши уюшган қуролли гуруҳлар ўртасида бўлиб, улар масъул қўмондонлик остида ўз ҳудудларнинг бир қисмини назорат қилади, уларга доимий ва келишилган ҳарбий операцияларни амалга ошириш ва Протокол II қоидаларини (Қўшимча Протокол II, 1-модда, 1-бўлим.).

Вазият (халқаро) – бу икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида юзага келадиган кескинлик ҳолати бўлиб, у ҳолат ёки қонун бўйича (масалан, халқаро шартномани шарҳлаш ёки қўллаш) юзага келади.

Тўғридан-тўғри музокаралар – халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг асосий, энг самарали воситаларидир (БМТ Низоми, 33-модда). Тинчлик дегани нима бўлишидан қатъи назар, давлатлар тўғридан-тўғри музокаралар босқичидан ўтолмайдилар, унинг аҳамияти низо тарафлари бир вақтнинг ўзида баҳсли муаммони ҳал қилиш усуллари ва усуллари белгилаб қўйишдир. Музокараларнинг афзаллиги шундан иборатки, баҳсли томонлар бир-бирларининг позитциялари билан танишиш ва ўзаро даволарни бартараф этиш ва ўзаро мақбул ечимга эришиш имкониятига эга.

Музокараларда фикр алмашиш позитциялари ўзаро кўриб чиқиш ва ўзаро манфаатлар руҳида олиб борилиши керак. Музокараларнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- музокаралар давлат, ҳукумат раҳбарлари, шунингдек ваколатли шахсларнинг ёрдами билан олиб борилиши мумкин, энг муҳим халқаро муаммолар муҳокама қилинадиган энг юқори даражадаги музокаралар ҳал қилувчи рол ўйнайди;

- қатнашувчилар сонига кўра музокаралар икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин (масалан, халқаро конференциялар доирасида);

- музокаралар ҳам оғзаки, ҳам ёзма (дипломатик ёзишмалар орқали) олиб борилиши мумкин;

- муҳокама қилинаётган масалаларнинг моҳияти, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, савдо ва бошқа масалалар бўйича музокаралар олиб борилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда музокараларни бошлаш, ўтказиш ва давом этиш тартибини тартибга солувчи қоида йўқ. Бироқ, давлатлар қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:

Музокаралар музокарачиларнинг суверен тенглигини ҳисобга олиган ҳолда олиб борилиши керак, масалан, агар бирон-бир давлат бошқа давлат ҳудудининг бир қисмини эгаллаб олса, музокаралар самарали бўлмайди;

- агар бирон бир давлат бошқа давлатга (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий) босим ўтказса ёки унга ултиматум қўйса, музокаралар олиб борилмайди;

- музокаралар давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, ўзаро манфаатлар ҳисобга олиниши, тинч-тотув ҳаёт тамойилига риоя қилиниши асосида олиб борилиши керак.

Маслаҳатлар иккитомонлама ва кўп томонлама музокаралар турларидан биридир.

Халқаро ярашув жараёни. Халқаро муносабатлар амалиётида ўзаро расмий муносабатларга эга бўлмаган давлатлар ўртасида низолар келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда, низолашаётган томонар учинчи давлатлардан воситачилик ёки яхши хизматлар шаклида ёрдам сўрашади. Баҳсинг тарафи бўлмаган учинчи томон низони шу тарзда ҳал қилишда иштирок этади. Бироқ, яхши хизматлар ва воситачилик ўртасида маълум бир фарқ бор, бу учинчи давлат низосини ҳал қилишда иштирок этиш характери ва унинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ. Яхши хизматлар ва воситачилик фаолияти халқаро тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги конвенция (1907) томонидан тартибга солинади.

Яхши хизматлар қарама-қарши томонлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга қаратилган. Учинчи томон ўз ташаббуси билан ва низонинг бир ёки бир неча томонларнинг илтимосига биноан яхши хизматларни тақдим этиши мумкин. Шу билан бирга, яхши хизматларни таклиф қилиш ҳам уларни рад этиш ҳам номунофиқлик эмас. Яхши хизмат кўрсатувчи провайдер музокаралар жараёнига таъсир кўрсатмаслиги керак.

Воситачилик (mediation) низоларни ҳал қилишда учинчи томоннинг чуқур иштирокини ўз ичига олади. Яхши хизматлар ва воситачилик ўртасидаги фарқ қуйидагича: а) уларнинг келиб чиқиш усулида; б) воситачининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; с) воситачиликнинг пировард мақсади. Воситачилик орқали давлатлар учинчи томон иштирокида ва улар томонидан киритилган таклифлар асосида музокаралар олиб боришмоқда. Воситачи бу ерда музокараларнинг фаол ва бевосита иштирокчиси сифатида ишлайди. Унинг вазифаси қарама-қарши даволарни яраштириш ва низолашаётган давлатлар ўртасида юзага келган бўлса, душманлик туйғусини йўқ қилишдир (Гаага конвенцияси, 4-модда).

Халқаро арбитраж (ҳакамлик суди) – учинчи томон (ҳакам) томонидан амалга ошириладиган низоларни ҳал қилишнинг алоҳида жараёни; унинг қарорлари низо тарафлари учун мажбурийдир.

Халқаро деликт – бу бошқа давлат, унинг органлари ёки фуқаролари томонидан етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини келтириб чиқарувчи ҳуқуқларнинг бузилиши. Халқаро қийноқ объектлари халқаро шартномаларга риоя қилиш, дипломатик ваколатхона ёки унинг ходимларининг дахлсизлиги,

халқаро ҳуқуқ субъектларининг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари бўлиши мумкин. Қийноқ давлатларнинг миллий манфаатларига зид равишда тўқнашув натижасида келиб чиқиши мумкин ва мурасага эришиш орқали бартараф этилиши мумкин.

Халқаро жиноятлар – тинчлик ва халқаро хавфсизликка, давлатлар ёки миллатлар мавжудлигига таҳдид солувчи, шунингдек давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳаётий муносабатларга таҳдид солувчи ўта хавфли халқаро ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатдир. Халқаро жиноятларнинг предмети халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, уруш урф-одатлари ва қонунлари бўлиши мумкин. Халқаро жиноятларга тажовуз уруши, геноцид, ирқчилик ва ирқий камситиш, мустамлакачилик, апартеид, ҳарбий жиноятлар, атмосфера ёки денгизнинг ифлосланиши (экоцид) киради.

Халқаро жиноят ҳуқуқи – умумлаштирувчи ҳуқуқий тушунчадир, кенг камровли юридик категория бўлиб, халқаро оммавий ҳуқуқнинг бир неча тармоқлари нормаларини бирлаштиради ва хусусий ҳуқуқнинг баъзи элементларини ўз ичига олади. Ушбу унсурлар умумий этиборини бирлаштириб, давлатлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган қўшма тадбирларда акс этади.

Санкциялар – бу халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари бузилган тақдирда, бошқа давлатлар томонидан қўлланиладиган давлат таъсирининг коллектив ёки индивидуал чоралари. Санкцияларнинг икки тури маълум: сиёсий ва иқтисодий.

Репрессалии – бу бир давлатнинг бошқа давлатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига жавобан қилган қонуний мажбурлаш ҳаракатидир. Қатъий чораларнинг мақсади бузувчи давлатни ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш, зарарни тузатиш ва келажақда бундай ҳаракатларнинг такрорланишига йўл қўймасликдир. Бироқ, замонавий шароитда, БМТ низомига биноан, жабрланган давлат қуролли куч ёрдамида қатағонларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас: бошқа давлат ҳудудини эгаллаб олиш, блокировка қилиш ёки бомбалаш.

Давлатларнинг жавобгарлиги эмбарго, зарарни қоплаш ва реституция бўлиши мумкин.

Эмбарго – бу мамлакатдан маълум товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишни, илмий ва техникавий маълумотларни узатишни, савдо-иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини тақиқлаш (ёки чеклаш). У иқтисодий ва молиявий босим, мажбурлаш воситаси сифатида ишлатилади. Хозирги кунда эмбарго Хавфсизлик Кенгашининг қарорлари билан халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи давлатга қарши амалга оширилади.

Репарация – тажавузкор давлатнинг тажавузидан зарар кўрган давлатга етказилган зарар учун жавобгарлик шаклларида биридир. Репарация талаби биринчи марта 1919 йилдаги Версал тинчлик шартномасида тасдиқланган бўлиб, унга биноан Германия ва унинг иттифоқчилари иттифоқчи давлатлар ушбу кучлар Германия билан уруш олиб борган даврда етказган зарарлар ва зарарлар ўрнини қоплашлари шарт эди.

Реституция – бу жабрланувчи давлатга қайтарилганида ифодаланган жавобгарлик шаклларида бири, урушаётган давлат томонидан ноқонуний олиб қўйилган ва душман томонидан босиб олинган худуддан олиб қўйилган мулк, турли буюмлар, қимматбаҳо буюмлар.

Ирқчилик – ирқ, ранг, насл, миллий ёки этник келиб чиқишни тан олишга асосланган ҳар қандай фарқ, истисно, чеклаш ёки афзал кўриш. Ирқий камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (1966) ирқчилик ғояларини тарқатиш, ирқий камситишга ундовчи барча учун қатъий жазо бериш мажбуриятини юклайди, шунингдек, ирқий камситишни тарғиб қилувчи ва кўзғатувчи барча ташкилотларни тақиқлайди (4-модда). Ирқий камситишни йўқ қилиш ва инсоннинг асосий сиёсий, фуқаролик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари соҳасида тенг ҳуқуқларни таъминлаш (5-модда).

Апартеид (ажратиш, яқкалаш) – бу ирқий ажратиш, камситиш ва зулм, этник гуруҳларга нисбатан олиб бориладиган сиёсатдир. БМТ Бош Ассамблеяси Апартеид жиноятларига қарши кураш ва жазолаш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди (1973), 1-модда, бу апартеиднинг инсониятга қарши жиноят эканлигини такидлайди. Конвенциянинг 4-моддасида давлатлар қуйидагиларга мажбурдир: апартеид жиноятини олдини олиш учун зарур бўлган қонуний чораларни кўриш; апартеид жиноятини содир этганларни жавобгарликка тортиш, жазолаш учун қонуний суд ва маъмурий чораларни кўриш.

Геноцид – бу ҳар қандай миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман йўқ қилиш мақсадида қилинган ҳаракатлар. Геноцид жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенцияда (1948) геноцид қуйидаги шаклларда амалга оширилганлиги таъкидланган:

а) ирқий, миллий, этник ёки диний сабабларга кўра аҳоли гуруҳларини жисмоний йўқ қилиш;

б) бутун аҳолини ёки унинг алоҳида гуруҳларини йўқ қилиш учун жамиятга ижтимоий-иқтисодий таъсир ўтказиш;

в) бундай гуруҳлар муҳитида бола туғилишини тўхтатиш учун биологик таъсирлар ўтказиш;

д) халқлар ва этник гуруҳлар ҳаётининг маданий ва маънавий асосларининг барбод қилиниши.

Геноцид – бу давлат ҳокимиятини амалга оширадиган ёки унинг таъсирини аниқлайдиган бир гуруҳ шахслар томонидан қасддан содир этилган халқаро жиноят. Бундай жиноят бепарволик туфайли содир этилиши мумкин эмас. Геноцидда ёмон ниятни ўз ичига олади. Жиноят объекти аҳолининг алоҳида миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳи ҳисобланади. Геноцид субъекти фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Геноцид уруш пайтида ҳам, тинчлик даврида ҳам содир бўлиши мумкин. Ушбу жиноятда айбдор бўлганлар давлат арбоби, мансабдор шахс ёки оддий шахс бўлишидан қатъий назар жазоланадилар. Уларни ўз худудида содир этган давлат суди ёки Конвенция тарафлари томонидан таъсис этилиши мумкин бўлган халқаро суд кўриб чиқиши керак. Давлатлар геноцид жиноятида айбланган шахсларни топшириш ва бу жиноятни сиёсий деб ҳисобламаслик мажбуриятини олдилар.

Геноцидда айбдор бўлган шахслар бошпана олиш ҳуқуқида эга эмаслар. Халқаро характердаги жиноятлар халқаро жиноятлардан ажралиб туриши керак.

Терроризм – сиёсий жиноятнинг ўта хавфли туридир. Терроризм давлат жинояти сифатида давлатлар чегараларини кесиб ўтиб, халқаро тусдаги жиноятларга айланди. Бу давлатлар ўртасидаги нормал муносабатларга путур етказди, тинч-тотув яшашнинг асосларини, халқаро тинчлик ва халқлар хавфсизлигини бузади. Бу сиёсий нафратнинг тубдан намоён бўлиши, ўта шафқатсизлик ва қўрқоқлик, инсоннинг ўз хоҳиш-истакларини (одатда худбинлик) ҳар қандай усул билан (сиёсий шантаж, гаровга олиш, портлашлар) қондириш учун рад этишдир. Бу БМТнинг мақсадлари ва тамойилларига бепарво муносабатда бўлиб, халқаро тинчлик ва хавфсизликка, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг пойдеворига таҳдид солади. Халқаро ҳамкорликка тўсқинлик қилади ва инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва жамиятнинг демократик асосларининг йўқ қилинишига олиб келади. Сиёсий мақсадлар учун кенг омма, шахслар, гуруҳлар ёки шахслар ўртасида террорчилик муҳитини яратишга қаратилган ёки режалаштирилган жиноятлар, сиёсий, фалсафий, мафкуравий, ирқий, этник, диний ёки ҳар қандай қарашлардан қатъий назар, ҳеч қандай шароитда оқланмайди.

Сепаратизм – бу давлатнинг худудий яхлитлигини бузишга, шу билан худуднинг бир қисмини ундан ажратиб олишга ёки давлатнинг куч билан парчаланишига қаратилган ҳаракат, шунингдек бундай ҳаракатни режалаштириш ва тайёрлаш, унга ёрдам бериш.

Экстремизм – бу ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаш ёки ҳокимиятни зўрлик билан ушлаб туриш, давлатнинг конституцион тузумини ўзгартириш, шунингдек жамоат хавфсизлигига тажовуз қилиш, шу жумладан ноқонуний қуролли гуруҳларни ташкил этиш ёки унда иштирок этишга қаратилган ҳаракат.

Халқаро ҳуқуқнинг предмети – давлатлараро муносабатлар (давлатлар ўртасида, давлатлар ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, давлатлар ва давлатга ўхшаш ташкилотлар ўртасида, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасида) нодавлат характеридаги халқаро муносабатлар (турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасида).

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти – халқаро ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш учун ҳуқуқий имкониятга эга бўлган ва бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахслар.

Давлатларнинг ворислиги – бу халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари ва муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир давлатдан – халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳолатига ўтиб, бошқасига ўтиши.

Халқаро ҳуқуқ нормалари – одатда давлатлар ёки бошқа субъектларнинг фаолияти ва муносабатлари учун мажбурий бўлган қоидалардир.

Нормаларнинг хусусиятлари: яратиш тартиби, бирлаштириш шакли, бажарилишини таъминлаш.

Халқаро ҳуқуқнинг яратилиши – давлатлар иродасини (позитциясини) уйғунлаштириш жараёни. Босқич: 1) ўзини тутиш қоидаларининг мазмуни тўғрисида келишув; 2) давлатлар ўзини тутиш қоидаларини мажбурий деб этироф этиш билан боғлиқ бўлган ироданинг ўзаро боғлиқлиги.

Халқаро ҳуқуқнинг кодификацияси – бу амалдаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни расмий тизимлаштириш ва ички келишилган йирик ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг мажмуаларини яратиш мақсадида тартибга солиш предметига мувофиқ янги нормаларни ишлаб чиқишдир.

Халқаро ҳуқуқнинг манбалари - бу давлат томонидан келишилган қарорларни амалга ошириш жараёнида қонунларни ишлаб чиқариш жараёнида ўрнатган шакллар, халқаро ҳуқуқ нормаларининг мавжуд шакллари.

Халқаро шартнома – давлатлар ўртасида ёзма тасдиқланадиган халқаро шартнома бўлиб, бундай битим битта ҳужжатда ёки бир нечта тегишли ҳужжатларда мавжуд бўлганидан қатъи назар, шунингдек уларнинг аниқ номидан қатъи назар.

Халқаро урф-одатлар - қонун устиворлиги сифатида тан олинган универсал амалиётнинг далилидир (Халқаро суднинг статuti).

Амалга ошириш – халқаро ҳуқуқ нормаларининг хулқ-атвори, давлатлар ва бошқа субъектлар фаолияти, шу билан тартибга солувчи талабларнинг амалда бажарилиши.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш механизми – халқаро ва миллий даражадаги халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан ушбу нормаларни амалга ошириш учун фойдаланадиган, тартибга солувчи ва институтчионал (ташкилий-ҳуқуқий) воситалар тўплами.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – халқаро ҳуқуқ талабларига риоя қилишни таъминлаш ва бузилган ҳуқуқ ва муносабатларни тиклашнинг зарур ҳуқуқий воситасидир.

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик – бу халқаро ҳуқуқ субъектининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектига етказилган зарарни бартараф этиш мажбурияти ёки қонуний ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплаш мажбурияти, агар бу шартномада назарда тутилган бўлса.

Халқаро ҳукуматлараро конференциялар – иштирокчи давлатларнинг вақтинча коллектив органлари бўлиб, улар келишилган вазифаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш учун йиғилади, процедура қоидаларида белгиланган муайян ташкилий тузилишга ваколатларга эга.

Халқаро ташкилотлар қонуни – бу давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилотлар ва бирлашмаларнинг мақомини, уларнинг субъект таркиби, органларнинг тузилиши, ваколатлари ва тартиблари, уларнинг ҳужжатларининг юридик кучини тартибга солувчи қонун ҳужжатларнинг тўпламидир.

Халқаро ташкилотларнинг ички қонунлари – ҳар бир ташкилотда ички бошқарув механизмини, мансабдор шахслар ва ташкилотнинг бошқа ходимлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар тўпламидир.

Коллектив хавфсизлик – бу халқаро низом ва хавфсизликни таъминлаш, тажовузларнинг олдини олиш ёки олдини олиш мақсадида БМТ Низомида белгиланган давлатлар томонидан амалга ошириладиган қўшма ҳаракатлар тизими.

Тинчликка таҳдид ва тажовузкорликнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича коллектив чора-тадбирлар бир гуруҳ давлатлар ёки халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва тиклаш ҳуқуқига эга бўлган минтақавий ва универсал ташкилотлар томонидан қуролсиз ёки қуролли характерга эга ҳаракатлардир.

Ишончни мустаҳкамлаш чоралари – ўзаро тушунишга эришиш, кутилмаган ҳужум ёки руҳсатсиз тўқнашувнинг олдини олиш ва қуролсизланиш жараёнини таъминлаш мақсадида ахборот ва назорат чораларини ўрнатиш орқали давлатларнинг ҳарбий фаолиятини тартибга солувчи қоидалар тўпламидир.

Қуролли можаро қонуни – бу ҳарбий ҳаракатлар даврида давлатлар ва парламентнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи, уруш воситаларини тақиқлаш ёки чеклаш, қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилиш мақсадида унинг усулларини инсонпарварлик билан таъминлашни таъминловчи тамойиллар ва нормалар тўплами.

Уруш ҳолатини тўхтатиш – бу урушнинг тугаши ва ҳарбий ҳаракатларнинг тўхташи билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий, ҳудудий ва бошқа муаммоларнинг якуний ҳал этилиши.

Давлат ҳудуди – бу давлат олий ҳокимиятини (суверенитетни) амалга оширадиган макон.

Халқаро ҳудуд – бу халқаро режим мавжуд бўлиб у ҳеч қандай давлатнинг суверенитетига татбиқ этилмайди ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ барча давлатлар фойдаланиш учун очиқдир.

Давлатнинг сув бўшлиғи – бу ички сувлар (қирғоқлари шу давлатга тегишли бўлган сув хавзалари), чегара дарёлари ва қўлларнинг давлатга тегишли қисмлари, ички денгиз сувлари ва ҳудудий денгиз (кенглиги 12 денгиз милигача бўлган денгиз бўйи).

Давлатнинг ҳаво бўшлиғи – давлатнинг қуруқлик ва сув ҳудудлари устида жойлашган ҳаво бўшлиғининг бир қисми.

Давлат чегараси – бу давлат ҳудудининг чегараларини белгилайдиган чизик ва вертикал сиртдир.

Делимитация – чегарани кесиб ўтишнинг умумий йўналишини белгилаш уни харитада чизиш.

Демаркация – чегара чизиғини жойларда белгилаш.

Международные реки – это реки, протекающие по территории двух и более государств и используемые в согласованных целях. (Конвенция о режиме судоходства на Дунае 1948)

Халқаро дарёлар – бу икки ёки ундан ортиқ давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган ва келишилган мақсадларда фойдаланиладиган дарёлар. (1948 йил Дунайдаги навигация режими тўғрисидаги конвенция)

Халқаро каналлар – денгиз ва океанларни боғлайдиган ва халқаро ташишда ишлатиладиган гидротехник иншоотлар. (Сувайш, Панама, Кильск)

Денгиз халқаро ҳуқуқи – бу денгиз майдонларининг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган ва уларни тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш муносабати билан давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи қоидалар тўплами.

Ички денгиз суви – бу қирғоқ чизиғи ва ер ости денгизининг кенглиги ўлчанадиган пойдеворлар ўртасида жойлашган сув хавзаси.

Ички денгиз сувларининг ҳуқуқий режими - бу ички сувлар ва портларга кириш ва чиқиш қоидаларининг тўпламидир.

Худудий денгиз – бу давлатларнинг қуруқликлари ва ички сувларига туташган ва қирғоқбўйи давлатларнинг суверенитети остидаги денгиз камаридир.

Соҳилга яқин ҳудудлар – бу денгиз соҳилига яқин бўлган денгиз соҳилининг бир қисми, унда қирғоқ тегишли бўлган давлат қонунида белгиланган соҳаларда назоратни амалга ошириши мумкин.

Халқаро бўғозлар – денгиз қисмларини боғлайдиган ва халқаро юк ташиш учун ишлатиладиган бўғозлар.

Истисновий иқтисодий зона – бу чегарадош худудий денгиздан ташқарида ва унга туташган, кенглиги 200 денгиз милидан ошмайдиган денгиз худуди бўлиб у ер ости денгизининг кенглиги ўлчанадиган пойдевордан ўлчанади.

Қитъа шельфи – бу қуруқлик худудининг табиий чегараси бўйлаб материкнинг сув ости чегарасининг ташқи чегарасигача чўзилган, унинг худудий денгизидан ташқарида чўзилган денгиз ости ва денгиз зоналари.

Очиқ денгиз – бу бирон бир давлатнинг худудий денгизи ёки ички сувлари, архипелаги, давлатнинг архипелагик сувлари таркибига кирмайдиган денгизнинг барча қисмлари.

Денгиз туби (минтақа) - миллий юрисдикция чегараларидан ташқаридаги денгизлар ва океанларнинг туби ва унинг ости қатламидир.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи - давлатларининг ҳаво бўшлиғидан фойдаланиш, ҳаво алоқаларини ташкил этиш, тижорат фаолияти ва фуқаро авиациясининг хавфсизлигини тартибга солувчи қоидалар тўпламидир.

Халқаро космик ҳуқуқ – бу космик фазони ўрганиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган давлатлар, шунингдек халқаро ташкилотлар субъектлари бўлган космик ва самовий жисмлар режимини ўрнатувчи ва муносабатларни тартибга солувчи нормалар тўплами

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ - давлатлар ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи тамойиллар ва нормалар тўпламидир.

Антарктика – бу жанубий кенгликнинг 60-параллел қисмидан жанубда жойлашган ҳудуд, шу жумладан Антарктика қитаси сув ва музликлардан иборат.

Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Xalqaro huquq. Mualliflar jamoasi. Darslik. –Т.: ТДЮУ, 2018
2. Xalqaro shartnomalar huquqi. Mualliflar jamoasi. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ, 2020
3. Лукашук И.Л. Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарий асослари. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006.
4. Lukashuk I., Saidov A. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari – Т.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyat nashriyoti, 2007. – 392 b.
5. Лукашук И. Международное право: Учебник: Общая часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
6. Лукашук И. Международное право: Учебник: Особенная часть. 3-е изд. - М.: Волтерс Клувер 2010
7. Адилкариев Х.Т., Очиллов Б.Э., Рахманов А.Р. Международное публичное право: Учебник / Отв. Ред. д.ю.н. Х.Т. Адилкариев. – Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИГППЧ, 2003.
8. Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи: Дарслик. – Т.: ЖИДУ Пресс, 2002.
9. Ochilov B.E., Odilqoriev X.T. Xalqaro ommaviy huquq: Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. – Т.: Адолат, 2007.
10. Shaw M. International law. Seventh Edition. – Cambridge, Cambridge University Press, 2014.
11. Brownlie Ian, International Public Law. -Oxford, Oxford University Press, 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. Гассер Х.П. Международное гуманитарное право. – М., 1995.
2. Дмитриева Г.К. Мораль и международное право. – М., 1991.
3. Каламкарян Р.А. Принцип добросовестности в современном международном праве. – М., 1991.
4. Ковалева Т. М. Правотворчество межгосударственных организаций. – Калининград, 1999.
5. Лукашук И.И. Международное право. Общая часть. – М., 1997.
6. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть. – М., 1998.
7. Лукашук И.И. Нормы международного права в международной нормативной системе. – М., 1998.
8. Лукашук И.И., Наумов А.В. Выдача обвиняемых и осужденных в международном уголовном праве: Учеб.-практ. пособие. – М., 1998.
9. Маргиев В.И. Внутреннее право международных организаций. – Владикавказ, 1995.
10. Международное право / Отв. ред. Г.И. Тункин. – М., 1994.
11. Муминов А. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ЖИДУ, 2014
12. Насиновский В.Е. Вооруженные конфликты: поиск решений. – М., 1996.

13. Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – М., Дело, 1999.
14. Панов В.П. Сотрудничество государств в борьбе с международными уголовными преступлениями. – М., 1993.
15. Панов В.П. Международное уголовное право. – М., 1999.
16. Право Европейского Союза: Правовое регулирование торгового оборота. // Под ред. В.В. Безбаха, А.Я. Капустина и В.К. Пучинского. – М., “Зерцало”, 1999.
17. Рафикова М., Ачилов А. “Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”. Ўқув-услубий кўлланма. -Т. 2016
18. Топорнин Б.Н. Европейские сообщества: право и институты. – М., 1992.
19. Топорнин Б.Н. Европейское право. – М., 2001.
20. Тузмухамедов Р.А. Право национальных меньшинств. – Уфа, 1996.
21. Ульянова Н.Н. Общие многосторонние договоры в современных международных отношениях: некоторые вопросы теории. – Киев, 1991.
1. Умарахунов И.М. Международная договорно-правовая практика Республики Узбекистан. – Т.: Академия, 2003.
2. Ушаков Н.А. Юрисдикционные иммунитеты государств и их собственности. – М., 1993.
3. Хакимов Р.Т. Международно-правовые вопросы признания и правопреемства Республики Узбекистан. – Ташкент, 1996.
4. Фадеева Т.М. Европейский Союз: федералистические концепции европейского строительства. – М.: ИНИОН, 1996.
5. Хакимов Р.Т. Узбекистан и Организация Объединенных Наций. – Т., 2005.
6. Хартли Т.К. Основы права Европейского сообщества – М.; – Будапешт, 1998.
7. Черниченко С.В. Международное право: современные теоретические проблемы. – М., 1993.
8. Энтин Л.М. Европейское право. – М.: “Норма – Инфра-М”, 2000.
9. Действующее международное право в 3-х томах / Сост. Ю.М. Колосов, Э.С. Кривчикова. – М.: МНИМО, 1999.
10. Международное право в документах: Учеб. пособие / Сост. Н.Т. Блатова и Г.М. Мелков. – М.: Инфра-М, 1997.
11. Международное сотрудничество в борьбе с преступностью: Сб. документов / Сост. П.Н. Бирюков и В.А. Панюшкин. – Воронеж, 1997.
12. Организация Объединенных наций. Сборник документов. – М., 1993.
13. Сборник документов СНГ. – Минск, 1992.
14. Словарь международного права. – М., 1996.
15. Шрепpler X.A. Международные организации: Справочник. – М., 1998.
16. Bowett D.W. Law of International Institutions. 5th ed. – London: Sweet & Maxwell, 2001.
17. International Criminal Law and Procedure. – Dartmouth, 1996.

18. International Criminal Law / Ed. M.Ch. Bassiouni. Vol. I: Crimes; Vol. II.: Procedure. – New York, 1985.
19. Picket J. The Principles of International Humanitarian Law. – Geneva, 1997.
20. The New Humanitarian Law of Armed Conflict. – Naples, 1993.
21. Sunga L. The Emerging System of International Criminal Law. – The Hague, 1997.
22. Farley L.T. Change processes in International Organizations. – конецформыначалоформыCambridge: Center for International Affairs, Harvard University, 1992.
23. Taylor P., A. J. R. Groom. International institutions at work. – London: Pinter Publishers Ltd., 1988.

МУНДАРИЖА

1-мавзу. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, предмети ва тизими	5
1.1. Халқаро ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари	5
1.2. Халқаро ҳуқуқ тизими. Халқаро ҳуқуқ тармоқлари ва институтлари. Халқаро ҳуқуқ мақсадлари	8
2-мавзу. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг вужудга келиши, асосий принциплари	12
2.1. Халқаро ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг асосий босқичлари	12
2.2. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тушунчаси	15
3-мавзу. Халқаро ҳуқуқ субъектлари. Халқаро ҳуқуқда тан олиш ҳуқуқи	23
3.1. Халқаро ҳуқуқ субъектлари тушунчаси ва уларнинг турлари	23
3.2. Давлат халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти сифатида	25
3.3. Озодлик учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқларнинг халқаро-ҳуқуқий субъектлиги	27
3.4. Халқаро ҳуқуқматлараро ташкилотларнинг ҳуқуқий субъектлиги	29
3.5. Халқаро ҳуқуқда давлат типига тузилмалар	30
3.6. Халқаро ҳуқуқда тан олиш тушунчаси	31
3.7. Тан олишнинг турлари ва усуллари	33
4-мавзу. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд ва аҳоли	37
4.1. Халқаро ҳуқуқда ҳудуд: тушунчаси, тартибга солиш объектлари, турлари. Демилитаризация ва нейтрализация қилинган ҳудудлар	37
4.2. Давлат ҳудуди: тушунчаси ва турлари. Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги	41
4.3. Давлат чегаралари: таърифи, турлари, белгилаш, ўзгартириш ва қўриқлаш тартиби	43
4.4. Халқаро дарёлар. Дунайда кема қатнови тартиби тўғрисидаги 1948 йил 18 август Конвенцияси	46
4.5. Аҳоли ҳолатини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш	49
4.6. Фуқароликнинг халқаро ҳуқуқий масалалари	49
4.7. Чет элликлар учун белгиланган режим	58
4.8. Бошпана бериш ҳуқуқи	64
5-мавзу. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик ва жавобгарлик	69
5.1. Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик тушунчаси	69
5.2. Халқаро шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги	71
5.3. Давлат мулкига нисбатан ҳуқуқий ворислик	73
5.4. Давлат архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик	74
5.5. Давлат қарзлари борасида ҳуқуқий ворислик	75

5.6. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва халқаро-ҳуқуқий асослари	76
5.7. Давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги турлари ва шакллари	79
5.8. Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги	82
5.9. Жисмоний шахсларнинг халқаро жиной жавобгарлиги	83
6-мавзу. Халқаро шартномалар ҳуқуқи	86
6.1. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси, унинг кодификацияси ва манбалари	86
6.2. Халқаро шартнома тушунчаси, объекти ва мақсадлари	88
6.3. Халқаро шартноманинг томонлари	89
6.4. Халқаро шартномаларнинг таснифи	89
6.5. Халқаро шартномаларнинг шакли, тузилиши ва номланиши. Шартноманинг тили	90
6.6. Халқаро шартномани тузиш	91
7-мавзу. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, БМТ ва ихтисослашган ташкилотлар	98
7.1. Халқаро ташкилотларнинг яратилиш тарихи	98
7.2. Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи	100
7.3. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ субъектчилиги, функциялари	101
7.4. Халқаро ташкилот органлари, улар томонидан қарорлар қабул қилиниши	105
7.5. Халқаро ташкилотларнинг турлари ва органлари	108
8-мавзу. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи	136
8.1. Ташқи алоқалар ҳуқуқи: тушунчаси, институтлари, манба ва субъектлари	136
8.2. Давлатларнинг ташқи алоқа органлари	139
8.3. Дипломатик ваколатхоналар. Дипломатик имтиёз ва иммунитетлар. Дипломатик корпус	140
8.4. Консуллик муассасалари: тушунчаси, турлари, таркиби. Консуллар даражалари. Иммунитет ва имтиёзлар	143
9-мавзу. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ	147
9.1. «Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ» тушунчаси ва мазмуни	147
9.2. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	149
9.3. Инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши халқаро кураш	153
10-мавзу. Халқаро денгиз ва ҳаво ҳуқуқи	160
10.1. Очиқ денгизнинг халқаро-ҳуқуқий режими	160
10.2. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши	162
10.3. Халқаро парвозлар ва ҳаво макони режими. Халқаро ҳаво маконида парвоз этиш қоидалари	169
10.4. Ҳаво кемаси ва экипажининг ҳуқуқий ҳолати	172
10.5. Халқаро авиация ташкилотлари	173

10.6. Фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашиб актларига қарши кураш	176
11-мавзу. Халқаро божхона ҳуқуқи	181
11.1. Жаҳон савдо ташкилоти доирасида божхона муносабатларининг тартибга солиниши	181
11.2. Жаҳон божхона ташкилоти	191
11.3. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)	196
11.4. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти	197
11.5. Бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик	199
12-мавзу. Терроризмга қарши кураш ва қуролсизланишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари	202
12.1. «Терроризм» атамасининг тушунчаси	202
12.2. Терроризмнинг замонавий кўринишлари	205
12.3. Қуролсизланиш, қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш	209
12.4. Халқаро ҳуқуқ, ва ядро қуролини чеклаш. Конвенциялар	211
12.5. Бактериологик ва кимёвий қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги конвенциялар	212
13-мавзу. Халқаро жиноят ҳуқуқи	217
13.1 “Халқаро жиноят ҳуқуқи” тушунчаси, унинг вужудга келиши, тамойиллари ва манбалари. Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро органлар	217
13.2 Халқаро жиноятлар: субъект ва объектлари. “Халқаро жиноятлар” тушунчаси ва унинг турлари	220
13.3 Халқаро аҳамиятга молик жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг турлари ва шакллари	223
Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзуларининг рўйхати	227
Глоссарий	230
Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати	245

Божхона институти

Д.Мусаев Д.Саттаров А.Муминов



ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2020

